### Mustaqil ta'limni tashkil etishning shakl va mazmuni

“Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati” fani bo'yicha talabalarning mustaqil ta'limi o'quv jarayonining bevosita tarkibiy qismi bo'lib, uslubiy va axborot resurslari bilan to'la ta'minlangan.

Talabalar auditoriya mashg'ulotlarida o'zbek adabiy tilining qonun qoidalarini bilan tanishadilar, mavzuga doir eng muhim ma'lumot, bilim va tushunchalarni olishadi. Auditoriyadan tashqarida esa talabalar darslarga tayyorlanishadi, tavsiya etilgan asosiy adabiyotlarni konspektlashtiradi, uyda ishlash uchun berilgan materiallarni o'zlashtirishadi. Bundan tashqari, berilgan ayrim mavzularni chuqurroq o'zlashtirish uchun qo'shimcha adabiy manbalar, badiiy va ilmiy adabiyotlardan foydalanishadi, referatlar, talabalar ilmiy anjumanida chiqish qilish uchun ma'ruzalar tayyorlashadi. Mustaqil ta'lim natijalari reyting tizimi asosida baholanadi.

Uyga vazifalarni bajarish, qo'shimcha adabiyotlardan yangi bilimlarni mustaqil o'rganish, kerakli ma'lumotlarni izlash, ularni topish, internet tarmoqlaridan foydalanib ma'lumotlar to'plash va ilmiy izlanishlar olib borish, ilmiy to'garaklar yoki mustaqil ravishda ilmiy manbalardan foydalanib, maqola va ma'ruzalar tayyorlash kabi faoliyat talabalarning darslardan olgan bilimlarini chuqurlashtiradi, ularning ilmiy fikrlash va ijodiy qobiliyatini rivojlantiradi.

O'tilgan materiallarning o'zlashtirilishi, konspektlar, uy vazifalarini tekshirish va baholash mashg'ulot olib boruvchi o'qituvchi tomonidan har bir dars davomida olib borilsa, referatlar jadval asosida himoya qilinadi.

“Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati” fanidan mustaqil ish majmuasi semestr davomida o'tiladigan materiallarni qamrab oluvchi quyidagi o'n ikki mavzuga bo'lib berildi:

<b>T.r.</b>	<b>Mustaqil ta'lim mavzulari</b>	<b>Topshiriqlar</b>	<b>Bajarish muddati</b>	<b>Belgilangan soat</b>
<b>IV semestr</b>				
1.	Kirish. "Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati" fanining maqsad va vazifalari. Bu fanning huquqiy asoslari.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	1-hafta	1
2.	Nutq madaniyati va notiqlik san'ati tarixi.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	2-hafta	2
3.	Adabiy til, shevalar va nutq madaniyati.	Adabiyotlardan konspekt qilish, topshiriqlarni bajarish.	3-hafta	2
4.	Nutq madaniyatida tasviriy vositalar va til boyliklari o'rni.	Adabiyotlardan konspekt qilish, topshiriqlarni bajarish.	4-hafta	2
5.	Nutq madaniyati, adabiy me'yor, nutq madaniyatining asosiy tamoyillari.	Adabiyotlardan konspekt qilish, topshiriqlarni bajarish.	5-hafta	2
6.	Nutq madaniyati va adabiy-badiiy manbalar.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	6-8-haftalar	2
7.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida odob-axloq va til odobi.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	9-10-haftalar	2
8.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. A.Yugnakiyning "Hibatul-haqoyiq" asarida axloq-odob va tilga munosabat.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	11-12-haftalar	2
9.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Kaykovusning "Qobusnoma" asarida nutq madaniyati.	Adabiyotlardan konspekt qilish, topshiriqlarni bajarish.	13-14-haftalar	2
10.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Alishyer Navoiyning "Mahbub ul-qulub" asarida odob, axloq va nutq madaniyati.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	15-hafta	2
11.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Abdulla	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual	16-hafta	2

	Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida odob, axloq va nutq madaniyati.	topshiriqlarni bajarish.		
12.	Vaqtli matbuot va nutq madaniyati. Radio, televideniye, gazeta va jurnallarda og‘zaki va yozma nutq qoidalariga rioya qilinishi.	Adabiyotlardan konspekt qilish. Individual topshiriqlarni bajarish.	17-18-haftalar	2
<b>Jami:</b>				<b>23</b>

### **Dasturning informatsion-uslubiy ta’minoti**

“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fanini o‘qitish jarayonida ta’limning zamonaviy metodlari, pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash nazarda tutilgan. Ma’ruza va seminar mashg‘ulotlarida BBB, “Qanday”, aqliy hujum, guruhli fikrlash, kichik guruhlar musobaqalari, Venn diagrammasi, klaster usuli, baliq skeleti, “Nima uchun” chizmalari va boshqalardan foydalaniladi.

#### **“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fanidan talabalar bilimni reyting tizimi asosida baholash mezonlari**

“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fani bo‘yicha reyting jadvallari, nazorat turi, shakli soni hamda har bir nazoratga ajratilgan maksimal ball, shuningdek joriy va yakuniy nazoratlarning saralash ballari haqidagi ma’lumotlar birinchi mashg‘ulotda talabalarga yetkaziladi.

Fan bo‘yicha talabalarning bilim saviyasi va o‘zlashtirish darajasining Davlat ta’lim standartlariga muvofiqligini ta’minlash uchun quyidagi nazorat turlari o‘tkaziladi:

- **joriy nazorat (JN)** – talabalarning fan mavzulari bo‘yicha bilim va amaliy ko‘nikmalari darajasini aniqlash va baholash usuli. Joriy nazorat amaliy mashg‘ulot davomida og‘zaki so‘rov, suhbat, nazorat ishi, uy vazifalarini tekshirish, test o‘tkazish va boshqa shu kabi shakllarda o‘tkaziladi.

- **oralik nazorat (ON)** – semestr davomida o‘quv dasturining bir necha mavzularini o‘z ichiga olgan tegishli bo‘limi tugallangandan keyin o‘tkaziladigan nazariy bilim va amaliy ko‘nikmalarining darajasini aniqlash va baholash usuli. Mazkur fandan ON bir marta yozma tarzda o‘tkaziladi.

- **yakuniy nazorat (YN)** – semestr yakunida fan bo‘yicha nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalarining talabalar tomonidan o‘zlashtirish darajasini baholash usuli. Yakuniy nazorat asosan tayanch tushuncha va iboralarga asoslangan **“Yozma-og‘zaki”** sinov tarzida o‘tkaziladi. Shunda talabalarning ham og‘zaki, ham yozma nutqlari sinovdan o‘tkaziladi. Bundan tashqari, yil yakuni bo‘yicha talabalar YDA sinovidan ham o‘tadilar.

Talabaning bilim saviyasi, ko‘nikma va malakalarini nazorat qilishning reyting tizimi asosida uning “O‘qituvchining nutq madaniyati” fani bo‘yicha o‘zlashtirish darajasi ballar orqali ifodalanadi. Talabaning semestr davomidagi

o‘zlashtirish ko‘rsatkichi **100** ballik tizimda baholanadi. Bu ball baholash turlari bo‘yicha quyidagicha taqsimlanadi: **JN – 35 ball, ON – 35, YN – 30 ball.**

<b>Ball</b>	<b>Baho</b>	<b>Talabalarning bilim darajasi</b>
<b>86-100</b>	<b>A‘lo</b>	Xulosa va qaror qabul qilish. Ijodiy fikrlay olish. Mustaqil mushihada yurita olish. Olgan bilimlarini amalda qo‘llay olish. Mohiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo‘lish.
<b>71-85</b>	<b>Yaxshi</b>	Mustaqil mushohada yurita olish. Olgan bilimlarini amalda qo‘llay olish. Mohiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo‘lish.
<b>55-70</b>	<b>Qoniqarli</b>	Mohiyatini tushuntirish. Bilish, aytib berish. Tasavvurga ega bo‘lish.
<b>0-54</b>	<b>Qoniqarsiz</b>	Aniq tasavvurga ega bo‘lmaslik. Bilmaslik.

### **Nazoratlar davomida quyidagilarga rioya etiladi:**

- fan bo‘yicha saralash bali 55 bali tashkil etadi. Talabani saralash balidan past bo‘lgan o‘zlashtirishi reyting daftarchasiga qayd etilmaydi;
- talabalarning “Maktabgacha ta‘limda nutq madaniyati” fanidan mustaqil ishi joriy va yakuniy nazoratlar jarayonida tegishli topshiriqlarni bajarishi va unga ajratilgan ballardan kelib chiqqan holda baholanadi;
- fan bo‘yicha JN va ONlarga ajratilgan umumiy balning 55 foizi saralash bali hisoblanib, undan kam ball to‘plagan talaba YNga kiritilmaydi.
- JNlar va ON bo‘yicha 55 va undan yuqori ball to‘plagan talabalar fanni o‘zlashtirgan hisoblanadi va fan bo‘yicha YNga kirmasliklariga ruxsat etiladi;
- ON va YN kalendar tematik rejaga muvofiq dekanat tomonidan tuzilgan reyting nazorat jadvallari asosida o‘tkaziladi. YN semestrning oxirgi 2 haftasi mobaynida o‘tkaziladi;
- JN va ONlarda saralash balidan kam ball to‘plagan va uzrli sabablarga ko‘ra nazoratlarda qatnasha olmagan talabaga qayta topshirish uchun navbatdagi shu nazorat turigacha, so‘nggi JN va ON uchun esa YNgacha bo‘lgan muddat beriladi;
- talabani semestrda JN, ON turlari bo‘yicha to‘plagan ballari ushbu nazorat turlari umumiy balining 55 foizidan kam bo‘lsa yoki semestr davomida JN, ON va YN turlari bo‘yicha to‘plagan ballari yig‘indisi 55 balidan kam bo‘lsa, talaba akademik qarzdor deb hisoblanadi;
- talaba nazorat natijalaridan norozi bo‘lsa, fan bo‘yicha nazorat turi natijalari e‘lon qilingan vaqtdan boshlab bir kun mobaynida fakultet dekaniga ariza bilan murojaat etishi mumkin. Bunday holda fakultet dekanining taqdimnomasiga ko‘ra rektor buyrug‘i bilan uch a‘zodan kam bo‘lmagan tarkibda apellatsiya komissiyasi tashkil etiladi;
- apellatsiya komissiyasi talabalarning arizalarini ko‘rib chiqib, shu kunning o‘zida xulosasini bildiradi;

- baholashning o‘rnatilgan talablar asosida belgilangan muddatlarda o‘tkazilishi hamda rasmiylashtirilishi fakultet dekani, kafedra mudiri, o‘quv-uslubiy boshqarma hamda ichki nazorat va monitoring bo‘limi tomonidan nazorat qilinadi.

### **Talabalar ONdan to‘playdigan ballar mezon**

T.r.	Ko‘rsatkichlar	JN ballari	
		Maksimal	1-JN
1.	Darslarga qatnashganlik darajasi. Ma’ruza darslaridagi faolligi, konspekt daftarlarining yuritilishi va holati.	<b>15</b>	<b>15</b>
2.	Talabalarning mustaqil ta’lim topshiriqlarining o‘z vaqtida va sifatli bajarilishi, o‘zlashtirish .	<b>10</b>	<b>10</b>
3.	Yozma nazorat ishi, og‘zaki savol-javoblaryoki test savollariga berilgan javoblar natijalari bo‘yicha.	<b>10</b>	<b>10</b>
<b>Jami ON ballari</b>		<b>35</b>	<b>35</b>

### **Talabalar JNdan to‘playdigan ballar mezon**

T.r.	Ko‘rsatkichlar	JN ballari		
		Maksimal	1-JN	2-JN
1.	Darslarga qatnashganlik va o‘zlashtirish darajasi. Amaliy mashg‘ulotlardagi faolligi, amaliy mashg‘ulot daftarlarining yuritilishi va holati.	<b>15</b>	<b>0-7</b>	<b>0-8</b>
2.	Mustaqil ta’lim topshiriqlarining o‘z vaqtida va sifatli bajarilishi. Mavzular bo‘yicha uy vazifalarining bajarilishi va o‘zlashtirish darajasi.	<b>10</b>	<b>0-5</b>	<b>0-5</b>
3.	Yozma nazorat ishi, og‘zaki savol-javoblar yoki test savollariga berilgan javoblar.	<b>10</b>	<b>0-5</b>	<b>0-5</b>
Jami JN ballari		<b>35</b>	<b>17</b>	<b>18</b>

### **Yakuniy nazoratda “Yozma-og‘zaki” tarzda o‘tkaziladigan sinov bo‘yicha baholash mezon**

YN “Yozma-og‘zaki” shaklda belgilanib, 30 ballik tizimda baholash tarzida o‘tkaziladi. Yakuniy nazoratda “Yozma-og‘zaki” shaklida amalga oshirilganda, sinov ko‘p variantli usulda amalga oshiriladi. Har bir variantda 6 ta topshiriq bo‘lib, ulardan biri mustaqil ishga doir, qolgan 5 tasi talabaniing ixtisoslik matnini o‘zbek tiliga tarjima qilishi, matbuot xabarini o‘quv tiliga tarjima qilishi, diktant yozishi, berilgan matn parchasini o‘qib aytib berishi va variantda berilgan mavzuda matn tuzishi belgilab qo‘yiladi.

Har bir topshiriq 0-5 ball oralig‘ida baholanadi. YNda talaba maksimal 30 ball to‘plashi mumkin.

Varietda berilgan topshiriqlarning har biri uchun qo'yilgan o'zlashtirish ballari qo'shib, yig'indi YN bo'yicha talabaning o'zlashtirish bali hisoblanadi.

### **I. Asosiy adabiyotlar:**

1. Karimov I.A. O'zbekiston: milliy istiqloq, iqtisod, siyosat, mafkura. T. 1. – T.: O'zbekiston, 1996.
2. Karimov I.A. Yangicha fikrlash va ishlash – davr talabi. T.5. – T.: O'zbekiston, 1997.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. . – T.: O'zbekiston, 2008.
4. Abdumajidov G'. "O'zbekiston Respublikasining davlat tili haqida"gi qonunga sharhlar. . – T.: Adolat, 2004.
5. Begmatov E. Notiqning nodir boyligi. – T.: Fan, 1990.
6. Bekmirzayev N. Notqliksan'atiasoslari. – T.: Yangihayot, 2008.
7. Valiyeva M. Nutq madaniyatini shakllantirish o'zlikni anglashdir. «Til va adabiyot ta'limi» jurnali, 1999, 3-son.
8. Jalilov X. Notqlik san'ati. – T.: Fan, 1990.
9. Karimov S.A., Mahmatmurodov Sh.M., Karimova O.N. Nutq madaniyatidavlat tilida ish yuritish. – T.: O'zbekiston, 2003.
10. Oripov K., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994.
11. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. O'quv qo'llanma. – Samarqand: SamDU nashri, 2003.
12. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2004.
13. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.
14. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. – T.: Fan, 1992.
15. Husanov N. Nutq madaniyati fanidan ma'ruza matnlari. – T.: TMI, 2001.

### **II. Qo'shimcha adabiyotlar:**

1. Al-Buxoriy . Al-Jomias-cahah. Hadislar. 1-4 jildlar. – T.: Qomus, 1992.
2. Alisher Navoiy. "Mahbubulqulub". – T.: Fan, 1987.
3. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – T.: Sharq, 1994.
4. Alpomish. – T.: Sharq, 2004.
5. Baxtiyor Omon. Siyosiy yetakchining notqlik mahorati. – T.: O'zbekiston, 2000.
6. Behbudiy. Tanlangan asarlar. – T.: Ma'naviyat, 2000.
7. Bobur. Boburnoma. – T.: Cho'lpon, 1998.
8. Boboyev H., Hasanov S. Avesto – ma'naviyatimiz sarchashmasi. – T.: Adolat, 2001.
9. Boltayev M. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi va imlosi. – T.: O'qituvchi, 2003. Internetdagi manzili: [www.samdu.uz/filis/web/index.htm](http://www.samdu.uz/filis/web/index.htm)
10. Kaykovus. Qobusnoma. – T.: O'qituvchi, 1986.
11. Mallayev N.M. O'zbek adabiyoti tarixi. T.1. – T.: O'qituvchi, 1976.
12. Ma'naviyat yulduzlari. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999.
13. Mirtojdiyev M., Mahmudov N. Til va madaniyat. – T.: O'zbekiston, 1992.
14. Mirzo Ulug'bek. To'rt ulus tarixi. – T.: Cho'lpon, 1996.

15. Saidov A., Ko'chimov Sh. Qonun va til. –T .: Iqtisodiyot va huquq dunyosi, 1997.
16. Temur tuzuklari. – T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1994.
17. Shoabdurahmonov Sh.va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.
18. O'zbek tilining imlo lug'ati. – T.: O'qituvchi, 2000.
19. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 tomli. – T.: O'zME, 2006-2008.
20. Qur'oni Karim. – T.: Cho'lpon, 1993.

**“Tasdiqlayman”  
Fakultet dekani**

2019-yil \_\_\_\_\_

**SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI** Filologiya fakulteti o'zbek tili va adabiyoti kafedrası  
o'qituvchisi f.f.n.T. Jo'rayevning“Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati” fanidan  
2019-2020-o'quv yili uchun  
**KALENDAR ISH REJASI**

<b>№</b>	<b>O'tiladigan mavzu</b>	<b>Soat</b>	<b>O'tk a. sanasi</b>	<b>Ijro belgisi</b>	<b>Izo h</b>
	<b>Ma'ruza:</b>				
<b>1.</b>	Kirish. “O'qituvchining nutq madaniyati” fanining maqsad va vazifalari. Bu fanning huquqiy asoslari.	<b>2</b>			
<b>2.</b>	Nutq madaniyati va notiqlik san'ati tarixi.	<b>4</b>			
<b>3.</b>	Adabiy til va vazifaviy uslublarAdabiy til, shevalar va nutq madaniyati.	<b>4</b>			
<b>4</b>	Nutq madaniyati va adabiy me'yor, nutq madaniyatiningasosiytamoyillari.Nutqning asosiy xususiyatlari	<b>4</b>			
<b>5.</b>	Tilning ifoda-tasvir vositalari va tarbiyachi nutqi madaniyati	<b>4</b>			
<b>6.</b>	Tarbiyachi nutqining o'ziga xos xususiyatlari	<b>2</b>			
	Jami	<b>20</b>			
	<b>Amaliy:</b>				
<b>1.</b>	“Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati” fanining maqsad va vazifalari, fanning huquqiy asoslari.	<b>2</b>			
<b>2.</b>	Nutq madaniyati, adabiy me'yor, nutq madaniyatining asosiy tamoyillari.Matnlar	<b>4</b>			

	tahlili.Mashqlar.				
3.	Nutq madaniyati va adabiy-badiiy manbalar.Matnlar tahlili.Mashqlar.	2			
4.	Nutq madaniyatida tasviriy vositalar va til boyliklari o‘rni.Matnlar tahlili.Mashqlar.	4			
5.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar.Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida odob-axloq va til odobi.	2			
6.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar. A.Yugnakiyning “Hibatul-haqoyiq” asarida axloq-odob va tilga munosabat.	2			
7.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar.Kaykovusning “Qobusnoma” asarida nutq madaniyati.	2			
8.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar. Alishyer Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida odob, axloq va nutq madaniyati.	2			
9.	Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar. Abdulla Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida odob, axloq va nutq madaniyati.	2			
10.	Vaqtli matbuot va nutq madaniyati. Matnlar tahlili.Mashqlar.Radio, televidenie, gazeta va jurnallarda og‘zaki va yozma nutq qoidalariga rioya qilinishi.	2			
		24			
	Jami:	44			

**“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fani bo‘yicha talabalar bilimni baholash tartibi va jadvali**

**“Qoniqarsiz”: 0,00 – 54,0**

**“Qoniqarli”: 55,0–70,0“Yaxshi”:**71,0 - 85,0

**“A’lo”:** 86,0 – 100

**JB** uchun maksimal ball – **35,0 JB – 1** marta o‘tkaziladi

**OB** uchun maksimal ball – **35,0 OB – 1** marta yozma-og‘zaki tarzida

**YB** uchun maksimal ball – **30,0 YB –** yozma-og‘zaki tarzida o‘tkaziladi

**“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” FANIDAN TALABALAR  
BILIMINIJORIY BAHOLASH  
MEZONLARI**

T.r	Jami	1-JB	1-JB	Baholanadigan ish turi
1.	15	8	7	Darsga nazariy tayyorgarlik bilan kelishi va darsda faol ishtirok etishi. Umumiy topshiriqlar va yakka tartibdagi uy vazifalarini bajarib kelishi. Amaliy mashg'ulotdagi chiqishi, muhokamada qatnashishi, yangi fikr ayta olishi, xulosa qila bilishi.
2.	8	4	4	Nazorat ishi: mavzular bo'yicha yozma ish.
3.	7	-	7	Mustaqil ta'lim: berilgan mavzu bo'yicha referat yozish va uni himoya qilish.
4.	5	3	2	Ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarning konspekti, uyga berilgan vazifalarning bajarilishi va daftardagi qaydlar.
5.	35	15	20	Barcha topshiriqlar bajarilgandan so'ng.

**Eslatma:** Seminar va amaliy mashg'ulotlar hamda berilgan topshiriqlarning yozma bayoni uchun alohida daftar tutiladi. Daftarda topshiriqlarning to'g'ri, sifatli va muddatida bajarilishi, talabning vazifaga ijodiy yondashishi, tushuntirib bera olishi hisobga olinadi.

**“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” FANIDAN TALABALAR  
BILIMINI ORALIQ VA YAKUNIY BAHOLASH  
MEZONLARI**

	Ball		Talabning bilim, ko'nikma, fikrlash darajasi
	OB	YB	
1.	35	30	Talaba fanning mohiyati va turmushdagi o'rnini, o'tilgan materialni chuqur tushunadi, savolga aniq va to'liq javob beradi, faktlarga to'g'ri baho bera oladi, mustaqil fikrlay oladi, xulosalarni asoslay olish qobiliyatiga ega, javobda mantiqiy ketma-ketlikka amal qiladi, masalani hal qilishga ijodiy yondasha oladi, amaliy topshiriqlarni to'g'ri va o'ziga xos usullarda hal qila oladi, to'g'ri xulosa chiqaradi.
			Yutug'i
2.	32	28	Talaba o'tilgan materialni chuqur tushunadi, savolga to'liq javob beradi. Faktlarga to'g'ri baho bera oladi, mustaqil
			Kamchiligi
			Lekin ayrim noaniqliklarga yo'l qo'yadi.

			fikrlash va xulosalarni asoslay olish qobiliyatiga ega, javobda mantiqiy ketma-ketlikka amal qiladi, masalani hal qilishga umuman ijodiy yondasha oladi, amaliy topshiriqlarni to'g'ri hal qiladi.	
3.	29	26	Talaba o'tilgan materialni va uning mohiyatini ancha chuqur tushunadi, savollarga to'liq javob beradi. Faktlarga to'g'ri baho bera oladi, mustaqil fikrlash va xulosalarni asoslay olish qobiliyatiga ega, javobda mantiqiy ketma-ketlikka amal qiladi, masalani hal qilishga umuman ijodiy yondasha oladi, amaliy topshiriqlarni to'g'ri hal qiladi.	Lekin umumiy xarakterdagi ayrim xatoliklarga yo'l qo'yadi, xulosalarida noaniqliklar uchraydi.
4.	26	24	Talaba o'tilgan materialni va uning mohiyatini ancha chuqur tushunadi, savollarga to'liq javob beradi. Faktlarga to'g'ri baho bera oladi, mustaqil fikrlash va xulosalarni asoslay olish qobiliyatiga ega, javobda mantiqiy ketma-ketlikka amal qiladi, masalani hal qilishga umuman ijodiy yondasha oladi, amaliy topshiriqlarni to'g'ri hal qiladi.	Lekin ayrim noaniqliklarga yo'l qo'yadi, ba'zi xulosalarni to'liq asoslab berolmaydi, xulosalarida noaniqliklar uchraydi.
5.	23	22	Talaba o'tilgan materialni va uning turmushdagi ahamiyatini yaxshi tushunadi, savollarga to'liq javob beradi, umuman mustaqil fikrlay oladi, masalani hal qilishga ancha ijodiy yondashadi.	Lekin ba'zi umumiy xarakterdagi xatoliklarga yo'l qo'yadi. Faktlarga baho berishda biroz qiynaladi, ayrim xulosalarni asoslab bera olmaydi. Amaliy topshiriqlarni hal qilishda ayrim umumiy xarakterdagi xatoliklarga yo'l qo'yadi, xulosalarida noaniqliklar uchraydi.
6.	20	20	Talaba o'tilgan materialni va uning mohiyatini umuman tushunadi, savollarga ancha aniq va to'liq javob beradi.	Lekin ayrim xatoliklarga yo'l qo'yadi, ayrim faktlarni shunchaki yodlab olganligi sezilib turadi, ayrim xulosalarni to'g'ri asoslab berolmaydi, masalani hal qilishga

				ijodiy yondashish sezilmaydi, amaliy topshiriqlarni hal qilishda ayrim xatoliklarga yo‘l qo‘yadi, xulosalarida noaniqliklar uchraydi.
7.	18	18	Talaba o‘tilgan materialni umuman biladi. Savollarga aniq va to‘liq javob berishga harakat qiladi.	Lekin ayrim jiddiy xatoliklarga yo‘l qo‘yadi, qator faktlarni shunchaki yodlaganligi seziladi, xulosalarni asoslashda qiynaladi, ijodiy yondashish sezilmaydi, amaliy topshiriqlarni umuman hal qiladi, ba’zi jiddiy xatoliklarga yo‘l qo‘yadi.
8.	16	16	Talaba o‘tilgan materialni umuman biladi, aniq javob berishga harakat qiladi.	Lekin javobda jiddiy kamchiliklar bor, mulohaza yuritishda xatoliklarga yo‘l qo‘yadi, faktlarni asosan shunchaki yodlagani seziladi, ayrim xulosalarni asoslab bera olmaydi va masalani hal qilishga ijodiy yondasha olmaydi, amaliy topshiriqlarni qiynalib bo‘lsa-da, hal qiladi, lekin jiddiy kamchiliklarga yo‘l qo‘yadi.
9.	12-14	12-14	Talaba o‘tilgan materialni qisman biladi.	Javobda jiddiy kamchiliklarga yo‘l qo‘yadi, faktlarni baholab bera olmaydi, xulosalarni asoslashda qiynaladi, masalani hal qilishga ijodiy yondasha olmaydi, amaliy topshiriqlarni hal qilishda qiynaladi yoki hal qila olmaydi.
10	8-9	8-9	Talaba o‘tilgan material haqida uzuq-yuluq tasavvurga ega.	Material yaxshi o‘zlashtirilmagan, bilgan narsasini ham faqat yodlaganligi sezilib turadi, faktlarga baho bera olmaydi, amaliy topshiriqlarni deyarli hal qila olmaydi.
11	4-6	4-6	Talaba o‘tilgan material haqida juda kam tasavvurga ega.	Ayrim faktlar uzuq-yuluq bo‘lishi mumkin, amaliy topshiriqlarni hal qila olmaydi, jiddiy, qo‘pol xatoliklarga yo‘l qo‘yadi.
12	0-3	0-3	-	Talaba material bo‘yicha deyarli hech narsa bilmaydi, juda kam tasavvurga ega yoki umuman tasavvurga ega emas.

**“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fanidan tavsiya etiladigan  
mustaqil ishlar mavzulari:**

1. Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida nutq odobi.
2. Ahmad Yugnakiyning “Hibatul haqoyoq” asarida nutq odobi.
3. Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida nutq odobi.
4. Alisher Navoiyning “Hayratul abror” asarida nutq odobi.
5. Alisher Navoiyning “Muhokamatul lug‘atayn” asarida til go‘zalligi masalasi.
6. Kaykovusning “Qobusnoma” asarida nutq odobi.
7. Imom Ismoil Buxoriy to‘plagan hadislarda nutq odobi.
8. Abdulla Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida nutq odobi.
9. Abdulla Qodiriyning “O‘tgan kunlar” asarida nutq odobi.
10. Abdulla Qodiriyning “Mehrobdan chayon” asarida nutq odobi.
11. Abdulla Qodiriy hikoya va qissalarida nutq odobi.
12. Abdulhamid Cho‘lponning “Kecha va kunduz” asarida nutq odobi.
13. Oybekning “Navoiy” asarida nutq odobi.
14. Abdulla Qahhorning “Sarob” asarida nutq odobi.
15. Abdulla Qahhor hikoyalarida nutq odobi.
16. Odil Yoqubovning “Ulug‘bek xazinasini” asarida nutq odobi.
17. Odil Yoqubovning “Ko‘hna dunyo” asarida nutq odobi.
18. Odil Yoqubovning “Adolat manzili” asarida nutq odobi.
19. Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” asarida nutq odobi.
20. Pirimqul Qodirovning “Humoyun va Akbar” asarida nutq odobi.
21. Pirimqul Qodirovning “Ona lochin vidosi” asarida nutq odobi.
22. N. Karimovning “Cho‘lpon” asarida nutq odobi.
23. Asqad Muxtorning “Chinor” asarida nutq odobi.
24. O‘tkir Hoshimovning “Nur borki soya bor” asarida nutq odobi.
25. O‘tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi” asarida nutq odobi.
26. O‘tkir Hoshimovning “Tushda kechgan umrlar” asarida nutq odobi.
27. O‘tkir Hoshimovning “Dunyoning ishlari” asarida nutq odobi.
28. Tog‘ay Murod qissalarida nutq odobi.
29. Tog‘ay Murodning “Otamdan qolgan dalalar” asarida nutq odobi.
30. Tog‘ay Murodning “Bu dunyoda o‘lib bo‘lmaydi” asarida nutq odobi.
31. Tog‘ay Murodning qissalarida nutq odobi.
32. Murod Muhammad Do‘stning “Lolazor” asarida nutq odobi.
33. Xayriddin Sultonovning “Boburiynoma” asarida nutq odobi.
34. Bo‘riboy Ahmedovning “Amir Temur” asarida nutq odobi.
35. Shukur Xolmirzayevning “Olabo‘ji” asarida nutq odobi.
36. Shukur Xolmirzayev qissalarida nutq odobi.
37. Shukur Xolmirzayev hikoyalarida nutq odobi.
38. Said Ahmadning “Ufq” asarida nutq odobi.
39. Said Ahmad hikoyalarida nutq odobi.
40. Tohir Malikning “Shaytanat” asarida nutq odobi.
41. G‘afur G‘ulom qissalarida nutq odobi.

42. Gʻafur Gʻulom hikoyalarida nutq odobi.
43. Erkin Vohidov asarlarida nutq odobi.
44. Abdulla Oropov asarlarida nutq odobi.
45. Nutq madaniyati va uning boshqa fanlar bilan aloqasi.
46. Nutq madaniyati va notiqlik sanʼati.
47. Nutq madaniyati, notiqlik sanʼati va ularning qadimgi Gʻarbdagi taraqqiyoti.
48. Nutq madaniyati, notiqlik sanʼati va ularning qadimgi Sharqdagi taraqqiyoti.
49. Nutq madaniyati taraqqiyotida orta umumtaʼlim maktablarining oʻrni.
50. Nutq madaniyati taraqqiyotida akademik litseylarning oʻrni.
51. Nutq madaniyati taraqqiyotida kasb-hunar kollejlarning oʻrni.
52. Oʻzbek tilshunosligida nutq madaniyatining oʻrganilish tarixi.
53. Nutq madaniyatini egallashda oila, bogʻcha, mahalla – jamoyat taʼsiri.
54. “Nutq madaniyati” fanini oʻqitishning dolzarb masalalari.
55. Nutq madaniyatini egallashda radio, televideniye, vaqtli matbuotning oʻrni.
56. Nutq madaniyati va badiiy asar.
57. Nutq madaniyatini egallashda unga salbiy taʼsir etuvchi omillar.
58. Nutq madaniyatini egallashda boshqa fanlar va ustozlar namunasining oʻrni.
59. Nutq madaniyati va adabiy meʼyor.
60. Adabiy til, mahalliy shevalar va nutq madaniyati.
61. Nutq madaniyatini taʼlimdan tashqari oʻrganish masalalari.
62. “Nutq madaniyati” fanini oʻrganish boʻyicha tuzilgan dasturlar, darsliklar, oʻquv va uslubiy qoʻllanmalar.

### **“Maktabgacha taʼlimda nutq madaniyati” fanidan yoziladigan mustaqil ishlarning taxminiy rejasi**

**Mavzu : Yusuf Xos Hojibning “Qutadgʻu bilig” asarida nutq odobi.**

Reja:

- I. Kirish. Nutq odobi haqida. “Oʻqituvchining nutq madaniyati” fani haqida.
- II. Asosiy qism.
1. Yusuf Xos Hojibning “Qutadgʻu bilig” asari haqida.
2. “Qutadgʻu bilig” asari mazmunining qisqacha bayoni.
3. Asarda qoʻllangan sintaktik figuralar, troplar, arxaizmlar, istorizmlar, vulgarizmlar, varvarizmlar, shevaga xos soʻzlar.
- III. Xulosa. “Qutadgʻu bilig” asarining badiiy, tarixiy, tarbiyaviy ahamiyati.
- IV. Foydalanilgan adabiyotlar.

**Mavzu : Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida nutq odobi.**

Reja:

- I. Kirish. Nutq odobi haqida. “Oʻqituvchining nutq madaniyati” fani haqida.

## II. Asosiy qism.

1. Alisher Navoiyning hayoti va ijodi haqida.
  2. Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asari haqida.
  3. “Mahbub ul-qulub” asari mazmunining qisqacha bayoni.
  4. Asarda qo‘llangan sintaktik figuralar, troplar, arxaizmlar, istorizmlar, vulgarizmlar, varvarizmlar, shevaga xos so‘zlar.
- III. Xulosa. “Mahbub ul-qulub” asarining badiiy, tarixiy, tarbiyaviy ahamiyati.
- IV. Foydalanilgan adabiyotlar.

Mavzu : **Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” asarida nutq odobi.**

### Reja:

I. Kirish. Nutq odobi haqida. “qituvchining nutq madaniyati” fani haqida.

### II. Asosiy qism.

1. Pirimqul Qodirovning hayoti va ijodi haqida.
  2. Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” asari haqida.
  3. “Yulduzli tunlar” asari mazmunining qisqacha bayoni.
  4. Asarda qo‘llangan sintaktik figuralar, troplar, arxaizmlar, istorizmlar, vulgarizmlar, varvarizmlar, shevaga xos so‘zlar.
- III. Xulosa. “Yulduzli tunlar” asarining badiiy, tarixiy, tarbiyaviy ahamiyati.
- IV. Foydalanilgan adabiyotlar.

## **“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fanidan nazorat savollari**

1. Til va uning aloqa vositasi sifatidagi xizmati.
2. Til va uning jamiyatda tutgan o‘rni.
3. Til va nutq, ularning umumiy va farqli jihatlari.
4. Til va jamiyat, ularning taraqqiyoti.
5. Til, nutq va madaniyat, ularning uzviy aloqasi.
6. Jamiyat taraqqiyotining til va madaniyat taraqqiyoti bilan bog‘liqligi.
7. Jamiyat, tarix, til va adabiyot taraqqiyoti.
8. Madaniyat va nutq odobi.
9. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining maqsad va vazifalari.
10. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining boshqa fanlar bilan aloqasi.
11. “O‘qituvchining nutq madaniyati”ning fonetika bilan aloqasi.
12. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining leksikologiya bilan aloqasi.
13. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining frazeologiya bilan aloqasi.
14. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining orfoepiya bilan aloqasi.
15. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining orfografiya bilan aloqasi.
16. “O‘qituvchining nutq madaniyati” tabiiy fanlar bilan aloqasi.
17. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining tarix, etika, estetika fanlari bilan aloqasi.
18. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining falsafa, mantiq bilan aloqasi.

19. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining pedagogika, psixologiya fanlari bilan aloqasi.
20. “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining sintaksis va uslubshunoslik bilan aloqasi.
21. O‘zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” va nutq madaniyati.
22. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonuni va nutq madaniyati.
23. Nutq madaniyati va ifodali o‘qish.
24. Og‘zaki ijrochilik va notiqlik san’ati.
25. Askiyachilik, qiziqchilik, latifago‘ylik va nutq madaniyati.
26. Ifodali o‘qishning nutq shakllanishi va taraqqiyotida tutgan o‘rni.
27. Qadimgi G‘arbda notiqlik san’atining paydo bo‘lishi.
28. Nutq madaniyati va xalq shevalari.
29. Xalq shevalari, milliy til va adabiy til.
30. Adabiy til doirasida shevalarning noo‘rin qo‘llanish hollari.
31. Adabiy til doirasida boshqa tilga oid so‘zlarning noo‘rin qo‘llanish hollari.
32. Nutqiy faoliyat: so‘zlash, mutolaa, eshitish.
33. Nutq, uning og‘zaki va yozma shakllari.
34. Nutq madaniyatining fonetik, leksik me‘yorlar bilan aloqadorligi.
35. Nutq madaniyatining grammatik, orfografik me‘yorlar bilan aloqadorligi.
36. Nutq madaniyatining orfoepik me‘yorlar bilan aloqadorligi.
37. Nutq madaniyatining uslubiy me‘yorlar bilan aloqadorligi.
38. Nutq madaniyati va nutq uslublari.
39. Nutq madaniyati va so‘zlashuv uslubi.
40. Nutq madaniyati va rasmiy uslub.
41. Nutq madaniyati va ommabop uslub.
42. Nutq madaniyati va ilmiy uslub.
43. Nutq madaniyati va badiiy uslub.
44. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: takror, antiteza.
45. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: ritorik so‘roq, ritorik undov.
46. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: metafora, metonimiya.
47. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: sinekdoxa, sifatlash.
48. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: o‘xshatish, kinoya.
49. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: mubolag‘a.
50. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: kichraytirish.
51. Nutq madaniyati va sintaktik figuralar: jonlantirish.
52. Nutqda tarixiy va arxaik so‘zlardan o‘rinli foydalanish.
53. Nutqda yangi paydo bo‘lgan so‘zlardan o‘rinli foydalanish.
54. Nutq madaniyati yuksalishida ustoz-shogird nutqiy faoliyatining ahamiyati.
55. O‘qituvchi va o‘quvchining nutq madaniyati rivojida zamondosh adiblar asarlarining o‘rni.
56. O‘quvchining nutqi madaniyati rivojida uning lug‘at boyligini o‘stirishning ahamiyati.
57. O‘qituvchining nutq madaniyati rivojida vaqtli matbuotning o‘rni.

58. O‘quvchining nutqi shakllanish va rivojida oila hamda maktabning ahamiyati.
59. O‘quvchining nutqi shakllanish va rivojida radio va televideniyaning ahamiyati.
60. O‘quvchining nutqi shakllanish va rivojida she‘riy va nasriy asarlarning o‘rni.
61. O‘qituvchining nutqida so‘z, termin va iboralarning o‘rni.
62. O‘qituvchining nutqi ta’sirchanligini oshirishda tasviriy ifodalar va iboralarning o‘rni.
63. O‘qituvchining nutqi rivojida ilmiy, badiiy asarlarning o‘rni.
64. Badiiy asar mutolaasi va nutq madaniyati.
65. Bola tarbiyasi, nutqi shakllanishi va rivojida qo‘ni-qo‘shni va mahallaning o‘rni.
66. Bola tarbiyasi, nutqi shakllanishi va rivojida tarbiyachi-murabbiylar, o‘qituvchilarning o‘rni.
67. Bola tarbiyasi, nutqi shakllanishi va rivojida ota-ona, oila a’zolarining orni.
68. Bola tarbiyasi, nutqi shakllanishi va rivojida tengdoshlarining tutgan o‘rni.
69. Yangi alifbo asosidagi imlo qoidalari va nutq madaniyati.
70. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi qonuni va nutq madaniyati.
71. O‘zbekiston Respublikasining “Lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosini joriy etish to‘g‘risida”gi qonuni va nutq madaniyati.
72. Yusuv Xos Hojibning “Qutadg‘u biblig” asarida til va nutq odobi tavsifi.
73. Ahmad Yugnakiyning “Hibatul-haqiyiq” asarida til va nutq odobi tavsifi.
74. Kaykovusning “Qobusnoma” asarida til va nutq odobi tavsifi.
75. Alisher Navoiyning “Mahbubul-qulub” asarida til va nutq odobi tavsifi.
76. Abdulla Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida til va nutq odobi tavsifi.
77. Ifodali o‘qishning xotira va nutqni o‘stirishdagi ahamiyati.
78. O‘quvchilar nutqida uchraydigan kamchiliklar va ularni dars jarayonida bartaraf etish.
79. Radio va televideniyaning shaxs nutq madaniyatini o‘stirishdagi ahamiyati.
80. O‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi doimiy muloqotning oquvchi nutqi shakllanishi va rivojidadagi o‘rni.

## **“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati”fanidan ma’ruza mashg‘ulotlari**

### **1-mashg‘ulot.**

**Mavzu: Kirish. “Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati” fanining maqsad va vazifalari. Fanning huquqiy asoslari. 2 soat.**

### **Reja**

Kirish. O‘zbek tilining O‘zbekiston Respublikasining davlat tili ekanligi. Davlat tili va yangi alifboni joriy qilish to‘g‘risidagi qonunlar. Bu qonunlarning ahamiyati. O‘zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros.

“O‘qituvchining nutq madaniyati” fanining maqsad va vazifalari. Nutq madaniyati tushunchasi. “Davlat tili haqida”, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”, “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunlarda nutq madaniyati masalalari. Nutq madaniyati fanining boshqa fanlar bilan aloqasi.

Qo‘llaniladigan taq‘lim texnologiyalari: *dialogok yondashuv, muammoli ta‘lim, Venn diagrammasi, baliq skeleti chizmasi.*

### **Mashg‘ulot maqsadi:**

Talabalarning “O‘qituvchining nutq madaniyati” fanidan egallagan bilim va ko‘nikmalarini aniqlash, mustahkamlash, yanada kengaytirish, yangi mavzu asosida mazkur fanni chiqur o‘zlashtirishlariga ko‘maklashish, talabalarning yozma va og‘zaki nutqi ravonligiga erishish, ularni davlat tilida savodxonlik bilan ish yurita olishga o‘rgatish, ular nutqini kasbiy atamalar bilan boyitish.

### **Mashg‘ulot vazifasi:**

a) ta’limiy: talabalarga mavzu asosida o‘zbek tilining o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rgatish, mazkur fanni o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlarini orttirish;

b) tarbiyaviy: mavzu asosida talabalarning ma’naviy dunyosini boyitish, o‘zbek xalqi tarixi, madaniyati, ma’naviyati, adaboyotini o‘rganishga rag‘bat uyg‘otish;

d) rivojlantiruvchi: mavzuga doir yangi tushuncha, bilimlar asosida talabalarning yozma va og‘zaki nutqining boyib borishiga erishish .

### **O‘qitish texnologiyasi:**

a) o‘qitish usullari: hikoya qilish, savol-javob, suhbat-munozara, sharhlash;

b) o‘qitish vositasi: o‘quv dasturi, doska, darslik, uslubiy qo‘llanmalar, lug‘at, tarqatma materiallar;

d) bilimni nazorat qilish va baholash: yozma bajarilgan topshiriqlarni tekshirish, og‘zaki nazorat, lahzalik so‘rovlar.

### **Pedagogik vazifa:**

Talabalarning hozirgi o‘zbek adabiy tilidan, nutq madaniyatidan o‘zlashtirgan bilim va ko‘nikmalarini mustahkamlash, ularning lug‘at boyligi va o‘zbek tili qonun-qoidalari haqidagi tasavvurlarini yanada kengaytirish, mavzu asosida ularning o‘zbek tilida mantiqli, uslubiy xatolarsiz nutq irod qilishlariga ko‘maklashish, talabalarning yozma va og‘zaki nutqi ravonligiga erishish.

### **O‘quv faoliyatining natijalari:**

a) mavzu bo‘yicha talabalarda tushuncha hosil qilish;

b) o‘rgangan mavzu bo‘yicha olgan bilim, ma’lumotlar va tushunchalarni amalda qo‘llash.

### **Mashg‘ulotning xronologik xaritasi:**

I qism. Tashkiliy qism. O‘quv mashg‘ulotiga kirish(10 daqiqa).

II qism. Asosiy qism(60 daqiqa).

III qism. Xulosalash. Vazifa berish(10 daqiqa).

**O‘quv mashg‘ulotining texnologik xaritasi.**  
**Mavzu:“Maktabgacha ta’limda nutq madaniyati”fanining maqsad va vazifalari. Fanning huquqiy asoslari. 2 soat.**

Ish bosqichlari va vaqti.	Faoliyat mazmuni	
	Ta’lim beruvchi	Ta’lim oluvchilar
<b>1-bosqich.</b> O‘quvmas hg‘ulotigakirish (10 daqiqa)	1.1. Mavzuning nomi, maqsad va kutilayotgannatijalarni yetkazadi. Mashg‘ulot yangi innovatsion texnologiyalar asosidagi ma’ruzat tarzida bo‘lishini ma’lum qiladi.	Tinglaydilar, yozib oladilar.
<b>2-bosqich.</b> Asosiy (60 daqiqa)	2.1. Talabalar bilimni suhbat shaklida faollashtiradi. Bilimlarni faollashtirish jarayonida o‘quv muammosini yechish bo‘yicha izlanuvchilik faoliyatida faol ishtirok etishlari uchun talabalarning egallagan bilimlari yetarliligini aniqlaydi. 2.2. Faollashtirilgan bilimlar asosida talabalarni mashg‘ulotda o‘rganiladigan mavzuga olib kiradi.	Savollarga javob beradilar.  Mavzu bo‘yicha o‘z fikrlarini bildiradilar.
<b>3-bosqich.</b> Yakuniy (10 daqiqa)	3.1. O‘zbek tilining O‘zbekiston Respublikasining davlat tili ekanligi, davlat tili va yangi alifboni joriy qilish to‘g‘risidagi qonunlar, bu qonunlarning ahamiyati, o‘zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros, fan oldiga qo‘yilgan maqsad va vazifalar, fanning boshqa fanlar bilan aloqasi fanni o‘rganishning ahamiyatiga e’tiborni qaratadi. 3.2. Mustaqil bajarib kelish uchun topshiriqlar beradi, keyingi darsda o‘tiladigan mavzusi bo‘yicha tayyorgarlik ko‘rib kelish topshiriladi.	Tinglaydilar. Topshiriqlarni yozib oladilar.

**O'quv mashg'ulotining ta'lim texnologiyasi modeli**  
**Mavzu: "Maktabgacha ta'limda nutq madaniyati" fanining maqsad va vazifalari. Fanning huquqiy asoslari. 2 soat.**

<b>Vaqt: 2 soat</b>	<b>Talabalar soni: 2 guruh.</b>
<b><i>O'quv mashg'ulotining shakli va turi:</i></b>	<b>Ma'ruza mashg'uloti.</b>
<b><i>Dars rejasi (o'quv mashg'ulotining tuzilishi):</i></b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Kirish. O'zbek tilining O'zbekiston Respublikasining davlat tili ekanligi.</li> <li>2. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", "Ta'lim to'g'risida"gi qonunlar. Bu qonunlarning ahamiyati.</li> <li>3. O'zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros.</li> <li>4. Fan oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalar, fanning boshqa fanlar bilan aloqasi.</li> </ol>
<b><i>O'quv mashg'uloti maqsadi:</i></b>	Talabalarda o'zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros, o'zbek tilining O'zbekiston Respublikasining davlat tili ekanligi, davlat tili va yangi alifboni joriy qilish to'g'risida, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", "Ta'lim to'g'risida"gi qonunlar. Bu qonunlarning ahamiyati, fan oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalar, fanning boshqa fanlar bilan aloqasi haqida tushunchalarni shakllantirish, avvaldan mavjud bo'lgan bilim va ko'nikmalarni va shu orqali ona tiliga bo'lgan qiziqishlarini orttirish, ona tili va uning so'z boyliklari bilan faxrlanish tuyg'ularini tarbiyalash, o'stirish.
<b><i>pedagogik vazifalar:</i></b>	<b><i>O'quv faoliyati natijalari:</i></b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- o'zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros haqida ma'lumot berish;</li> <li>- davlat tili va yangi alifboni joriy qilish to'g'risidagi qonunlari haqida ma'lumot berish;</li> <li>- fan oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalar, fanning boshqa fanlar bilan aloqasini tushuntirish;</li> <li>- nutq madaniyati, notiqlik san'ati haqida ma'lumot berish.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- talabalar o'zbek tili, uning tarixi, unda yaratilgan badiiy, ilmiy, tarixiy meros haqida o'z mulohazalarini misollar bilan ko'rsatadilar, izohlaydilar;</li> <li>- davlat tili va yangi alifboni joriy qilish to'g'risidagi qonunlar tavsiflaydilar;</li> <li>- fan oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalar, fanning boshqa fanlar bilan aloqasi aytib beradilar;</li> <li>- nutq madaniyati, notiqlik san'ati haqida yangi ma'lumotlar oladilar.</li> </ul>
<b><i>Ta'lim usullari:</i></b>	Ma'ruza, aqliy hujum.
<b><i>Ta'lim shakli:</i></b>	Frontal, jamoaviy, guruhlarda ishlash.

<i>Ta'lim vositalari:</i>	Ma'ruza matni, doska, bo'r, tarqatma materiallar.
<i>Ta'lim berish sharoiti:</i>	Dekanat tomonidan belgilangan auditoriya.
<i>Monitoring va baholash:</i>	Og'zaki so'rov: <b>tezkor so'rov.</b>

## Ўқитувчи нутқи маданияти” курсининг мундарижаси, мақсади ва вазифалари.

### Ўқув мақсади

Талабаларда “Ўқитувчи нутқи маданияти” курсининг мақсади ва вазифалари, асосий муаммолари бўйича амалий кўникмаларини

шакллантириш.



### Асосий маълумотлар



Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тили туркий тиллар доирасидаги энг тараққий этган тиллардан бири ҳисобланади. Республикамининг ўз мустақиллигини кўлга киритиши, тилимиз республикамиз ҳудудида Давлат тили сифатида амалда бўлишини таъминловчи бир қатор қонунларнинг эълон қилиниши тилимиз ривожини учун кенг имкониятлар очиб берди. Юртимизда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши қувончли воқеа бўлиб, у тилимизнинг ўз тилимизнинг ўз мавқеини тиклаб олишига, қўлланиш доираси ва имкониятларининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Эндиликда республикамизда ва ундан ташқарида ҳам турли расмий алоқаларда ўзбек тилининг Давлат тили сифатида қўлланиши қонуний тарзда белгилаб қўйилди. Бу эса маданиятимиз кўрки бўлган ўзбек тилининг вазифавий-услубий имкониятларининг янада ривожлантириш, уни жаҳон тиллари даражасига кўтариш заруратини келтириб чиқарди. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбек нутқ маданияти муаммоларини ҳал қилиш, шунингдек, дипломатик муносабатларда, хорижий тилларни ўрганаётган талабалар нутқи маданиятини ривожлантириш бугунги кунда тилшунослигимиз олдидаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шунинг учун нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мазкур муаммоларни ижобий ҳал этишга, тилимиз родини янада оширишга қаратилган.

Кейинги йилларда ўзбек тили ва хорижий тилларни ҳар томонлама пухта ўрганиш, уларнинг фонетик, лексик, грамматик қурилишини, фаннинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш бўйича кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Фаннинг бошқа турлари қатори нутқ

маданиятини ўрганиш бўйича ҳам анча ютуқлар қўлга киритилди. Илмий-текшириш институтлари қошида нутқ маданияти масалалари билан шуғулланувчи алоҳида бўлимларнинг очилиши, нутқ маданиятига оид масалаларнинг чет тиллар ўқитиладиган олий ўқув юртларида махсус курс сифатида ўқитилиши, матбуот, радио ва телевидение орқали тушунтириш ишларининг олиб борилиши, ҳалқ орасида турли хил давра суҳбатларининг ўтказилиши ҳамда илмий, илмий –оммабоп характердаги ҳар хил дарслик ва ўқув қўлланмалари, серияли мақолалар тўпламларининг нашр этилиши ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда нутқ маданиятининг энг катта ютуқларидан бири ўзбек тили меъёрларининг анча мукаммал шаклланиб улгурганлигидир.

Ўзбек тили ўзбек миллатининг фикр алмашув қуроли сифатида ғоят маъсулиятли муҳим вазифани бажармоқда. Республикамиз ҳудудида иш юритишда, ўқиш –ўқитишнинг турли поғоналарида, радио ва телевидениеда, матбуотда алоқа воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Тилимизнинг тобора бойиб тараққий этишида миллатимиз орасидан етишиб чиққан ижодкорлар, сўз санъаткорлари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизматлари жуда салмоқлидир.

Тилимизда меъёрлашиш масаласининг маълум бир ечимга келганлиги, оғзаки ва ёзма нутқда амал қилиниши лозим бўлган меъёрларнинг ишлаб чиқарилганлиги, шу асосда тилимиз ривождаги маълум бир муаммоларнинг бартараф этилиши шубҳасиз, ана шу кишиларнинг хизматлари билан боғлиқ. Юқорида баён қилинган фикрлардан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти соҳасида барча муаммолар ҳал этилган, деган хулосага келиш хато бўлади.

Биз ўз мустақиллигимизга эришмасдан олдидаги даврдаги ҳолат билан тилимизнинг бугунги кундаги аҳволини таққосласак, бу нарса аниқ сезилади. Ўтган йиллар мобайнида рус тилининг кучли таъсири оқибатида ўзбек тили ташқи кўринишдан турли хил керак –нокерак сўзлар билан анча бойиган бўлса-да, ўз имкониятларининг чеклаб қўйилиши ҳисобига маълум даражада қашшоқланиб ҳам қолди. Ҳатто “юқори синф ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларидан тортиб, илмий даражали ва унвонли кишиларнинг нутқлари ҳам таъсирсиз, ғализ бўлиб қолди. Уларнинг нутқида изчилик етишмайди, хорижий сўзлар ноўрин ишлатилади.”<sup>1</sup>

Кўринадики, рус тили бизнинг ҳаётимизга шу даражада сингиб кетган эдики, ҳатто бугунги кунда ўз миллатимиз вакилларига ҳам ўзбек тилини ўргатишни вазият тақозо қилмоқда. Муомала жараёнидаги мавжуд нутқий камчиликлар нутқ маданиятига умуммиллий муаммо сифатида жиддий муносабатда бўлиш заруратини келтириб чиқарди. Инсонлар кундалик нутқий муносабатларида тил бирликларнинг нотўғри танланиши, варваризмлар, вульгаризмларга кенг ўрин берилиши нутқнинг таъсирсиз, ғализ бўлишига олиб келади. Бу ҳолат нафақат сўзлашув нутқида, балки

<sup>1</sup> Ўзбек нутқ маданиятининг долзарб муаммолари.-Тошкент, 1990, Б.36.

кейинги йилларда яратилган бир қатор асарларда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, ёзувчи Исфандиёр томонидан яратилган “Қасоскор” қиссаси қаҳрамони Фарҳоддан исмини сўрашганида, у “Мени Фарҳод дейишади” деб жавоб беради. Ваҳоланки, ўзбек йигитининг бу тарзда жавоб беришига китобхонни ишонтириш қийин. Бу каби нутқий камчиликлар мавжуд экан, нутқимиз маданиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммо сифатида кун тартибидаги энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Тил бирликларининг нутқий вазият учун энг керакли, зарурини танлай билиш, нутқнинг ифодали, таъсирчан образли, қисқа, аниқ, лўнда, тушунарли бўлиши, унда фикр такрори, ортиқчаликнинг бўлмаслиги, тингловчи ёки ўқувчида ифодаланаётган фикрга нисбатан маълум бир ҳис-туйғуларнинг уйғониши - буларнинг ҳаммаси ўқитувчи нутқи маданияти тушунчасида мужассамлашган.

Демак, нутқ тузишда тилда мавжуд бўлган бирликларни танлаб олиб, қўллаш усулларини ҳамда адабий тил меъёрларини, шунингдек, уларнинг нутқ жараёнида амал қилиш сирларини таҳлил этиш “ўзбек нутқи маданияти” соҳасининг тадқиқ этиш майдони ва вазифаси ҳисобланади.

Меъёр –“нутқ маданияти” соҳасининг асоси ҳисобланади. Ўзбек тилшунос олимлари Э. Бегматов ва М. Турсунпўлатовларнинг кўрсатишича, “нутқ маданияти соҳасининг ўзбек адабий тили нормаларининг ўрганиш доираси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ўзбек адабий тилининг норматив лисоний имкониятлари тадқиқ қилинади, унинг умумий ҳолати белгиланади (тил маданияти);

б) ўзбек адабий тилининг норматив лисоний воситалари нутқ маданияти нуқтаи назаридан баҳоланади, унинг адабий –бадиийлик хусусиятига эга деб аталиши мумкин бўлган воситалари аниқланади (тил маданияти);

д) нутқ маданияти соҳаси ўзбек адабий тилига фаол аралашар экан, ундаги жонли нутқ учун фойдали, нафли тавсияларни ажратиб олади (тил маданияти);

е) ўзбек адабий тилининг норматив лисоний воситалари ўз вазифасини қай даражада ўташи жонли нутқий жараёнда кузатилади (сўзлаш маданияти);

ф) ўзбек тили норматив тизимининг жорий системаси (тил маданияти ва сўзлаш маданияти ҳолати) белгиланади, тегишли илмий хулосалар чиқарилади. Тил нормаси ва нутқ маданияти учун янги тавсиялар берилади.<sup>2</sup>

Кўринадики, тилда меъерий мукаммаликка эришиш, шу мавзулар доирасида қаралувчи ўқитувчи нутқи маданиятини ҳар томонлама тараққий эттириш, оғзаки ва ёзма нутқда учрайдиган ҳар хил нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш амалда бўлган миллий адабий тилнинг бошқа тиллар орасидаги мавқеини белгилаб берувчи ижтимоий ва сиёсий масала сифатида давлат аҳамиятига эгадир.

<sup>2</sup> Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1991. Б.12.

Нутқ маданияти тил тараққиётига боғлиқ ҳолат мунтазам равишда ўзгариб туради, тараққий этади. У доимий ривожланишда бўлган мукаммаллашиб борувчи жараёндир. Инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида акс эттирувчи бу жараёнга ҳар бир мамлакатда алоҳида жиддий эътибор берилганлиги жаҳон халқлари тарихидан маълум. Бугунги кунга келиб алоҳида бир тармоқ сифатида тан олинган фаннинг бу соҳаси пайдо бўлиши ва шаклланишига кўра қадимги Рим ва Афинага боғланса, ундан ҳам олдинроқ қадимги Миср, Ассурия, Вавилон ва Ҳиндистондан озиқланган. Жаҳон халқлари маданияти тарихи ҳақида гап кетганда Антифонт, Андокид, Лисий, Исократ, Исей, Демосфен, Эсхил, Цицерон каби ўнлаб олимлар тилга олинса, Шарқ, Марказий Осиёда етишиб чиққан Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби алломалар томонидан яратилган асарлар жаҳон халқлари маданиятининг энг катта ютуғи эканлиги қайд этилади.

Тарихда “сўз одоби”, “нутқ одоби”, “тил маданияти” ва кейинчалик “нутқ маданияти” деган номда барқарорлашган ушбу соҳа ўтган аср ўрталаридан бошлаб бугунги кунга қадар анча муваффақиятларни қўлга киритди. Бу даврда нутқ маданияти масалаларини тадқиқ этишга бағишланган йирик ҳажмдаги “Ўзбек тили стилистикаси” (Тошкент, 1983), “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” (Тошкент, 1988), “Ўзбек нутқи маданияти асослари” (Тошкент, 1991.), “Нутқ маданияти ва услубияти асослари” (Тошкент, 1992.), “Ўқитувчи нутқи маданияти” (Тошкент, 2009) каби қўлланмалар, юзлаб илмий мақолалар тўпламлари, илмий-оммабоп характердаги мақолалар яратилди. Бу даврда ўзбек тилининг вазифавий – услубий имкониятлари кенг тадқиқ этилди. Олиб борилган кузатишлар натижаси сифатида ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя этилди. Республикамизда 1969 йилдан бошлаб Тошкенда ва бошқа шаҳарларда ўзбек нутқи маданиятига бағишлаб ўтказилган бир қатор республика анжуманларида алоҳида эътибор қаратилиши бу соҳанинг янада ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Кўринадики, нутқ маданияти инсоннинг нутқий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у шу жумладан ўқитувчи нутқининг адабий тил меъёрларига мос келиш даражасини белгиловчи, тилдаги меъёрлаштириш муаммоларини ҳам қамраб олувчи кенг тушунчадир.

Ўқитувчи нутқи маданиятининг бошқа фанлар билан қай даражада алоқадорликда эканлигини аниқламай, улар орасида тутган ўрнини белгиламай туриб, бу соҳанинг ривожини, унинг ўзига хос қонуниятлари тўғрисида сўзлаб бўлмайди. Инсон нутқининг мукаммал бўлиши унинг қандай жамиятда яшаётганлиги, борлиқ, ён-атрофдаги кишилар билан муносабати, ишлаб чиқариш тизимида тутган ўрни, жамият бойлигидан оладиган улуши, соғлиғи каби бир қатор жиҳатлар билан боғлиқдир. Демак, тил инсон фаолиятининг ҳамма соҳаси билан алоқадор экан. Инсоний муносабатларнинг орасида тил орқали амалга ошадиган алоқа энг муҳимлиги унга алоҳида диққат билан қараш заруратини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти инсоният тарихининг деярли ҳамма даврларида ўта

долзарб масалаларидан бири ҳисобланиб келди. Ўқитувчи нутқи маданиятининг кенгрок доирада тадқиқ этилиши тилшунослик фани учун катта аҳамиятга эга.

Тилшунослигимизда нутқ маданияти соҳасининг алоҳида фан сифатида эътироф этилиши уни олий мактабларда “Ўқитувчи нутқи маданияти”, “Нутқ маданияти ва услубият асослари” деб номланувчи махсус мустақил курс сифатида ўқитилиши лозимлигини кўрсатди. Тилшуносликда яратилган нутқ маданияти масалалари тўғрисида баҳс юритувчи бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида ушбу соҳа муаммолари алоҳида курс сифатида ўқитилиши кераклиги қайд этилади. Уларда бу йўналишда ҳозирга қадар кўплаб ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, ўқитилаётган курснинг аниқ мазмуни ва мақсадини ўзида тўлиқ акс эттирувчи мукамал дарслик ёки ўқув қўлланмалари йўқлиги ачиниш билан эътироф этилади. Бу ҳолат нафақат ўзбек тилшунослигида, балки туркийшуносликда ва рус тилшунослигида ҳам кўзга ташланади. Нутқ маданияти ҳақида фикр юритган рус олимларидан бири уни филологик фан (Р.А.Будагов) сифатида таърифласа, бошқа бири эса унга янги фан (Б.П.Путешков) сифатида қарайди.

Ўзбек тилшунос олимлари Р.Қўнғуров, Э.Бегматов ва Ё.Тожиевлар нутқ маданияти деб юритилаётган ҳодисанинг тилнинг ўзига хос жиҳатлари билан алоқадорлигидан келиб чиқиб, уни тил ҳодисасининг номи, аниқ нутқий кўринишнинг номи, маданий нутқ ҳақида кишилар онгидаги аниқ меъёрий тасаввурлар номи, тилшуносликнинг ўрганиш объекти, илмий муаммонинг номи, нутқ маданияти муаммоси билан шуғулланадиган тилшунослик соҳасининг номи сифатида талқин қиладилар.<sup>3</sup>Тилшуносликда нутқ маданияти тушунчасининг аниқ моҳиятини очиб берадиган пухта таъриф бўлмаганлиги туфайли турли хил қарашларни учратамиз. Тилшунос олим У.Носировнинг кўрсатишича олимлар нутқ маданиятини бир тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш, фикрни аниқ ва тушунарли ифодалаш, тасвирий ва образли воситалардан унумли, ўз ўрнида фойдалана билиш, нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, миллийлиги, нутқнинг содда ва барча учун тушунарли бўлиши сифатида тушунтирадилар.<sup>4</sup>

Юқорида қайд этиб ўтилган таърифларнинг барчаси нутқ маданияти учун хос. Лекин шу ўринда шуни қайд этиш керакки, олимлар нутқ маданиятига таъриф беришда нутқнинг у ёки бу хусусиятига асосланиб, бир ёқлама фикр юритадилар. Шунинг учун тилшунослик ҳозирга қадар нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти, таърифи, тадқиқот объекти масаласи ўз ечимини топган эмас.

Ўзбек тилшунослигида Э. Бегматов ва бошқалар томонидан яратилган “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” (Тошкент, 1988) қўлланмасида ўзбек тилшунослигининг нутқ маданияти соҳаси олдида турган муаммо ва вазифалар бирмунча батафсил баён этилган. Бу қўлланмада кўтарилган муаммоларга кенгрок тўхталамиз.

<sup>3</sup> Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. Б.20.

<sup>4</sup> Носиров У. Нутқ маданияти ва давр. Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент: Фан, 1973, Б.119-120.

Бу асарда олимлар нутқ маданиятининг умумназарий муаммоларига қуйидагиларни киритадилар:

- нутқ маданияти ҳодисаси ҳақидаги илмий тушунчани аниқлаштириш;

Нутқ маданияти ва тил маданияти тушунчаларини аниқлаш ва улар орасидаги фарқларни белгилаш. Нутқ маданиятига илмий тушунча ва илмий соҳа сифатида таъриф бериш;

- нутқ маданияти объектини белгилаш, унга аниқликлар киритиш, уни тилшуносликнинг бошқа соҳалари объектидан чегаралаш;

- нутқ маданияти ва нотиқлик, нотиқлик санъати орасидаги умумий ва фарқли томонларни аниқлаш. Нотиқлик санъатида нутқий маданиятнинг ўрни ва ролини белгилаш;

- нутқ маданиятининг лингвистик ва экстралингвистик проблемаларини белгилаш ва уларни ўзаро чегаралаш, нолингвистик мезонларга муносабатини, уларни ўрганиш лозимлигини, бунинг меъёрини аниқлаш;

- “нутқ маданияти”, “маданий нутқ” тушунчаларини тадқиқ этиш. Маданий дейиш мумкин бўлган нутқнинг асосий лингвистик белгилари, мезонларини аниқлаш. Маданий нутқ учун эталон бўла олувчи намунани ахтариш;

- нутқ маданиятини тадқиқ қилишнинг назарий ва амалий аспектларини аниқлаш, бу аспектларда ўрганилувчи лингвистик ҳодисаларни белгилаш;

- адабий тилнинг умумривожланиш қонунларини юзасидан кузатишлар олиб бориш;

- тил маданияти билан нутқ сўзлаш маданияти ўртасидаги муносабатни тадқиқ қилиш;

- нутқнинг услубий ва ситуатив турларини, типларини тадқиқ қилиш ва белгилаш;

- адабий тилни норматив планда тадқиқ қилиш;

- адабий тил нормаларидаги турғун ва нотурғун ҳодисаларни ўрганиш;

- нутқ маданиятининг ўтмиш анъаналарини ўрганиш;

- имло луғатларинининг тузилишининг илмий принципларини тадқиқ қилиш ва белгилаш;

- алфавитни такомиллаштириш;

- пунктуациянинг ёзма нутқ услубларидаги ситуатив вазифаларини тадқиқ қилиш, уларнинг семантик – услубий қимматини ўрганиш;

- нутқ маданияти соҳасида ишлатилувчи илмий атамаларни тартибга солиш ва улардан изчил фойдаланишни назорат қилиш;

- ёзма нутқ маданияти муаммолари;

- ёзма нутқнинг моҳиятини очиш;

- ёзма нутқ услубларини тадқиқ қилиш;

- маданий ёзма нутқ намунасини белгилаш, унинг адабий – норматив талабларини, шартларини ўрганиш ва илмий умумлаштириш;
- ёзма нутқни намунавий, маданий нутқ деб аташнинг универсал критерийлари, шарт ва талабларини ахтариш ҳамда илмий асослаш;
- имло қоидаларини такомиллаштириш, ундаги камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш. Имло қоидаларини яратишнинг илмий асослари ва методларини ишлаш;
- имлонинг сўз, қўшма сўз, мураккаб сўз, бирикмали термин, мураккаб термин, сўз бирикмаси сингари тушунчалар билан боғлиқ ўринларини чуқурроқ ва илмий асосларда ишлаш, айниқса, қўшма сўзлар имлосидаги нуқсонларни бартараф этиш йўлларини ахтариш.

#### **Оғзаки нутқ маданияти муаммолари:**

- оғзаки нутқнинг моҳиятини ўрганиш. Бу нутқ типнинг ўзига хос хусусиятини, адабий норматив ва нононорматив томонларини аниқлаш;
- нейтрал адабий оғзаки нутқнинг мезон ва илмий ўлчовларини белгилаш;
- оғзаки адабий нутқ услубларини, оғзаки нутқнинг услубий, ситуатив кўринишларини ўрганиш ва уларнинг муҳим типларини белгилаш;
- маданий, яъни намунавий оғзаки нутқ кўринишини ахтариш ва унинг муҳим универсал лингвистик ва экстралингвистик мезонларини, ўлчовларини белгилаб чиқиш;
- оғзаки нутқ (оғзаки нутқ, адабий оғзаки нутқ, жонли нутқ ва б.) билан сўзлашув нутқи тушунчалари орасидаги фарқларни тадқиқ қилиш;
- орфоэпик қоидаларни яратиш ва бу қоидаларнинг илмий принципларини тадқиқ қилиш ва асослаш;
- адабий тилнинг “фонетик нормаси” ва адабий тилнинг “талаффуз нормаси” тушунчалари орасидаги муносабатни, муштарак ва фарқли томонларни ўрганиш;
- оғзаки нутқнинг талаффуз нормаларини экспериментал усулда ўрганишни йўлга қўйиш ;
- адабий оғзаки нутқнинг радио нутқи, телевидение нутқи, лектор нутқи, сахна нутқи сингари кўринишларини тадқиқ қилиш ва уларнинг норматив хусусиятларини белгилаш.

#### **Нутқ маданиятининг илмий-амалий муаммолари:**

- нутқ маданияти ҳодисаси, унинг моҳияти ва хусусиятларини кишиларга илмий-оммабоп услубда тушунтириб беришга хизмат қилувчи мақолалар, брошюралар ёзиш;
- тилшуносликнинг нутқ маданияти соҳасини махсус курс ёки факультатив машғулотлар тарзида ўқитиш ишини йўлга қўйиш ва бу жараёни такомиллаштириб бориш;
- “Ўзбек нутқи маданияти” курси бўйича ўқув программасини тузиш ва ушбу асосда “Нутқ маданияти” соҳасига доир ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш;

- адабий тилни эгаллашга, маданий нутқ малакасини ҳосил қилиш ва нутқ техникасини такомиллаштиришга хизмат қилувчи махсус машқ китоблари, қўлланмалар тузиш;

- нутқ маданияти ва адабий тил меъёрларини эгаллаш ва бунга доир шахсий малакаларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи луғатлар яратиш;

- нутқ маданиятига доир назарий ва норматив тавсияларнинг нутқ амалиётида, ўқиш-ўқитиш жараёнида қанчалик сингаётганлигини кузатиш ва шу асосда нуқсонларни тугатиб бориш;

- нутқ маданияти талаблари ва нотиклик сирларини тарғиб қилиш;

- матбуот тили, радио ва телевидение нутқи юзасидан кузатишлар олиб бориш;

- нутқ маданияти мавзуида илмий конференциялар, кенгашлар, суҳбатлар, мунозаралар, илмий консультациялар уюштириш ва бошқалар.<sup>5</sup>

Юқорида айтилган фикрлардан шу нарса маълум бўладики, нутқ маданияти соҳасини ривожлантириш бўйича тилшунослигимиз олдида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтишимиз лозим. Тилшуносликда нутқ маданиятига бағишлаб яратилган ишларда тил маданияти ва нутқ маданияти орасидаги фарқларга эътибор берилмай, уларни аралаш ҳолда қўллаш ҳоллари кузатилади. Ваҳоланки, улар орасида ўзига хос фарқлар мавжуд.

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти соҳасида маълум бир халқнинг амалда бўлган, кўпчилик тамонидан тан олинган адабий тилини назарда тутати. Бунда тил маданияти шу тилнинг маданийлик учун кураши, тараққиёт босқичлари, шунингдек, ўрганилаётган маълум бир даврдаги камолот поғонасини ҳам кўрсатади. Нутқ маданияти соҳасида эса кўпчилик олимлар томонидан тан олинган уч ҳодиса, яъни тилдаги мавжуд воситаларнинг маданийлик даражаси – тил маданияти, иккинчидан, шу тил бирликларидан адабий тил меъёрларига мос ҳолда нутқ жараёнида қўллаш – сўзлаш маданияти, учинчидан эса, мазкур ҳодисаларни тадқиқ этувчи тилшуносликнинг махсус бўлими номи фарқланиши лозим. Демак, нутқ тилининг амалда бўлиш шакли экан, тил маданияти ва нутқ маданияти ўзаро алоқадор, бири иккинчисини инкор қилмайдиган, биргаликда ривожланидиган соҳалар ҳисобланади.

Худди шунингдек фикрларни “нутқ одоби”, “сўз одоби” атамалари ҳақида ҳам билдириш мумкин. “Сўз одоби” тушунчасига нисбатан “нутқ одоби” тушунчаси кенгроқ маънони ифода этиб, у фикр ифодалашнинг ўзига хос бўлган ҳамма хусусиятларини қамраб олади. Шунинг учун “нутқ одоби” атамаси кенгроқ қўлланилади.

Маълумки, қадимги даврлардаёқ тилга инсоннинг хулқи, маданиятини кўрсатувчи белги сифатида қараганлар. Инсон фаолиятининг ҳамма қирралари тил билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун тил биргина

<sup>5</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Ассомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан, 1988. Б. 68-72.

алоқа қилиш воситасигина эмас, балки одоб, ахлоқ зийнати ҳам ҳисобланган. Аждодларимизнинг нутқ одоби тўғрисидаги қарашлари, фалсафий мушоҳадалари асрдан асрга ўтиб пухталаниб, силлиқлаша борган, тилдан фойдаланиб, ўз фикрларини жозибадор, гўзал тарзда ифодалаш махсус санъат даражасига кўтарилган. Тилдан фойдаланишда кўпол, бепарда сўзларни ишлатмаслик, манманлик, ғийбат қилмаслик ҳамда ёлғон сўзламаслик каби бир қанча талаблар кўйилган. Шунинг учун Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида “Эрдам боши тил”, яъни одобнинг бошқа тилдир, дейилиши ҳам бежиз эмас.

Нутқ одобига доир билдирилган фикрларни Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойик”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида, шунингдек, Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарларида кўришимиз мумкин.

Инсонни маънавий камолга етказиш – комил инсон қилиб тарбиялаш аждодларимиз оламининг нодир хазинаси – муқаддас мумтоз китобларда ҳам асосий масала сифатида қаралади. Шунинг учун инсоний ғояларини тарғиб этишга қаратилган мумтоз адабиётда инсоннинг сўзи, нутқи билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Бу ҳолатни Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Машраб сингари шоирлар ижодида ҳам кузатишимиз мумкин.

Демак, нутқий тарбия маънавий комил инсон тарбиясининг асоси ҳисобланади. Бу тарбияда китоб, оила, мактаб ва жамиятнинг ўрни жуда катта. Буларнинг нутқий тарбияда тутган ўрни бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолардан биридир.

Хўш кишининг нутқий маданиятининг ёшлиқдан ривожлантириш учун қандай вазифаларни амалга ошириш мумкин? Бу ҳаммани жиддий ўйлашга мажбур этадиган савол.

Бизнингча, нутқий кўникма дастлаб ҳосил бўладиган жой, яъни оилага дастлабки эътиборини қаратиш лозим. Бунда оила аъзолардан ўз нутқларида адабий тил меъёрларига риоя этишлари, бошқа тилларга оид тил бирликларини кераксиз ҳолда қўлланмаслик, вулгаризим, какофемизимлардан қочиш талаб этилади. Бундай тарбия болалар боғчасига ҳам тегишли бўлиб, у ерда тўғри сўзлаш, ёлғон гапирмаслик, кўп гапирмаслик, ўйлаб гапириш каби нутқ одобига оид хусусиятлар болалар онгига сингдирилиши лозим.

Кишининг нутқи тўла шаклланиб улгурадиган иккинчи босқич мактаб эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқитувчилик касбининг жуда маъсулиятли эканлиги сезилади. Бу даврда ўқувчи ўзбек тилининг қонун – қоидалари билан яқиндан танишади, адабий тил меъёрлари, миллий тил адабий тил ва шевалар, улар орасидаги фарқларни ўрганади. Бу даврда ўқитувчининг зиммасига катта вазифа юкланиб, унинг ўзи нутқ маданиятини эгаллаган бўлиши талаб этилади. Унинг нутқи грамматик жиҳатдан тўғри, турли хил шева унсурларидан, варваризмлардан холи бўлиши лозим. Болаларга бошланғич синфлардаёқ нутқнинг икки шакли – оғзаки ва ёзма шакли ҳақида содда тарзда тушунтириб бериш яхши самара беради. Бунда,

биринчидан, дастлаб бола тўғри талаффуз қилиш ва тўғри ёзиш орасидаги фарқни тушуниб олади ва ёзганда хатоларга кам йўл қўяди. Шунинг учун ўқитувчи даставвал ўқувчи нутқдаги хатоликларга барҳам беришга эътиборини қаратиши керак. Тўғри нутқ қоидаларини яхши ўрганиб олган ўқувчининг саводхонлик даражаси ҳам, нутқининг ривожланиши ҳам яхши бўлади. Натижада эса у келажакда ўқитувчи кутган самарани беради.

Кишининг тил бирликларидан, тасвирий ифода воситаларидан тушунган ҳолда танлаб олиб ишлатиб, ўз нутқини жозибадор, таъсирчан, ёқимли тарзда шакилланиши учинчи босқич, яъни олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кечади. Бу ўқув юртларида ўқувчи ёки талаба маданий нутқнинг моҳияти, қонун –қоидаларини билиб олиш лозим. Лекин шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, оиладан тортиб олий ўқув юртигача бўлган поғоналарда болани доимий равишда китоб билан ишлашга ўргатиб бориш лозим. Бунда боланинг ёшига, уни қизиқтирадиган фан соҳасига оид китоблар тавсия этилиши керак. Китоб эса инсонни доимо яхшиликка, эзгу ишларни қилишга ундайди.

Юқорида айтилганлардан нутқ маданияти тилшуносликнинг махсус бўлими бўлиб, унинг ривожланиши ва тараққий этиши адабий тил ривожини ва тараққиёти билан, унинг меъёрларига, услубий имкониятлари ҳамда қўлланиш қонуниятларига боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Тилшунослигимизда бу соҳани ўрганиш бўйича ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп бўлиб, бу соҳани чуқур тадқиқ этиш - навбатдаги вазифа.



### Tekshirish uchun savollar

1. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз? “Тил маданияти”, “нутқ маданияти” тушунчаларини изоҳланг.
2. Муомала жараёнида қандай нутқий камчиликлар мавжуд бўлади?
3. Ўқитувчи нутқи маданиятини юксалтириш бугунги кунда нима учун умумиллий муаммога айланган?
4. Ушбу курснинг объекти ва вазифаси нималардан иборат?
5. Адабий тил меъёрлари деганда нимани тушунасиз?
6. Тил ва нутқ маданияти қанақа жараён ҳисобланади?
7. Ўзбек тилшунослигида ўқитувчи нутқи маданияти билан шугулланувчи қайси олимларни биласиз?
8. Ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти бўйича тилшунослар ва зиёлилар олдида қандай вазифалар турибди?
9. Ўқитувчи нутқи маданиятини ривожлантириш учун сизнингча, яна қандай ишларни амалга ошириш лозим?

## 2-mashg'ulot.

**Mavzu: Nutq madaniyati va notiqlik san'ati tarixi. 4 soat.**

Reja:

1. Mavzugadoirasosiy tayanch so'zlar, terminlar va iboralar.
2. Qadimgi Yunoniston va Rimda nutq madaniyati nazariy asoslarining yaratilishi, notiqlik san'atining vujudga kelishi va uning namoyandalari.
3. Sharqda va'zxonlik (notiqlik) va nutqqa munosabat, notiqlik san'ati rivoji.
4. Og'zaki irochilik va notiqlik san'ati.
5. Ifodali o'qish.
  2. Nutq odobi.
  3. Adabiyotlar.

### **Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, terminlar va iboralar:**

*So'z, tushuncha, nutq, notiq, notiqlik san'ati, nutq madaniyati yoki madaniy nutq, va'z, voiz, va'zxonlik, nutq shakllari, og'zaki nutq, yozma nutq, og'zaki ijrochilik, ifodali o'qish, termalar, nutq odobi.*

Biz oldingi ma'ruzamizda til, nutq, madaniyat, nutq madaniyati, o'qituvchining nutq madaniyati, uning yangi fan ekanligi, bu fanning boshqa fanlar bilan aloqasi haqida ma'lumot berib o'tgan edik. Bu ma'ruzamizda esa nutq madaniyati va notiqlik san'ati, uning shakllanish tarixi, rivoji, takomili hamda bugungi kunda nutq madaniyatiga bo'lgan ehtiyoj haqida bahs yuritamiz.

Mavjud lingvistik adabiyotlarda notiq, notiqlik, notiqlik san'ati; voiz, voizlik, voizlik san'ati kabi tushuncha va atamalarga duch kelamiz. Xalq orasida: so'zga chechan, so'zga usta, soz ustasi, so'zamol, so'zamollik, so'zni boplaydi, gapni do'ndiradi, gapga usta, chiroyli gapiradi singari iboralar bor. Keltirilgan so'z va iboralarning barchasi inson nutqi kamolotining darajasini, umumiy, jo'n nutqdan farqlanadigan nutq namunalarini ifoda qiladi. Hamma ham agar u nutqiy nuqson bilan tug'ilmasa (soqov, dudmal bo'lmasa) gapiradi. Ammo hamma ham bir xilda gapga chechan, o'ta chiroyli gapiruvchi bo'lavermaydi. **Nutqiy chechanlik – notiqlik** alohida qobiliyatdir.

Har qanday nutq "notiqlik" namunasi (san'at sifatida) va uning egasi chin ma'noda "notiq" (san'atkor ma'nosida) degan gap emas. Notiqlik qadimiy davrdan beri alohida mahorat, san'at sifatida, insondagi maxsus, noyob qobiliyat tarzida talqin etib kelinadi.

O'zbek tilshunosligi va sn'atshunosligida notiqlik san'ati va uning o'tmishi yetarli ishlangan emas. Nutq madaniyati sohasi va uning maqsadini ommaga yetkazishda o'tmish notiqligining ijobiy tomonlaridan keng foydalanish zarur. Notiqlikning ko'pgina ko'rsatmalari, qoidaviy holatlari, taniqli notiqlarning shaxsiy qobiliyat va faoliyatlari nutq madaniyatini tarbiyalashda yaxshigina namunaviy tashviqot quroli bo'lishi mumkin.

Nutq madaniyati va notiqlik san'ati, umumiy, o'xshash tomonlarga ega. Har ikkala soha til va nutq, inson nutqi bilan aloqadordir. Har ikkalasi kishilar nutqiy

faoliyatining foydali, ta'sirchan, o'tkir bo'lishi uchun kurashadi, insonning nutqiy madaniyatini, uning nutqiy hayotini o'stirishga xizmat qiladi. Nutq madaniyati ham, notiqlik ham nutqiy odob, nutqiy go'zallik, nutqiy mantiq qonuniyatlaridan oziqlangan holda ish ko'radi. Ammo shunga qaramasdan nutq madaniyati tushunchasi bilan notiqlik tushunchasi aynan bir narsa emas (1.139-145-b.).

Qadim zamonlardan beri jamoat oldida so'zga chiqib, odamlarga o'z fikrini tushunturish, ular ongiga ta'sir etib, o'z ortidan ergashtirish, biror narsa, voqea, hodisa haqida gapirganda ishonirish va isbotlab berishga intilish, insonlar orasidan so'zamol notiqning chiqishiga zarurat tug'dirgan hamda notiqlik san'atining paydo bo'lishiga sabab bo'lgan. Yunonistonda demokratiya tuzumining o'rnatilishi natijasi o'laroq, xalq yig'inlarida, senat kengashlarida, davlat ishlarida, sud ishlarida mamlakatning har bir ozod kishisi erkin nutq so'zlash huquqiga ega bo'lgan.

Davlat ishlarini boshqarishda qatnashishnin istagan, lashkarboshilikni xohlagan har bir kishi uchun chiroyli va ta'sirchan nutq so'zlash san'atini egallash majburiy bir ehtiyojga aylangan. Bunday shxslar xalq yig'inlariga to'plangan odamlar oldida nitq so'zlab yo yutuq, yoxud mag'luboyat quchganlar. Ular orasida so'zga chechanlari keskin dalillar bilan xalqni ishonirib, odob bilan so'zlagan davlat arboblari xalq nazariga tushib yanada obro' orttirganlar, gapni eplab gapira olmaganlari esa xalq nazaridan qolgan. Afinada notiqlik san'atining keng rivoj topishiga sud tartibot qoidalarining ham kuchli ta'siri bo'lgan. O'sha davr sud majlislarida sudlanuvchi yoki da'vogar o'z fikrlarini ishonchli isbotlar asosida gapira olishi lozim bo'lgan. Natijada qadimgi yunon tilida "logograflar" deb ataladigan, tajribali, qonunni biladigan "advokat"larga ehtiyoj tug'lidai. Logograflar sudda qatnashyotgan jinoyatchi va da'vogarlarga nimani gapirishi lozimligini yozib berganlar...Dastlab "Notiqlik san'ati"ning asta-sekin siyosiy va sud notiqligi vujudga keladi, keyinroq mashhur voqealarni, ulug' zotlarni madh qiluvchi epidektik notiqalar maydonga keladi.

Afinada eradan oldingi V asr o'rtalarida notiqlik san'ati shakllangan bo'lsa-da, adabiy faoliyat o'rnida qabul qilinmagan va u nutqlarning matnlari bosilmagan.

Bu san'atni ilk bor adabiy janr darajasiga ko'targan hamda notiqlikka ilmiy yondashgan kishilar sofistlar hisolangan. Ular o'zlaridan oldin o'tgan notiqalarning faoliyatlarini nazariy asoslashga kirishib, "Ritorika" ilmini yaratadi.

Sitsiliya oroli ritorikaning asl vatani hisolanadi. U joylarda V asr o'rtalaiga kelib demokratiyaning yo'lga qo'yilishi, notiqlik taraqqiyoti uchun omil bo'ldi. (5.16-17-b.) Qadimgi yunon ritorikasining asoschilari deb sitsiliyalik Korak, Tisiy, Gorgiylarni tan olishgan. Bizgacha Gorgiyning "Yelena" va "Palimed" sarlavhali ikkita mifologik ma'ruzasi yetib kelgan. Uning bu asarlarida tantanali epitelar, majoziy iboralar haddan tashqari ko'p uchraydi. Shuning uchun ham qadimgi yunonlar Gorgiyning usulini "jimjimador uslub" yoki muallifning nomiga nisbat berib "Gorgiy uslubi" deb ataganlar.

Ellinizm davrining olimlari Afinada yashab ijod etgan notiqalardan o'nta notiqni mashhur va ulug'laridan deb, ritorika ilmini o'rganishda ularning asarlaridanfoydalanishni afzal bilganlar. Shuning uchun bo'lsa kerak, **Antifont**,

**Andokid, Litsiy, Isokrat, Isiy, Likurg, Demosfin, Esxil, Giperd va Dinarxlarning asarlari bizgacha yetib kelgan. (5.17-b.)**

**Litsiy.** Taxminan eradan avvalgi 459-380-yillarda yashab o'tgan. Afinada yashab o'tgan eng mashhur satsilyalik notiq-logograf.

Qadimgi yunonlarning fikriga ko'ra, Litsiy butun ijodi davomida uch yuzga yaqin nutq yozgan. Shundan bizgacha sud nutqlaridan iborat o'ttiz to'rttasi saqlanib qolgan.

Litsiy logografik kasbi davomida unga ishi tushib kelgan kishilarning hojatini bitirishdan oldin, ularning dunyoqarashini, psixologiyasi va tabiatini chuqur o'rganib, keyin ularga o'z qo'llari bilan va tillaridan yozganday qilib nutq yozib beradi. Litsiy nutq yozib berishdan oldinundan yordam so'rab kelgan buyurtmachini o'rganadi. Shundan keyingina u odamga ijtimoiy kelib chiqishiga, jamiyatda tutgan o'rniga, shaxsiy xarakteri va tabiatiga moslab nutq yozib bergan. Litsiy san'atkorligining asosiy siri shundaki, u nutq yozishga kirishar ekan, bir maqsadni ko'zlaydi, sudda gapirayotgan kishi haqida sud hay'atlari ko'nglida ishonarli taassurotlar qoldirish, so'zlovchining har bir gap-so'zi, qalbidan chiqayotgan samimiy gaplar ekaniga ishontira olishdir. Litsiy buyurtmachilari orasida olifta, o'ziga bino qo'ygan, dimog'dor shaxsmi, tiyinni-tiyinga urib foyda ko'raman deb yurgan xasis olibsotarmi, xotini izmida yurgan, o'z fikri bo'lmagan laqma ermi yoki shallaqa ayolmi, maqtanchoqmi, ayyormi yoxud sodda omi insonmi, kim bo'lishidan qat'iy nazar – Litsiy ularning har biri xarakter xususiyatiga, tabiatiga, bilimiva jamiyatdagi mavqeyiga mos keladigan o'z nutqi bilan tinglovchilarni ishontiradigan uslubni topadi. Litsiy uslubiga xos husn va latofat ham nutq tilining sodda, aniq va fikrning lo'ndaligida ko'rinadi. Litsiydagi bi mahorat – ya'ni har kimni o'z tilida, o'z tabiatiga mos gapirtirish, gapiruvchining qiyofasini to'la ko'rsata olish, yunon tarixida o'tgan logograflarning birortsida uchramaydigan hodisa.

Litsiy tomonidan btilgan har bir nutq sud minbaridan turib gapirayotgan qonunshunosning safsata gaplari emas, balki mohir notiq qalamiga mansub bir asar sifatida ahamiyatli. Uni ijro etayotgan odam go'yo sud minbari sahnasida rol ijro etayotgan aktyorni eslatib, tinglovchilar ongiga hikoyasini singdirib, ular qalbini junbushga keltiradi.

Yunonlarda notiqlik san'atining quloqch yoyishi sud notiqligidan so'ng, harbiy notiqlik va siyosiy notiqlik turlarining, sal o'tmay epidektik – tantanali notiqlik paydo bo'lishiga olib keldi.

Epidektik notiqlikda balandparvoz so'zlar ishlatilar, shu bois ham bunday nutq matnini tayyorlash anchagina izlanishni talab qilardi. Natijada logograflar o'zlaridan oldingi voizlarning merosiga va xalq og'zaki ijodiga murojaat eta boshladilar. Shu tariqa chiroyli so'zlash san'ati sata-sekin shakllanib, badiiy adabiyotning rivojida muhim ahamiyat kasb etdi. Ya'ni, tragediya, komediya va roman janrlarining tug'ilishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Eng muhimi, notiqlik san'atining rivoji adabiy tilning shakllanishiga, shuningdek, notiqlik san'ati nazariyasi bo'lmish "ritorika" ilmining vujudga kelishiga sabab bo'ldi. Rimdagi barcha shoirlar va notiqlar shu maktabdan, ya'ni ritorikadan ta'lim olganlar.

Notiqlar tomonidan yaratilgan nutq matnlari nasriy va poetik ijod namunasi sanalgan. Bunday ijodkor notiqlarning nomi o'z mamlakati doirasidan chiqib, jahonga ma'lum va mashhur bo'lgan. **Aristotel, Demosfen va Sitseronlar** shular jumlasidandir.(5.18-22-b.)

**Aristotel.** Markaziy Osiyoda Arastu nomi bilan mashhur bo'lgan Aristotel eramizdan avvalgi 384-yilda Makedoniya yarim orolidagi Stag'ir shahrida shifokor oilasida dunyoga keldi. Uning otasi Nikomax podsho Aminti II saroyida shifokorlik qilgan.

Aristotel 17 yoshida afinaga keladi va bu yerda o'z zamonasining mashhur olimlaridan Platonga shogird tushadi. 342-yili Makedoniya podshosi Filipp o'zining Aleksandr ismli 13 yoshli o'g'lining tarbiyasi uchun Aristoteilni Mitilendan chaqirib oladi. Bu yerda u falsafa maktabini ochadi va katta kutubxona tashkil qiladi.

Shu davrda Gretsiyada chiroyli so'zlashga qiziqish kuchayib ketgan edi. Natijada qator notiqlik maktablari ochiladi. Keyinchalik chiroyli so'zlash haqidagi qo'llanmalar maydonga keldi. Shunday asarlardan biri aristotelning "Ritorika" nomli kitobidir. Buyuk olim uni mashhur "Poetika" nomli asaridan so'ng, ya'ni eramizdan oldingi 330-yillarda yozgan edi.

Aristotelning "Ritorika"si uch kitobdan tashkil topgan. Asarning birinchi va ikkinchi kitoblari, asosan chiroyli so'zlash, ishontirish uslublari haqidagi fikr va mulohazalardan iborat bo'lsa, ikkinchi kitobida nutq mantiqiga juda katta ahamiyat beriladi. Olimning fikricha, notiq tilidagi turli "qorishmalar", ya'ni so'zlarning noto'g'ri va noo'rin talaffuz qilinishi, jummalarning mantiqan har xil tuzilishi so'zlovchining katta xatosidir. Aristotel har bir jumlaning asosiy fikrni ifoda etishga qaratilishi, ravon va tinglovchi tushunadigan darajada sodda bo'lishini talab etadi. U notiqning hissiyot bilan so'zlashi mulohaza yuritayotgan fikrning tinglovchi qalbiga tez yetishida muhim omil bo'lishini alohida uqtiradi. Bundan tashqari, Aristotel notiqning auditoriyani o'ziga jalb etishi uchun hazil-mutoyiba so'zlar bilan lirik chekinish qilib, tinglovchilarni hayajonlantira bilishi, agar turli ko'rgazmali qurollardan foydalansa, har xil epitet, chog'ishtirish va metaforalarni qo'llasa, nutqning ta'sirchanligi yanada oshishini, ammo keltirilgan misollar ko'payib ketib, tinglovchini zeriktirib qo'ymasligi kerakligini ham ta'kidlaydi.

Aristotel notiqlik can'tini egallashni 5 qismga bo'lib o'rgatadi:

Materialni kasf etish(har tomonlama tayyorlash).

Materialni joylashtirish shakli(rejasi).

Materialni eslab qolish(o'zlashtirish).

Materialni so'z yordamida to'g'ri aks ettirish.

Materialni to'g'ri talaffuz etish.

Aristotelning fikrlari hozirgi kunda ham o'z qimmatini saqlab kelmoqda.  
(5.22-23-b.)

**Demosfen.** Eramizdan avvalgi 384-323-illarda yashab o'tgan. U Ainada o'ziga to'q oilada dunyoga kelgan. U umrini ona-Vatanining gullab-yashnashiga bag'ishlagan davlat arbobi, mashhur notiq. Otasining ismi ham Demosfin bo'lib, qurol-yarog' ustaxonasining egasi edi.

Bo'lajak notiq 5 yoshga to'lganida otasidan ayriladi. Demosfen bilan singlisiga otadan katta meros qoladi. Bolalarning tarbiyasi va merosi vaqtincha tog'asiga topshiriladi. Tog'a esa barcha boyliklarni qo'lga kiritib olgach, bolalarning tarbiyasi bilan qiziqmaydi. Natijada Demosfen juda nimjon va kasalmand bo'lib o'sadi.

Demosfen voyaga yetgach, tog'asi unga faqat qullari, uyi va uy jihozlarini hamda pulning ma'lum qisminigina berib aldaydi. Demosfen tog'asidan mol-mulkning qolganini yaxshilik bilan qaytarib berishini so'raydi. Biroq tog'a bundan bosh tortganidan keyin u qolgan merosini sud orqali undirib olishga qaror qiladi. U notiqlik san'atini o'rganish uchun o'z davrining meros ishlari bo'yicha mashhur advokati Isey maktabida ta'lim olishga majbur bo'ladi. U to'rt yil davomida qunt bilan o'qiydi va bu yerda ko'pgina yozuvchilarning asarlari bilan tanishib chiqadi. U ayniqsa, mashhur tarixchi Fukidid va faylasuf Platonning tanlangan asarlarini puxta o'rganadi. Bo'lajak notiq Fukidid asarlarini sakkiz marotaba qayta ko'chirib yozib, uni deyarli yoddan o'zlashtiradi.

Demosfen o'qishni tugatgach, vasiylari bilan sudlashadi va sud besh yil davom etadi. Bir necha yil surunkasiga bo'lgan kurash bo'lajak notiq xarakterining toblanishida, bir so'zli va matonatli bo'lishida katta rol o'ynaydi.

Demosfen notiqlik bilan shug'ullanishdan avval o'z ustozini yo'lidan borib, boshqalarga sudda so'zlanadigan nutqning matnini yozib berar edi...Bora-bora nutqiy matnlar yozish Demosfenni qoniqtirmaydi. U otashin vatanparvar sifatida o'z ijtimoiy faoliyatini Vatan ravnaqi uchun sarflashni orzu qiladi.

Yosh notiqning xalq oldidagi birinchi nutqi ayanchli holda: to'palon, kulgi, qiyqiriq, hushtak chalib masxaralash bilan qarshi olinadi. U o'z nutqini tugata olmay tushishga majbur bo'ladi.

Demosfen nutqining bunday ayanchli tugashi tabiiy edi, chunki uning tovushi juda past, bir oz duduqlanar, "R" harfini talaffuz etolmas, g'o'ldirab, mujmal gapirar edi. Bularan tashqari, uning yelkasini qimirlatib turadigan odati ham bo'lib, ko'pchilik orasida o'zini to'g'ri tuta bilmas edi.

Xalq majlislaridan birida Demosfen o'zini ikkinchi bor sinab ko'rdi. Lekin bu safar ham muvaffaqiyatsizlikka uchraydi. Shundan so'ng Demosfen o'z nutqidagi kamchiliklarni boshqa takrorlamaslik uchun astoydil bosh qotiradi. Har kuni bir necha soatlab noto'g'ri talaffuz etayotgan so'zlari ustida qayta-qayta mashq qiladi. Hatto og'ziga tosh solib, qattiq va ravon gapirishga harakat qiladi. "R" tovushini to'g'ri talaffuz etish maqsadida kuchuk bolasining irillashini kuzatadi va o'zi ham xuddi shu tovushni qaytaradi. Nihoyat, uzoq muddatli tinimsiz mashqlardan so'ng Demosfen o'z maqsadiga erishadi. Mashhur notiq bo'lib yetishadi.

Demosfen 30 yoshga to'lganda davlat ishlarida ham ishtirok eta boshlaydi. U o'zining butun mahorat va bilimini Vatanning dushmani – makedoniyalik podsho Filippga qaratadi. Afina davlati Makedoniya rahbarligiga o'tgach, Demosfen dushmanlari qaytadan bosh ko'taradilar. Aslida bu voqeadan bir necha yil ilgari Xalq partiyasi Demosfenning vatanparvarligini yuksak baholab, uni "Oltin gulchambar" bilan taqdirlashga tavsiya etgan, Xalq majlisi ham buni ma'qullab, qaror qabul qilgan edi. Makedoniya tarafdorlari bu qarorga qarshi

chiqadilar. Hatto o'z davrining mashhur notiqalaridan bo'lgan Esxil majlis qarori ustidan sudga shikoyat qilib ariza beradi. G'animlarning qarshiligiga qaramay, sud to'g'ri va oqilona qaror chiqaradi. Sud hukmiga muvofiq Esxilga katta miqdorda jarima solinib, Afinadan badarg'a qilinadi.

Suddagi muvaffaqiyatidan so'ng, Demosfenning davlat oldidagi obro'si yanada oshadi. Biroq, turli sabablarga ko'ra, Makedoniya bilan Afina o'rtasida boshlanib kengan urushda afinaliklar mag'lub bo'lib, barcha vatanparvarlar o'z yurtlaridan badarg'a qilinadilar. Demosfen sirdan o'limga mahkum etiladi. Shundan so'ng u Kalavri oroliga qochib borib, Poseydon ibodatxonasiga yashirinadi.

Dushmanlari Demosfenning yashiringan joyidan xabar topib, uni tiriklayin qo'lga tushirishga harakat qiladilar. Demosfen o'z dushmanlarining yovuz niyatini fahmlagach, uyga xat yozish bahonasi bilan ibodatxonaning ichkarisiga kirib, zahar ichadi.

Buyuk notiq eramizdan oldingi 322-yilning 12-oktabrida shu tariqa dunyodan o'tadi. (5. 24-27-b.)

**Sitseron.** Eramizdan avvalgi 103-43-yillarda yashab ijod etgan. Mark Tulliy Sitseron eramizdan oldingi 103-yilda Rimdan uzoq bo'lmagan Arpina shahrida badavlat oilada dunyoga keldi. Otasi o'z farzandiga yaxshi ta'lim-tarbiya berish maqsadida ringa ko'chib o'tadi. Sitseron u yerda Yunon murabbiylari qo'lida tahsil oladi. Yunon tili va adabiyotini mukammal egallagach, Yunonistonning mashhur so'z ustalari Lisiniy, Kross va Mark Antoniy kabi notiqalardan so'z san'atining nozik sir-asrorlarini o'rganadi, ularning ajoyib nutqlarini tinglaydi.

Sitseron uzoq tayyorgarlikdan so'ng, 25 yoshida birinchi marotaba xalq oldida nutq so'zlashga jur'at etadi. U avval fuqarolik, so'ngra jinoiy ish jarayoni bo'yicha gapiradi. Biroq uning bu nutqiga davlat boshliqlaridan Sull hamda Kott ismli mashhur notiqalar qarshi chiqadi. Shundan so'ng u ritorika va falsafa fanlaridan mukammalroq nazariy bilim olish maqsadida zamonasining buyuk notiqalaridan hisoblangan Antio Askalonskiydan ta'lim oladi, mashhur so'z ustalaridan o'rganish niyatida Kichik Osiyoning bir qancha shaharlarini kezib chiqadi.

Sitseron Osiyoga sayohat qilib, notqlik san'atining sirlarini o'rganib yurgan vaqtida Rim hukmdori Sull vafot etadi. Shundan so'ng yosh notiq Rimga qaytib keladi va 31 yoshidan boshlab davlat ishlarida ishtirok etadi.

Sitseron konsulik lavozimiga saylangach, butun notqlik mahoratini siyosiy nutqlarga bag'ishladi. Hukmdor Rull tomonidan qabul qilingan senat qonunlarini qattiq qoralab, Rull tarafdorlariga zarba beradi. Kelgusi yili (59-yil) Sitseron o'rniga Sezar bo'lib saylangach, senatning Rull proyektiga juda yaqin bo'lgan yangi qonunlari qabul etiladi. Gabini va Pizonlar o'zlari konsul bo'lib ish boshlagan 58-yilning dastlabki davrida Sitseronni Rimdan badarg'a etish haqida hukm chiqarishga harakat qiladilar. Dushmanlari tomonidan qasos olinish muqarrar ekanligiga ishongan notiq Yunonistonga jo'nab ketadi.

U bir yarim yildan so'nggina do'stlarining yordami tufayli Italiyaga qaytib kelish uchun ruxsat oladi. Ona-Vataniga bo'lgan cheksiz muhabbat buyuk notiqning ilhomini tag'in ham jo'sh urdiradi. U nutq nazariyasi ustida tinimsiz ijod

qila boshlaydi. Oradan ko‘p o‘tmay, mashaqqatli mehnat samarasi sifatida, uning uch kitobdan iborat “Notiqlar haqida” nomli asari dunyoga keladi. Mazkur asar dialog shaklida yozilgan...

Sitseronning fikricha, notiq shunchaki sud ishlarinig barcha qonun-qoidalarini yaxshi biladigan qonunparast emas, balki davlat ishlarini chuqur tushunadigan, xalq qayg‘usiga hamdardlik qila oladigan davlat arbobi bo‘lmog‘i kerak. Shuning uchun notiqlik san‘atiga qiziqqan har bir kishi ritorika ilmiga oid ibtidoiy bilimlar bilan cheklanmasdan va o‘zining tabiiy iste‘dodiga ishonib qolmasdan, doimo turli fanlarni o‘qib-o‘rganmog‘i, ilm va madaniyatning yuqori chuqqilariga intilmog‘i darkor.

Sitseron “Brut”, “Notiq” nomli boshqa asarlarida Rim notiqlik san‘ati tarixi haqida batafsil fikr yuritib, attikachilarning nazariyalariga tamomila qarshi mulohazalar bilan maydonga chiqadi.

Sitseron “kimki jo‘n narsalar haqida oddiygina, kundalik voqealar haqida o‘rta darajada, ulug‘ hodisalar haqida esa zavq-shavq bilan gapirsa, shu odam so‘z san‘atining chinakam ustasi bo‘ladi” deydi.

Poeziya tilining vazni va ohangdorligi, uzun va qisqa hijolarning, unli va undosh tovushlarning almashinuvi, bir so‘zning oxiri va ikkinchi so‘zning boshida ikki unlining qator kelishiga yo‘l qo‘ymaslik, so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz etish, grammatik qoidalarga katta e‘tibor berish kabi notiqlik san‘atining muhim masalalari ham Sitseron asarlarida o‘zining to‘la ifodasini topgan.

Tinglovchini toliqtirib qo‘ymaslik uchun nutq davomida ko‘tarinki usulni bir parda pasaytirish, nutq mavzuyiga aloqador shaxslar bo‘lsa, ularning goh salbiy, goh ijobiy xarakteristikasini berish, ilgari o‘tgan mashhur zotlar haqidagi biron latifani eslatib ketish, lozim bo‘lganda, ba‘zi bir hayotiy manzaralarni, dramatik voqealarni eslash, o‘rniga qarab biror hikmatli so‘z, maqol va qochiriq gapni qistirib o‘tish – Sitseronning eng sevgan usullaridan edi.

Sezar vafotidan so‘ng davlatni uning nabirasi Oktavian boshqaradi. U o‘z davlatini mustahkamlash maqsadida Sitseronning Senat oldidagi mavqeyi va obro‘sidan foydalanmoqchi bo‘ladi. Biroq Sitseron Oktavianga ishonmaydi. Sitseronning dushmanlari yangi hukmdorni o‘zlari tomonga og‘dirib olgach, undan buyuk notiqni qatl etishni talab qiladilar. Shunday qilib, so‘z san‘atining mohir ustasi shafqatsiz jazoga hukm etiladi. Oldin uning o‘ng qo‘li qirqib tashlanadi, so‘ngra boshi tanasidan judo qilinadi.

Sitseronni butun insoniyat oldida ulug‘lab, obro‘sini oshirgan narsa uning ajoyib, takrorlanmas nutqlari bo‘ladi. Uyg‘onish davrida Italiya, Fransiya va Olmoniyaning insonparvar olimlari sitseronning ilhombaxsh nutqlarini sevib o‘rgandilar. O‘sha davrda chiroyli so‘zlagan kishilar “sitseronchilar” deb atalar edi.

Rimda bir qancha vaqtgacha notiqlik san‘ati rivojlanishdan to‘xtab qoldi. O‘rta asrlarga kelib esa notiqlikning diniy va sxolastik tomonlari avj olib ketdi. Din homiylari notiqlik san‘atini o‘z qo‘llariga olganlaridan so‘ng uni o‘zlarining maqsadlarini amalga oshirish uchun xizmat ettira boshladilar.

O‘rta asrlarning ikkinchi yarmidan boshlab, ya‘ni XI-XII asrlardan “universitet notiqligi” deb nomlangan notiqlik san‘ati rivojlandi. Dorilfununning tarix o‘qituvchisi Yan Gus ilg‘or fikrlari uchun gulxanda yondirilgan.(5, 27-30-b.)

**Sharqda notiqlik san'ati tarixi.** Notiqlik san'atining fan sifatida tug'ilishi, shakllanishi va taraqqiyoti zaminida Gretsiya va Rim notiqlik maktablari muhim o'rin tutadi. Biroq Markaziy Osoyo va Sharqda, aniqrog'i, Turon zaminida joylashgan xalqlarning, jumladan, o'zbeklarning ham notiqlik san'ati tarixi manbalari eramizdan oldingi VII asrlarga borib taqalishi adabiy va tarixiy manbalardan ma'lum bo'lmoqda. Shu ma'noda bizda Turon zaminida yaratilgan Alp Er To'nga dostoni eramizdan oldingi VII asrda paydo bo'lgan ekan, o'zbek notiqligi tarixi ham Yunon va Rim notiqligi tarixidan oldinroq yuzaga kelmaganmikan, degan xulosaga olib keladi.

“Avesto”ning muqaddas kitob sifatida to'la shakllanishi eramizdan avvalgi birinchi ming yillik o'rtalariga to'g'ri keladi. “Avesto”da notoq foydalanishi lozim bo'lgan o'rinlar juda ko'p.

Sharqda, jumladan, Movarounnahrda badiiy, ilmiy ijodning taraqqiyoti, shuningdek, va'zxonlik, “Qur'on”ni targ'ib qilish bilan mushtarak holda so'zning ahamiyati, ma'nosi va undan maqsadga muvofiq foydalanish borasida qadimdan ko'p yaxshi fikrlar aytilgan.

Va'zxonlik, balog'at (chechanlik, notiqlik) san'atining o'suvi barobarida nutq oldiga qo'yilgan talablar mukammallashib bordi. Buyuk allomalar Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Abu Abdulloh al-Xorazmiy, Mahmud Koshg'riy, Zamaxshariy, Abu Ya'qub Sakkokiy tilga, lug'tga, grammatika va mantiqshunoslikka bag'ishlangan asarlar yozdilar yoki boshqa sohalarga doir asarlarida bu mavzuga aloqador fikrlar bildirdilar.

**Abu Rayhon Beruniy.** Buyuk qomusiy olim Beryniy (973-1048) o'zining “Geodeziya” asarining kirish qismida fanlarning paydo bo'lishi va tarmoqlanib ko'payishi haqida so'z yuritib, har bir fanning inson hayotidagi zaruriy ehtiyojlar talabi bilan yuzaga kelishini aytadi. Uningcha, grammatika, aruz va mantiq fanlari ham shu ehtiyojning hosilasidir. Beruniy nutqning ikki xil – nasr, nazm ko'rinishi borligini ta'kidlaydi. Nutqning bu turlari ma'lum qoidalar asosida shakllanadi. Nasr nahv qonun-qoidalari, nazm aruz talablariga binoan tuziladi. Aruzga qaraganda nahvning ta'sir doirasi keng, u nasr uchun ham, nazm uchun ham zarur. (5, 37-b)

**Abu Nasr Forobiy** (870-950) to'g'ri so'zlash, to'g'ri mantiqiy xulosalar chiqarish, mazmundor va go'zal nutq tuzishda leksikologiya, grammatika va mantiqning naqadar ahamiyati zo'rliigi haqida yozib qoldirgan.

**Abu Abdulloh al-Xorazmiy** ham o'zining “Mafotix-ul-ulum” asarida o'sha davr notiqligining ba'zi bir masalalari, adabiyotshunoslik fani istilohlari, ularning ta'rifi haqida, shuningdek, devonxona ish qog'ozlari va ularning shakllari, ishlatiladigan atamalari haqida ma'lumot beradi.

So'zning qadri, undan foydalanish, kam so'zlab, ko'p ma'no yuklash, ravshan fikrlash kabi masalalar uastida XII-XIII asr mutafakkirlari **Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiylar** ham ibratli fikrlar bildirganlar. (5, 38-39-b)

Notiqlik – o'tmish so'z san'atining eng barkamol ommabop janrlaridan bo'lib, bu san'atni musulmon sharqida voizlik deb atashgan. Shunga ko'ra nutq – va'z, notiq – voiz deb yuritilgan.

IX-X asrlarda yashab ijod etgan qomusiy olimlar ayni paytda notiq ham bo'lganlar, notiqlikning tug'ilishi, shakllanishi va rivojiga ham katta e'tibor berganlar.

Bulardan tashqari, XI asrda Kaykovus tomonidan yaratilgan "Qobusnoma"da ham notiqlik san'atiga batafsil to'xtalib o'tilgan. Hatto muallif barcha hunarlar ichidan so'z hunarini – notiqlikni ulug'laydi.

Ilgarilari podshohlar el oldiga chiqib davlat tuzumi, itoatkorlik, xalqaro ahvol, diniy qoidalar, o'z siyosatlari va boshqa mavzularda nutq so'zlaganlar. Ayniqsa, juma namozi kunlari ularning chiqib, nutq so'zlashlari shart bo'lgan. Vaqtlar o'tishi bilan bunday ishlarni maxsus so'z ustalariga topshira boshlaganlar. Alisher Navoiy o'zining "Majolisun nafois" asarida bunday notiqlardan Xoja Muayyad Mehnagiy, Mavlono Riyoziy va Husayn Voiz Koshifiylarga alohida tavsif bergan.

**Xoja Muayyad Mehnagiy** o'z zamonasining yetuk notiqalaridan bo'lish bilan birga, oddiy mo'ror shayxlaridan bo'lgan. U yuzadagi ilmlar, o'ziga ayon bo'lgan fanlarning hammasini o'zlashtirganga emas, balki ularni to'ldirgan va rivojlantirgan ham edi. Uning va'zlari jo'shqin o'tgan, o'z tinglovchilarida nutqiga nisbatan xayrixohlik qo'zg'ata olgan. Shuning bilan birga u tinglovchilari qalbiga qo'l sola olgan, ularning har birini faqatgina tinglovchilikdan faol fikr yurituvchi, va'z mazmuniga nisbatan faol munosabatda bo'luvchi ijodkor tinglovchilar darajasiga ko'tara olgan. O'z majlislarining qizg'in o'tishiga erisha olgan.

**Mavlono Riyoziy** Zova deb atalgan viloyatda o'sdi, ulg'aydi. O'zining aql-zakovati bilan shu viloyatning qozisi lavozimigacha ko'tariladi. Biroq u ayrim xatti-harakatlari uchun qozilik lavozimidan chetlashtirilgan, kishanga solinib badarg'a qilingan. Natijada bir umr ta'qib ostida yuradi, g'ariblikda kun kechiradi. Mavlono Riyoziy nutq paytida ko'z yoshi to'kish darajasiga yetib borar ekan, qalbidagini yig'lab bayon etar va kishilarni shunga ishontira olar ekan. U juda iste'dodli notiq, chinakam so'z san'atkori bo'lgan.

Mavlono Riyoziy ajoyib so'z san'atkori bo'lish bilan bir qatorda, o'z davrining ko'zga ko'ringan pedagoglaridan biri bo'lgan. U o'z ishlarini dunyoviy fanlar: tabiatshunoslik, geografiya, tarix, adabiyot nazariyasi va boshqa fanlarni chuquq o'rganib, ularni yoshlar o'rtasida ratg'ib qilgan.

O'z kasbining mohir ustasi bo'lgan Mavlono Riyoziy o'z nutqlarida boshqa notiqlar qatori xalq og'zaki ijodidan, ayniqsa, badiiy adabiyotdan juda ustalik bilan foydalangan. U o'z zamonasining zabardast notig'i, olimi, pedagogi va shoirlaridan bo'lgan.

**Husayn Voiz Koshifiy** Alisher Navoiyning zamondoshi, u bilan bar davrda yashagan, ijod qilgan. Husayn Voiz Koshifiyning eng asosiy fazilati uning ilm egasi ekanligidir. U juda ko'p fanlarni egallagan va ularning har birida chuqur ilmiy-tadqiqotlar olib borgan mashhur olimlardan biridir. Quyidagi asarlar uning qalamiga mansub: "Javohirut tafsir" yoki "Tafsiri Husayniy", "Mavohibud dunyo", "Lubbi lubob", "Anvori Suhayliy", "Ravzatush shuhado", "Dah majlis", "Axloqi Muhsiniy", "Mavzonul insho", "Sabo", "Koshifiya", "Asrori Qosimiy", "Hotamnoma", "Matla'ul anvor", "Ixtiyoriyot"...

Husayn Voiz Koshifiyning nutqini eshitish uchun odamlar shaharning turli tomonlaridan yig'ilishar, tinglovchilar soni shu qadar ko'payib ketishi natijasida orqada turganlarga notiqning ovozi yetib kelolmasa ham, uning ichki ruhiy holatini turli holatlar orqali ifodalanishini kuzatar ekanlar.

O'z zamonasining ulkan so'z san'atkori Husayn Voiz Koshifiyning yuksak mahoratiga hatto Alisher Navoiy va Husayn Boyqarolar ham qoyil qolib tan berganlar, hatto o'z asarlarini rasmiy ijro etish lozim bo'lganda, unday ishga Husayn Voizni munosib ko'rganlar.

Xondamirning aytishiga qaraganda, u juma kuni ertalab Hirotning markaziy chorsusida joylashgan shoh namozgohida va'z aytgan, shu kuni peshindan keyin Alisher Navoiyning masjidida, seshanba kuni Sulton Husaynning madrasasida, chorshanba kuni pir Mujarrad Xoja Abdul Valid Ahmad mozori boshida, payshanba kuni Sulton Ahmad Mirzo mozori boshida nutq so'zlagan.

Bularning barchasi, notiqning har tomonlama bilimdonligidan va jahonning baland-pastini yaxshi bilganligi, uning nutqining setmazmun bo'lishini ta'minlaagan omillardan biridir.(4, 16-21-b.)

**Og'zaki ijrochilik, ifodali o'qish va nutq odobi.** Badiiy adabiyot paydo bo'lishi bilan uning ifodali o'qilishi, og'zaki ijrochiligi ham maydonga keladi. Badiiy so'z san'atkori xalq o'rtasida ijodkor emas, balki ijrochi sifatida ko'proq e'tiborga ega bo'lgan. Jumladan, "Avesto"ning yaratuvchilari, bora-bora uning professional ijrochilariga aylanib qolgan kohinlar toifasi xalq orasida adiblar sifatidagina emas, balki jonli so'z sehri bilan mo'jizalar ko'rsatuvchi mutaxassislar sifatida ham katta e'tibor qozonganlar. Tarixiy taraqqiyot davomida adabiyot bilan birga ijrochilik san'ati ham rivoj topa boradi. Masalan, O'rta Osiyoda shoirlar bilan bir qatorda, ularning asarlarini majlis-anjumanlarda, keng mehnatkash xalq orasida ijro etuvchi san'atkorlar – roviylar toifasi paydo bo'ladi.

O'zbek badiiy so'z ijrochiligi san'atiga xos bo'lgan bedilxonlik, navoiyxonlik, fuzuliyxonlik, mashrabxonlik bilan birga, qissago'ylik, hikoyago'ylik, latifago'ylik, navhagarlik, ertakchilik, kulgili hikoyago'ylikning taraqqiyoti bu san'atning juda qadimiy va boy tarixga, ma'lum an'anaga ega ekanligini anglatadi.

Xalq og'zaki ijodida baxshilarning tutgan o'rni alohida ahamiyatga ega. Ular o'nlab, yuzlab xalq dostonlarini yoddan aytib yurganlar.

O'rta Osiyo xalqlari pedagogikasi tarixida ifodali o'qish san'atiga bo'lgan e'tibor alohida mavqe kasb etadi.

XX asr boshlaridan O'zbekistonda ifodali o'qish sahnadan keng o'rin ola boshlaydi. Hamza, Avloniy, Mannon Uyg'ur singari yetuk pedagog-rejessorlar va ularning iste'dodli shogirdlari badiiy o'qishni sahnaga olib chiqdilar. Ular teatr sahnalarida, spektakllar boshlanishidan oldin yoki antrakt paytida parda oldiga chiqib she'rxonlik qilardilar.

Hamza, Avloniy va Ayniyalar o'zlari ochgan yangi usuldagi maktab o'quvchilari uchun "Yengil adabiyot", "O'qish kitobi", "Adabiyot yoxud milliy she'rlar", "Birinchi muallim", "Ikkinchi muallim" kabi o'qish kitoblari yaratgan edilarki, ularda ifodali o'qishga alohida e'tibor berilgan.

Keyingi dasturlar va qo'llanmalar yanada takomillashtirildi va ifodali o'qish san'atiga bo'lgan e'tibor muntazam ortib bordi. Bugungi kunga kelib, ifodali o'qish san'atining bolalar bog'chasidan boshlab oliy o'ruv yurtlarigacha dasturli tarzda mustahkam o'rin egallaganligi va fanning bu sohasiga oid turli qo'llanma hamda xrestomatiyalar yaratilayotganligi ifodali o'qish san'atiga bo'lgan e'tiborning yorqin namunasi bo'la oladi.(4, 4-7-b.) Maълумки, ўтмишда нотикликнинг илк кўринишлари дастлаб Миср, Ассирия, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлган эди. Кейинчалик эса қадимги Юнонистон ва Римда нотиклик, нутқ маданияти бирмунча тараққий этиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутувчи назария сифатида асосланади. Қадимги даврда Миср, Вавилон ва Ҳиндистон каби давлатларда тилдан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар. Улар тилга инсоннинг камолот даражасини кўрсатувчи белги, қолаверса, тингловчиларни ишонтириш воситаси сифатида муносабатда бўлганлар. Кейинчалик эса араблар ўзлари киядиган кийимларни ҳам фикрни ифодалаш усули – услубига мос тарзда тушунадиган бўлганлиги тарихдан маълум.

Қадимги Ҳиндистонда нутқ маданияти ривожига бевосита “Маҳобҳорат”, “Рамайна” каби афсонавий дostonлар билан боғлиқдир. Бу дostonларда комил инсонга хос хусусиятлар ниҳоятда улуғланган. Шунингдек, қадимги ведалар давр ўтиши билан тушунилиши қийинлаша борган. Натижада уларнинг тилини содда тарзда тушуниш ва тушунтириш учун луғатлар тузишган, қийин сўзлар изоҳини беришга, шунингдек, ведалар тили ва услубини тадқиқ этишга эҳтиёж кучайган. Бу эса ўз навбатида ҳинд нотиклик санъати ривожига учун сезиларли туртки бўлган. Бу изланишлар самараси ўлароқ ҳинд тилшунослигида бир қатор асарлар яратилган.

Қадимги Юнонистонда кишининг нотиклик билимларига эга бўлиши сиёсий аҳамиятига эга бўлган. Мамлакатда кулдорлик тузумининг ҳукм суриши ўз навбатида сиёсий нотикликнинг ривожланиши учун замин яратган. Нотиклик сирларини билиш биргина давлар раҳбари, халқ етакчисидан ташқари бўлган кишиларга ҳам шарт бўлган. Бу ўша даврда суд нотиклигининг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Чунки ҳар бир киши суд олдида ўзини чиройли нутқи билан ҳимоя қилиш лозим бўлган. Бундан ташқари, юқори доираларга хизмат қилувчи нотиклар ҳам бўлган. Улар асосан, тантанали йиғилишларда, турли расмий кечаларда давлатнинг юқори табақа вақлларини мадҳ этиш билан шуғулланганлар. Натижада эса мактов нотиклиги ҳам вужудга келган. Давр талаби ва ҳаётий эҳтиёж бу даврда бир қатор жаҳонга таниқли бўлган нотикларни етиштириб чиқарган. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар Ҳомернинг “Иллиада” ва “Одиссия” асарлари орқали етиб келган. Бу асарларни ўрганган Рим нотиғи Квинтилиам таъсирчан, содда ва гўзал фикр ифодалаш имкониятлари кенглигига шоҳид бўлди. У бу асарларда фикр ифодалашда оғзаки нутқ санъатининг роли катта эканлигини ва нутқнинг мукамал бўлишини таъминловчи соддалик, аниқлик, ифодалилик, қисқалик каби хусусиятлар нотик нутқининг беазаги эканлигини эътироф этади.

Юнонистон тарихидаги буюк сиймолардан бири Демосфендир. Судда ўзини ҳимоя қилувчи суд нотиғи даражасидан катта сиёсий нотик даражасига кўтарилган Демосфен ўз устида тинимсиз машқ олиб борган. Паст овози ва титраб турадиган кифтини тузатиш учун у оғзига тош солиш, кифтига қилич тираб туриш каби машқлар билан ўз жисмоний камчиликларини бартараф этган.

Унинг нутқи сиёсий характерга эга бўлиб, вазиятга мос ҳолда ўзгара борган. Унинг нутқлари аудиторияга мос ҳолда содда, тушунарли, оддий, тантанавор, жиддий, аниқ бўлган. У халқ орасида чуқур ҳурмат-эътибор қозонган.

Демосфендан кейинги давр нотиклиги Аристотель номи билан боғлиқ. У ўзининг нотиклик санъатига бағишланган “Риторика” номли асарида бу санъатнинг нозик жиҳатлари ҳақида фикр юритади. У авваломбор, нотикнинг ўз нутқини тўғри шакллантира билиши, аниқлигига эътибор беради. Унинг фикрича, агар нутқ аниқ бўлмаса, нотик ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди. У, шунингдек, нутқ жараёнида тил бирликларидан, ифода тасвир воситаларидан меъёридан ортиқ фойдаланишни қоралайди. У ўз асарида бу санъатнинг асосини ташкил қилувчи беш жиҳатга, яъни нотик томонидан материалнинг ўзини хотирлаб, нутқ қурилишига эътибор бериш, ўрганишга, сўз билан ифодалашга, тасаввур қилиш орқали талаффуз қилишга алоҳида эътибор беради.

Қадимги Римда етишиб чиққан машҳур нотиклардан бири Цицерондир. Цицероннинг нотиклик санъати борасидаги фаолиятини ўрганган тилшунос олимлар Б. Ўринбоев ва А.Солиев унинг қуйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлайдилар:

1. Нотикнинг ўзига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Бунинг учун эса нотик ўз нутқида олға суриладиган фикрга тўла ишонч ҳосил қилиш лозим.
2. Нутқ тўлиқ исботли далилларга эга бўлиши керак.
3. Материални тўплаш нутққа тайёргарликнинг асосидир.
4. Материални тўғри жойлаштириш – экспозицияга алоҳида эътибор бериш лозим. Жойлаштириш шундай бўлсинки, у материални бутунлай ўзлаштириб олишга енгиллик яратсин. Бунинг учун эса нутқни аниқ қисмларга бўлиш лозим.
5. Ҳар қандай соҳада ҳам нутқнинг муваффақиятини билиш ҳал этади. Агар нотик ўз нутқи қаратилган соҳани яхши билмаса, у қанчалик санъаткор бўлмасин, ўз тингловчисини жалб этолмайди.

Цицерон нутқнинг тузилишига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, ҳар бир нутқ талабга жавоб берарли даражада қурилгандагина яхши натижа беради. Цицерон томонидан ишлаб чиқилган нотиклик нутқи композицияси қуйидагича бўлган:

1. Кириш.
2. Ишнинг моҳиятини баён қилиш.
3. Планнинг кейинги қисмларини ифодалаш.
4. Далиллар (нутқнинг энг муҳим қисми).
5. Асосий мазмунни таъкидлаш.

6. Хулоса (якун яшаш).<sup>6</sup>

Номлари юқорида қайд этиб ўтилган алломаларнинг нутқ маданияти, нотиклик санъати тўғрисидаги қарашлари ўша даврда жаҳон маданияти тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатиб, Европада нутқ маданиятининг алоҳида фан сифатида вужудга келиши учун асос бўлади.

Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида нутқ маданиятининг ўзига хос ўрни бор. Бу юртда нотикликнинг ривожланиши ва тараққий этишида маърифий-ирфоний ғоялар муҳим аҳамият касб этади.

Демак, инсонга нутқ энг олий тухфа сифатида берилган. Ундан фойдаланишдан эса у жуда эҳтиёткор бўлмоқлиги, комил инсон олдида кўйиладиган талаблардан келиб чиқиб фойдаланмоғи керак.

Юртимизда етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абдуллоҳ ал Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломалар ижодида ҳам нутқ маданиятига оид қимматли фикрлар мавжуд.

Нутқ маданиятига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Абу Наср Фаробий нутқнинг қай даражада мукамал бўлишини ақл билан боғлайди. У инсоннинг нутқ ифодалаш жараёнида ўзини тутиши, бошқалар билан мулоқотга киришида эътибор бериши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида фикр юритар экан, асосан, тил ҳақидаги илмлар, грамматик ва мантиқ фанларининг ўзаро кучли боғлиқликда эканлигини кўрсатади. Унингча, инсон фикри ана шу учаласи таҳлилидан сўнггина мукамал бўлиши мумкин. Яна бир буюк аллома Абу Али ибн Сино (980-1037) эса нотик қуйидагиларга амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

1. Насихат қўпол оҳангда берилиши керак эмас.
2. Суҳбатдошнинг илм даражасини ҳисобга олиш зарур.
3. Насихатга (ваъзхонликка) кўп берилмаслик керак, уни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.
4. Насихатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш керак.
5. Агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан қиёслаб таъна қил.

6. Агар ўз эътиқодинини айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки кўп масалалар билан исботла, суҳбатдошининг бунини юрагига яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.

7. Агар суҳбатдошининг сенинг гапларинга эътибор билан кулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур<sup>7</sup>.

Нотиклик санъати тарихида буюк аллома Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳам муҳим ўрин тутаяди. У бу асарида нотикқа насихат тарзида бир қатор фикрларни баён қилади:

*Киши сухандон, сухангўй (нотик) бўлиши керак, аммо эй фарзанд, сен сухангўй бўлгил ва лекин дурўггўй (ёлгончи) бўлмагил. Ростгўйликда ўзинг*

<sup>6</sup> Ўринбоев Б., Солиев А.. Нотиклик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. Б.15.

<sup>7</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

шуҳрат қозонгил, ҳоким бирор вақт зарурат юзидан ёлгон сўз десанг, қабул қилгайлар. Ҳар сўз десанг ҳам, рост дегил ва лекин ёлгонга ўхшаган ростни демагилким, ростга ўхшаган дурўғ дурўғга ўхшаган ростдил яхшидир, недингим ул дурўғ маъқул бўлар, аммо ул рост бўлмас... Сухангўй шу киши бўлгайки, у ҳар сўзини деса, ҳалққа маъқул бўлгай... Билмагон илмдин дам урмагил ва ундин нон талаб қилмагил... Гар сўз демоқчи бўлсанг, шундай сўз дегилки, сўзингнинг ростлигига гувоҳлик берсинлар... Ҳар сўзни андиша билан боғламагил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмагайсан... Совуқ сўзлик бўлагил. Совуқ сўз бир тухумдир, ундин душмандлик ҳосил бўлур... Кўп билиб, оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демагил. Нима учунки ақлсиз шундоғ киши бўладур – у кўп сўзлар.<sup>8</sup>

Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билинг” асарида ҳам қимматли фикрлар бор. Улардан айримларини келтириб ўтамыз:

**Тилдан фойдаланишда эҳтиёткорлик ҳақида:**

*Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин...  
Сенинг ўзинг инсонлик тиласанг,  
Тилингдан яроқсиз сўзингни чиқарма...  
Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,  
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди...*

**Кўп сўзлашнинг зарари тўғрисида:**

*Кўпни кўп сўзлама, бир озроқ сўзла,  
Туман минг сўз тугунини (яъни жумбогини) шу бир сўзда еч...  
Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,  
Кўп сўз бошни ерга эгади...*

**Қисқа сўзлаш тўғрисида:**

*Тилингни ниҳоятда эҳтиёт қилгил, бош сақланади,  
Сўзингни қисқа қилгин, ёшинг узайтирилади.*

**Яхши сўзларни сўзлаш ҳақида:**

*Кишини ўзи икки нарса туфайли қаримайди:  
Бири эзгу хулқи, бири эзгу сўзи.*

**Керакли сўзни кўллаш ҳақида:**

*Ҳамма сўзни йиғса, ақл сиздира олмайди,  
Керак сўзини сўзлайди, киши (ни) яширмайди.*

Худди шундай фикрларни Абул Қосим Маҳмуд аз Замахшарийнинг асарларида ҳам учратамыз. Унинг машҳур асарларидан бири - “Нозик иборалар” да нутқ маданиятига оид куйидаги фикрлар учрайди:

*Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.*

*Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.*

<sup>8</sup> Кайковус.Кобуснома.Тошкент: Истиқлол,1994.Б.35-40.

*Агар тилингни ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топишган бўласан.*

*Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.*

*Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатнинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёндан) чиққан садақандан кўра ҳайрлироқдир.*

*Кўпинча тил билан етказилган жароҳат тиз билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.*

*ўзи сазовор бўлмаган ҳамда саною мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.*

*Сени касоду инкисорга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.*

*Агар бировни айблаб хитоб қилмоқчи бўлсанг, зинҳор ёзма тариқада (қоғоз, хат билан) қил, чунки биров-бирова қарши бўлиб, айблаш кам ақллилар ва телбалар ишидир, шунингдек, бу ҳолда кўнгилни сиёҳ қилишга сабаб бўлгувчи сўзлар ҳисобсиз айтилиши муқаррар, аммо хат ёзилганда эса, эмин-эркин ўйлаб, фикр-мулоҳаза билан ёзилади.*

*Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар.*

*Тилию дили тўғри ва ҳаққўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.*

*Эй бўтам, тилагим ёмон сўзлардан сақлан.*

*Алишер Навоий ижодида ҳам нутқ одоби тўғрисида ғоят қимматли фикрлар кўп. Алишер Навоий сўзининг қадрини жуда улуғлайди ва ҳар бир ҳолатда ҳам сўздан фойдаланишида эҳтиёт бўлишига чақиради.*

*Сўздирки нишон берур ўликка жондин,*

*Сўздирки, берур жонга хабар жонондин.*

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,*

*Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

*Сўзни кўнгулда тишқормагунча тилга келтурма,*

*Ҳар неким кўнгулда бор-тилга сурма.*

*“Маҳбуб ул-қулуб”*

**Тил билан дилнинг бир бўлиши лозимлиги ҳақида:**

*Тили фасиз ва дилпазир бўлгай-хуброқ бўлгай,*

*Агар кўнгул бирла бир бўлгай.*

*“Маҳбуб ул-қулуб”*

**Хушмуомалалик, ширинсўзлик ҳақида:**

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,*

*Ҳар неки агёр дурур ёр айлар,*

*Сўз қатиги эл кўнглига озор айлар,*

*Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.*

*“Назм ул жавоҳир”*

**Тилни тиймоқ тўғрисида:**

*Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг сўзни кўп эшитурдин қайтма.*

*Оз деган янчилур, оз еган йиқилур.*

### “Маҳбубул-қулуб”

Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз ижоди билан, ўзининг нутқ одоби тўғрисида билдирган фикрлари билан нутқ маданияти ривожига салмоқли хисса қўшган.

Собиқ шўролар даврида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода сингари шоир ва ёзувчилар нутқ маданияти ривожига учун самарали меҳнат қилдилар. Улар ўз асарларида тилнинг софлиги, жозибадорлиги, таъсирчанлигини сақлаб қолиш каби бир қатор энг муҳим масалаларни кўтариб чиқдилар. Таниқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор фикрлари:

Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.

Дунёда қалб ҳарорати билан жон киргизилмаган нутқ – ўлик нутқдан совуқроқ нарса бормикин!

Тирик, яъни юракдан чиққан жўшқин нутқ ўликни тирилтирса, ўлик, яъни юракдан чиқмаган совуқ нутқ, дарҳақиқат, ўликка ҳам озор етказди.

Гапни тонналаб олингу граммлаб сотинг.

Биров гапни йиғлаб гапиради, биров тиканак боғлаб гапиради...каби. Шундай фикрларни Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода каби шоир ва ёзувчиларимиз ижодида ҳам учратамиз. Нутқнинг ихчамлиги, қисқалиги, соддалиги, таъсирчанлиги каби хусусиятларга эътибор бериш бу кишиларнинг доимо диққат марказида бўлиб келинганлиги уларнинг асарларида сезилиб туради.

Демак, ҳар бир даврда ҳам нутқ маданиятини, жумладан ўқитувчи нутқи маданиятини ривожлантириш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлган, дейиш мумкин.



### Текшириш учун саволлар

1. Инсоният тарихида нотикликнинг илк кўринишлари дасталаб қаерда пайдо бўлган?
2. Жаҳон халқлари тарихида нутқ маданияти соҳасида илк назариётчилар кимлар эди?
3. Ўтмишда яшаб ижод этган алломаларимизнинг қайси асарларида нутқ маданияти масаласига алоҳида эътибор берилган?
4. Алишер Навоий ўзининг қайси асарларида нотиклик санъати, нутқ маданияти тўғрисида кенг фикр юритган?
5. Собиқ шўролар даврида ўзбек нутқи маданиятининг ривожланишига кимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар?
6. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, нотиклик, ўқитувчи нутқи маданиятини ривожлантириш ва ўрганиш бўйича қандай янги қарашлар майдонга келди?

## Adabiyotlar

1. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. – T.: Fan, 1992, 3-24-b.
2. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993, 4-34-b.
3. Begmatov E. va boshqalar. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988, 3-72-b.
4. Oripov K., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994, 4-21-b.
5. Bekmirzayev N. Notiqliksan'atiasoslari. – T.: Yangi hayot, 2008, 16-40-b.
6. Mahmudov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxonanashriyoti, 2007.
7. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.
8. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – Samarqand: 2003, 11-25-b.
9. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zR ME, 2002.

### 3-MAVZU

#### 3-mashg'ulot.

#### Адабий тил меъёри ва вазифавий услублар



#### Ўқув мақсади

*Талабаларда меъёр тушунчаси, адабий тил меъёри, меъёрнинг турлари ва уларнинг нутқ кўринишларида қўлланиши, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш. Талабаларга услуб тушунчаси, ўзбек адабий тили вазифавий услубларининг турлари ва уларнинг нутқ кўринишларида қўлланиши ҳақида маълумот бериш.*

#### Асосий маълумотлар

Маълумки, сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрини ифодалаш жараёнида тилда мавжуд бўлган тил берликларининг нутқий вазият учун мос бўлган кўринишини танлаб олиб қўллаши тил берликларининг нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб чегаралашни, маълум бир гуруҳларга ажратишни тақозо қилади. Алоҳида олинган бу гуруҳларни вазифавий услуб сифатида қараш мумкин. “Услуб (стиль)” атамасининг келиб чиқиши олис даврларга бориб тақалади. Асли учи ўткирлаштириб, ёзиш учун мулжалланган таёқчага нисбатан қўлланилган “услуб (стил)” сўзи кейинчалик қадимги Рим ва Грецияда ишонтириш санъати, ҳиндларда нутқни безаш воситаси, арабларда кийим сифатида тушуниланган. Кейинги асрларда эса у филологик атама сифатида қўлланила бошлаган.

Кейинги йилларда услубшунослик муаммоларига бағишланган кўплаб дарслик ва ўқув кўлланмаларида вазифавий услублар ҳақида кенг фикр юритилиб, у ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалалардан бири деб қаралмоқда. Лекин вазифавий услублар, тилнинг тасвирий ифода воситалари, синонимия масалаларини ҳал этишда турлича фкрлар мавжудлиги кўзга ташланади. Бу эса вазифавий услубларнинг турлича таснифланишига ва бу масалаларга ҳар хил қарашларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Адабий тилни услубларга бўлиб ўрганиш масаласи ўзининг узоқ тарихида эга бўлиб, унинг илдизлари антик философияга бориб тақалади.<sup>9</sup> Тилнинг бўёқдорлик хусусиятини услубларни таснифлашда ўзларича асос деб билган қадимги ҳинд олимлари 8 та, баъзилари 10 та услуб мавжуд деган гоёни олға сурганлар.<sup>10</sup>

Услублар масаласи билан шуғулланган француз академияси 18 асрда тилнинг таъсирчанлиги ва жанр хусусиятларига кўра услубларни қуйидаги турларга ажратганлар: классик трагедиялар, одалар, оратория услуби – юқори услуб; роман, повестлар услуби – замонавий услуб; фарс ва масаллар, содда услубли комедия ёки фолклор услуби.<sup>11</sup>

Рус тилшунослигида услублар назаряси М.В. Ломоносов номи билан боғлиқ. У рус тилшунослигида биринчи марта ўзининг уч услуб (юқори, ўрта, қуйи) тўғрисидаги назариясини ўртага ташлади ва услубларнинг жанрларини кўрсатиб беради. У ода, қаҳрамонлик поэмалари ва қўшиқлари, трагедия ва прозаик нутқ юқори услубга, комедия, ҳазил қўшиқлари, кундалик ишнинг насрий баёни, насрий дўстлик хатлари қуйи услубга тегишли ва улар шу услублар талаблари асосида ёзилиши лозим деб ҳисобланган.<sup>12</sup>

Юқорида келтирилган фикрлардан шу нарса аниқ бўлдики, олимлар тилнинг бўёқдорлигини ҳисобга олиб услубларни таснифлашда бир ёқламаликка йўл қўйганлар. Бугунги кунда ўзбек тилшунослари тилнинг вазифавий услубларини қуйидагича таснифлайдилар. Уларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз:

Турсунов У, Ўринбоев Б. “а) адабий – бадий (поэтик ва прозаик) стил; б) ижтимоий-публицистик стил; в) илмий баён стили: г) профессионал – техника стили; д) расмий ҳужжатлар стили; е) ҳар хил ёзишмалар, кундаликлар ва хатларга хос бўлган мактубий стил.”<sup>13</sup>

Шомақсудов А. “ а) илмий- техник стил; б)илмий- оммабоп стил; в)расмий – идоравий стил; г) ижтимоий-публицистик стил д) сўзлашув стили; е)бадий адабиёт стили;.”<sup>14</sup>

Ғуломов А. “ а) сўзлашув стили; б) бадий стил; в) китобий (илмий, расмий, публицистик,) стил”.<sup>15</sup>

<sup>9</sup> Античные теории языка и стиля. Москва, 1936. С.173-176.

<sup>10</sup> Баранников А.П.Изобразительные средство индийской поэзии.Ленинград,1947.С.14-15.

<sup>11</sup> Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. Москва,1975.

<sup>12</sup> Ломоносов М.В. Полн. Соб. Сочинен. Т.7.Москва, 1952.С. 467.

<sup>13</sup> Турсунов У.,Ўринбоев Б.Ўзбек адабий тили тарихи.Тошкент:Ўқитувчи, 1982.

<sup>14</sup> Шомақсудов А.Ўзбек адабий тили стиллари ҳақида.-Филологик тадқиқотлар тўплами.ТошДУ илмий асарлари.Тошкент, 1970.Б.227-240.

<sup>15</sup> Ўзбек тили.Тошкент:Ўқитувчи,1977.

Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. “ а) сўзлашув стили; б) илмий стил; в) расмий иш-қоғозлари стили; г) публицистик стил; д) бадиий стил;”<sup>16</sup>

Мукаррамов М. “ а) сўзлашув стили; б) расмий ҳужжатлар стили; в) илмий стил; г) публицистик стил; д) бадиий стил”.<sup>17</sup>

Э.Бегматов, А.Бобоева, М. Асомиддинова, Б.Умурқуловлар услубларни оғзаки ёки ёзма эканлигига кўра икки – оғзаки нутқ услуби ва ёзма нутқ услубига ажратадилар. Улар сўзлашув услубини оғзаки нутқ услубига киритадилар ва унинг икки тури (адабий сўзлашув ва оддий сўзлашув) мавжудлигини кўрсатадилар. Ёзма нутқ услубига эса бадиий, илмий, публицистик, расмий иш услубларни киритиб, бадиий услубининг насрий, поэтик, драматик, илмий услубнинг илмий- техник, илмий- оммабоп, публицистик услубнинг газета, ижтимоий-сиёсий, расмий иш услубининг расмий –идоравий, расмий- ахборот услуби каби тармоқлари борлигини схема ёрдамида кўрсатадилар.<sup>18</sup>

А. Шомақсудов ва бошқалар томонидан яратилган “Ўзбек тили стилистикаси” (Тошкент, 1983й.) дарслигида ўзбек тили вазифавий услубларининг бешта тури (сўзлашув стили, расмий стил, илмий стил, публицистик стил, бадиий стил) мавжудлиги кўрсатиб берилган ва бу услубларнинг лексик, грамматик хусусиятлари очиқ берилган.<sup>19</sup>

Шу фикр тарафдорлари бўлган Х. Донёров ва Б. Йўлдошевлар ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида вазифавий услубларнинг бешта тури мавжуд деган фикрни билдирадилар: “а) илмий стил, б) расмий иш қоғозлари стили; в) публицистик стил; г) оғзаки сўзлашув стили.”<sup>20</sup>

Яна бир тилшунос олим С. Мухамедов вазифавий услубларнинг куйидаги таснифини таклиф этади:

1. Расмий иш функционал стили: а) расмий ҳужжатлар услуби. Бунга қарорлар, қонунлар каби ҳужжатлар қиради; б) расмий иш услуби. Бунга ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган хатлар, ёзишмалар қиради.

2. Илмий функционал стилга илмий –техника, илмий -оммабоп, илмий публицистик ҳамда илмий ўқувга тааллуқли текстларни киритиш мумкин.

3. Публицистик стилга асосан, газета текстлари кириб, тематика жиҳатидан жуда кенгдир. Бу функционал стил: а) мамлакат сиёсий ва социал ҳаёти (бош мақолалар, партия турмуши, ички сиёсат, доклад, нутқ ва бошқалар); б) чет эл хабарлари ( сиёсий ва иқтисодий); в) экономика (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқалар); г) фан ва техника (илмий янгиликлар, ҳар хил соҳалардаги техника

<sup>16</sup> Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Самарқанд, 1984. Б.15.

<sup>17</sup> Мукаррамов М. Функционал стиллар классификациясига доир. - АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК. Труды ТашГПИ им. Низами, том.195. Ташкент, 1977. С.3.

<sup>18</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент:Фан, 1988. Б.80.

<sup>19</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1983. Б.13.

<sup>20</sup> Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. Тошкент:Фан, 1985.

ютуқлари ва ҳакозо); д) маданият ва санъат (театр, кино хабарлари, музыка ва рассомчилик асарларига такризлар ва бошқалар); е) репоптаж, памфлет, очерк ва ҳакозо; ж) физкультура ва спорт хабарларидан иборат.<sup>21</sup>

Сўзлашув нутқи бўйича кузатишлар олиб борган тилшунос олим Б. Ўринбоев ҳозирги ўзбек адабий тилидаги вазифавий услубларни қуйидагича таснифлайди;” И. Тил услублари: 1. Китобий услуб. Бу услубга ўз навбатида: а) сўзлашув нутқи услуби; б) илмий нутқ услуби; в) газета публицистик нутқи услуби; г) расмий иш нутқи услуби киради. 2. Эстетик коммуникатив услуб. Бунга бадиий адабиёт нутқи услуби киради.”<sup>22</sup>

Вазифавий услублар таснифи масаласида туркийшуносликда ҳам, рус тилшунослигида ҳам аниқ ва тугал фикрлар йўқлиги кўзга ташланади. Уларда услубларнинг биз юқорида қайд этиб ўтганларимиздан ташқари яна тантанавор, сатирик, интим-эркалатиш, ҳазил-мутойиба, бадиий беллетристик, эпистоляр каби турлари мавжудлиги айтилади.

Кўринадики, баъзи олимлар тилнинг киши фаолияти доирасида иштирок этишига қараб маълум бир турларга ажратсалар, бошқалари унинг фикрни ифодалаш шакли-оғзаки ёки ёзма эканлигига қараб таснифлайдилар. Учинчи бир гуруҳ олимлар эса унинг киши руҳияти, ҳиссиётига таъсир қилишига, таъсирчанлигига қараб услубнинг сатирик, ҳазил-мутойиба, тантанавор каби турларини кўрсатадилар. Кишининг ифодаламоқчи бўлган фикри, албатта, оғзаки ва ёзма нутқ воситасида юзага чиқади. Шунинг учун улар вазифавий услублар тизимидан мустақил услублар сифатида эмас, балки тилдан фойдаланишнинг икки шакли сифатида қаралиши керак. Вазифавий услубларни таснифлашда бўёқдорлик-таъсирчанлик, жанрлар принципига асосланган олимларнинг фикрларини ҳам унча асосли деб бўлмайди. Агар бу принципларга суяниб тасниф қилинадиган бўлса, у ҳолда услублар сони ниҳоятда кўпайиб кетган бўлар эди.

Академик В.В. Виноградов тилнинг энг муҳим уч хил ижтимоий вазифасига (алоқа, хабар, таъсир этиш) асосланиб, вазифавий услубларнинг одатдаги муомала услуби алоқа вазифасига, одатдаги расмий, расмий ҳужжат ва илмий услублар хабар вазифасига, публицистик ва бадиий услуб таъсир вазифасига хосланганлигини кўрсатиб беради.<sup>23</sup>

Тилнинг ана шу вазифалари ҳисобга олиниб, кейинги вақтда услубларга нисбатан ҳам “вазифавий (функционал) услуб” атамаси қўллана бошлади. “Ҳозирги вақтда тилшуносликда тил стиллари классификациясида функционал стиллар (бу термин ўрнида баъзан “тилнинг – стилнинг коммуникатив типлари термини ишлатилади) тан олинади. Стилларни бу хил классификация қилишда ҳам янги маънода жанрлар асосга олинган дейдилар. Бунда инсонлар муносабати, алоқаларига мос равишда майдонга келган жанрлар назарда тутилади. Тил киши фаолиятининг ҳамма соҳасига хизмат қилади. Ҳар бир алоҳида олинган соҳасида бир хил сўз, ибора, оборот ва

<sup>21</sup> Мухамедов С. Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти, №4, Б.54-58.

<sup>22</sup> Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. Тошкент:Фан, 1992.Б. 32-33.

<sup>23</sup> Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. Москва,1963.С.6.

конструкциялар кўпроқ ишлатилади, иккинчи бир хиллари камроқ, учинчиси эса ишлатилмайди. Ҳар бир мустақил функционал стил унда қўлланадиган тил воситаларининг умумий стилистик бўёғи билан характерланади. Шу сабабли ҳар бир алоҳида олинган стил (функционал стил) бошқача стилистик бўёққа эга бўлган бошқа стиллар учун хос бўлган тил бирликлари, системаларидан фарқ қиладиган, маълум даражада улар билан стилистик оппозиция ҳосил қиладиган маълум бир системага эга бўлади.”<sup>24</sup>

Юқоридаги фикрларда маълум бўладикки, тилшуносликда вазифавий услублар масаласида, уларни таснифлашда бир хиллик йўқдир. Бу олимларни вазифавий услубларни турлича номлашлари ва услублар сонини учтадан еттигагача деб кўрсатганларида ҳам сезилади. Аммо кейинги йилларда яратилган ишларнинг деярли кўпчилигида вазифавий услублар бажарадиган вазифаси жиҳатидан беш катта гуруҳга ажратилмоқда. Булар қуйидагилар: 1) сўзлашув услуби; 2) илмий услуб; 3) расмий иш – қоғозлари услуби; 4) публицистик услуб; 5) бадиий услуб.

Ўзбек тилшунослигида ҳар бир вазифавий услуб монографик тарзда ўрганилган ҳамда номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.<sup>25</sup>

Энди ҳар бир услубнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб ўтайлик.

**Сўзлашув услуби.** Сўзлашув услуби ўзининг лингвистик хусусиятларига кўра бошқа вазифавий услублардан ажралиб туради.

Сўзлашув услуби фақат ўзигагина хос бўлган фонетик хусусиятларига эга. Нутқ жараёнида товушларнинг ўзаро уйғунлашуви, бири ўрнида иккинчи товушнинг қўлланиши, ўрни алмашиши, тушиб қолиши, орттирилиши каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Масалан: дарё-дайро, тупроқ-турпоқ, зарур-зарил, йигитча-йигичча, уч сўм-уссўм, киоск-киоска, танк-танка, директор-дириктир, трактор-трактир, газета- газит кабилар.

Сўзлашув услубининг хусусиятларидан бири шуки, унда бир неча сўз ёки бўғиндан ташкил топган исмлар қисқартирилиб, бир сўз ёки бир бўғин ҳолига келиши мумкин: Муҳаммадкарим – Маматкарим – Маткарим. Абдурахим – Раҳим, Алибек – Бек каби.

Сўзлашув услубида шевага хос хусусиятлар кучли бўлади. Мулоқот жараёнида сўзловчи мансуб бўлган шевага хос бирликлар ўз аксини топади. Ана шунга қараб сўзловчининг қаердан эканлигини, унинг қайси шева вакили эканлигини осонгина аниқлаш мумкин.

Бу услубда сўзловчи ва тингловчи муносабатидан келиб чиқиб, ижобий ёки салбий муносабатни билдирувчи сўзлар кўп қўлланади. Ижобий муносабатни ифодалашда субъектив баҳо шакллари, эвфемизмлардан, салбий муносабат ифодалашда эса дағал сўз ва иборалардан фойдаланилади.

<sup>24</sup> Қўнгулов Р., Каримов С., Курбанов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Самарқанд, 1984. Б. 12.

<sup>25</sup> Уринбоев Б. Вопросы синтаксиса узбекской разговорной речи. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1974; Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1985; Курбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1987; Бабаханова Д. Официально – деловой стиль современного узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1979; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд, 1992. - 140 б.

Сўзлашув услубида тор доирадаги ижтимоий гуруҳларга хизмат қилувчи сўзлар алоҳида бир қатламни ташкил этади.

Сўзларни метонимик қўллашга бу усулда катта аҳамият берилади. Масалан: бир товоқ едим, икки стакан ичдим, стадион ўрнидан турди, икки косани симирди каби. Сўзлашув услуби ва унинг синтактик хусусиятлари профессор Б. Ўринбоев томонидан анча кенг ишланган.

Сўзлашув услубида фикрни ифодалаш имкониятлари кенг. Бунда сўзловчи биргина тил бирликларини қўллаш билан кифояланмай, балки тилнинг экстралингвистик факторларидан ҳам фойдаланади. Сўзлашув услубида фикрлар такрори, тугалланмаган жумлалар, инверсия кўп учрайди.

**Публицистик услуб.** Тилнинг вазифавий услублари орасида публицистик услуб инсон ҳаётининг, фаолятининг деярли ҳамма қирралари билан чамбарчас боғлиқ эканлигига кўра ажралиб туради. Унинг хусусиятлари шу услубда ёзилган асарлар, яъни хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фелъетон, памфлет, бош мақола кабиларнинг чегараланишида ҳам кўринади.

Публицистик услуб тилнинг бошқа вазифавий услубларига ўхшаш ва фарқли тамонларга эга. У ўзида қўлланилган тил бирликларининг бўёқдорлик, таъсирчанлигига, образлиликни ҳосил қилишига кўра бадиий услубга, таҳлил усули, мантиқийлиги, ишонтириш кучига эгаллиги, атамаларнинг мавжудлигига кўра илмий услубга ўхшаб кетади. Бу эса услубларнинг доимий алоқада эканлигини кўрсатади.

Публицистик услубда равишдош, сифатдош оборотлар, феъл шарт майли шакллари алмашиб қўлланиши, риторик мурожаат, ундов, бир таркибли гапларнинг қўлланиш даражаси бошқа услубларга нисбатан кўпроқ.

Публистик услубда қисқаликка алоҳида аҳамият берилади. Бу услубда ижтимоий – сиёсий атамалар кенг қўлланади. Публистик услубда нутқ монологик характерга эга. Унда биргина муаллиф иштирок этади. Публицистик услуб синтактик жиҳатда ҳам ўзига хос. Унда сўроқ, уюшиқ бўлакли, кириш бўлакли, кириш қурилмали, шахси умумлашган гаплар кўп ишлатилади.

**Расмий иш қоғозлари услуби.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида иш юритишда маъмурий ва ҳуқуқий ишларда расмий иш қоғозлари услубидан фойдаланилади. Мамлакатимизда турли хил қонунлар, фармонлар, буйруқлар, ҳар хил давлатлар, ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги шартномалар, мажлислар, ҳужжатлар, ариза, маълумотнома кабилар, расмий иш қоғозлари-буларнинг ҳаммаси расмий иш қоғозлари услубида ёзилади.

Расмий иш қоғозлари услубида сўзлашув услубига хос эркинлик сезилмайди. Унда қайтариқлар, такрорлар, узун-юлуқ жумлалар учрамайди. Сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи воситалар қўлланилмайди. Бунда сўзловчи ёки ёзувчи сўз танлаш ва қўллашда расмий иш қоғозлар услуби талабларидан келиб чиқиб, фикр ифодалайди. Расмий мазмундаги ёзма матнларда шу услубга хос бўлган хусусият, яъни фикрларни маълум бир қолипга солиб ифодалаш кучли бўлади. Фикрларни бу тарзда ифодалаш расмий иш қоғозлари услубининг талабларидан биридир. Фикрларни содда,

кисқа, аниқ ва лўнда ифодалаш расмий иш қоғозлари услубининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Профессional терминологиянинг мавжудлиги ва унинг қўлланиши шарт қилиб қўйилганлиги бу услубни бошқа вазифавий услублардан ажратиб туради.

Тилнинг вазифавий услублари буйича кузатишлар олиб борган тилшунос олим Р. Қўнғуров ва бошқалар расмий иш қоғозлари услуби ҳақида фикр юритар эканлар, унинг бир қатор грамматик хусусиятларини кўрсатиб берган эдилар. Бунда улар бу услубда тилга олинаётган кишилар ўз номи билан аталмасдан, бунинг ўрнига уларнинг белгисини ёки бирор ҳаракатини, бир нарсага муносабатини ифодаловчи отлар ишлатилишини (м.: гувоҳ, давогар кабилар.), ноаниқликка йўл қўймаслик мақсадида, одатда отларнинг олмош билан алмаштирилмаслигини, феълнинг ишлатилиши бошқа услубларга қараганда фарқланиб туришини, бу услубда уюшиқ бўлакли содда гаплар кенг қўлланилиб, айрим ўринларда уларнинг сони 8-10 тага етиши мумкинлигини, қўшма гапларда, хусусан, шарт эргаш гапли қўшма гаплардан кенг фойдаланишини, сўз тартибида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги тартибга риоя қилинишини мисоллар ёрдамида тушунтириб берганлар<sup>26</sup>.

**Илмий услуб.** Фан ва техника, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган услуб илмий услуб ҳисобланади. Илмий услубда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий рефератлар, диссертациялар, илмий тақризлар, илмий мақолалар ёзилади. Илмий услуб ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлари билан бошқа вазифавий услублардан фарқ қилиб туради. У бир қанча жиҳатлари билан расмий иш қоғозлари услубига ҳам ўхшаб кетади. Аниқлик, фикрларнинг мантиқийлиги, объективлик, фикрларни илмий тарзда баён қилиш, лексик жиҳатдан атамаларга ва мавҳум маъноли отларга, яъни сўзларга асосланиш каби хусусиятлар бу услубнинг ўзига хослигини таъминлайди. Тилшунос олим Р. Қўнғуров ва бошқалар илмий услубнинг икки асосий лексик қатлами сифатида атамаларни ва умумистеъмолдаги сўзларни кўрсатадилар ҳамда ўз навбатида атамаларни яна иккига, яъни умуммиллий атамалар ва соҳа атамаларига ажратадилар.<sup>27</sup>

Бу олимлар умуммиллий атамалар деганда кундалик фаолиятимизда фаол қўлланилаётган атамалар, яъни медицина, фан ва техниканинг турмушимизда кўп қўлланиувчи сўзларини назарда тутсалар, соҳа атамалари деганда эса маълум бир соҳада қўлланадиган атамаларни эътиборда тутганлар. Умумистеъмол сўзларига эса кўмакчилар ва ёрдамчи сўзларни киритадилар.

Илмий услубда сўзлашув услубига хос бўлган хусусиятлар мавжуд эмас. Унда қўлланилган тасвирий воситалар ҳам сўзлашув услубидаги каби нутқнинг образлилигини, ифодалилигини таъминлашга эмас, балки аниқликни таъминлашга хизмат қилади. Унда, асосан, ўхшатиш ва сифатлаш кўп

<sup>26</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан, 1988. Б. 99.

<sup>27</sup> Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев .Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. Б. 81-82.

қўлланилади. Илмий услубнинг яна бир хусусияти шуки, унда шартли белгилар кўп қўлланилиб, бир маънони билдиради.

**Бадиий услуб.** Тил вазифавий услублари тизимида бадиий нутқ услуби ҳам ўзига хос алоҳида лисоний белгиларига эга. Унинг ўзига хослигини таъминловчи омиллардан бири унинг тил бажарадиган энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири бўлган таъсир этишга мўлжалланганлигидир. Бадиий услуб тил бирликларини қамраб олиш имкониятларининг кенглиги, ундаги тил бирликларини янгидан янги маъноларда қўлланиши, қайта ишланилиши каби хусусиятлари билан ҳамма услубларга хос жиҳатларини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Унда асар талаби билан адабий тилимиз учун хос бўлмаган, тор доирада қўлланивчи бирликлар ҳам ишлатилиши мумкин. Лекин, уларни қўллашда ёзувчи маълум бир мақсадни кўзда тутуди. Бунда ҳар бир қўлланган тил бирлиги маълум бир услубий вазифани бажаришга хосланган бўлади. Бадиий нутқ услубида фаол қўлланадиган лексика бу нейтрал лексикадир. Бу унинг хабар беришлик характерида эканлигидан келиб чиқади. Бадиий услубда синонимлардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади. Асарнинг мавзу талабидан келиб чиқиб, тил бирлигининг шева ёки тарихий кўриниши ишлатилаверади. Тилимиздаги ажак, -гуси, -гуси, -гали, -гай, -кин, -миш, -на, -он, -гил каби қўшимчалар фақат бадиий нутқ услуби учун хосдир.

Бадиий услубнинг ўзига хос жиҳатлари уни бошқа услублар билан таққослаганда аниқ кўзга ташланади. Масалан, илмий услубда монологик нутқ етакчилик қилса, бадиий услубда монологик ҳам, диалогик нутқ ҳам қўлланаверади. Бу услубда, айниқса, поэтик нутқда тилнинг ифода тасвир воситалари кенг ишлатилади.

У ана шу хусусиятига кўра ҳам бошқа услублардан фарқ қилади.

Хуллас, бугунги кунда ўзбек тилининг вазифавий услублари имконият даражасида ўрганиб чиқилган. Вазифавий услублар ўзбек тилининг амалдаги имкониятларини ва тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим лингвистик омил ҳисобланади.



### Tekshirish uchun savollar

1. Нима учун меъёр нутқ маданияти назариясининг марказий тушунчаси ҳисобланади?
2. Меъёрни белгилашдаги асосий ўлчов нима ва меъёрга қандай таърифлар берилганлигини биласиз?
3. Ўзбек нутқи адабий меъёрининг қандай кўринишларини биласиз ва уларнинг фарқини қандай тушунаси?
4. Луғавий меъёрга путур етказувчи қандай омиллар бор?
5. Услубий меъёрни белгилашда қандай шарт- шароитлар ҳисобга олинади?

6. Услуб “стил” сўзи дастлаб қандай маъноларни англатган?
7. Услуб тушунчасига тилшуносликда қандай таърифлар берилган?
8. Услуб ва вазифавий услуб тушунчаларининг фарқини қандай тушунасиз?
9. Ўзбек тилшуносликда вазифавий услублар бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган қайси олимларни биласиз?
10. Ўзбек тилшунослигида вазифавий услублар қандай таснифланади ва бу таснифлар ҳар хил эканлигининг сабаби нимада?
11. Сўзлашув услуби қандай услуб ва унинг ўзига хос бўлган қандай хусусиятлари мавжуд?
12. Илмий услуб қўлланиш доирасидан келиб чиқиб, ўз навбатида яна қандай ички қисмларга бўлинади?
- Оммавий услубнинг қандай жанрлари бор ва унинг бошқа услубларга ўхшаш ва фарқли томонлари нимада?
13. Ўзбек бадиий нутқи услубининг қандай жанр хусусиятлари мавжуд ва унинг адабий тилнинг бойиб боришидаги аҳамияти нимадан иборат?
14. “Бадиий адабиёт услуби” ва “ёзувчи услуби” тушунчаларининг ўзаро қандай фарқи бор?

### **Adabiyotlar**

1. Abdurahmonov G., Mamajonov S. O'zbek tiliva adabiyoti. –T.: O'zbekiston, 2002, 3-46-b.
1. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. –T.: Fan, 1985.
2. Mahmudov N. O'qituvchining nutq madaniyati. –T.: Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxona nashriyoti, 2007.
3. Muhammadjonova G. O'zbek tili leksikasi taraqqiyotining ba'zi masalalari. –T.: Fan, 1982.
4. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Iqism. –T.: O'qituvchi, 1980, 5-24-b.
5. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – Samarqand: 2003.
6. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. –T.: Fan, 1992.
7. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. –T.: O'qituvchi, 1993.
8. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. –T.: O'zR ME, 2002.

### **4-mashg'ulot.**

**Mavzu: Nutq madaniyati va adabiy me'yor, nutq madaniyatining asosiy tamoyillari. Nutqning asosiy xususiyatlari. 4 soat.**

Reja:

1. Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, terminlar va iboralar.
2. Nutq madaniyatining asosiy me'yorlari:

- 2.1. Fonetik me'yorlar.
- 2.2. Lug'aviy me'yorlar.
- 2.3. Morfologik me'yorlar.
- 2.4. Sintaktik me'yorlar.
- 2.5. Imloviy me'yorlar.
- 2.6. Uslibiy me'yorlar.
3. Nutq madaniyati va me'yorlararo aloqa.
4. Nutq madaniyatini egallashning usul va yo'llari.
5. Adabiyotlar.

### **Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, termin va iboralar:**

*Me'yor, fonetik me'yor, lug'aviy me'yor, morfologik me'yor, sintaktik me'yor, imloviy me'yor, uslibiy me'yor, talaffuz me'yor.*

Маълумки, меъёр ва услуб тушунчаси бир-бирини тақозо этадиган тушунчалар ҳисобланади. Қуйида мазкур тушунчалар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Адабий тил меъёрларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уни илмий – назарий жиҳатдан асослаш ва у билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш тилшуносликнинг нутқ маданияти соҳаси олдидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки меъёр нутқ маданиятининг марказий тушучаси ҳисобланади.

Адабий тилининг ўзига хос жиҳатлари, унинг ривожланиш қонуниятлари, ундаги тил бирликларининг нутқ вазиятига мос ҳолда қўлланиш имкониятлари тадқиқ этилмай туриб, маданий нутқ ҳақида сўзлаб бўлмайди. “Тилнинг, нутқнинг нормали эканлиги аниқ. Аммо мана шу нормаларни белгилаш, уларнинг тўғрилиги, мақбуллигини аниқлаш, баҳолаш осон иш эмас. Чунки ҳозирга қадар тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг нормалари, мақсадга мувофиқлиги, ҳар бир нутқий ҳолат, вазият, нутқий услуб талаблари нуқтан назардан қанчалик йўқ ҳамда нуфузли эканлига етарли равишда ўрганилган эмас. Бу масалани ўрганиш, ўз навбатида, тил нормаси назарияси, лисоний норма ҳақидага таълимот билан боғланади. Бундай таълимот мавжуд. Аммо ҳозирги қадар тил нормаси тушунчаси, уни тушуниш, талқин қилиш, конкрет нормани белгилаш ва баҳолашнинг кўпгина томонлари илмий жиҳатдан мунозарали ёки ноаниқдир. Шу жиҳатдан нормани, жумладан адабий норма ҳақида ҳозирги давр тилшунослигида мавжуд бўлган фикрларни таҳлил қилиш ва маълум хулосалар чиқариш ўзбек тилшунослигининг лисоний норма назариясини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.”<sup>28</sup>

Тилшуносликда меъёр тушунчасига нисбатан намуна, андаза, норма, қоида каби турли атамалар қўлланилаётган бўлса-да, улар мазмунан ягона мақсад йўлида хизмат қилади. Бу ҳолат тилшуносликка оид луғатларда берилаётган таърифларда ҳам кўзга ташланади.

Дарслик ва қўлланмаларда берилаётган изоҳлар турли-туманлигидан қатъи назар, “Юқоридаги айтилган фикрлар асосида норманинг моҳиятини

<sup>28</sup> Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. (Адабий норманинг типлари) 2-қисм. Тошкент, 1998. Б.8.

қуйидагича таърифлаш мумкин: бир томондан, бу маълум коммуникатив вазифага ва маълум ижтимоий-нутқий вазиятга мувофиқ сўзловчи ёки ёзувчи учун нормали вариантларни хатосиз танлаб олти имкониятини берувчи қонуи-қоида, кўникма, малака, механизм бўлса, иккинчи томондан, ўша сўзловчи ёки ёзувчи конкрет нутқни мулоқотда ишлатиш учун танлаб олинган тил воситалари, яъни амалга татбиқ қилинган имкониятлардир”<sup>29</sup>.

Нутқ маданиятига бағишланган ҳар бир асарда адабий тил меъёрлари муаммолари асосий масала сифатида қаралади. Чунки “Тил нормаси катта ижтимоий аҳамиятга эга. У тилда доимо содир бўлиб турадиган ўзгаришларга бардош бериб, уни бузилишлардан сақлайди, авлодлар ўртасидаги алокани, турли даврлардаги маданий нутқий анъаналар изчиллигини таъминлайди”.<sup>30</sup> Адабий тил меъёри, унинг моҳияти, тараққиёт қонуниятлари нималарда намоён бўлади, деган саволлар ўтган асрнинг иккинчи ярмида асосий масалалар сифатида кун тартибига қўйилган эди.

1985 йилда ўзбек тили услубияти муаммоларини амалий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” китоби босмадан чиқди.<sup>31</sup>

Демак, тил бирликларини тўғри ёки нотўғри қўллаганимизни билишимиз учун маълум бир ўлчовга эҳтиёж сезамиз. Худди ана шу ўлчов меъёр ҳисобланади. Меъёрни ўрганиш эса ўзбек нутқи маданияти муаммоларини назарий жиҳатдан асослашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Тилшуносликда меъёр тушунчасига олимларнинг берган таърифлардан айримларини келтирамиз:

С. И. Ожегов: “ ... меъёр бу ижтимоий жараёнда бирга мавжуд бўлган, бор бўлган, янги пайдо бўлган ёки ўтмишнинг кам ишлатиладиган тил унсурларни (луғавий талаффуз, морфологик синтактик) танлашнинг натижаси сифатида шаклланган, жамиятга хизмат қиладиган фойдали (тўғри, маъқул) тил воситалари йиғиндисидир, кенг маънода бу унсурларни баҳолашдир”.<sup>32</sup>

Н. Головин: “ меъёр бу тил бирликларини ўзаро яхши тушуниш зарурати туфайли ундан фойдаланадиган халқ томонидан яратилган, тил кўринишининг амалда бўлган хусусиятидир. Айнан мана шу зарурат тил тизимининг ягоналигига эришиш йўлида одамларга бирон вариантни маъқул кўриш, бошқасидан воз кечиш истагини туғдиради. Жамиятнинг ана шундай ягоналикка эришиш йўлидаги интилиши билан биргаликда тил меъёри миллий адабий тилда юқори даражага кўтарилиб, мустаҳкамланиб боради”.<sup>33</sup>

Бу каби таърифларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин тилшуносликда меъёрига берилган таърифларни умумлаштириб, бир

<sup>29</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент, 1991, Б.39.

<sup>30</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983, Б.36.

<sup>31</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985.

<sup>32</sup> Ожегов С.И. Очередные вопросы культуры речи.- Основы культуры речи.Хрестоматия.Москва:Высшая школа, 1984.С.200..

<sup>33</sup> Головин В.Н. Основы культуры речи. Москва:Высшая школа, 1980. с. 18-19.

махражга келтирсак, меъёр деганда, қисқа қилиб айтганда, тилдаги мавжуд бўлган бирликларнинг ҳамма учун тушунарли бўлган, кўпчилик томонидан қабул қилинган кўринишини қўллашни тушунамиз.

Ўзбек тилшунослигида меъёр масаласи маълум даражада тадқиқ этилган. Бу масалага бағишланган бир қатор қўлланма ва туркум мақолалар эълон қилинган. Меъёрларни ўрганиш масаласида ҳам маълум тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбек тилшунос олими Э. Бегматов ва бошқалар ўзбек тили доирасидаги меъёрларни қуйидагича ўрганишни тавсия қиладилар:

Умумий норма маълум қилинган, масалан, ўзбек тилининг барча кўринишларида қўлланаётган нормалар системасининг йиғиндисидан иборат. Хусусий норма – умумий норманинг нутқ кўринишлари, шаклларидаги, тилининг шакллардаги аниқ кўринишларидир. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилининг қуйидаги хусусий нормалари ҳақида гапириш мумкин:

1. ўзбек адабий тили нормаси;
2. ўзбек лаҳжа ва шевалар нормаси (диалектал норма);
3. ўзбек сўзлашув нутқи нормаси;
4. ўзбек тилининг ижтимоий тармоқлари, яъни “ижтимоий диалектлар”, “ижтимоий арголар” нормаси (жаргон, профессионал нутқ кўринишлари, аргонинг бошқа хилларга хос нормалар)”<sup>34</sup>

Бугунги кунда ўзбек адабий тилининг бирмунча ишланган, маълум даражада қолипга солинган меъёрлари қуйидагича кўрсатилади:

1. лексик-семантик меъёрлар – лексик (сўз қўллаш) меъёрлари;
2. талаффуз (орфоэпик) меъёрлар;
3. акцентологик (сўз ва шаклларда урғунинг тўғрилиги) меъёрлар;
4. фонетик меъёрлар;
5. грамматик (морфологик ва синтактик) меъёрлар;
6. сўз яшаш меъёрлари;
7. имловий меъёр;
8. ёзув (графика) меъёрлари;
9. пунктуацион меъёрлар;
10. услубий меъёрлар.<sup>35</sup>

Кўринадики, адабий тилнинг мавжуд бўлиши учун меъёрнинг бўлиши шарт. Юқорида қайд этиб ўтилган меъёрлар эса адабий тилнинг ҳамма қирраларини ўзида қамраб олади. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда меъёрнинг у ёки бу турига хос бўлган талабларга риоя қилишга мажбур. Қачонки, киши ўз нутқи фаолияти давомида меъёр чегараларидан чиқса, натижада меъёр бузилиши юзага келади. Кўрсатилган меъёрлар талабларига амал қилса, адабий тил талабларига амал қилинган ҳисобланади. Меъёрлар адабий тилни турли хил бузилишлардан асрайди, унинг софлигини сақлаб, назорат қилиб туради. Шунинг учун меъёрсиз адабий тил бўлмайди. Бунда меъёр бўлмас экан, тил, адабий тил ривожини, тараққиётини ҳақида ҳам сўзлаб бўлмайди. Демак, меъёрийлик адабий тилининг асоси

<sup>34</sup> Бегматов Э. Ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент:Фан, 1983. Б.19.

<sup>35</sup> Ўша ерда.Б.75.

ҳисобланади. Энди ўзбек нутқи адабий меъёрининг турли хил кўринишларини қараб ўтайлик.

Фонетик меъёр. Бу меъёр ўзбек тилидаги амалдаги алифбо тизими, янги алифбога ўтиш муаммолари ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ.

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тили учун янги алифбода белгиланган унли ва ундош товушларнинг қўлланиши меъёр ҳисобланади. Кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбоси тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўла акс эттира олмас эди. Бу масала Республикамиз миқёсида ўртказилган бир неча илмий анжуманларида ҳам қайд этиб ўтилган эди. Бу анжуманларда ўзбек алифбосини туркий халқлари алифбосига яқинлаштириш масаласи ўртага қўйиб келинган эди. Лекин айтиш мумкинки, бу масалалар мустақиллигимизни ўз қўлимизга киритганимизга қадар ўз ечимини топмади. Бугунги кунда эса янги алифбога ўтиш билан боғлиқ муаммолар кун тартибига кўтарилди. Бу, албатта, ўқиш-ўқитишнинг турли поғоналарида янги алифбога амал қилиш, янги алифбони ўрганиш билан боғлиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, ишлаб чиқариш, фан –техника соҳаларида, иш юритишда бу алифбога ўтиш масалалари бўлиб, улар белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Имловий меъёр. Бу меъёр мантиқан юқорида кўриб ўтган меъёримизнинг давомидир. Фонетик меъёрда тилдаги товушлар билан боғлиқ жиҳатлар амал қилса, имловий меъёрда тилда кўпчилик томонидан онгли равишда қабул қилинган, ўзига хос имло қоидаларига эга бўлган меъёр англашилади. Тилдаги унли ва ундошлар имлоси, белгилар имлоси, ўзак ва негиз, кўшимчалар, кўшма, жуфт ва қисқартма сўзлар имлоси, бўгин кўчириш ва бош ҳарфларни ёзишда имловий меъёрга ҳам ўргатиш масаласи турибди.

Шунинг учун бу муаммоларни бартараф этишга қаратилган бир қатор чора- тадбирлар амалга оширилмоқда.

Талаффуз меъёрлари. Маълумки, ёзма нутқда имловий меъёрларга амал қилинса, оғзаки сўзлашув жараёнида адабий талаффуз меъёрларига амал қилиш талаб этилади. Бу ҳақида фикр юритганда имловий меъёрнинг талаффуз меъёрга нисбатан яхши ўзлаштирилиб олинганлиги сезилади. Талаффуз жараёнида кўпчилик ҳолларда талаффуз меъёрларга амал қилинмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ўз навбатида нутқ маданиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Буларни бартараф этиш учун шевалар таъсирларини йўқотиш, ёш ва кекса кишилар нутқидаги тафовутларга чек қўйиш, ёзма нутқ таъсирида юзага келадиган сунъийликдан қочиш, бошқа тиллардан кириб келган ва кириб келаётган сўз ҳамда ибораларни ишлатишда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Бундан ташқари, талаффуз меъёрлари ҳақида ўқитишнинг турли поғоналарида маълум даражада маълумот берилгани ҳолда кенг халқ оммасига мўлжалланган қўлланмалар йўқ ҳисоби. Бу масалага ҳам жиддий қарашга тўғри келади.

Грамматик меъёр. Ўзбек тилшунослигида грамматик меъёр бирмунча мукамал ишланган десак, хато бўлмайди. Шу вақтга қадар яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида оғзаки ва ёзма нутқда бу меъёрнинг

талабларига унчалик риоя қилинмаётганлиги қайд этилади. Бугунги кунда, очик айтиш керак, телевидение ва радио нутқида грамматик меъёр талабларига унчалик риоя қилинмай кўйилди. Бу асосан, келишик кўшимчаларини (-нинг ўрнида –ни, -да ўрнида –га нинг қўлланиши) ноўрин қўллаш, уларнинг адабий тил меъёрига мосини эмас, балки шевага хос бўлган вариантларини ишлатишга ҳаракат қилиш кучли сезилади. Бундан ташқари, сифат ясовчи –ли ва –қаз кўшимчаларини, феълга хос бўлган –каз ва –қаз кўшимчаларини фарқламасдан қўллаш ҳоллари ҳам кузатилаяпти. Маълумки, тилининг қай даражада меъёрга тушганлиги унинг грамматикасидан, грамматик меъёрларидан маълум бўлади. Грамматик меъёрга амал қилиш учун шу тилнинг грамматик қоидаларини, гап тузиш, сўз ва кўшимчалар орасидаги муносабат, эга ва кесим мослиги, иккинчи даражали бўлақларнинг бош бўлақларга боғланиши йўллари, сўз тартибини яхши билиб олиш лозим. Агар нутқ жараёнида ана шуларга амал қилмаслик ҳоллари содир бўлса, нутқ грамматик жиҳатдан бузилади, тушунмовчилик, ғализлик юзага келади.

Тошкентда “Фан” нашриёти томонидан 1973 йилда нашр қилган “Нутқ маданиятига оид масалалар” тўпламида бунга доир кўплаб мисоллар берилган. Унда жумладан тилшунос олим Ф Исоқов ўзининг “Эътиқодимиз ҳам бор, эътирозларимиз ҳам” номли мақоласида бу масалалар ҳақида фикр юритиб шундай мисоллар келтиради:

*Отадек фарзандига ким куяр ахир,*

*О, нақадар оғир фарзандининг доғи. (Ота)*

Мисрадаги фикрдан фарзанд отадек бўлиб қолган деган маъно чиқади, ёки

Эга –кесимнинг мослашмаслиги:

*Нима етишмасди? Етишмасди фақат,*

*Мангу баҳор олиб келувчи бизлар.*

Бу мисолда эга, кесим-бизлар етишмасди. кабилар.

Кўринадикки, меъёрга амал қилмаслик, нутқда ғализликни келтириб чиқаради.

Луғавий меъёр. Сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрларни тилнинг оғзаки ёки ёзма шакли орқали тингловчи ёхуд ўқувчига етказар экан, тилда мавжуд бўлган бирликлардан кераклисини танлаб олиб қўллаш имкониятига эга бўлади. Худди шу танлаш имкониятининг мавжудлиги тилда луғавий меъёрни белгилаб беради. Луғавий меъёрда синонимлар муҳим ўрин тутди. Нутқий вазият учун мос бўлмаган синонимик бирликни қўллаш нутқий хатоликни келтириб чиқаради. Масалан, сўзлашув нутқида поэтик асарлар тили учун хос бўлган дудоқ, қалб, сийна, рухсор, уммон, садо, фироқ, қаён, само, ниҳон сингари сўзларни қўллаш меъёр ҳисобланмайди. Агар улар ўзаро мулоқот жараёнида ноўрин қўлланса, нутқий ғализлик юзага келади.

Луғавий меъёрга сўз танлашда уларнинг маъно ва услубий қимматини ҳисобга олмаслик, шевага хос унсурларни қўллашда эътиборсизлик, ноўрин таржималар, калькаларлар путур етказади.

Мисоллар: *Вўзани баччалигида парварши қилайлик.Оқ халатли товуқлар мураббийси Назира опа бизни қарши олди.Куни кеча жамиятимизга илк бор қадам қўйган тарғил бузоқча...кабилар*<sup>36</sup>.

Семантик услубий меъёр Тилдаги сўзлар бир ёки бир неча маънода бўлиши мумкин. Уларнинг қай бирини қўллаш, уларнинг ўзгариб туриши, нутқ учун қайси маънонинг хослигининг аниқлашда маъновий меъёрга суянилади. Бунда тилдаги изоҳли, бир неча тилли, атамалар луғатларининг аҳамияти катта бўлади.

Ўзбек тилининг услубий меъёрларини белгилаш тилшунослигимиз олдидаги энг муҳим масалалардан бўлиб турибди. Тилдаги сўзларни ноўрин қўллаш услубий хатоларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Тил бирликларини қўллашдаги мақсадига мувофиқлиги услубий меъёр бобида бош ўлчов ҳисобланади. Услубий меъёрни белгилашда қўлланаётган бирликнинг умумхалқ томонидан маъқулланиши лозимлиги, унинг кўпчилик томонидан шу тарзда қўлланиши қабул қилинган бўлиши кераклиги ҳамда таҳлил қилинаётган тил бирлиги ҳақида ҳукм чиқаришда унинг матнга мослиги кабилар ҳисобига олинади. Нутқнинг оғзаки ёки ёзма кўринишида тил бирликларини ноўрин, такрор ишлатиш, сўз қўллашдаги ноаниқликлар турли хил услубий хатолар келтириб чиқаради:

“Ял-ял ёнган лола қизғалдоқлар сингари хушбўй бир хуш, бир қўшик ...”

Икром Отамуродов “Шитир-шитир бошланар” шеъридан.

Савол туғилади? Лолақизғалдоқ хушбўй? Наҳотки?

ёки “Тўрўғлининг ғироти шамол бўлиб бамисли, етиб келсада кишнаб...”“Улуғбекнинг ўлими” шеъридан.Ғиротнинг ўзи асли шамолдан тез дейилади-ку.<sup>37</sup>

Тилда синонимларни ноўрин ишлатиш, тилда мавжуд бўлган вазилавий услубларига оид унсурларни ноўрин қўллаш ҳам услубий меъёрнинг бузилишига олиб келади. Бу ўринда ёзувчи А. Қаҳҳорнинг “Нутқ” ҳикоясини эслаш ўринлидир. Ҳикоянинг “ўртоқ хотин” деб бошланувчи ўринлари китобхоннинг кулгисини қистайди. Бу албатда, вазилавий услубларга оид сўзларни пала-партиш қўллаш натижасида юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, киши ўз фикрларини ифодалаш жараёнида ҳар бир ҳолатда ҳам адабий тил меъёрларига риоя қилиши лозим. У меъёр тилнинг маданийлик даражасини белгиловчи асосий омил эканлигини унутмаслиги лозим. Шундагина у ўз нутқининг ифодали, таъсирчан, грамматик жиҳатда тўғри шаклланишини таъминлай олади

Til normasi – me’yorini ilmiy nuqtayi nazardan o’rganish o’zbek tili nutq madaniyati muammolarininazariy jihatdan asoslashning muhim shartlaridan biridir. Chunki “til normasi – nutq madaniyati nazariyasining markaziy tushunchasidir”. “Adabiy tilning rivojlamish qonuniyatlarini, adabiy til normalarining umumiy holatini, undagi turg’un va noturg’un hodisalarni chuqurroq tekshirmay turib

<sup>36</sup> Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент:Фан, 1973.Б.120.

<sup>37</sup> Миртожиев М.,Маҳмудов Н. Тил ва маданият.Тошкент:Ўзбекистон,1992.Б.102.

adabiy tilning nutq madaniyati haqida gapirish, adabiy-normatik tavsiyalar berish aslo mumkin emas”.

O‘zbek tilining nutq madaniyatiga bag‘ishlangan ishlarda gapko‘pincha nutqimizda uchraydigan kamchiliklar haqida boradi. Lisoniy birliklarni xuddi shu shaklda qo‘llash kamchilik ekanligini nimaga asoslanib aytamiz? Tilshunoslikda mana shunday qo‘llanishning to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri ekanligini ko‘rsatuvchi ma‘lum o‘lchov bo‘lishi kerak. Bu o‘lchov **adabiy til normasidir**. Qo‘llangan til birligini to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri deyilganda ana shu norma nuqtayi nazaridan ish tutiladi.

Xo‘sh, norma nima. Bunga tilshunoslar turlicha ta‘rif beradi. **Norma – til unsurlarining xalq o‘rtasida ko‘pchilikka ma‘qul bo‘lgan variantini qo‘llash**. Shuning uchun ham norma tushunchasi til qurilishi, umuman til taraqqiyoti bilan bog‘liq bo‘lib, tilda turg‘unlik kasb etadi va uzoq muddat yashaydi. Ammo bu norma o‘zgarish hodisadir degan gap emas. Davr o‘zgarishi bilan odamlarning bilimi, dunyoqarashi, hayotga bo‘lgan talabi o‘zgarishi bilan norma ham o‘zgarib borishi mumkin. Masalan, o‘tgan asrning boshlarida muxtoriyat, jumhuriyat, baynalmilal, yo‘qsil, firqa, kashshof kabi so‘zlarni ishlatish norma hisoblangan bo‘lsa, asr oxirlariga kelib ular iste‘moldan chiqib, ular o‘rnida avtonomiya, respublika, internatsional, proletar kabi ruscha-baynalmilal so‘zlar qo‘llanadigan bo‘ldi. XXI asrga kelib avvalgi atamalar tilimizga yana qaytib kirmoqda.

Xullas, normativlik adabiy tilning yashash shartlaridan biridir. Adabiy tilda mavjud bo‘lgan tovushlar, so‘zlar va so‘z birikmalari, turli qo‘shimchalar, sintaktik qurilma nutq jarayonida ma‘lum qonun-qoidalarga, aytaylik, kelishilgan, ko‘pchilik tomonidan ma‘qullangan, norma deb tan olingan ko‘rsatmalarga bo‘ysungan holda amal qiladi. Mana shu qonun-qoidalarining buzilishi yoki ulardan chetlashish tilda normaning buzilishi, unga amal qilmaslik deb baholanadi. Demak, “adabiy til muayyan konkret normativ vositalar, imkoniyatlar, ularni qo‘llash bilan bog‘liq bo‘lgan qonun-qoidalar, ko‘rsatmalar yig‘indisidan iboratdir”.

Ilmiy asarlarda o‘zbek adabiy tili normalari quyidagicha tasnif qilinadi:

1. Leksik – so‘z qo‘llash normalari.
2. Orfoepik – talaffuz normalari.
3. Aksentologik – urg‘uni to‘g‘ri qo‘llash normalari.
4. Fonetik normalar.
5. Grammatik – morfologik va sintaktik normalar.
6. So‘z yaslash normalari.
7. Imloviy normalar.
8. Grafik – yozuv normalari.
9. Punktatsion – tinish belgilarini qo‘llash normalari.
10. Uslubiy normalar.

Quyida ushbu normalar haqida qisqacha ma‘lumot beramiz.

**Fonetik norma.** Hozirgi o‘zbek adabiy tili uchun 6 ta unli va 25 ta undosh tovushning qo‘llanishi norma hisoblanadi. Bu tovushlar yig‘indisi o‘zbek tilida so‘zlashuvchilarning talaffuz va yozishdagi ehtiyojlarini qondirib kelayotgan bo‘lsa ham, u ayrim kamchiliklarga egadir. O‘zbek adabiy tili normasining takomillashuviga to‘sqinlik qilib kelgan bu kamchiliklar nutq madaniyatiga bag‘ishlab o‘tkazilgan respublika konferensiyasida haqli ravishda qayd qilib

o'tildi. Konferensiyada o'zbek alifbosini turkiy xalqlar alifbosiga yaqinlashtirish masalasi qo'yildi. Bu muammolarning bir qismi lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosiga o'tilishi bilan hal etila boshladi. Bu jarayon hali davom etadi.

**Talaffuz normalari.** Adabiy tilning og'zaki va yozma shakli bo'lgani kabi, nutqda ham imloviy hamda talaffuz normalari mavjuddir.

Talaffuz normalari, ya'ni adabiy talaffuz normasi til birliklarining og'zaki nutq jarayonida adabiy til normasiga muvofiq kelishidir. Yozuv tufayli o'zbek tilining imloviy normasi anchagina durust holga keltirilgan bo'lsa ham, talaffuzda kamchiliklar hali anchagina. Talaffuzda har xilliklar davom etib kelmoqda va bu hol o'zbek tili nutq madaniyatiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Buning sabablari nimada? Sabab sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

1. O'zbek adabiy tilining og'zaki normalarini barcha bir xilda mukammal egallay olmaganini sezilib turadi. Og'zaki adabiy tilni egallash yozma adabiy tildan foydalanishga ko'ra sustroqdir.

2. Adabiy tilda so'zlovchilar nutqida mahalliy shevalar ta'siri kuchli. Bu ayniqsa, lahjaviy talaffuz va lahjaviy aksentlarda sezilib turadi.

3. O'zbek adabiy talaffuzi doirasidagi ko'zga tashlanuvchi xususiyatlardan biri kekxa va yosh avlod nutqidagi tafovutdir...

4. Adabiy til og'zaki shakli normalarining qat'iylashuvida yozma nutq, yozilgan matnlar, talaffuz (orfoepik) va imlo lug'atlari ijobiy rol o'ynab keldi... Shu bilan birga, yozma nutq ta'siri og'zaki adabiy nutq doirasida ba'zi bir nuqsonlarni ham yuzaga keltirdi. Og'zaki nutqda yozma nutq uchungina xos bo'lgan ibora va uzun jumlar yuzaga keldi. Bir qator so'zlar yozilgan shklida, sun'iy talaffuz etiladigan bo'ldi...

5. Og'zaki nutq normalari doirasida hali yetarli qat'iylashmagan, talaffuzi ikkilanib turuvchi bir qator hodisalar mavjud. Chunonchi, ruscha-baynalmilal so'zlar talaffuzida ikkilanishlarni tug'diruvchi uch xil hodisa, ayniqsa, ravshan sezilib turadi: 1) ruscha-baynalmilal so'zlarni dialektal shklida talaffuz qilish; 2) so'zni yozilgandek, ya'ni yozma shkliga taqlidan aytish; 3) qabul qilingan so'zni o'zbekcha aksent bilan aytish yoki aksincha, uni o'zbekcha aksentda g'lati tuyuluvchi ruscha aksent bilan aytish va boshqalar.

Bu kamchiliklarning ham obyektiv, ham subyektiv sabablari bor, albatta. Tilimiz juda ko'p shevalardan tashkil topganligi, so'zlashuv nutqida ularning ta'siri kuchli ekanliginiva bu holat tilimizda hali davom etishi mumkinligini e'tirof etish lozim bo'ladi. Tilimizning lug'at tarkibida forscha-tojikcha, arabcha, ruscha-baynalmilal unsurlarning anchagina ekanligi ham talaffuzda bir qancha chalkashliklarga olib keladi.

Chet tillardan qabul qilingan va qilinayotgan so'zlar iste'molda o'zbek tilining ichki rivojlanish, amal qilish qonun-qoidalariga bo'ysunishi kerak. Yangi alifboga asoslangan imlo qoidalariga rioya qilinishi bilan bu muammo ham vaqti bilan hal etiladi.

Talaffuz normalarining buzilishiga yana quyidagi kabi subyektiv sabablarni ham ko'rsatish mumkin. Ba'zi kishilar madaniyroq gapiraman deb o'ylab, **men, sen** olmoshlarini **man, san** tarzida qo'llaydilar.

O‘zbek tili talaffuzida uchraydigan bu kabi kamchiliklarga ko‘plab misollar keltirish mumkin.

Tan olish kerakki, keyingi yillarda adabiy tilning og‘zaki shakli birmuncha normallashtirilib, yozma nutqqa yaqinlashib bormoqda. Bu xalqimiz madaniy saviyasining yanada o‘sganligidan dalolatdir. Bu borada odamlar namuna oladigan o‘shalariday gapirishga harakat qiladigan olimlar, pedagoglar, umuman ziyolilarning, oliy va o‘rta ta‘limning xizmatlari sezilarlidir. Ana shu ta‘sir yanada kuchaytirilishi, targ‘ibotning ommaviy vositalari – radio, televideniya, teatr, kino san‘atidan, matbuotdan, badiiy adabiyotdan unumli foydalanilishi kerak. Bularning hammasi talaffuz normalarini o‘zlashtirishga ko‘maklashadi.

**Imloviy norma.** Imloviy norma, ya‘ni yozuv normasi adabiy tilning madaniylik darajasini belgilovchi asosiy mezonidir. Imloviy norma talaffuz normasidan farqli o‘laroqstixiyali ravishda shakllanmasdan til vakillari tomonidan ong‘li ravishda kelishilgan holda yuzaga keltiriladi va uning amal qilinishi maxsus imlo qoidalari orqali yo‘lga qo‘yiladi. Ma‘lum norma sifatida tavsiya etilgan til unsurlaridan foydalanish millat vakillari uchun majburiy saanaladi. Hozirgacha o‘zbek adabiy tilining yozuv normalari 1956-yil 4-aprelda tasdiqlangan “O‘zbek orfografiyasining asosiy qoidalari”ga tayanib kelgan bo‘lsa, yangi alifboga o‘tilishi munosabati bilan yozuv normalari 1995-yil 24-avgustda tasdiqlangan “O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalari”ga tayanadi. Mazkur imlo qoidalarining afzallik tomoni shundaki, unda so‘zlarni talaffuzga mos ravishda yozishga ko‘proq ahamiyat berilgan.

Adabiy tildagi normativ holatlarni mustahkamlashda lug‘atlarning, xususan imlo va izohli lug‘atlarning xizmati kattadir. O‘zbek tilinin 5 tomli izohli, bir qator imlo va orfoepik lug‘tlar yartildi. Bu lug‘tlarning ahamiyati shundan iboratki, xalq ularda berilgan til unsurlariga o‘lchov sifatida qaraydi, yozishda va o‘qishda o‘sha formalar tarzida foydalanishga harakat qiladi. Shuning uchun ham lug‘atlar xalq vakillari uchun tildan foydalanish yo‘llarini ko‘rsatuvchi o‘ziga xos qonunlar majmuasidir.

**Grammatik norma.** O‘zbek tilining grammatikasi tilshunoslikning nazariy jihatdan birmuncha mukammal ishlangan, so‘z shakllari, qo‘shimchalar, so‘z birikmalari va gap tuzilishiancha normallashtirilgan bo‘limi sanaladi. O‘zbek tilshunosligida sheva va dialektlar bilan qiyoslangan holda adabiy til uchun turlovchi va tuslovchi hamda so‘z yasovchi qo‘shimchalarning eng ma‘qul variantlari tavsiya etilgan va morfologik norma sifatida belgilangan. Ammo nutqda bu normalarga hamma vaqt ham rioya qilinmayapti. Ularning ayrimlarigagina to‘xtalib o‘tamiz.

Nutqda ko‘pincha qaratqich va tushum kelishigi qo‘shimchalari farqlanmasdan, **-ning** o‘rnida **-ni** qo‘llanmoqda. Quyidagi misolni qiyoslash orqali ularning o‘rtasidagi farqni yaqqol sezishimiz mumkin: ***Direktorni xonasida ko‘rdim*** – ***Direktorning xonasida ko‘rdim***. Birinchi misoldan direktorning o‘zini, Ikkinchi misoldan esa boshqa bir kishini ko‘rganlik tushuniladi. Shuning uchun ham bu kelishiklarni farqlamaslik qo‘pol xatodir.

Sifat yasovchi **-li** va ot yasovchi **-lik** qo'shimchalari ham ba'zan farqlanmayapti. Qiyoslang: *Xorazmlik paxtakorlar* – *Xorazmli paxtakorlar*, *guruchli ovqat* – *guruchlik ovqat*.

Jarangsiz undosh bilan tugagan fe'llarga qo'shib, orttirma daraja shaklini hosil qiluvchi **-kaz** va **-qaz** qo'shimchalari ham og'zaki nutqda ba'zan farqlanmayapti: *daraxt o'tqazmoq*, *sim otqazmoq*, *yo'ldan o'tqazmoq*.

Adabiy tilning so'z yasash shakllari ham shevadan farq qiladi: *olaylik* – *olali*, *ketaylik* – *getali*, *ilgak* – *ilgay*, *aldoqchi* – *aldamchi* kabi. Shevalardagi so'z yasovchi qo'shimchalar soni adabiy tildagiga nisbatan ko'p. Chunki unda har xillik mavjud. Ammo nutqda adabiy tildagi normativ holatdan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Yaxshi, namunaviy nutqqa qo'yiladigan birinchi talab uning grammatik jihatdan to'g'ri bo'lishidir. Bu jihatdan og'zaki va yozma nutq hamda she'riy nutq o'ziga xos farqlarga ega. Har qanday holatda ham gap tuzish qoidalarini yaxshi bilish va ulardan to'g'ri foydalanish, gapda so'z va qo'shimchalar o'rtasidagi munosabatning to'g'ri bo'lishi, ega-kesim mosligi hamda ikkinchi darajali bo'laklarning ularga bog'lanishiga e'tibor berish, gapda so'zlar tartibiga – normal holat va inversiya qoidalariga rioya qilish lozim bo'ladi.

Ammo nutqda har doim ham so'zlovchi ana shu sintaktik normalarga amal qilmayapti. Gapdagi har qanday o'rin almashtirishlarni ham inversiya deb bo'lmaydi. Nutqda grammatik norma talablariga qat'iy rioya qilish lozim bo'ladi.

**Lug'aviy norma.** Adabiy tilda milliy tilning yashash va amal qilish qonuniyatlaridan kelib chiqib so'z tanlash imkoniyatlari uning leksik normasini belgilaydi. Umumxalq tilidan o'sib chiqqan adabiy til unda mavjud bo'lgan so'z variantlaridan lug'aviy norma sifatida eng ma'qulini – hamma uchun tushunarli bo'lgan ko'rinishini tanlab oladi, qolgan variantlar esa sheva va lahjalarda, ijtimoiy guruhlar tilida yashayveradi. Har bir shevada o'sha sheva uchun so'z qo'llashning o'z lug'aviy normasi bo'lgani kabi adabiy til normasida ham shevalarda uchragani kabi o'ziga xosliklar bor. Masaalan, she'riy asarlar tilida *visol*, *ruxsor*, *siyna*, *falak*, *yanoq*, *qalb*, *hijron* kabi so'zlar sheva va lahjalar, hatto jonli so'zlashuv tili uchun xos emas.

Ijtimoiy hayotda yuz berayotgan o'zgarishlar, yangiliklar, eng avvalo, leksikada o' aksini topadi. Shuning uchun ham leksikaning boyib borishi tildagi boshqa unsurlarga qaraganda birmuncha faoldir. Bu hol leksik norma masalasi bilan tilshunoslikda muntazam shug'ullanish lozimligini taqozo qiladi.

O'zbek adabiy tilining lug'aviy normasi birmuncha tartibga keltirilgan bo'lib, u imlo lug'atlarida o'z ifodasini topgan. Shu tufayli yozma nutqda so'z qo'llash birmuncha turg'un holatda bo'lib, normani buzishlar unchalik sezilmaydi. Ammo og'zaki nutqda so'z qo'llash normasiga hamma vaqt ham yetarli darajada amal qilinyapti deb bo'lmaydi. Ularning ayrimlarini ko'rib o'tamiz.

Garchi adabiy tilda norma sifatida belgilangan so'z mavjud bo'lsa ham, ayrim holatlarda bu so'zlarning sheva variantlari qo'llanilyapti: *chelak* – *satil* – *paqir*, *norvon* – *shoti* – *zangi* kabi.

Tilda paronimlar degan qatlam mavjud. Ular talaffuzda bir-biriga yaqin so'zlar bo'lib, boshqa-boshqa tushunchalarni anglatadi: *archish* – *artish*, *o'tqazish*

– *o'tkazish, asr – aisr, yoriq – yorug'* kabi. Ularni farqlamasdan qo'llash nutqda xatolikka olib keladi.

Ba'zi so'zlar rus tilidan ko'r-ko'rona kalka qilingan holda qollanyapti: *bugungu tantananing aybdorlari, boshliq o'zlaridami, men o'zimdami bo'laman* kabi. Bu gaplarni *bugungu tantananing sababchilari, boshliq o'z xonasidami, men o'z xonamda bo'laman* tarzida qo'llash maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Narsaning o'zbekcha nomi bo'la turib, uni ifodalovchi ruscha so'zning tarjimai noo'rin qo'llanadi: *Yetti qaroqchi* deyilmasdan *Katta ayiq* deyiladi.

O'zbek tilida *ideologiya – mafkura, intellegent – ziyoli, avtor – muallif, redaktor – muharrir, filosofiya – falsafa* kabi leksik dubletlar deb ataluvchi so'zlar ham ishlatilib kelinmoqda. Atamalar sohasida ham ana shu kabi parallellikka ko'plab duch kelamiz: *poeziya – nazm, she'riyat, proza – nasr, traditsiya – an'ana, tema – mavzu, plan – reja* kabi. Keyingi paytlarda bu so'zlarning milliy variantlari ustunlik qilmoqda. Ba'zi o'zlashgan so'zlar leksik muqobillikdan chiqib, bir-birlarining sinonimlariga aylanib qolganlar: *temperatura – harorat, gradus – daraja, piramida – ehtirom, entsiklopediya – qomus, universitet – dorilfunun, kapitan – darg'a*.

**Uslubiy norma.** Ma'lumki, so'z bir yoki bir necha ma'noda bo'lishi, o'zining tilda mavjud bo'lishi davomida undagi ma'nolar o'zgarib borishi mumkin. Shu ma'nolarning qaysi biri hozirgi o'zbek adabiy tili uchun norma hisoblanadi? Ana shu savolga javob berish so'zning ma'no normasini belgilash hisoblanadi.

So'zlarning ma'no normasi tilning izohli, ikki tillik va atama lug'tlarida o'z ifodasini topgan bo'ladi.

Adabiy tilning uslubiy normasi til birliklarining nutqda vaziyat, ko'zda tutilgan maqsaddan kelib chiqib eng ma'qulini qo'llash zaruratidan paydo bo'ladi. Shuning uchun ham uslubiyat deganda so'z qo'llash mahorati ham tushuniladi.

Xo'sh, uslubiy normalar nimalarga asoslanishi kerak? Bu savolga shunday javob bersa bo'ladi: U, birinchidan, tavsiya qilinayotgan til vositalari (shakli, so'zi, qurilmasi) umum tomonidan qabul qilinsin, ko'pchilik tilida qo'llansin, uagona va mushtarak hamda tipik bo'lsin; ikkinchidan, ko'p yillar va zamonlardan beri qo'llanib kelgan bo'lsin va umumtil sistemasidan joy olib, ona tilining hamma sohalari bilan uzviy bog'langan bo'lsin.

Shuni unutmash kerakki, har bir birlik faqatgina nutq jarayonida o'zining u yoki bu stilistik imkoniyatini namoyish qilishi mumkin. Tilda esa bunday imkoniyatlar cheksizdir. Masalan, sinonimlarning imkoniyatini olaylik. Atoqli shoirimiz Maqsud Shayxzodaning ushbu so'zlarini keltiramiz: “Ma'nodosh so'zlarni o'z o'rnida ishlatish so'z san'atkorlari uchun farz. Masalan, lug'atlarda “odam”, “kishi”, “inson” sinonim so'zlardek talqin qilinadi. Ammo jonli tilda shunday emas. “Besh inson keldi” emas, balki “besh kishi keldi” deyiladi; “Kishichilik shunday bo'ladi” emas, “Odamgarchilik shunday bo'ladi” deyiladi. Tilimizning shu tovlanib turishida ne-ne bitmas-tuganmas xazinalar bor”. Demak, sinonim so'zlarni qo'llashdan oldin qaysi ma'no nazarda tutilayotgani e'tiborga olinishi kerak. So'zlovchi o'z obyektiga salbiy munosabat bildiriyaptimi yoki ijobiy munosabat bildiriyaptimi? Sinonim qatordagi so'z o'z ottenkasiga qarab ana shu ma'noni berishga xizmat qiladi. Demak, yuqorida aytib o'tilganidek, so'zning,

umuman, til unsurlarining uslubiy normasini uni ishlatishdan ko'zda tutilgan maqsad va nutq amalga oshirilgan vaziyat belgilaydi.

Bu masalaning bir tomoni bo'lsa, so'zlarni noo'rin takror qo'llash, ba'zan noaniq ishlatish uslubiy jihatdan noto'g'rilik, binobarin, uslubiy normaning buzilishi sanaladi: *turgan joyida uzoq turib qoldi; Men ham sizni yaxshi ko'raman...Nimaga shekilli? Otni jadallatdi – Otning jilovini siltab, tezlashni qistadi* kabi.

Uslubiyat vazifaviy uslublar normasini belgilashda ham muhim o'rin tutadi. Darhaqiqat, vazifaviy uslublar doirasidagi har bir uslubning oddiy so'zlashuv, rasmiy, ilmiy, publitsistik va badiiy usublarning o'ziga xosligini belgilovchi mezon ham ularning har birining til birliklarini qo'llashdagi o'ziga xos normaga ega bo'lishidir.

Xullas, norma tilning ijtimoiy vazifa bajarishining asosiy sharti bo'lib, unga amal qilish shu tilda so'zlashuvchi va yozuvchilar uchun majburiydir. O'zbek tilining qanchalik normaga keltirilganligi va unga qanchalik amal qilinishi umummilliy o'zbek madaniyatining taraqqiyot darajasini belgilovchi omillardan biridir.(2. 35-48-betlar)

Odamlarning yoshlikdan ma'lum bir tilda so'zlay olishi tabiiy-shaxsiy va obyektiv qobiliyatidir. Shu tufayli ham nutq madaniyati sohasi kishilarni umuman so'zlashga, ma'lum til vositasida fikr almashishga orgatish vazifasini ko'zda tutmaydi. Chunki insonning o'z ona tilida so'zlay olish qobiliyati avvaldan bor bo'lgan tabiiy instinktdir. Xo'sh, shunday ekan, nutq madaniyati sohasining maqsadi nima? Nutq madaniyati sohasi umuman ona tilida emas, balki jamiyat a'zolarini *ona tilining maxsus shaklida – madaniy shaklida* gapira olishga o'rgatishni ko'zda tutadi. Tilning bunday shakli ma'lum bir milliy tilda gaplashuvchi ijtimoiy guruhlarining batchasi uchun mushtarak bo'lgan til – *adabiy tildir*. Shu tufayli nutq madaniyati uchun kurash – bu kishilarning o'zaro har qanday fikr almashishini madaniylashtirish (masalan, sheva yoki lahjalarda gaplashish) uchun kurash emas, balki butun millat a'zolari uchun yagona bo'lgan adabiy tilda to'g'ri fikr almashish uchun kurashdan iborat. Shunga ko'ra:

1. Nutq madaniyati sohasi butun millatni ko'zda tutib ish olib boradi.
2. Nutq madaniyati faqat ziyolilar nutqini yaxshilashni ko'zda tutadi.
3. Nutq madaniyati sohasi, birinchi navbatda, yosh avlod nutqini to'g'rilashni ko'zda tutib ish ko'radi.

*Nutq madaniyati sohasining to'liq, pirovard maqsadi batcha xalq ommasining nutqini adabiy tarbiyaga olishdek maqsadni ko'zda tutmog'i lozim.* Bu maqsad nutq madaniyati sohasining buyuk orzusidir. Bunday orzu haqida hozirgi kunda gapirish mumkin, ammo uning amalga oshishi, ya'ni jamiyatning barcha a'zolarining adabiy tilni mukammal egallashi va bu tilda to'g'ri, ravon, madaniy va ko'rkam gapira olishi kelajakda amalga oshishi mumkin bo'lgan hodisadir.

Har qanday holda ham nutq madaniyati – ba avvalo, nutqiy ko'nikma, nutqiy aloqa hosil qilishdir. Bu ko'nikma nutqiy – amaliy jarayon bo'lib, maxsus mehnat va mashq evaziga, o'qish va uqish orqali erishiladigan qobiliyat, mahoratdir.

Insonning adabiy tilni o'rganishi va egallashi quyidagicha amalga oshadi:

1. **Tilni tabiiy holda egallash.** Bunga bolaning o‘ona tilini oila muhitida, shuningdek atrof-muhit ta‘sirida o‘rganishi va bilib olishi kiradi.

2. **Tilni o‘qitish, o‘rgatish orqali egallash.** Bunga asosan o‘rta va oliy maktab ta‘limi kiradi. Shuningdek, qisman bolalar bog‘chasidagi ta‘limni ham mana shu omilga qo‘shish mumkin. Til va uning qonuniyatlari, nutq qoidalari o‘rta maktabda ona tili va adabiyot darslarida o‘qitiladi. Bolaning til egallashida boshqa fan darslarining ham roli katta.

3. **Til va nutq madaniyatini mustaqil o‘qish, shug‘ullanish orqali o‘rganish.** Tilni, pirovard natijada nutq madaniyatini egallashda mustaqil o‘qish, til va nutq ustida mustaqil ishlash muhimdir. Bu ish ikki xil xarakterlidir. Birinchisi, kishi tilga oid maxsus adabiyotlar, darslik va qo‘llanmalar, lug‘atlarni o‘rganadi. Undagi til vanutqqa oid qonuniyatlarni egallaydi. Ikkinchisi, nolingvistik adabiyotlarni mustaqil o‘qiydi va bu hol kishi nutqining o‘shishiga, adabiy til normalarini egallashiga turtki bo‘ladi.

4. **Til va nutq madaniyatini egallashning ko‘rinishlaridan biri nutqiy taqliddir.** Har bir kishi o‘zidan yaxshiroq, chiroyliroq, ma‘noli va o‘tkir gapiradigan kishilar nutqiga havas bilan qarashi va unga taqlid qilishga intilishi mumkin. Bu holda nutqiy taqlid – namunali til, nutq madaniyatini egallashga intilishning omillaridan biriga aylanadi.

Nutq madaniyatiga erishishning asosiy omili tilni, ayniqsa adabiy til normalarini egallash, ulardan o‘rinli va unumli foydalana olishdir. Ma‘lumki, o‘zbek adabiy tili ikki shaklga ega: **yozma nutq va og‘zaki nutq.**

**Yozma nutqmadaniyati** uchun imlo va tinish belgilariga oid qoidalar, yozuv texnikasi, yozishni ko‘p mashq qilish, ko‘p yozish va ko‘p o‘qish, so‘zlarning yozilish shakllarini xotirada saqlay olish, sintaksisga doir normalar va qoidalarni yaxshi o‘zlashtirish muhimdir.

**Og‘zaki nutq madaniyatini** egallashda adabiy talaffuz, uning qoidalarini, o‘zbek tili fonetikasi xususiyatlarini bilish asosiy o‘rin tutadi.

Olimlarning qayd etishlaricha, nutq madaniyati adabiy tilni egallash va unda shunchaki to‘g‘ri gapirishdan iboratgina bo‘lgan hodisa emas, balki u o‘zining ma‘lum sodda va murakkab bosqichlariga ega bo‘lgan jarayondir. Mana shu nuqtayi nazardan, nutq madaniyati ikki bosqichlidir: **to‘g‘ri nutq** va **nutq madaniyati**. Nutq madaniyatidagi ilk bosqich – **nutqning to‘g‘riligidir**. Nutqning to‘g‘riligi adabiy til va uning normalarini egallashdir.

Nutq to‘g‘riligi mohiyat e‘tibori bilan maktab ta‘limi predmetidir. O‘rta maktab dasturi, umumiy tarzda, to‘g‘ri nutq malakasini shakllantirishni ko‘zda tutadi.

Adabiy tilni egallashning ikkinchi, yuqori bosqichi to‘la ma‘noda **nutq madaniyatidir**.

Nutq madaniyati oddiylikdan yuksaklikka rivojlanib, takomillashib boruvchi nutqiy qobiliyatdir.

Shuni ham aytish kerakki, nutq madaniyatining keltirilgan ikki bosqichini til vositalarining o‘zigina ta‘minlay olmaydi. Yaxshi, namunali nutq adabiy til nuqtayi nazaridan to‘g‘ri, madaniy bo‘lish bilan bir qatorda u mazmunli, ta‘sirchan

va o'tkir, chiroyli va go'zal, shuningdek axloq va odob qoidalariga amal qilgan holda, nutqiy sharoitga mos ravishda so'zlangan yoki yozilgan bo'lishi lozim.

Tilda: sinonimlar, omonimlar, antonimlar, frazeologik birliklar, so'z variantlari, maqol va matallar, boy uslubiy figuralar, troplar, nutqiy qoliplar, ko'p ma'noli so'zlar, neologizmlar, o'rnida qo'llangan tarixiy so'zlar, arxaizmlar va boshqalar nutqni bezaydigan vositalardir. Shu bilan birga, o'zbek tilida nomadaniy, nutq talabiga javob bera olmaydigan unsurlar ham mavjuddir. Bular: dag'al so'zlar, parazit so'zlar, vulgarizmlar, o'rinsiz takrorlar, hojatsiz ishlatilgan lug'aviy o'zlashmalar, to'mtoq, g'aliz jumlar, sononimlarni, paronimlarni qo'llash doirasida yuz beradigan nuqsonlar, so'z ma'nosining nozik tomonlarini, yashirin uslubiy qirralarini yetarli anglamaslik n atijasida yuzaga keladigan semantik-uslubiy xatoliklar, sheva ta'sirida nutqda yo'l qo'yiladigan noadabiy talaffuz, so'zlarni, qo'shimchlarni ishlatishdagi nuqsonlardir. Nutq madaniyatini egallash uchun tildagi mana shunday xususiyatlarni ham yaxshi bilish lozim bo'ladi.

Xullas, nutq madaniyatining chinakam sohibi bo'lish uchun nutq madaniyatining har ikkala bosqichini mukammal egallash lozim. Ushbu darajaga erisha olgan har bir kishi, o'z navbatida, o'zbek adabiy tilining sust merosxo'rigina emas, balki o'zbek tilining sofliqi va yanada rivoji uchun faol kurashuvchi shaxsga, tilparvarga aylanishi shubhasizdir. Chinki inson uchun hayotda lozim bo'lgan barcha narsa va qurollar kabi adabiy til ham doimiy g'amxo'rlikka, yordamga muhtojdir.(2.115-133-betlar) Маълумки, нутқ жуда мураккаб ҳодиса саналади. У сўзловчи ёки ёзувчи тамонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўринишидир. У тил бажарадиган ижтимоий вазифаларни акс эттиради ва биргина тил ҳодисаси бўлиш билан чегараланмайди. У ўзида ифодаланган фикрлар мазмунига кўра руҳият , нафосат ҳодисаси ҳамдир.

Маълумки, тилдаги этикет ифодаловчи лисоний воситалар коммуникация жараёнида маълум бир услубий вазифани бажаради.Этикет дейилганда “Бирор жамиятда,ижтимоий группа ва ш.к.да қабул қилинган ўзаро муомала қоидалари мажмуи” тушунилади.Шунга кўра мулоқотчиларнинг нутқ жараёнида нутқ қаратилган шахснинг жамиятда эгаллаб турган ижтимоий мавқеи, оилавий, касбий жиҳатдан яқинлиги каби жиҳатларни ҳам ҳисобга олиши улар томонидан қўлланилган тил бирликларининг танлаб олиб ишлатилишига,эмоционал-экспрессивлик касб этишига олиб келади.Сухбатдошлар ўртасидаги мулоқотнинг қандай характерда эканлиги, мулоқот мавзусига боғлиқ ҳолда тилнинг алоқа, хабар ёки таъсир этиш вазифалари намоён бўлади.Бу вазифалар мулоқот жараёнида қўлланилувчи лисоний бирликлар воситасида юзага чиқади.Тилда мавжуд бўлган лисоний бирликлар , хусусан, муносабат ифодалаш хусусиятига эга бўлган лексик ва фразеологик воситаларнинг қўлланилиши ,аввало, нутқ иштирокчиларининг миллий хусусиятлари билан, яъни уларнинг анъаналари ва урф-одатлари ,дунёқараши, эътиқоди, тафаккури каби этикет ифодаловчи жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқ.Ҳар бир миллатга хос бўлган этикет ифодаловчи хусусиятлар хотин-қизлар нутқида яққол намоён бўлади. Хотин-қизлар нутқига хос бўлган соддалик, ширинсўзлик, хушмуомалалик,

таъсирчанлик каби жихатлар асрлар давомида пухталанган, силлиқланган ва катъий одат тусига кириб қолган хусусиятлар ҳисобланади.

Инсоннинг жамиятда эгаллаб турган мавқеи, маънавий-ахлоқий кифёси, одоб-ахлоқи, атрофдагиларга бўлган муносабати дастлаб унинг тилида, қандай тил бирликларидан фойдаланишида кўринади.

Коммуникация жараёнида дастлаб нутқ иштирокчилари ўртасида алоқани таъминлаш, маълум бир воқеа-ҳодиса тўғрисида хабар етказиш кўзда тутилган бўлса-да, бунинг замирида нутқ қаратилган шахсга таъсир этиш мақсади ётади. Шу боисдан муомала киши нутқий фаолиятининг ҳамма соҳаларига бирдай алоқадор бўлган, уларни қамраб олувчи ижтимоий категория ҳисобланади.

Коммуникация жараёнини ташкил этувчи муҳим компонентлар сўзловчи ва тингловчи, яъни нутқ қаратилган шахс ҳисобланади. Мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишларда коммуникация жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи бирликлар ҳам асосий компонентлар сифатида қайд қилинади.

Нутқий мулоқот ҳақида фикр юритган тилшунос олимлар Ш.Сафаров ва Г.Тоировалар бу ҳақда шундай фикрлайдилар: «Нутқий мулоқот деганда – мулоқот жараёнида лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда, ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади. Бу нутқий мулоқотнинг энг биринчи ўзига хослигидир. Чунончи, «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу» вербал иборасини қўллаган шахс, албатта, шу вербал формулага мос маънавий-маданий савияга тегишли ёшга, насл-насабга, кийим-бошга эга бўлиш билан бирга, бу иборани махсус тингловчиларга нисбатангина қўллаш олади» (3).

*Олмазорга етганида кимдир ортидан қувиб етди. Оҳиста қайрилиб, таъқибчининг халлослаб турганини кўрди.*

*-Телефонними? – деб сўради.*

*Уни қувиб етган кишининг ёши қирқларда эди, бичими қишлоқ тарафлардан, бечора сал довдираб қолди:*

*-Узр, домлажон... Безовта қилдим... Суратингизни кўриб юрардик, лекин дарров таниёлмабман... Мана, дийдорингиз насиб этди.*

*-Қаерлардан сўраймиз?*

*-Узоқдан, домлажон, жануб томонлардан. Аммо-лекин, баҳаво жойлар. Сиздек улуг одамни кўрмоқ орзуимиз эди, мана, орзуимизга етдик...*

*Яхшибоев ичида гижинди. Намунча културний бўлмаса, деб ўйлади, ўзи билмаган сўзларни айтади-я!.. Дарвоқе, бу сўзларни билади, лекин айтадиган мавриду жой топмаган, энди айтса бўлаверади, мени кўрди, менга айтса бўлади. Худойим, ёзгим не эди!..*

*-Колхозда раис бўлсангиз кераг-а? – деди у эрмаклаб.*

*-Топдингиз! – деди мухлис шодланиб. – Икки йилча бўлди. Халқимиз ҳеч қўймади. Қўймагандан кейин... иложимиз қанча. Аммо-лекин, анча иш қилдик, қишлоққа сув келтирдик, иккита олижсаноб молхона қурдик.*

*Яхшибоевнинг баттар гаши келди, лекин кўрс гапиришдан ўзини тийди, атай ижикиб сўради:*

*-Бу, дейман, олижаноб молхонадаги сизларнинг зотлари ҳам олижанобми?*

*-Зотиям олижаноб!-дея хитоб қилди мухлис. – Қозоғистондан ўзим опкелдим. У тарафлар анча салқин экан, сал тобимиз қочди. Соғлиқни ўйлаб, бу тарафларга ташириф буюрдик.*

*Ол-а, деди Яхшибоев ичида, сен ўзинг кимсанки, ташириф буюрсанг! Йўқ, буниям айбсотиб бўлмайди, телевизор-телевизорга чиқадиган хотин шоирлардан ўрганган чиқар. У мухлисга қизиқсиниб қаради. Мухлис эса, парвойи палак, сўзини давом эттирди:*

*-Мана, бир кўрган – таниш, икки кўрган – билиш... Энди, биз тарафларга ҳам қадам ранжсида қилсангиз, домлажон. Аммо-лекин, жуда баҳаво жойлар, айниқса, баҳор фаслида зўр бўлади!*

*-Хўп, хўп, албатта қадамимизни ранжсида қиламиз. (Мурод Муҳаммад Дўст «Лолазор»)*

Келтирилган парчадан кўринадики, сўзловчи - Яхшибоев тингловчи - Мухлисга бўлган салбий муносабатини сездириш, ўз нутқининг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида у томонидан қўлланилган сўз бирикмалари ва ибораларини атайлаб такроран қўллаш орқали яширин муносабат билдиришга уринмоқда. Мухлиснинг нутқида эса мақтанчоқлик сезилиб туради. Унинг мақсади Яхшибоев олдида ўзини кўрсатиш бўлиб, бу “*олижаноб молхона*”, “*қадам ранжсида қилмоқ*”, “*одамлар қўймагандан кейин*” каби бирикмалар воситасида амалга ошмоқда. Тилда мавжуд бўлган лисоний воситаларни қўллашда эркаклар ва аёллар нутқи ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради. Бу ҳақда фикр юритганда шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, аёлларнинг тилда мавжуд бўлган лисоний бирикмалардан фойдаланишида уларнинг коммуникатив мақсади, нутқий мулоқот жараёнида тутган мавқеи муҳим ўрин тутди. Ёзувчи П.Қодировнинг «*Она лочин видоси*» романида Гавҳаршодбегимнинг Улуғбекка бўлган муносабати эмоционал-экспрессив хусусиятга эга бўлган бир қатор этикет ифодаловчи лисоний воситалар ёрдамида очиб берилган. Асарда Гавҳаршодбегим ва Улуғбекнинг учрашуви қуйидагича тасвирланган: Гавҳаршод бегим кўпдан бери кўрмаган ўғлини бағрига босганда кўзларида кувонч ёшлари йилтиради.

*– Хуш келибсиз, ҳазрат онажон! Самарқанду Бухоро Сизга пешкаш! Нариги қирғоқда Абдулатиф йўлингизга пойандоз тўшаб турибдилар!*

*– Абдулатиф ҳам келдимми?! Хайрият!...*

*Кема чайқалиб силкинганида Гавҳаршод бегим барра нўстин кийган Улуғбекнинг бақувват елкаларидан ушлаб мувозанат сақларди:*

*– Улуғ ўғлим, тўнғич ўғлим, суянган тоғимсиз! – деб Улуғбекни болалик пайтидагидек эркалатиб сизларди. Нариги қирғоқда кема тўхтаган жойга чиндан ҳам қип-қизил гилам пойандозлар тўшалганди. Пойандоз четида хипча бўйли новча Абдулатиф момосини таъзиму тавозеълар билан кутиб олди. Гавҳаршод бегим унинг эгилган бошини қўллари орасига олиб:*

*– Момоси ўргилсин Латифжондан! – деб пешонасидан ўпди. ( П. Қодиров)*

Матнда қўлланилган « Улуғ ўғлим, тўнғич ўғлим, суянган тоғим» , « момоси ўргилсин» каби эркалаш мазмунидаги ижобий муносабат ифодаловчи бирликлар гапнинг аёллар нутқиға тегишли эканлигидан далолат бермоқда..

Коммуникатив вазиятға боғлиқ ҳолда сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати турли кўринишда юзаға чиқиши мумкин. Ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Уруш одамлари» асаридан олинган қуйидаги парчада қўлланилган сўз ва бирикмаларда сўзловчи муносабати, унинг ҳаракатлари ахлоқий мезонларға мос келмаслиги акс этган:

*Ўғлини бошини қучоқлаб олиб, қалтироқ товушида:*

- Ундай деманг! - деди у заиф ва аламли товушида. Ундай деб болани бузманг. Ҳали тирик эканман, ҳеч кимға уришға йўл қўймайман, эшитяпсизми?! Йўл қўймайман... Ҳеч кимға калтаклатиб ҳам қўймайман... Мен ўлганимдан кейин урасиз буларни...

- Оҳо! - деди Неъмат узуннинг хотини, бутун қишлоқ эшитсин дегандай қўлларини белиға қўйиб, гавдасини ликиллатиб, баттар шангиллай бошлади.-Оҳо, ҳали мен оппоқман ҳам дерсиз, ҳали болани ҳам сен тугдинг дерсиз? Йўқ, нега ҳам гарлик қилиб, ҳам баланд келасан... У бирдан сенсирай бошлади.

- Болани мен эмас сен туққансан, бузуқликни сен қилгансан, яна болангни ҳам бузасан, бировларни ур, деб ўргатасан!.. Ўйнаш орттириб, қишлоқни шарманда қилганинг етмагандай болангни ҳам босмачиликка ўргатасан, сенға ким қўйибди гапиришни? Олдин этагингдаги доғни ювиб ол. Кейин гапирасан. Олдин болаларингни тийиб юр, катта бўлса, буларниям ўйнашликка ўргатасан...

-Бас қилинг !.. Телбалардай ўкириб ўрнидан турди Анзират. Унға охирги гап жуда ўтиб кетган, у дағ-дағ титрар эди. Кўзларидан ёш қўйилиб оқар, лекин артишини ҳаёлиға ҳам келтирмасди.

-Бас қилинг, ҳозир чопиб ташлайман! У печканинг олдида турган болтаға ташланди.

- Чопиб ташлайман... жонимдан тўйиб кетдим. Болтани кўтариб олдинға югурди.

- Тинч қўясанми, йўқми?! Неға мени уйимға бостириб кириб айгоқлик қиласан.. Неға болаларимға кун бермайсизлар? Мен сенларға нима гуноҳ қилдим, нима айб қилдим...сенларға...арпаларингни хом ўрдимми? Эрингни ўйнаш қилдимми?! Неға ҳамманг менға осиласан?!

- Унинг вазжоҳати кўрқинчли эди. Кўзлари қутургандай қизариб кетган, рўмоли тушиб, оқиш сочлари тўзиб кетганди. Лаблари газабдан титрар, қўллари қалтирар эди.

- Ҳамманг мени гап қиласан, ҳамманг аламингни мендан оласан. Нима, ўзларинг оппоқми?! Ўзларинг ҳеч айб қилмаганмисанлар?! Айбимни билмайди деб ўйлайсизларми?! Ҳаммангни ўлдираман...ўлдираман!.. (85-бет)

Юқоридаги матнда қўлланилган “ҳам гарлик қилиб, ҳам баланд келмоқ”, “бузуқлик қилмоқ”, “ ўйнаш орттирмоқ”, “ ўйнашликка ўргатмоқ” каби бирикмаларни нутқ жараёнида қўллаш ахлоқсизлик, нутқ

маданияти қоидаларига риоя қилмаслик саналади. Уларни қўллаш нутқни нурсизлантиради.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Кумушнинг Отабекка ёзган хати халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ахлоқий мезонлари хотин-қизлар нутқида қай даражада қатъийлашганлигига мисол бўла олади:

*Бегим, гарчи аччиғлансангиз ҳам айтишқа мажбурман: сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит!*

*Сизни ҳийлакор дедим: эсингизда борми, сода отамни, гўл онамни қандоғлар қилиб алдадингиз? Ёдингизда борми, шамъ ёнида мени алдаб айткан сўзларингиз, берган ваъдаларингиз, « маним орзум» деб қилган хитобларингиз, тўккан кўз ёшларингиз?... Бас, бу ҳийлалар ,бу макрлар сиздан бошқа кимда топилсин?*

*Сизни оғзи қон бир бўри дедим: чунки сизда раҳм йўқ. Сиз ўзингизнинг заҳарлик тишларингиз билан мазлумлар кўксини, баёвлар бағрини чок этасиз; янги очилган гулларни, энди бош тортқан лолаларни вақтсиз сўлдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз!*

*Сизни уятсиз дедим: илгариги ваҳшатингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз битканлигини билатуриб ҳам Яна уялмай-қизармай виждонсизлар амрини берасиз ва уятсизлигингизни Яна бир қат ортдирасиз!*

Келтирилган матн таҳлилида аёллар нутқининг ўзига хослигини белгиловчи бир қатор ҳолатлар ойдинлашади.

Аввало, шарқона одоб-ахлоқ мезонлари, асрлар давомида шаклланган қоидаларга кўра ўзбек хотин-қизлари ўз турмуш ўртоғига мурожаат этишда уларнинг исмини қўлламайдилар. Шунинг учун Кумушнинг Отабекка нисбатан «Бегим» деб мурожаат қилишида унинг ана шу анъанага риоя қилганлиги кўзга ташланади.

Шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига кўра аёллар муносабат ифодалашда, айниқса , турмуш ўртоғига мурожаат қилишда нутқий вазият учун мос бўлган лисоний воситаларни қўллашга ҳаракат қиладилар. Шу туфайли Кумушнинг Отабекдан хафалиги, унинг хатти-ҳаракатидан норозилиги ҳийлакор, тулки, бўри, жаллод каби лексемалар воситасида ифодаланган. Матнда Кумуш нутқида қўлланилган « мазлумлар кўкси», «баёвлар бағрини чок этмоқ», «бош тортқан лолаларни вақтсиз сўлдирмоқ, очилиб битмай ўлдирмоқ» каби фразеологизмлар эса унинг ички кечинмалари, соғинчи, кучли эмоционал ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

Сўзловчи ҳам, ёзувчи ҳам ўз нутқини тил бирликларини танлаб олиб, улардан чегараланган ҳолда фойдаланиш билан шакллантирар экан, маълум мақсадни- уларни қўллаш орқали ўз нутқи қаратилган шахсга бирор маълумот етказиш ёки олишни, у билан алоқа қилишни ёки унга таъсир этишни кўзлайди. У ҳар бир ҳолатда ҳам ўз мақсадига эришиш учун ўз нутқининг жозибадор, гўзаллигини таъминлашга интилади. Ана шундан

килиб чиқиб, нутқ олдиға маълум бир талаблар қуйилади. Бу талаблар нутқ маданиятига оид дарслик ва қўлланмаларда нутқнинг алоқавий сифатлари тарзида таърифланади. Ана шу талаблар асосида тузилган нутқ маданий нутқ ҳисобланади. Хўш, инсон нутқининг маданий нутқ даражасига кўтарилиши учун қандай сифатлар лозим? Қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз .

### **Нутқнинг тўғрилиги**

Нутқнинг бош алоқавий сифатларидан бири унинг тўғри бўлишидир. Нутқнинг тўғри бўлиши сўзловчи ва тингловчи, ёзувчи ва ўқувчининг бир бирларининг фикрларини тушуниб олишларини таъминлайди. Нутқнинг тўғри бўлиши унинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келишидир. Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки меъёрга-урғу ва грамматик меъёрга қаттиқ амал қилишни тақозо қилади. Бунда ўзбек тили учун урғунинг асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушиши, қўшимчалар қўшилиши билан урғунинг сўз охирига томон силжиб бориши назарда тутилади. Баъзан урғу нотўғри тушса, сўзнинг маъноси ҳам ўзгариб кетади. (қатлама-қатлама, олма- олма, йигитча каби). Урғуни фарқламаслик сўз маъносининг бузилишига олиб келади. Бу ҳолат гапдаги айрим олинган сўзга тушадиган урғу (мантикий урғу) мисолида ҳам кузатилади.

*Мен эртага самолётда Тошкентга учаман.*

Келтирилган бу мисолда урғунинг ўзгариши билан гапнинг маъноси бутунлай ўзгариб кетади.

Грамматик меъёрга келиш деганда гап тузишда, ўзак ва қўшимчалар имлосида, бош ва иккинчи даражали бўлақлар мослигини таъминлаш назарда тутилади.

Буларга амал қилмаслик эса морфологик - синтактик меъёрнинг бузилишига олиб келади. Натижада нутқнинг тўғрилигига путур етади.

“Илон ютган одам”, “Шоҳқадам, Али ва Завқийнинг отаси келди” кабилар. Бу мисолларга изоҳ берганда уларнинг маънолари турлича бўлиши мумкинлиги сезилади.

### **Нутқнинг аниқлиги**

Нутқнинг алоқавий сифатларидан бири аниқликдир. Нутқнинг аниқлигида тилдан ташқарида турувчи ҳолатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу аввало, тил ва тафакур диалектикасидир. “Чунки, аниқлик дейилганда табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг нутқдаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади.”<sup>38</sup> Табиат ва жамиятда ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса ўзининг лисоний ифодасига эга бўлади. Инсон маълум бир сўзларни, яъни ўша нарсаларнинг тилидаги ифодасини айтар экан, бошқалар онгида шу нарса гавадаланади. Бунда сўзловчи ёки ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган нарсанинг моҳиятини тўла акс эттирадиган сўзни қўллаши лозим бўлади.

Бу ўринда А Қаҳорнинг ёзувчи Маъруф Ҳаким ҳикоясидан нутқнинг аниқлигига путур етган “Қўлида бомба ушлаган ҳолда кўчага югурди” деган

<sup>38</sup> Р Қўнғуров ва бошқалар. “Нутқ маданияти ва услубият асослари”. Т : 1992. Б.52.

мисолни келтирганлигини эслаш кифоя. Ваҳоланки, французча “портлатувчи ёки ёндирувчи снаряд” маъносини англлатувчи бомба<sup>39</sup> сўзининг оғирлиги ва ҳажми катта бўлган предметга нисбатан қўлланиши, юқоридаги мисолда эса граната сўзи ишлатилиши лозимлиги ёш болага ҳам маълум.

Нутқнинг аниқлигига путур етказувчи омиллардан яна бири синонимларни ўз ўрнида қўлламасликдир, бу улардаги маъно нозикликларни яхши фарқламаслик оқибатида келиб чиқади. Маънолари яқиндай туюлган сўз ва бирикмаларни қўллашда кўп маъноли сўзлардаги маъно нозикликларини пайқамаслик туфайли уларни ишлатишда нутқда базан қўпол хатоларга ҳам йўл қўйилади. Натижада нутқнинг аниқлигига салбий таъсир кўрсатувчи ғализликлар юзага келади. Шунинг учун баъзан “салқин ичимликлар” “охирги йиллар”, “катта бўйли”, “катта сочли” сингари ҳолатларга дуч келамиз. Шунинг учун ҳар бир ҳолатда ҳам сўзловчи ёки ёзувчи шакл ва мазмун мослигига эътибор қилиши, ўз нутқининг табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларга мос келишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим.

### **Нутқнинг мантиқийлиги**

Нутқнинг бу сифати юқорида кўриб ўтилган тўғрилиқ ва аниқлик каби сифатлар билан алоқадордир. Бошқача айтганда, нутқнинг мантиқий бўлиши учун у тўғри ва аниқ бўлиши шарт. Агар бундай бўлмаса, нутқ мантиқий жиҳатдан ҳам бузилган бўлади.

Сўзловчи ёки ёзувчи нутқининг мантиқий жиҳатдан тўғри бўлиши учун унинг нафақат ўз гапини грамматик ва лексик жиҳатдан тўғри шакллантириши, балки ўзи фикр юритаётган мавзунини яхши билиши ҳам талаб этилади.

Мисоллар: *Овқатга ўтирмақ, куй ва рақслар тингламоқ, чойга ўтказмоқ* кабилар.

Тилшунос олимлар М.Миртожиев ва Н.Маҳмудовлар қуйидаги фикрларни билдирадилар:

“Сўзни етарли ҳис қилмаслик, ўхшатишлардаги мантиқий зиддият кўп сўзлик, грамматик жиҳатдан сўз формулаларининг нотўғри қўлланиши каби нуқсонлар Саид Равшаннинг “Дўзах” номли қиссасида (“Шарқ юлдузи”, 11-сон) жуда-жуда сезилади. Мана бу парчага эътибор қилайлик:

*“Қудуқ ичи нам, зах эди. Деворлари сатҳининг у ер-бу ерида яккам – дуккам янтоқ, туятовон, чучукмия ўсган”. Қудуқнинг сатҳи деганда нима тушунилади?*

Агар қудуқдаги сувнинг сатҳи дейилмоқчи бўлса, у ерда янтоқ ва ҳоказо қандай ўсади? Ёки мана бу парча: “Чўзилиб, бир оз ҳордиқ ёйди, атрофга тикилди”. Аввало, тўғриси “ҳордиқ чиқарди” бўлади. Кейинги жумлага келсак, атрофга тикилиб бўлмайди, қараш мумкин, чунки “тикилмоқ” да қатъий бир йўналиш бор, “атроф” эса кўп йўналишли. Шунинг учун “атрофга тикилди” бирикмасида ҳам мантиқий, ҳам лингвистик зиддият бор. Ёки “бир газча баландликка кўтарилганида бир “зина” ўпирилиб, у

<sup>39</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.Б.311..

қайтиб пастга қулаб тушди”. Аввало, “газ” эскирган сўз (0,71 метрни билдиради), “метр” сўзини қўллаганда ҳам шу ўринда ёзувчи ҳеч нима ютқизмайди, балки ютади, кўпчиликка тушунарлироқ бўлади. Мазкур гапнинг иккинчи қисмида эса “ишламаётган”, ортиқча сўз кўп. “Қулаб тушди” бўлгандан кейин, табиийки, тепага эмас, албатта пастга бўлади, “қулаб тушди”нинг ичида “қайтиб” маъноси ҳам бор. Сўз исрофгарчилиги нақд кўришиб турибди.

Ёзувчининг “Катта, йўғон, узун қувурлар худди темир йўл изидек бир чизиқ бўйлаб ташлаб кетилган” қабилидаги ўхшатишларида мантиқий зидлик мана-ман деб турибди. Темир йўл изининг бир чизиқ эмас, балки икки чизиқлиги маълум-ку! Одатда “Сув ичкиси келгандай сув ичди” жумласи кулгили туюлади, чунки тавтология бор. “Дўзах” қиссасида эса шунга ўхшаш “Бош бухгалтер ҳаловати бузилган одамдек бетоқатланди” тарзидаги ўхшатишлар бадиийлик сифатида тақдим этилади”<sup>40.1</sup>

Кўринадики, мантиқийлик оғзаки ва ёзма нутқда муҳим аҳамият касб этади.

### **Нутқнинг тозалиги**

Маданий нутқнинг, яъни адабий тил талабларига мос келмайдиган ғайри меъёрий унсурлардан ҳоли бўлган идеал нутқнинг юзага келишини таъминловчи омиллардан бири нутқнинг тозалигидир. Идеал нутқ масаласи бугунги кунда ўқиш-ўқитиш ходимлари, шоир ва ёзувчилар, хуллас, ҳар бир зиёли киши олдида турган муаммоларидан биридир.

Тилимизда мавжуд бўлган диалектизимлар, варваризмлар, вульгаризмлар, паразит сўзлар нутқнинг тозалигига салбий таъсир этувчи унсурлар ҳисобланади.

Малумки, қаерда тил бирликларини қўллашда танлаш имконияти мавжуд бўлса, ўша ердан услубият бошланади. Шоир ва ёзувчиларимиз томонидан яратилган ҳар бир асар китобхонга маълумот берувчи манба бўлибгина қолмай, балки таъсир этиш воситаси ҳам ҳисобланади. Шундай экан, ижодкордан сўз танлашда жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳозирги давр ўзбек адабиётига назар ташлар эканмиз, турли жанрда яратилган бадиий асарларда тор доирада қўлланувчи сўзларини қўллашга интилишнинг кучли эканлиги сезилади. Бу эса ўз навбатида бадиий асарлар тилининг қуруқ, таъсирсиз бўлишига олиб келмоқда.

### **Нутқнинг таъсирчанлиги**

Яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлашдир. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқининг юзага чиқишидан мақсад тингловчи ёки ўқувчи онгига таъсир қилишдир. Бунга эришиш эса қандай тил бирликларининг танланиши ва ўринли қўлланишига боғлиқ. Юқорида нутқнинг алоқавий сифатлари ҳақида фикр юритган эдик. Ана шу сифатларнинг нутқда мавжуд бўлиши ҳам ўз навбатида нутқнинг таъсирчан бўлишига хизмат қилади. Нутқнинг таъсирчанлиги ҳақида гапирганида қуйидаги парчани келтириш ўринлидир.

<sup>40</sup> Миртожиева М, Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т: ўзбекистон, 1992, 108-б.

“...Кеча ойдин, қабристон туп-тинч, узоқроқдан Қуръон товуши эшитилар эди. Икки туп чинор бутуқларида қўниб ўтирган уч-тўртта бойқушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга соми каби эдилар. Қуръон оятлари қабристон ичида оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнида тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам Қуръон оятларига қўшилиб оқар эди. Бирор соатдан кейин тиловат тўхтади. Отабек ҳолсизланиб оёқ узра турди ва орқасидаги ярим яланғоч кўлагани кўриб, бир неча қадам қабр томонга тисланди... Кўлага ялингансимон унга яқин юриб келди...

-Ким бу?

-Мен Кумуш...

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

-Кет мундан.

-Мен Кумуш... -деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга “Кет” амрини берган эди. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди”.

Бу парчани ўқиганданоқ унинг нақадар таъсирчан эканлигини сезамиз. Унда ифодаланган ҳолат кўз ўнгимизда тўласинча намоён бўлади. Ёзувчи томонидан танланган ҳар бир сўз ўринли бўлиб, улар нутқнинг таъсирчан бўлишини таъминлашга хизмат қилган. Зайнабнинг орзу-армонлари, рухий ҳолати биргина “Мен Кумуш...” дегандаёқ акс этган. Бу эса ўз навбатида бадиий асар тилининг таъсирчанлигини оширган.

Нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда юқорида қайд этилганлардан ташқари юмордан, тилнинг ифода тасвир воситаларидан ҳам фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин. Бу ўринда Гафур Гуломнинг “Сен етим эмассан” шеърини эслаш кифоя. Бу шеърда қўлланилган тасвирий воситалар киши руҳиятида энг нозик ҳис- туйғуларни уйғотишга қодирдир.

Хуллас, кишининг тафаккури, маданий-маънавий савияси дастлаб унинг нутқида акс этади. Шунинг учун идеал нутқ масаласи доимо кун тартибида энг муҳим муаммо сифатида туради. Шундай экан, ҳар бир кишидан оғзаки ва ёзма тарзда фикр ифодалашда нутқнинг алоқавий сифатларига жиддий эътибор бериш талаб этилади.



### Tekshirish uchun savollar

1. Маданий нутқ деб қандай нутққа айтилади?
2. Нутқ олдида қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. Нутқнинг адабий тилга мос ҳолда тўғри бўлишида нималар асосий меъёр ҳисобланади?
4. Тилимизда нутқнинг аниқлигига салбий таъсир этувчи қандай унсурлар мавжуд?
5. Идеал нутқ деганда қандай нутқни тушунасиз ?
6. Яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад нима ?
7. Адабий тил талабларига мос келмайдиган ғайри меъёрий унсурлар деганда нималарни тушунасиз?

8. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда юмор, бадий воситаларнинг ўрни қандай?

### Adabiyotlar

1. Muhammadjonova G. O'zbek tili leksikasi taraqqiyotining ba'zi masalalari. – T.: Fan, 1982.

1. Pinxasov Ya.D. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: O'qituvchi, 1969.

2. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.

3. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.

4. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.

5. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

### 5-МАВЗУ

### 5-mashg'ulot.

### Тилнинг ифода-тасвир воситалари

### ва тарбиячи нутқи маданияти

### Ўқув мақсади

*Талабаларга ўзбек тилининг ифода-тасвир воситалари деб юритилувчи троплар ва услубий фигуралар, уларнинг бадий асар тилида бадий-эстетик таъсирчанликни юзага келтириши тўғрисида маълумот бериш.*

### Асосий маълумотлар

Маълумки, тингловчи ёки ўқувчига айтилмоқчи бўлган фикрни тушунарли ва образли тарзда етказиш учун нутқнинг жозибадор, таъсирчан бўлиши талаб этилади. Сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрини ифодалашда узундан-узун жумлалар тузилишидан қочиб, ўз фикрларини ихчам тарзда, тилдаги ўхшатиш, сифатлаш, ирония каби турли-туман воситалардан фойдаланади. Ана шу қайд этилган воситалар тилимизда ифода- тасвир воситалари деб юритилади. Бу воситалардан фойдаланиш нотик нутқининг таъсирчан, ифодали бўлишини таъминлайди. Нотик томонидан ўринли қўлланган тасвирий восита ҳикоя қилинаётган нарса ва воқеа-ҳодиса тўғрисида тингловчида аниқ тасаввур уйғотади. Шу билан бирга нотикнинг вақти ҳам маълум даражада тежалди. Бадий адабиётда услубий мақсадда қўлланилган воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти соҳаси тараққиётида Х.Дониёров, С.Мирзаев, Қ.Самадов, И.Қўчқортюев, Х.Абдурахмонов, А.Шомаксудов, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Э.Қиличев, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, Б.Умурқулов, С.Каримов, Б.Йўлдошев, М.Йўлдошев, С.Боймирзаева, З.Пардаев каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Тил бирликларининг нутқнинг турли кўринишларида бажарадиган вазифаси энг аввало, сўзловчи ёки ёзувчининг коммуникатив мақсадига боғлиқ бўлади. Бунда нутқ

йўналтирилган шахсга биргина маълумот етказишгина эмас, балки унга таъсир этиш, воқелик фактларига нисбатан субъектив муносабат уйғотиш ҳам кўзда тутилади. Ифода-тасвир воситалари фикрларнинг эмоционал-экспрессив тарзда ифодаланишини таъминлаш вазифасини бажаради. Тилимизда қўлланилувчи ифода-тасвир воситалари троплар ва синтактик фигуралар каби турларга ажратилади. Ифода-тасвир воситаларининг ўзига хос хусусиятлари ижодкор тили ва услубини ўрганишда, асар ғоясини очишга хизмат қилувчи бадиий образ яратишда, турли маъно нозикликларини ифодалай олишда яққол кўзга ташланади.

Троплар образларни ҳосил қилишда бевосита иштирок этадилар, услубий фигуралар ижодкор фикрларининг тўғри ва аниқ, образли ва таъсирчан тарзда етказилишига хизмат қилади.

“Стилистикага оид адабиётларда синтактик фигураларга тасвирийликнинг турли усуллари киритилади. Булар дастлаб поэзия доирасида, кейинчалик проза доирасида қарала бошланди. Кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда еса синтактик фигуралар бошқа услублар доирасида ҳам ўрганиляпти.

Синтактик фигуралар музыка ва такрорланувчи музикал фразалар каби нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибатор қилиш, шу йўл билан унинг тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик воситадир. Мана шунинг учун ҳам синтактик фигураларни маълум даражада нутқ музыкаси деб аташ мумкин”<sup>41</sup>.

Бадиий асарлар таҳлилида услубий вазифа бажаришга хосланган бирликларнинг ижодкор коммуникатив мақсадининг амалга ошишига кўмаклашувчи кенг қамровли воситалар эканлиги, уларнинг миллий колорит яратишда, ўзига хос бадиий образлар тасвирини беришда ҳамда ҳар бир ижодкор услубининг индивидуаллигини таъминлашда турли маъно қирралари намоён бўлади. Тилимизда бадиий адабиётнинг энг муҳим унсурлари ҳисобланган ҳамда бадиий асар тилининг эмоционал-экспрессивлиги, образлилигини таъминлашга хизмат қилувчи бундай воситаларга нисбатан “ифода-тасвир воситалари”, “лингвопоэтик воситалар”, “троплар”, “услубий воситалар”, “стилистик фигуралар” каби турли атамалар қўлланилади.

Тилимизда троплар ва услубий фигуралар ифода- тасвир воситалари ҳисобланади. Тилшуносликда ифода тасвир воситалари услубий жиҳатдан текширилган ва улар ҳақида илмий ишлар эълон қилинган.<sup>42</sup>

Тилнинг ифода-тасвир воситаларидан бўлиб ҳисобланган троплар сўзловчи ёки ёзувчи томонидан айтилган фикрнинг таъсирчан, ифодали ва тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида киноя, рамз билан қўлланган сўз ва иборалардир. Бошқача қилиб айтганда, “Адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг

<sup>41</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983, .Б.232.

<sup>42</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент:Фан., 1977, -152 б.;Каримов С.А.Бадиий услубнинг ифода-тасвир воситалари.Самарқанд, 1992.

номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши троп дейилади”.<sup>43</sup>

Тилшунос олим Н.Маҳмудов шундай фикрларни билдиради: “Нутқда сўзларни кўчма маънода ишлатишнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар кўчимлар (ёки троплар) номи билан умумлаштирилади. Кўчимларнинг асосида икки нарса ёки тушунчани қиёслаш ётади, яъни икки нарса ёки тушунча ўртасидаги муайян муносабат (ўхшашлик, умумийлик, алоқадорлик каби) асосида тасвирийлик, ифодалилик, аниқдикни кучайтириш мақсади билан улардан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Шунинг учун ҳам кўчимлар ўзига хос тасвирий воситалар сифатида нутқнинг ифодалилигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.”<sup>44</sup>. Олимнинг бу фикрлари тилшунос С.Каримов томонидан янада изчил давом эттирилган. Олим бадий услубнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича кузатиш жараёнида ифода-тасвир воситаларининг қўлланишини таҳлил қилар экан, шундай фикрларни билдиради: “Уларнинг троплар деб аталувчи қисми образ яратишда бевосита иштирок этса, иккинчи бир қисми – услубий фигуралар эса, гарчи образ яратмаса-да, ана шу образларнинг шаклланишига, баркамол, пишиқ бўлишига, ўқувчининг матнни тўғри ва тез тушуниб олишига кўмаклашади. Кўчма маънода қўлланилаётган, образ яратаётган тил бирликлари даражасида бўлмаса ҳам, улар вазиятга қараб кўшимча маъно ифодалайди, тасвир объектига ижодкор баҳосини беради, юксак эмоционалликни юзага келтиради. Ўқувчи ёки тингловчидаги ҳиссиётларнинг жунбушга келишида тезлаштирувчи восита ролини – катализаторлик вазифасини бажаради, ёзувчига кўмакдош бўлади. Бадий ижоднинг қийинчилиги ҳам шундаки, ёзувчи ҳис-туйғуларни ўзи қаноатланидиган даражада ифодалай оладиган тил бирлигини ахтаради. Уларни бир-бирларига чоғиштиради, қарама-қарши қўяди, ёнма-ён қўллайди, такрор ишлатади ва ҳоказо. Зеро, тропларнинг ўзи сўзларни асл маъноларидан кўра кўпроқ кўчма маънода қўллашга интилишнинг натижасидир.”<sup>45</sup>

Кишилар мулоқот жараёнида доимо таъсирли ва ифодали сўзлашга интиладилар. Бунинг учун улар мулоқот жараёнида ўз коммуникатив мақсадларининг самарали тарзда амалга ошишларини таъминловчи жимжимадор, бўёқдор сўзларни ахтардилар. Шу боис тилдаги сўзлар ҳам ўз функционал-семантик табиатига кўра нутқнинг у ёки бу кўриниши учун хосланган бўлади. Уларнинг айримлари ифодали бўлиб, образлилик касб этса, бошқалари эса нутққа турли кўшимча маънолар киритишга хизмат қилади. Тилшуносликда маъно кўчиши асосида юзага келган бирликлар троплар деб, кўшимча маъно ифодалашга хизмат қилувчи воситалар эса услубий фигуралар деб юритилади. Бадий матнни лисоний таҳлил қилиш тамойиллари ҳақида фикр юритган тилшунос олимлар Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовлар тропларнинг бадий матндаги ўрни ҳақида фикр юритиб, уларни қуйидагича таснифлашни маъқул кўрадилар: “1.Сўз маъносининг микдорий кўчишига

<sup>43</sup> Қўнғуров Р.Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент:Фан., 1977, Б.23.

<sup>44</sup> Маҳмудов Н.Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари.2006 ,N2(11).68 –бет.

<sup>45</sup> Каримов С.Бадий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. Самарқанд, 1992.Б.5.

асосланган троплар: а) гипербола; б) мейозис. 2. Сўз маъносининг сифатий кўчишига асосланган троплар: а) метафора; б) метонимия; в) ирония<sup>46</sup>. Тарихда сўз маъноси кўчишига асосланган бундай воситаларнинг юздан ортиқ тури шаклланди ва шарқ адабиётида маънавий ва лафзий санъатлар сифатида улуғланганлиги манбаларда қайд этилган.

**Метафора** - кўчма маъно асосида юзага келувчи воситалардан бири. Тилшунослик, умуман нотиклик тарихида фикр ифодалашнинг энг қулай воситаларидан бири, нутқ беағзи сифатида қараб келинди ва шунга хос тарзда турлича талқину изоҳлар юзага келди. Масаланинг ана шу жиҳатларини инобатга олган А.Ҳожиёв бу ҳодисага нолингвистик жараён сифатида қараб, метафора учун асос бўлган сўз маъносида бирор бир ўзгариш бўлмаганлигига, балки бу ҳодиса ном кўчиш асосида юзага келишига асосланади. "Метафора асосида ном кўчиши, -деб ёзади у, -нарсаси, белгиси ёки ҳаракатга хос атаманинг (сўзнинг) ўзаро ўхшашлиги бўлган бошқа белгиси, нарсаси, ҳаракат ҳақидаги тушунча учун ҳам қўлланиши, шу тушунчанинг ҳам номига ўтиши (айланиши)дир."<sup>47</sup> Метафорик фикр қиёслаш орқали ривожлантирилади ва тилда метафора ҳодисаси юзага келади. Тилшунос Б.Умурқуловнинг кўрсатишича, «тил метафораси бадиий метафорадан ўхшашликнинг формасига кўра фарқланади: тил метафораси икки предмет орасидаги бевосита ёки очиқ ўхшашликка асосланган кўчимдир. Масалан: бош сўзининг асосий лексик маъноси «бош қисм» бўлиб, тоғнинг боши, йўлнинг боши, иш боши, жўрабоши каби кўчма маъноларга эга. Бадиий метафорда предметлар орасидаги ўхшашлик асосида бадиий бўёқ, образлилик ётади. Демак, бадиий метафора тил метафорасидан, дастлаб, фикрни образли ифодалаш билан ажралиб туради. Бадиий метафорда ўхшашлик яширинган ҳолда бўлади».<sup>48</sup> С. Усмонов тилда метафоранинг юзага келиш сабабларини ахтарар экан, унинг лингвистик ва бадиий метафора каби турларини ўзаро фарқлайди: «Бадиий адабиётда метафора ўхшатишнинг қисқарган формаси бўлиб, предметнинг номи вазифасини бажармайди. Чунки бунда сўз шу нутқий парчада илгари ҳеч қандай англамаган предмет ёки ҳодисани англатади. Метафора предметнинг доимий номи бўлиб қолгандагина тилшунослик фани текширадиган ҳодиса ҳисобланади. Чунки бундай метафора умумхалқ тилига хос, бадиий метафора эса, ёзувчининг индивидуал приёмига хосдир».<sup>49</sup> Шу ўринда бадиий ижодда ёзувчининг ўзи ифодалаган фикрлари ёрдамида китобхонга бадиий-эстетик таъсир этишни мақсад қилиб олиши ва бу кўпроқ шеърини асарлар тилида фаол эканлигини ҳисобга олган С.Каримов уларни анъанавий ва поэтик метафораларга бўлиб ўрганишни маъқул кўради ҳамда бундай бўлишга имконият берадиган восита матн эканлигини таъкидлайди.<sup>50</sup> Замонавий тилшуносликда метафорага янги тушунчани шакллантирувчи ва ифодаловчи

<sup>46</sup> Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. –Тошкент, 1990. –Б.29.

<sup>47</sup> Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: «Фан», 1981. Б.221.

<sup>48</sup> Умурқулов Б.Поэтик метафора ва унинг шеърини нутқдаги аҳамияти.Ўзбек тили ва адабиёти.№6.1980. 40-бет.

<sup>49</sup> Усмонов С. Метафора. Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, 4-сон, 34-35-бетлар.

<sup>50</sup> Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. -Самарқанд, 1994. Б.17.

ва усиз янги билим олиш имконсиз бўлган когнитив жараён сифатида қарашлар ҳам юзага келмоқда.<sup>51</sup> Кўринадики, метафорага қарашлар турлича бўлса-да, унинг воқеланиш шакли ва имкониятлари матнга боғлиқ эканлигига эътирозлар йўқ.

Тилимизда нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчишига метафора дейилади. **Метафора**-грекча сўз бўлиб, кўчириш деган маънони билдиради. Метафора сўзнинг маъноси кенгайишида иштирок этувчи муҳим омил бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро ўхшашлик томонларига асосланиб, сўз ва ибораларни кўчма маънода қўллаш натижасида вужудга келади. Тузилишига кўра содда ва кенгайган шаклда бўлувчи метафораларнинг нутқимизда ишлатилиш имкониятлари жуда кенг. Содда шаклдаги метафоралар биргина сўздан иборат бўлади. Масалан: тулки (маккор), илон (шум, айёр), гумбаз (осмон) кабилар. Кенгайган метафоралар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан тузилади. Масалан: математика, шахмат-ақл гимнастикаси, пахта-оқ олтин, газ-зангори олов, трактор- деҳқонинг қаноти, арча-ўрмон маликаси кабилар. Метафора адабиётшуносликда истиора деб ҳам юритилади. Метафора образлилик ҳосил қилувчи муҳим восита сифатида ўзининг узоқ тарихига эга. Бадиий услуб бўйича кузатиш олиб борган С. Каримов бу ҳақда шундай фикрларни билдиради: Антик дунё мутафаккирлари ҳам метафорага ўз муносабатларини билдирганлар. Масалан, Аристотель кўчма маънода қўлланган ҳар қандай сўзни метафора деб қараган ва уни умуман троплар билан тенглаштириб қўйган. Квинтилиан эса уни ҳамма бирдай фойдаланаверадиган табиат эҳсони дейди. Унингча, метафора нутққа алоҳида жило берадиган, бойитадиган қисқарган ўхшатишдир ва таваккал қилиб, дадил қўлланган метафораларгина нутққа алоҳида кўтаринкилик бағишлаши мумкин. Цицерон ҳам метафораларни қисқартирилган ўхшатиш деб қарайди ва айтадики, олинган икки объект ўртасида ўзаро мослик бўлмаса, тил бундай метафораларни инкор қилади. Бу хусусда Деметрийнинг фикри диққатга сазовордир: Метафора нутққа ёқимлилик ва улуғворлик бағишлайди, аммо ундан ҳадеб фойдаланавериш керак эмас, акс ҳолда ёзилган нарса прозага эмас, мадҳия (дифирамб)га айланиб қолади<sup>52</sup>.

Метафора бир предметни бошқаси билан ўхшатиш, қиёслашга ҳамда уларнинг умумий белгиларини алоҳида ажратиш асосида юзага келувчи воситадир. Шу сабабли айрим адабиётларда метафорага яширин ўхшатиш деб ҳам қаралади. Ўхшатишдан фарқли равишда метафора барқарор ва турғун ўхшашликларни ифодалайди. Тилшунос М.Йўлдошев метафора ва ўхшатиш орасида қуйидаги фарқлар мавжудлигини кўрсатади: “1. Ўхшатишда сўзлар ўз маъноси билан иштирок этади. Метафорада сўзлар доимо кўчма маънода бўлади. 2. Ўхшатишда икки компонент – ўхшатилувчи объект ва ўхшовчи образ қиёсланади. Метафора эса бир компонентли бўлади. 3. Ўхшатишларда кенгайиш имконияти кўп, бир гап ҳатто абзац даражасида кенгайиши мумкин. Метафоралар эса сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади. 4. Ўхшатишда

<sup>51</sup> Кубрякова Е.С. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. - М.: изд-во МГУ, 1996. -С.55.

<sup>52</sup> Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. -Самарқанд, 1994. -Б.16 -17.

махсус кўрсаткичлар бўлади: *-дек, -дай, -симон, -ларча,-каби,-сингари, ўхшамоқ* ва бошқалар. Метафораларда бундай кўрсаткичлар бўлмайди. Буни куйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин: *Карим тулкидай айёр одам*. Ўхшатиш конструкция. Бунда Карим – ўхшатиш субъекти, тулки –ўхшатиш эталони, айёр – ўхшатиш асоси, -дай – ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Бу тўлиқ ўхшатиш. *Карим тулки*. Бу қисқарган ўхшатиш, чунки гапда ўхшатиш асоси (қайси хусусияти ўхшашлиги) ва кўрсаткичи ифодаланмаган. *Вой, тулки-ей...* (Каримга нисбатан ишлатилмоқда). Бу метафора ҳисобланади. Чунки Каримнинг айёрлиги образли тарзда ифодаланаяпти. Бутунлай қайта номланаяпти”<sup>53</sup>.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ифода-тасвир воситалари тахлилига бағишланган тадқиқотларда метафоралар лингвистик ва бадий метафораларга ажратиб тасниф қилинади. Лингвистик метафоралар аввало, муомала жараёнида кўп қўлланилганлиги боис ўзининг дастлабки образлилигини, таъсирчанлик хусусиятини деярли йўқотиб улгурган. Ҳозирда улар тушуниш мумкин бўлган бевосита маънолар сифатида қабул қилинади. Бадий метафоралар кутилмаган, янгилик бўёғига эга бўлиб, қандайдир ғайриодатий, образли кўчимга асосланган ҳолда қўлланилади. Бундай метафоралар бадий адабиётда, хусусан, шеърятда кенг қўлланилади ва шу сабабли уларга нисбатан поэтик метафоралар атамаси ҳам қўлланилади.

Содда метафора таркибига кўра биргина сўздан ташкил топади. Бунга тилимиздаги *гумбаз, йиқилмоқ* сўзларини мисол келтириш мумкин. Бу сўзлар нутқда кўпинча метафорик маъно ифодалайди. Гумбаз дейилганда осмон маъноси тушунилса, йиқилмоқ феъли эса метафорик маъно ифодалаганда жисмоний ҳаракатни ифодаламай, балки бирор синов, имтиҳондан ёки суҳбатдан ўта олмаганлиги, қониқарли баҳо ололмаганликни билдиради. Бундай метафоралар таъсирчанлик хусусиятини деярли йўқотган. Улар кундалик нутқда фаол қўлланади. Кенгайган метафоралар эса шаклан бирдан ортиқ сўздан иборат бўлади. Уларнинг пайдо бўлиши ва бадий матнда қўлланиши ижодкорнинг индивидуал услубига ҳам боғлиқ. Метафора нутқда қанчалик фаол бўлса, у шунчалик таъсирчанлигини йўқота боради.

Маълумки, маънонинг ўхшашлик асосида кўчиши метафоранинг муҳим хусусиятидир. Метафоралар асосида образлилик ётади. Образлилик эса ҳар қандай метафорик қўллашга хос ҳодиса сифатида бадий нутқда муҳим унсур сааналади:”Бадий нутқ образли нутқдир. Бадий нутқнинг образлилиги сўзлардан, грамматик формалардан ўз ва кўчма маъноларида мақсадга мос фойдаланиш, нутқда образли воситаларни, стилистик усулларни ўринли қўллаш натижасида кучаяди. Шунга кўра бадий нутқда образлиликни таъминловчи ҳам лингвистик, ҳам стилистик факторлар мавжуд. Нутқий образлиликни таъминловчи лингвистик фактор бевосита сўз қўллаш билан боғлиқ. Бу жараён тилнинг сўз бойлигидан (синоним, антоним, омоним, пароним сўзлардан, фразеологизмлардан, сўз бирикмаларидан) нутққа мос қўллаш натижасида

<sup>53</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик тахлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007. –Б.78.

юзага келади. Стилистик фактор бевосита образли воситалар, стилистик усуллардан фойдаланиш натижасида вужудга келади.”<sup>54</sup>

Ўзаро мулоқот жараёнида нутқ қаратилган ёки назарда тутилган шахсга нисбатан муносабат ифодалаш мақсадида ҳайвон, газанда, қуш ва шу кабиларни, шунингдек уларнинг хатти-ҳаракатларини англатувчи сўзлар метафорик маънода қўлланилади. Нутқ қаратилган шахсга нисбатан қўлланилган бундай бирликлар ижобий ёки салбий маъно ифодалаш хусусиятига эга бўлиб, баҳолаш вазифасини бажаради. Тилимизда ғайриахлоқий сўзларнинг ҳам маълум қисми ана шундай сўзлардан ташкил топган. Баҳо ифодалашга хизмат қилувчи метафора сифатида қўллана олувчи бундай сўзлар ҳақида проф. Э. Қиличев шундай фикрлайди: Ғайриахлоқий сўзларнинг турлари, маъноси ва уларнинг бадий адабиётдаги ўрни ҳамда вазифасини ўрганиш услубшуносликда муҳим аҳамиятга эга. Ғайриахлоқий сўзлар ўз характериға кўра сўкиш, ҳақорат ва қарғиш сўзларига бўлинади. Иккинчидан, улар эркаклар ва аёллар нутқиға хослиги билан ҳам фарқланб қўлланилади.

Сўкиш, ҳақорат сўзларни семантик услубий жиҳатдан қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

А) ахлоқ маданияти (ҳароми, лаънати, муттаҳам);

Б) ҳайвон номлари (ит, эшак, чўчқа);

В) ҳашорат номлари (чивин, чаён, ғўнда);

Г) қуш номлари (бойўғли, қарға, читтак). Ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган ғазаб нафратни ифодаловчи сўзлар.

Бадий асарларда ғайриахлоқий сўзлар салбий қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаш, уларға хос салбий томонларни янада бўрттириш учун ишлатилади. Айрим ҳолларда ижобий қаҳрамонлар нутқида ҳам бундай сўзлар ишлатилиши мумкин. Бунда улар шу персонажнинг ўта ҳаяжонланганлиги ёки ғазабланганлиги, ўзини тута олмаслиги оқибатини ҳаққоний акс эттириш учун қўлланади.<sup>55</sup>

Поэтик матнларда бундай сўзлар баҳолашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Нутқ қаратилган шахсга нисбатан “гул” сўзининг қўлланишида ижобий муносабат мавжуд. Лекин шуни қайд этиш лозимки, бу сўз кўпинча қиз ёки аёлға нисбатан қўлланилади. Бу эса метадораларда гендер жиҳатлар ҳам акс этишини кўрсатади. Замонавий ўзбек шоирлар ижодига мансуб поэтик матнларда бу ҳолат кўп кузатилади. Усмон Азим шундай ёзади:

... Гулим, совуқ боқма, қўрқаман,

Қўрқаман боз бўлади пайдо —

Олти қитъа, тўрт баҳри улкан,

Ҳувиллаган даҳшатли фазо...

Агар тасодиф бўлиб,

<sup>54</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан, 1988, Б.85.

<sup>55</sup> Қиличев Э., Раҳимов А., Қўшшаева Н. Нутқда ғайриахлоқий сўзларнинг ҳам ўз ўрни бор. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. Тошкент: Шарқ, 1999. Б.225- 226.

*Анов шофёрнинг қўли,  
Озгина қалтираса,  
Оламда йўқман, гулим... (У.Азим)*

Анвар Обиджон ижодида ҳам қиз болага нисбатан гул деб мурожаат қилиниши кузатилади:

*Қизганчиқ деб ўйлама, гулим,  
Бу сўз мен-чун тенгдир ўлимга.  
Инон,  
Жуда очиқдир қўлим,  
Ҳеч нарса йўқ фақат қўлимда. (А.Обиджон)*

Лирик қаҳрамон учун сеvimли қиз ва гул ўзаро эгиз тушунчалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. У шунинг учун бошқа қизларни ҳам гул сифатида кўради. Қуйидаги мисолда шу ҳолат кузатилади:

*Менинг ёрим бўлсангиз,  
Аразлатиб қўймасдим.  
Ҳатто қариб сўлсангиз,  
Бошқа гулни суймасдим.  
(А.Обиджон)*

Мазкур мисолда қўлланилган метафоранинг юзага келишида гул ва Ватан гўзаллигининг ўзаро боғлиқлиги, беғуборлиги каби ўхшаш жиҳатлар асос бўлган.

*Ватан! Пок дилларнинг бўстонларида  
Бир алвон чечаксан, битта Қизил гул!  
Сен хазон билмассан, жон-жонларида  
Парвариш этадир ҳар битта кўнгил! (Муҳаммад Али)*

Шеърнинг кейинги мисраларида “гул” лексемасидан англашилган семантик майдон кенгайиб бораётганлиги сезилади:

*Сира кўз олдимдан ўша гул кетмас,  
Катта ёзмоқ шиқи қўймас мени тинч.  
Қайдадир, қайдадир Шеър кезади маст...  
Қайда ул Буюк шеър, парвосиз севинч? (Муҳаммад Али)*

Кўринадики, бадий адабиётда тилимиздаги поэтик таъсирчан, образли сўзларни метафорик маънода қўллаш муаллифнинг коммуникатив мақсадига хизмат қилади. Метафораларнинг қўлланиши асар тилининг ширали, ифодали, образли ва таъсирчан бўлишини таъминлайди.

**Метонимия** қайта номлаш маъносини ифодалайди. Бунда ички ёки ташқи томондан бир-бирига алоқадор нарса ёки ҳодисанинг номи бошқа бирор нарса ёки ҳодисага кўчирилади.

1. Нарса ичидаги нарсанинг маъноси ўша нарсага кўчирилади: *Бир чойнак ичдим. Бир коса едим.*

2. Муаллиф номи асар номи ўрнида келади: *Навоийни олдим қўлимга...* (Х.Олимжон)

3.Харакат ёки унинг натижаси шу ҳаракат қуроли билан алмаштирилади:  
*Унинг қалами ўтқир. Бу унинг қаламига тегишли.*

4.Кишилар маъноси ҳудудга кўчирилади: *Анжуманга бутун факультет қатнашди.*

5.Аниқ тушунча номи ўрнида мавҳум маъноли от келади: Кафедра ректоратга миннатдорчилик билдиради.

**Синекдохада** нарсаларнинг сон ёки бутун ва қисмлари орасидаги муносабат назарда тутилади:

1. Бутун ўринда қисм: *Учта қорақўзим бор. Орқамдан жигарларим йиғлаб қолди.*

2. Қисм ўрнида бутун: Ош сўзи илгари овқатнинг ҳамма турига нисбатан қўлланган бўлса, ҳозир у фақат палов маъносида кўпроқ ишлатилади.

3. Кўплик ўрнида бирлик: Талаба, интизомли бўл!

4. Жинс ўрнида тур: Олма ўрнида мева, конфет ўрнида ширинлик.

**Сифатлаш (эпитет).** Ўзбек бадиий адабиётида ифода-тасвир воситалари тизимида сифатлаш ҳам фикр ифодалашнинг ўзига хос усули сифатида муҳим аҳамият касб этади. Эпитет (сифатлаш). Грекча –эпитетон сўздан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржима қилинса, изоҳловчи деган маънони беради. Аммо у доимий аниқловчилардан ўзининг экспрессивлиги, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Эпитет –поэтик аниқловчи. У нарса ёки ҳодисанинг бирор томони, бирор хусусияти ёки белгисини алоҳида таърифлаб кўрсатиш, алоҳида баҳолаш учун предмет, воқеа номини билдирувчи сўз олдидан кўшимча равишда келтириладиган сўздир.<sup>56</sup> Тилшуносликка доир адабиётларда эпитетнинг анъанавий, индивидуал, поэтик тасвирий, лирик, лиро-эпик, доимий (анъанавий), метафорик, баҳоловчи, безак, кучайтирув каби турлари мавжудлиги қайд этилади.<sup>57</sup>

Индивидуал эпитетларни бадиий матнларда қўллаш замирида эҳтиёж ётади<sup>58</sup>. Бадиий матнларда сифатлашдан фойдаланишда маллиф маълум бир мақсадни – матндаги бадиий эстетик таъсирчанликни оширишни кўзда туттади. Сифатлаш поэтик матнларда муаллиф ёки ассар иштирокчиси томонидан тасвирлаётган шахслар, нарса ёки ҳодисанинг ўзи муҳим деб ҳисоблаган сифатини бўрттириб кўрсатиш орқали китобхон эътиборини жалб этишга хизмат қилади. Сифатлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у муаллиф тасвирга олган белгини таърифлаш орқали нутқ обектининг ўзи билан ҳам таништиради, унинг поэтик таърифини беради ҳамда шу орқали китобхонда улар тўғрисида муайян тасаввур уйғотади. **Эпитет (сифатлаш)** изоҳловчи маъносини беради. Эпитет шеърий асарлар тилида кўпроқ қўлланилади. У таъсирчанликни юзага келтирувчи восита ҳисобланади. “Сифатлашларнинг поэтик нутқдаги вазифаси нутқнинг аниқлиги, ранг-баранглигини таъминлашдан иборат бўлиб, одатда нарса ва ҳодисанинг бирор хусусиятини, белгисини ажратиб ажратиб кўрсатиш мақсадида нарса ва ҳодиса номини билдирувчи сўздан олдин қўлланилади.

<sup>56</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент: Фан, 1977. Б.27.

<sup>57</sup> Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. Самарқанд, 1994. Б.27.

<sup>58</sup> Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. – Ленинград, 1959. – С. 200-208.

Дарҳақиқат, сифатлашлар предмет нарса ёки ҳодисанинг белгисини конкретлаштиради, шу жараёнда фикрнинг эмоционал бўёқдорлигини оширади. Сифатлаш тасвир этилаётган воқеа-ҳодисанинг характерли томонларини, бошқа воқеа-ҳодисадан ажралиб турувчи белгиларини конкретлаштириб, таъкидлаб кўрсатади.”<sup>59</sup>

Тадқиқотларда предметнинг белгисини билдиришга хосланган сифатлашлар куйидагича турларга ажратилади:

а) предметнинг белги-хусусиятини кўрсатувчи сифатлашлар: *пайваста қош, тигиз киприк, бодомгул дўппи, бахмалдай майин мўйлов, тиниқ, жозибали юз, кўм—кўк сув, мовий осмон, тиниқ кўл* ва бошқалар.

б) предметнинг ҳолатини ифодаловчи сифатлашлар: *ўтқир қараиш, қовжираган ўт, жимжит сахро, маъюс юз, маъюс чехра* ва бошқалар.

в) предмет, нарса ёки ҳодисанинг шакл-кўринишини белги сифатида кўрсатадиган сифатлашлар: *киртайган кўз, тақир боиш, ширмой юз, йўгон бўйин, новча бўй* ва бошқалар.

г) предметнинг ранг-тусини белги сифатида кўрсатадиган сифатлашлар: *тилла ранг шароб, кумуш ранг баркаш, кўк мовут адёл, зангори осмон, мовий дара* ва бошқалар.

д) предмет, нарса ёки ҳодисанинг мазаси – таъминини, хидини белги сифатида кўрсатувчи сифатлашлар: *хушбўй ҳид, нордон сўз, бемаза гап, аччиқ изтироб* ва бошқалар.

е) предмет, нарса ёки ҳодисанинг ҳажминини, ўлчовини белги сифатида кўрсатувчи сифатлашлар: *кенг хона, узун йўл, катта харсанг, оғир турмуш, кенг пешона* ва бошқалар.<sup>60</sup>

Сифатлашнинг вазифаси шахсларга, нарсаларга хос белгиларни кўрсатишдан иборат. Унинг оддий сифат сўзлардан фарқи шундаки, оддий сифатлар фақат белги ҳақида маълумот бериш билан чекланади, сифатлаш эса белги ҳақидаги маълумотни образли тарзда етказиш билан унинг алоҳида бир сифатини бўрттириб кўрсатиш билан ўқувчи ёки тингловчи эътиборини унга қаратишга, унга таъсир этишга хизмат қилади. “Бадий нутқда учрайдиган барча сифатлашлар эмоционал образлиликнинг таъминлаш кўлами жиҳатидан бир хил эмас. Чунки бадий нутқда *қора тун, қизил гул, яшил водий, метин ирода, кучли кўл, оппоқ юз, қора кўз* каби умумнутқ сифатлашлари ҳам учраб, нутқнинг бадий таъсирчанлигини кучайтиришга ёрдамлашади. Бадий нутқда учрайдиган индивидуал сифатлашлар эса кучли нутқий образлиликни ифодалаш ҳамда публицистик ва илмий нутқда учрамаслиги билан ажралиб туради. Шундай экан сифатлашнинг бу нутқий тури, бадий нутқнинг образли - таъсирчанлигини оширувчи нутқий омиллардан бири ҳисобланади”.<sup>61</sup>

<sup>59</sup> Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент: Ўзбекистон ФАНИ нашриёти, 1990, Б 66-67.

<sup>60</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан, 1988, Б.95.

<sup>61</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очурклари. Тошкент: Ўзбекистон ФАНИ нашриёти, 1988, Б.96.

Бадий адабиётда қўлланилган ҳар бир сифатлаш матнга боғлиқ ҳолда маълум бир маъно нозикликларига ишора қилади. Масалан, қуйидаги парчага диққат қилайлик:

*Айталарки, совуқ, ғамли қора қиш,  
Ўтиб кетиб, келмиш чиройлик баҳор.  
Гулга ошиқ бўлиб сайрар эмиш қуш,  
Гул ҳам ошиқ қушга нозланиб қарар.*

(Чўлпон)

Юқоридаги парчада қўлланилган совуқ, ғамли, қора сифатлари қишга хос белги-хусусиятларни англатиб, ундан англашилган маънони янада кучайтириб, бўрттириб тасвирлашга хизмат қилган. Умуман олганда, “қора” лексемаси ўзида нафақат салбий муносабатни, балки ижобий жиҳатларни ҳам акс эттиради. Ранг-тус билдирувчи сифатларнинг бадий-эстетик хусусиятлари “Ўткан кунлар” романидаги Кумуш тасвирида ҳам кузатилади. Абдулла Қодирий уни шундай бадий бўёқлар билан шундай тасвирлайди: *Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб айвоннинг чап тарафидаги дарича орқалик уйга кирамиз, ҳам уйнинг тўрига солинган атлас кўрна, нар ёстиқ қучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйгоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи нар ёстиқнинг турлик томониغا тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила кипрак остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсдан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сарик рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди.*

*Силкиниши орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи — Кумушбиби эди.*

Абдулла Қодирий Кумушбиби гўзаллигини ранг-тус билдирувчи сифатлар ёрдамида юксак маҳорат билан тасвирлаган.

Анвар Обиджон ижодига кенгроқ тўхталадиган бўлсак, унда қўлланилган ҳар бир сифатлаш ўзига хос хусусиятларга ва маъно нозикликларига эга. Масалан, қуйидаги парчада сифатлаш муаллиф муносабати, нутқ қаратилган шахсга берилган баҳо сифатида кўзга ташланади:

*«Хайр» дединг,  
демак қайтишинг мумкин.  
Кейин яна ўша гаплар:  
алдоқчи янгиликлар,*

*бачкана орзулар,  
тутруқсиз хотиралар...*

*Кел, ҳар эҳтимолга қарши видолашайлик. (А.Обиджон)*

Шеърда қўлланилган “алдоқчи”, “бачкана”, “тутруқсиз” сўзлари воситасида тингловчининг қандай киши эканлиги маълум бўлади. Анвар Обиджоннинг нутқ объектини таърифлашда “алдоқчи”, “бачкана”, “тутруқсиз” каби эпитетларни бирин-кетин жойлаштириши унинг тингловчига хос хусусиятларини атрофлича ёритиб беришига имконият яратган.

Қуйидаги мисраларда сифатлашлар воситасида ёр қиёфаси ўз поэтик тасвирига эга бўлган:

*Лабларинг биллур қадаҳдир,  
унда лим қирмиз шароб,  
Тут менга зор айламай,  
йўқса тўкилгай эртага.  
Тунлари юлдуз бўлиб  
имлайди имлок кўзларинг,  
Кўрқаман, кутсам бу кеч,  
тургайми сўнмай эртага. (А.Обиджон)*

Шоирнинг “Мартин Иден” шеърида сифатлашлар воситасида ифода мазмуни кучайтирилган. Матндаги “далли”, “аламкор” сифатлашлари инсон ички олами тасвирини берса, кейинги мисраларда қўлланилган “масхарабоз”. “дидсиз”, “молпараст”, “олчоқ”, “жоҳил”, “сўққабош” сўзлари нутқ объектини таърифлаш вазифасини бажарган:

*Далли тугён,  
Аламкор бир ҳис  
Сиздирмади уни заминга.  
Масхарабоз ҳаёт,  
Дидсиз қиз,  
Молпараст дўст тиз санчди унга.  
Олчоқ мулкдор,  
Жоҳил ноширлар  
Қайдан билсин — недир эҳтирос.  
Улар-чун завқ — сўққабош лобар,  
Мансаб ва пул аталмиш қоғоз. (А.Обиджон)*

Шоир томонидан нутқ объектига нисбатан қўлланилган “масхарабоз”. “дидсиз”, “молпараст”, “олчоқ, “жоҳил” , “сўққабош” каби сифатлар аслида муаллифнинг Мартин Иденни қуршаб турган , у яшаган замонда ва маконда бўлаётган ўзгаришларга манфаат нуқтаи назаридан ёндашувчи кишиларга берилган таърифдир. Шоир ер юзида Мартин Иденга ёмонлик қилганларга ўхшаш одамларнинг кўплигидан озор чекади, уларнинг молпараст, олчоқ ва жоҳил эканлигидан ташвишга тушади. Ана шундай ҳолатда сифатлашлардан муносабат ифодаси ва бадий безак сифатида фойдаланиш шоирга қўл келади.

Келтирилган парчада масхарабоз сифати ҳаёт сўзи билан бирикиб, мисрадан англашилган маънони янада кучайтириб, бўрттириб тасвирлашга хизмат қилган. Албатта, тилимизда нарсаларга нисбатан қўлланиладиган сифатларнинг инсонга кўчирилиши орқали поэтик матнларда образлилик, таъсирчанлик кучаяди. Анвар Обиджон турли поэтик тасвирларни беришда сифатлашларнинг ана шу имкониятларидан моҳирона фойдаланади.

Маълумки, ҳар бир ижодкор шеърятининг маълум қисмини ёр тасвири эгаллайди. Уни тасвирлашда шоир маъно уммонидан сўз гавҳарларини излайди, уларни дур каби теради. Шоир ижодида қўлланилган маъза-таъм билдирувчи ширин сифати бир қатор сўзлар билан бирикиб , поэтик тасвирни кучайтирувчи сифатлашга айланган:

*О фалак, раҳм айлабон*

*кўнглимни боғ этсанг нетар,*

*Барқ урган олам ичра*

*сўлгин турурман токай?*

*Тунд дилим ширинсухан*

*дилбар дан топмай нишон,*

*Ширин орзулар бирла*

*суҳбат қурурман токай? (А.Обиджон)*

*ёки*

*Қалбим эриб гўё мой,*

*Ширин ҳисга қўмилди.*

*Қип яланғоч бўлиб ой*

*Булутларда чўмилди. (А.Обиджон)*

Инсон руҳиятининг, табиат лавҳаларининг бу каби тасвирини бошқа шоирлар ижодида учратиш қийин. Сифатлашнинг гўзал намуналарини шоирнинг қуйидаги шеърда ўқиймиз. Шеърдаги поэтик таъсирчанлик шу даражада кучлики, уни ўқиш билан китобхонда фахрланиш, ғурурланиш туйғулари уйғонади. Бадий матннинг қай даражада бўёқдорлиги унинг тилига, хусусан, сифат сўзларга ҳам боғлиқдир. Битта сўзнинг бир неча

маъно муносабатларини ифодалаши ижодкор маҳоратидан келиб чиқади. Таниқли тилшунос А.Рустамов бу ҳақда шундай деган эди: «Сўзларнинг маъно муносабатлари товушдагига нисбатан анча мураккаб бўлиб, ўй-фикрни талаб қилади. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг товуш жиҳати эшитиш билан чекланган бўлса, унинг маъно жиҳати биринчидан, эшитишдан ўзга ҳиссиётни, иккинчидан, ҳис қилиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, тилнинг ўзга имкониятлари катори бадий имконияти ҳам, унинг маъно жиҳати товуш жиҳатига нисбатан ортиқдир. Бу имкониятнинг асосий манбалари тил бирликларининг кўп маънолиги, маънодошлиги ва ясалиш қобилиятидир»<sup>62</sup>.

Шеърда қўлланилган сифатлашлар китобхон кўнглига чексиз завқ олиб киради:

*Бу юртда алп чинорлар ўсар,  
Кўк гумбазлар ўнгу сўлингда.  
Бир азага кириб ўтсанг гар,  
Сўнг ўнта тўй учрар йўлингда.  
Гоҳ бировлар танишар илк бор,  
Гоҳ йиғилар эски улфатлар.  
Одамзотга дунё бўлмас тор  
То мавжуддир ширин суҳбатлар...  
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
Умринг ҳар дами ганимат. (А.Обиджон)*

Хуллас, бадий матнларда лингвопоэтик воситалар, хусусан, сифатлашлар муаллиф муносабатини кўрсатишда, лирик қаҳрамонларнинг бетакрор тасвири, ички қиёфаларини очиб еришда муҳим аҳамиятга эга.

**Ўхшатиш.** Ўхшатиш нарс ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини очиб беришдир. У тўрт қисмдан ташкил топади: Булар - ўхшатиш нарс, ўхшатиладиган нарс, ўхшатиш асосий белгиси, ўхшатиш асосий воситаси.

Ижодкор бадий асар тилининг бўёқдор ва таъсирчан бўлишида, образлилик ҳосил қилишда кўпчилик ҳолларда ўхшатишдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бунда ўхшатиш муаллиф томонидан тасвирланган воқеа-ҳодиса, нарсаларни китобхон кўз ўнгида аниқ гавдалантириш вазифасини бажаради. Ўринли қўлланилган, матн мазмунига мос келувчи ўхшатишлар китобхонга бадий-эстетик таъсир кўрсатади. Ўхшатишлар сўзловчи мансуб бўлган халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари, ижтимоий турмуш тарзи ва дунёқараши, эътиқоди, анъаналари ва урф-одатлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам ўзида акс эттиради. Бундан ташқари руҳий ҳолат, ўй-кечинмалар ифодалашда ҳам ўхшатишлар муҳим восита ҳисобланади.

<sup>62</sup> Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. –Т., 1987. –Б.17.

Усмон Азимнинг “Самарқанд бўйлаб тунги сайр” шеърида поэтик таъсирчанлик, образлиликнинг ўхшатиш воситасида ҳосил қилинганлигининг гувоҳи бўламиз:

*-Самарқанд, илдизинг қаерда?  
-Кечангни чироқлар парчалаб ташлаган,  
тун билан нур ўртасида  
узун арвоқлар —  
миноралар кетиб борар  
келажак сари,  
баъзан  
ойга боқиб  
тўхтаб қолишар  
(азон саси урилдими қулоқларига?)*

Шеърни ўқиганданок кўз ўнгимизда кўҳна Афросиёб жонланади, қулоқларимизга қиличлар жаранги эшитилгандай бўлади, тунги Самарқанд, тўлин ой ва унинг ёруғида ялтираб кўринаётган миноралар қад ростлайди. Аслида бу каби ўхшатиш бошқа шоирлар ижодида учрамайди. Китобхон ўхшатиш воситасида ифодаланган поэтик тасвирдан бадий эстетик завқ олар экан, ўзининг борлиқнинг марказида турувчи асосий фигура эканлигини, шиддат билан ўтаётган вақт оралиғида ўткинчи эканлигини англаб, ўйга толади. Бу ҳолат кўнгилга бир олам туйғулар олиб киради, ботинимизга назар ташлаб, ўзлигимизни англашга ундайди. Мана бу- шеърнинг таъсир кучи. “Бадий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, қулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадий матн, маълумки, бадий услуб талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шакллари кенг фойдаланилади.”<sup>63</sup>

.Қуйидаги шеърда –дек, каби, мисол лексик ва грамматик воситалардан моҳирона фойдаланиш билан ўзига хос поэтик тасвир юзага келган:

*Шеъримга ҳассадек суяниб олиб,  
Сени тафтинг қолган қўлларим билан  
Бўшлиқларни кўр каби пайнаслаб, силаб...  
Тушун, Ер шарида осилиб турибман!  
Қанча ёпишмайин ҳаётга, шеърга,  
Сен мени ташлама, қучоғимда тур,  
Ҳаётнинг бўйнига чирмашиб кетсин,  
Иккала қўлим ҳам чирмовуқ мисол! (У. Азим)*

<sup>63</sup> Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили. Т. 2007. Б. 35.

Бадиий нутқда шоир томонидан ҳосил қилинган ўхшатишлар асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширади.. Бу ҳақда Н.Маҳмудов “Бадиий нутқнинг ифодалилиги нуктаи назаридан қаралганда, ўхшатишларнинг мусичадек беозор (одам), айикдай қўпол (йигит), тошдай қаттиқ (нарса), муздай совуқ (сув), қордай оппоқ (ранг) каби қўлланиши анъанага кириб қолган, ҳаммага маълум бўлган турларидан кўра нутқ тузувчининг, ижодкорнинг ўзи томонидан яратилган, яъни хусусий-муаллиф ўхшатишлари аҳамиятлироқдир. Тўғри, мазкур анъанавий ўхшатишлар ҳам нутқнинг ифодалилиги учун маълум даражада хизмат қилади. Масалан, мусичадек беозор одам бирикмаси беозор одам бирикмасига нисбатан, айикдай қўпол йигит бирикмаси қўпол йигит бирикмасига нисбатан, тош-дай қаттиқ нарса бирикмаси қаттиқ нарса бирикмасига нисбатан ифодалироқ, экспрессивроқ эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун одатдаги нутқнинг ифодалилигини таъминлаш учун улардан ҳам фойдаланиш лозим. Аммо нутқнинг, айниқса, бадиий нутқнинг ифодалилигини кучайтириш учун хусусий-муаллиф ўхшатишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ижодкорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, қўламли тасавури ва бепоён тахайюли, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўз ўрнида қўлланган ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодачиларига айланади, ҳаққоний таъсирли тасвир учун хизмат қилади” деб ёзади.<sup>64</sup>

Бу ҳолатни Усмон Азим ижодидан олинган куйидаги парчада ҳам кўрамыз:

*Асли касби бўлса ҳам фироқ  
Чидолмади кекса капитан,  
Хотинининг тўлқиндай оппоқ,  
Сочларига кўмилди бирдан.(У.Азим)*

Мисраларни ўқиганданок китобхон кўз ўнгида тўлқинсимон оппоқ сочли аёл гавдаланади. Шоирнинг ўхшатиш зиммасига икки вазифа юклаганлиги сезилади. Матнда қўлланилган ўхшатиш воситасида сочнинг шакли(тўлқинсимон кўринишда эканлиги) ва ранги ўз аксини топган.

Муҳаммад Алининг “Тонг” шеърисида жонлантириш ва ўхшатиш ўзаро коришиб, бетакрор манзара ҳосил бўлган:

*Тогда тунаган туман тоғ бошидан ўргилиб,  
Ёнбағирдан сирғаниб ерга қўнди оҳиста.  
Уфқда осилиб қолди нозиккина оқ булут,  
Денгиз бўйига чиққан оппоқ дуррали қиздай...(М.Али)*

Ўхшатишлар ва уларнинг бадиий матндаги ўрни ҳақида фикр юритганда тилшунос олим Р.Қўнғуровнинг ўхшатиш ҳосил қилувчи тўрт компонент мавжуд бўлиши тўғрисидаги фикрлари асосли эканлиги маълум бўлади..Олим бу компонентларни қайд қилар экан, шундай мисолларни келтиради:” шоирнинг қўшиқларидан илҳомланган ўзбек йигитлари фронтга бориб, шердай жанг қилдилар (Ҳ. О л и м ж о н. «Ўзбек халқининг адабиёти», 1948, ИИИ).

<sup>64</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқининг маданияти.Тошкент: б.171.

*Тоглардаги қип-қизил л о л а Бўлиб г ў ё ёқут п и ё л а*

*Булоқлардан узатади сув Эл кўзидан қочади уйқу.* (Х. Олимжон, И).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида ўхшатиш предмети йигитлар (1), ўхшатиладиган предмет шер (2), жанг ўхшатиш асоси (белги) (3), -дай эса ўхшатиш воситаси (4) ҳисобланади. Иккинчи мисолда ўхшатиш предмети (1) лола, ўхшатиладиган предмет 2) пиёла, асос (3) ёқут ва ўхшатиш воситаси (4) гўё дир .

Ўхшатишни унга яқин ва алоқадор бошқа тасвирий воситалардан (хусусан, метафора, эпитет, жонлантириш каби) фарқлашда мана шу аъзоларнинг бўлишини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга<sup>65</sup>.

Юқорида келтирилган мисолни таҳлилга тортсак, ўхшатиш предмети (1) шоирлар, ўхшатиладиган предмет 2) бойчечак, асос (3) баҳорнинг тўнғичи ва ўхшатиш воситаси (4) дай эканлиги маълум бўлади.

Бадиий ижодни, хусусан, поетик нутқни лингвопоетик воситаларсиз тасаввур этиш қийин. Поетик матнлар тилининг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи, образлиқ ҳосил қилувчи лингвопоетик воситалардан бири ўхшатишдир. Ўхшатиш лингвопоетик восита сифатида поетик матнларда бир қатор вазифаларни бажаради. Аввало, ўринли қўлланилган ўхшатиш воситасида маълум бир воқеа-ҳодиса, нарсалар ўқувчи кўз ўнгида аниқ гавдалантирилади. Муаллиф фикрлари образли тарзда ўқувчига етказилади ва муаллифнинг асосий мақсади – китобхонга бадиий-эстетик таъсир этиш амалга оширилади. Ўхшатишларнинг поетик матнлардаги вазифаси бу билан чекланмайди. Улар воситасида асар тилининг эмоционал-экспрессивлиги таъминланади, муаллиф индивидуал услуби, у мансуб бўлган халқнинг миллий-маънавий қадриятлари, ҳаёт тарзи ва дунёқараши, еътиқоди, асрлар давомида шаклланган анъаналари ва урф-одатлари билан боғлиқ жиҳатлар ҳам ўз поетик тасвирига ега бўлади. Иллокутив актнинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб етувчи ўхшатишлар поетик матнларда бундан ташқари тасвирланаётган шахснинг, лирик қаҳрамоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари тасвирини беришнинг ҳам енг қулай воситасидир. Муаллиф коммуникатив мақсадининг қандай эканлиги номинатив характердаги лисоний бирликни поетик матнда бадиий-эстетик таъсирчанликни таъминловчи лингвопоетик воситага айлантиради ва унинг мазмун мундарижасини белгилаб беради. Ана шундан келиб чиқиб, ўхшатиш деганда «икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброк ифодалаш» тушунилади.<sup>66</sup>

Маълумки, инсоннинг ижодий фаолияти маҳсули бўлган бадиий матнлар лингвопоетик таҳлил учун материал вазифасини ўтайди. Табиийки, матндан ташқарида, алоҳида белгилаб олинган сўз ёки иборани таҳлилга тортиш орқали ижодкорнинг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос бўлган услуби, у томонидан яратилган поетик матнда иштирок етган лирик қаҳрамонлар ёки персонажларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб

<sup>65</sup> Қўнғуров Р.Қ. Танланган асарлар. Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. Б.337.

<sup>66</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. Б.239.

бўлмайди. Шунинг учун поетик матннинг деярли ҳамма кўринишларида у ёки бу даражада намоён бўлувчи ўхшатиш ҳодисасини юзага келтиришда иштирок етувчи бирликларнинг матндаги мавқеини, ўхшатиш еталонининг бадиий-естетик таъсирчанликни таъминлашдаги ролини аниқлаш мазкур ҳодисанинг лингвопоетик хусусиятларини белгилашга имкон беради. Ўхшатишларнинг ҳосил бўлиши замирида муаллифнинг коммуникатив мақсади, унинг воқелик фактларига бўлган муносабати, уларни лисоний ва нолисоний омилларга таянган ҳолда баҳолашга интилиши ётади. Тилимизда нутқнинг турли кўринишларида, хусусан, оғзаки сўзлашувда ва бадиий нутқда, қисман публицистик матнларда ҳам тез-тез учраб турадиган “муздай сув”, “қўйдай ювош”, тошдай қаттиқ”, ”пахтадай юмшоқ”, “чўчкадай семиз”, “тулкидай айёр”, ”терақдай узун” каби бир қатор ўхшатишлар нутқимизда кўп қўлланилганлиги, тасвир обектининг маълум бир сифатинигина изоҳлаш билан чекланиб қолганлиги учун образлилик, таъсирчанлик хусусиятини деярли йўқотган. Улар бугунги кунда аънавий ўхшатишлар ҳисобланади. Бадиий матнлар еса кутилмаган, китобхон руҳиятига кучли таъсир қилувчи, образлилик ҳосил қилувчи воситалар ҳисобига поетик қиммат касб ётади. Тилимизда “Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки еркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади. Бадиий-естетик қиммат, лингвопоетик салмоқ нуқтайи назаридан еркин ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён етувчи воситалардан бири сифатида бадиий нутқда алоҳида ўрин тутайди. Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмаганлиги, оҳорлилиги билан ўқувчини ром ётади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради”<sup>67</sup>. Анвар Обиджон шеъриятида қўлланилган ўхшатишлар бетакрорлиги, жозибаторлиги билан китобхонни ўзига жалб ётади, унга завқ бағишлайди. Бу еса шоирнинг тилимиз яширин имкониятлари, ўхшатиш ҳосил қилувчи воситаларни яхши билишидан далолат беради.

Маълумки, тилимизда ўхшатиш ҳосил қилувчи лексик ва грамматик воситалар бор. Лексик воситалар каби, сингари, қадар, янглиғ, бамисоли, бамисли, мисоли, мисли, монанд, худди, нақ, гўё, тенг, ўхшатмоқ, еслатмоқ, демоқ, бўлмоқ, бир, айнан, ўзи, тус, ибрат, ҳолатда, чу, андоқки ва бошқалар кирса, грамматик воситаларга – дай (-дек) -дақ -(так) -дағ (-доғ) -дайин, -дан, -дир, -намо, -симон,-она, -омуз, -ли, -ча, (-ларча, -чалик, -часига) кабилар қиради. Бадиий адабиётда –дай қўшимачининг фаоллиги сезилади:

*Ой юзлик десам сени ойнинг ҳам доғи бордай,  
Кўркамликда жамолнинг офтобдан безубордай.  
Табиатинг ҳамиша қўланкасиз баҳордай,  
Умрингни кузи, қиши йўқлиги барқарордай.  
Кунда ўйласам сени,  
Тунда ўйласам сени,  
Кўз ўнгимда тиниқ осмон яралмиш.(Т.Сулаймон)*

<sup>67</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули. Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 3-сон.

Ўхшатиш ҳосил қилувчи –дек, -саро, каби воситалар иштирокидаги поетик тасвирнинг юксак намунасини Анвар Обиджоннинг “Кайфият” шеърида кўришимиз мумкин. Шеърни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда тол тагидаги ариқ лабида турган ошиқ йигит гавдаланади. Есаётган шамол, тўкилаётган барглар, майсалар, кўкдаги ой ва бир парча булут, ялпиз хиди – оддийгина табиат унсурлари шоир нигоҳида халқалар сингари улашиб, ошиқ йигит руҳиятини тасвирловчи воситалар занжирига айланади. Инсон ва табиат ўзаро уйғунлашиб, яхлитлик ҳосил қилади. Натижада кутилмаган поетик манзара юзага келади. Мана дастлабки ҳолат:

*Гўрдек сокин ариқнинг лаби,  
Бошим узра мотамсаро тол.*

Аввало, ўхшатилиш учун асос бўлган бирликларнинг танланиши, ариқ лабидаги тинч, осудаликнинг кутилмаганда гўрдаги сокинликка қиёсланиши, толнинг кўриниши еса мотамсароликка нисбат берилиши ўқувчи кўнглига қандайдир маҳзунлик олиб киради, унга лирик қаҳрамон ички кечинмалари тўғрисида ишора беради. Кейинги мисралардаги ўхшатишни юзага келтирувчи “каби” лексемаси воситасида еса бу мазмун янада кучайтирилади. Анвар Обиджон ўхшатиш ҳосил қилувчи “каби” лексемаси воситасида кутилмаган образлиликни юзага келтирадики, китобхон беихтиёр тасвирланган объект ҳақида ўйлай бошлайди, унинг шаклу шамойили ва мазмун-моҳиятига лирик қаҳрамон кўзи билан назар ташлайди. Шоир поетик таъсирчанликни кучайтириш мақсадида шамол образини матнга олиб киради ва уни перронда дайдиб юрган безорига ўхшатиш орқали китобхонда ҳуштак чалиб есаётган шамолни идрок қилиш билан бирга безорининг бемақсад ва беғам кезиши ҳақида муайян тасаввур уйғотишга еришади:

*Перрондаги безори каби  
Ҳуштак чалиб сангийди шамол.*

каби кутилмаган ўхшатиши Анвар Обиджоннинг ўхшатиш ҳосил қилишда тасвирланаётган объект (шамол) ва ўхшатиш нарса ( перрондаги безори) ўртасидаги ички алоқадорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлигидан далолат беради. Ўхшатишни юзага келтирувчи воситаларнинг ўринли қўлланиши билан бадиий тасвирнинг естетик таъсирчанлиги орта боради. Ваҳоланки, “Естетик бутунлик бўлган бадиий асар ижодкори учун нарсаларнинг конкрет моҳияти емас, балки уларнинг юксак бадиий ифодаси, яхлит образи аҳамиятлироқдир.”<sup>68</sup> Кейинги мисраларда табиат ҳодисалари ва ошиқ руҳияти ўзаро бирлашади. Тасвир аста-секин инсонга ва ундан яна табиат манзарасига кўчади:

*Кўзёшлардек тўкилар барглар,  
Ҳисларимдек майсалар тўзгин.  
Кўкдаги ой — қувгинди каптар,  
Кулранг булут — оч қолган қузғун.*

Поетик тасвирни кучайтириб, ўхшатиш воситасида кутилмаган ҳолатларни акс еттириш, китобхонни завқлантириб, ҳайратга солиш Анвар

<sup>68</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти. Тошкент, 2009. Б.78.

Обиджон индивидуал услубига хос. У ошиқ йигит рухий ҳолатини тасвирлашда шу вазиятга мос келувчи воситалардан, ҳаммага таниш бўлиб қолган сўзлардан, оддий ташбеҳлардан қочади. Бунинг ўрнига ўқувчи кутмаган, бугунги тилшуносликда етакчилик қилаётган антропосентрик назарияга мос келувчи янги поетик тасвир яратади. Шеърдан англашилича, баргларнинг тўкилиши умидсизлик, тугалланиш белгиси ва у ошиқнинг бесамар кўз ёшларига монанд. Шамолда тебранаётган тўзғин майсалар еса ошиқнинг беқарор ҳис-туйғулари акси. Рухий изтироб чекаётган ошиқ ҳолати навбатдаги мисраларда ой ва булут, каптар ва қузғун лексемаларини ўзаро контраст қўйиб тасвирлаш орқали очиб берилади. Ўқувчида оч қолган қузғунга ўхшаш булутдан каптар каби қочаётган ой аслида ошиқнинг ўзи, уни қандайдир нохушликлар кутмоқда, деган тасаввур пайдо бўлади.

Кейинги мисраларда қўлланилган ўхшатиш ҳосил қилувчи “каби” лексемаси воситасида бунинг сабаби бирмунча ойдинлашади:

*Тун сайлига шайланган чоғи  
Атир сепиб олган каби қиз,  
Димогимни қитиқлар гоҳи  
Шабнам-сирға таққан зар ялпиз.*

Баргларида кечки шабнам томчилари ялтираб турган ялпизнинг ҳиди лирик қаҳрамонга завқ бағишлаш ўрнига азобли кайфият бағишлайди. Ўз ҳиди билан ён-атрофни ўзига қаратган ялпизни у тун сайлига чоғланиб, ўзига атир сепиб, ясаниб тусанган енгилтак қизга ўхшатади. Шуниси характерлики, шоир поетик тасвирни беришда одоб-ахлоқ мезонларига амал қилади, қизни камситишдан, унга нисбатан кўпол мазмунли сўзларни қўллашдан тийилади. Аммо у фикр ифодалашда нутқий вазият учун мос бўлган имплицит усулидан фойдаланиб, шабнам-сирға таққан ялпизни “ғар” деб таърифлаш, баҳолаш билан нималаргадир ишора қилади. Ўзининг нима демоқчи эканлигини англашни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилади.

Рухий изтиробда ўтирган ошиқ табиатдаги ҳар бир ҳодисани ўз ҳолатига менгзайди, ундан ўзига ўхшаш жиҳатларни ахтаради. Ҳаттоки,

*“Нелар ҳақда куйлар чигиртка,*

*У ҳам ишқдан куйганми ёхуд?”* деб чигиртка чириллашида ҳам ўзига ўхшаш ҳолатларни кўради. Шеърнинг сўнгги мисраларида лирик қаҳрамон ички олам, ҳис-туйғулар манзилидан яна воқеликка қайтади, ён –атроф яна ўз асл қиёфасида бўй кўрсатади.

*Ўтирибман чўми-и-б сукутга,  
Айтолмасдан дардим мен ношуд.*

*“Кайфият”*

Тасвир шу ерда тугайди, руҳият оламида кезган, ҳар бир ҳодисада ўзини, ўзидагига ўхшаш ҳолатларни кўрган лирик қаҳрамон яна оддий инсонга, дардларини бировга айта олмайдиган “ношуд” ошиққа айланади. Инсон рухий ҳолатининг бу тарзда очиб берилиши фақат Анвар Обиджон услубига хос дейиш мумкин. ”Индивидуаллик, ягоналик ёзувчининг ижод жараёнида сўз танлаш санъати билан белгиланади. Бу ўз ўрнида ёзувчининг лисоний шахсиятини, яъни бадий тафаккурини, шахсий идрок тарзини, қолаверса,

лисоний лаёқати – лингвистик маҳоратини намоён этади. Айниқса, индивидуал услуб тушунчаси бирор муаллиф асарлари тилини унга замондош ижодкор асарлари тили билан қиёсий тадқиқ қилинганда янада ойдинлашади. Чунки ёзувчи услубида санъаткор томонидан естетик жиҳатдан қўлланган барча тил воситалари унинг бадиий тафаккури билан ички боғлиқлик асосида бирлашади”<sup>69</sup>. Юқорида келтирилган ўхшатиш ҳосил қилувчи воситалар ёрдамида ҳосил қилинган бетакрор тасвир “Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, естетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган”<sup>70</sup> бадиий матннинг лингвопостик имкониятлари кенг еканлигидан далолат беради.

Анвар Обиджон ўзининг “Ором олар безавол” шеърида ёр тасвирини беришда ҳамда лирик қаҳрамон ички кечинмалари, ҳолатини тасвирлашда қуйидаги ўхшатишларни қўллайди:

*Ором олар безавол,*

*Дилбарим оқ каптардек.*

*Юмуқ турар кўзлари*

*Очилмаган хатлардек.*

*“Ором олар безавол”*

Келтирилган мисолда ёр ва лирик қаҳрамон тасвири ўхшатиш ҳосил қилувчи лексик ва грамматик воситалар ёрдамида ўз аксини топган. Дастлабки мисраларда ёр оқ каптарга, унинг кўзлари еса очилмаган хатларга ўхшатишмоқда. Шоир дилбарни оқ каптарга ўхшатиш билан унинг гўзаллиги ва поклиги, беғуборлигига ишора қилмоқда. Юмуқ ҳолатдаги кўзларнинг очилмаган хатларга қиёсланиши ҳам дастлабки тасаввурни янада тўлдиради, уни безайди.

Анвар Обиджон “Омадли зот” шеърида итни тасвирлар екан, унга нисбатан ўзининг муносабатини билдиришда “гўё” сўзи ёрдамида ўхшатиш ҳосил қилади ва ўқувчи тасаввурида мис занжири билан фахрланаётган ит образини гавдалантиради:

*Ерк унга ёт бир туйғу,*

*Ҳаёт гўё сохта сир.*

*Гўё унинг фахри шу —*

*Бўйнидаги мис занжир...*

*“Омадли зот”*

Анвар Обиджон ўхшатиш ҳосил қилишда мавжуд лексик ва грамматик воситалар қатори “ўхшатмоқ”, “менгзатмоқ” феълларидан ҳам ўрни билан фойдаланганлиги кузатилади:

*Пўртана деб ошиқ қалбини,*

*Буюкларни ўхшатдим тоққа*

*Лола дедим ёрнинг лабини*

*Ва менгзатдим ойни ўчоққа.*

<sup>69</sup> Ҳасанов А.А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар. Филол.фанлари номз...дисс.автореф. Тошкент, 2010. Б.8.

<sup>70</sup> Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопостик таҳлили. Т. 2007. 35- бет.

*Икки сўз бор — йўқдир таққоси,  
Қиёс йўқдир ноёб маъданга:  
Онагинам — онанинг ўзи,  
Ватангинам ўхшар Ватанга.  
“Пўртана деб ошиқ қалбини”*

Шеърни ўқиш давомида ўхшатишларнинг бир қатор келиши —ошиқ қалбининг пўртанага, буюк кишиларнинг тоғга, ёр лабининг лолага, ойнинг ўчокқа ўхшатилишига гувоҳ бўламиз. Шеър охирида еса аслида шоирнинг мақсади ўхшатиш ҳосил қилиш эмас, балки Онани ва Ватанни ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмаслигини таъкидлаш эканлиги аён бўлади. Ана шу мақсаднинг юзага чиқишида ўхшатиш муҳим аҳамият касб етганлиги сезилади.

Қуйидаги шеърда еса шоирнинг оламга берган таърифи, ундаги одамларга берган таърифи, уларга бўлган субъектив муносабатининг ифодаланишида ўхшатиш ҳосил қилувчи —дек аффикси муҳим аҳамият касб етган:

*Бу олам беҳаё,  
Бу олам бедаво,  
Бу олам умидсиз —  
Иғвогар сўтакдек,  
Аёлфеъл эркакдек  
Муттаҳам, субутсиз.*

Шеър давомида шоирнинг атрофдаги ўзини ўраб турган кишилардан норозилиги, нафрати борган сари кучайиб боради. Ана шу ҳолатда ўхшатишлар муносабат, баҳолаш воситаси сифатида намоён бўлади.

*Бу олам фитнакор  
Бу олам танбозор,  
Бу олам қароқчи —  
Амалдор сўзидек,  
Ғарларнинг кўзидек  
Ҳийлагар, алдоқчи.*

*“Тоғай Мурод”*

Шеърдан англашилган норозилик оҳанглари “иғвогар сўтакдек”, “аёлфеъл еркакдек” ўхшатишларида ифодаланган муттаҳамлик, субутсизлик, “амалдор сўзидек”, “ғарларнинг кўзидек“ ўхшатишларида ифодаланган алдамчилик, ҳийлагарлик маънолари билан уйғунлашиб кетади.

Шоирнинг “Есениннинг портретига боқиб” шеърдан олинган қуйидаги парчада уч хил ўхшатиш қўлланилган:

*Кел, Сергей,  
Қарз бергил илҳомдан пича,  
Гонорар олган кун ериб тургандай.  
Ахир, сен қабрингда жим ётган кеча,  
Арвоҳинг иккимиз бўлиб ичдик май.  
Байт «темир йўл»ларин устида қотиб,  
Турибман кўмирсиз паровоз мисол.*

*“Есениннинг портретига боқиб”*

Дастлабки мисраларда қарз бериш ҳолати ижодкорнинг гонорар олган кунни сахий бўлишига ўхшатилаётган бўлса, шеър байти темир йўлга киёсланмоқда. Бунда байтнинг икки қатордан иборат эканлиги ва темир йўлнинг ҳам икки издан ташкил топиши ўхшатиш учун асос бўлган. Айниқса, шер ёза олмай ўтирган шоирнинг кўмирсиз паровозга ўхшатилиши бу тасвирга жуда мос тушганлиги ҳам Анвар Обиджоннинг юксак маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади.

Куйидаги шеърда “сингари”, “каби”, “-дек” воситалари ёрдамида ўхшатишлар ҳосил қилинган. Шеърда ёлғизлик ва ночорлик ҳолати қаноти синган ўрдакнинг ҳолатига, мағрурлик ва ҳиссизлик ҳайкалга, ишқ қўшиғин тинглаш еса бедор ва ишсиз қоровулнинг тонгни қарши олишига ўхшатишмоқда.

*Тамакини пайдар-пай тортиб,  
Хаёл деган қўлмакка ботиб,  
Синиққанот ўрдак сингари  
Учолмай шу қўлмакдан нари,  
Ўлтирибман кулбамда ёлғиз.*

Бу иложсиз ва хаёл оғушидаги лирик қаҳрамоннинг ҳолати. Шеърнинг кейинги ўринларида лирик қаҳрамоннинг бу куйга тушиш сабаблари аён бўлади:

*Сизни эсга олсам, барно қиз,  
Хушомад деб ўйламанг асло.  
Лутфингизга зормасман,  
Аммо —  
Ҳайкал каби мағрур ва хиссиз,  
Қоровулдек бедор ва ишсиз  
Тонгни қарши олгандан кўра,  
Бошга ўтмиши тасмасин ўраб,  
Куйланса-да жафолар нуқул,  
Ишқ қўшиғин тинлаган маъқул.*

*“Қаҳратон”*

Анвар Обиджон шеърини ўхшатишларга бой. Бадиий нутқда шоир томонидан ҳосил қилинган ўхшатишлар поетик матннинг бадиий-эстетик қимматини оширади. Бу ҳақда Н.Маҳмудов “Ижодкорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, кўламли тасавури ва бепоён тахайюли, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўз ўрнида қўлланган ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодачиларига айланади, ҳаққоний таъсирли тасвир учун хизмат қилади” деб ёзади.<sup>71</sup>

Шоир турп ва гуруч таърифи ва тасвирини беришда бошқа бирор ижодкор асарида учрамайдиган янги ўхшатишни яратади. Турпнинг қувватбахш эканлиги каптар тўшига, гуручнинг оппоқ ва ялтираб туриши ўн беш ёшли қизнинг тишига ўхшатиладики, бу шеърдаги поетик таъсирчанликни, образлиликни юзага келтирган:

<sup>71</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқининг маданияти. Тошкент: А.Навоий номидаги нашриёт. б.171.

*Олтиариқ туртининг кучи  
Кувватбахидир каптар тўшидай.  
Жомчадаги Хива гуручи  
Ўн беш ёшли қизнинг тишидай.*

*“Шоир Иқбол ош қилса”*

Шоирнинг “Қаҳратон” шеърида киш манзараси, қорнинг ёғиши қуйидагича ўз поетик тасвирига ега бўлган:

*Далли бўрон қилмоқда нолиш,  
Йиртилгандек улкан нар болиш,  
Тўзғиб тушар самодан қорлар.*

*“Қаҳратон”*

Шоир ижодидан табиат ва инсон муносабати, инсон руҳияти, ички кечинмаларининг лингвопоетик тасвирини берувчи ўхшатишларни кўплаб топиш мумкин. Аммо ўхшатишни ҳосил қилувчи воситалар турли-туман бўлса-да, бир вазифага-шоир мақсадининг рўёбга чиқишига, поетик матннинг бадий-эстетик таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

**Муболаға ва кичрайтириш.** Муболаға деганда беҳад бўрттириб тасвирлаш, кичрайтириш деганда эса унинг аксини тушунамиз. Бадий адабиётда бунга мисолларни кўплаб топиш мумкин. Масалан:

*Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,  
Сарҳовуздан катта эди косаси. (“Алпомиш”)*

Кичрайтиришга мисол:

*Чингиз Олатовга бахи этди юрак,  
Мирзо газалидан кулди Бадахшон...  
Мен юртимни ёзсам бўлмоғи керак  
Осмон оқ қозғоз-у денгиз сиёҳдон. (Э.Воҳидов.)*

Ёки

*Помир чўққилари биз юксаларкан,  
Этик пошнасидай кичик поядир.*

*Саҳро қуюнлари биз кўзгаларкан,  
Елпуғичдай, бўш шаббодадир. (Ғ.Ғулом.)*

**Жонлантириш** метафоранинг махсус бир тури бўлиб, унда жонсиз предметлар кишилардай ҳаракат қилади, фикрлайди, сўзлайди. »Жонлантиришларда жонли нарса номи билан жонсиз нарса ёки воқеликни, умуман жонли нарсага хос белги, ҳаракат ёки ҳолат номи билан жонсиз нарсага хос белги, ҳаракат ёки ҳолатни аташ ва бунда ўхшатишга асосланиш орқали мазкур номда ҳосила маъно юзага келтиришдир. Бу ҳодиса айрим тилшуносликка оид асарларда персонификация деб ҳам аталади»<sup>72</sup>.

Тилшуносликда ифода-тасвир воситалари таҳлилига бағишланган ишларда метафораларнинг мазмуний томонига алоҳида эътибор берилади. Т.Бобоев, З.Бобоевалар бадий нутққа образлилик бахш этувчи воситалардан бири жонлантириш эканини алоҳида таъкидлайди. Уларнинг кўрсатишича, “жонлантириш одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат

<sup>72</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент, 2000, -Б. 10-11.

ходисалари, хайвонот, паранда, куш кабиларга кўчириш орқали пайдо бўладиган тасвир усулидир<sup>73</sup>.

Олимлар мазкур ҳодиса моҳиятини очиб берар эканлар, “жонлантириш метафоранинг махсус тури сифатида оғзаки нутқда ҳам, бадий нутқда ҳам ўхшатишлар каби жуда қадимдан ишлатилиб келинади. Бу шундай приёмки, унда кишиларнинг ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, сўзлаш ва фикрлашлари жонсиз предметларга кўчирилади. Бошқача қилиб айтганда, жонсиз предметларни инсонлар каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлаш жонлантириш дейилади” деб таърифлайдилар.<sup>74</sup> Бадий адабиётда жонсиз предметларни, мавҳум тушунчаларни ҳаракатлантириш, сўзлатиш орқали муаллифнинг уларга бўлган муносабати, ижобийлик ёки салбийлик нуқтаи назаридан баҳоси ифода этилади. Хиёнат, виждон тушунчаларининг жонлантирилиши ҳам бунга мисол бўла олади:

*Виждон ёнида,*

*хиёнат турибди*

*соглиги хўб соз*

*Ҳатто нутк айтмоқчи*

*шоир шаънига.*

*тилига ёғ суртиб,*

*сўзига пардоз. (У.Азим)*

*ёки*

*Дарёнинг қум қирғоқларида*

*Яп-ялангоч ётар саратон...*

*Қумли соҳил кетгунча уйқу...*

*Қилт этмади саратон тани.*

*Кўзни юмиб ётаверди у.*

*У эринди исмин айтгани. ..*

*Туш. Саратон чопади кетмон.*

*Юз-кўзидан оқиб борар тер.*

*Саратоним, жоним саратон,*

*Сен исмингни менга айтиб бер. У.Азим)*

Бадий матнларнинг эмоционал-экспрессивлигини оширишда жонлантиришдан ҳам фойдаланилади. Жонлантириш муаллиф фикрларининг

<sup>73</sup> Бобоев Т, Бобоева З. Бадий санъатлар. –Тошкент:ТДПУ,2001.-Б.11.

<sup>74</sup> Шомакудов А. Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983, Б. 249.

Ўқувчига тез ва аниқ етказилишини таъминлашда қулай восита сифатида лингвопоетик воситалар тизимида муҳим ўрин егаллайди. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятини лингвопоетик жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилган Г.Муҳаммаджонова жонлантириш йўналишлари ва унинг фарқли хусусиятларини қуйидагича таснифлайди:

“Жумладан, жонлантириш жонлантирилаётган объектни ҳисобга олган ҳолда 4 хил йўналишда бўлиши мумкин:

- а) жонсиз предметни жонлантириш;
- б) жонли мавжудотларга инсонга хос хусусиятларни тақиш;
- в) табиат ҳодисаларини жонлантириш;
- г) ҳиссиётларни (ёки мавҳум отларни) жонлантириш.

Жонлантириш жонлантирилаётган объектга инсоннинг қайси хусусиятларини кўчиши ҳисобидан ҳам фарқланади:

- а) ҳаракат-ҳолатнинг кўчиши; б) нутқий қобилиятнинг кўчиши.

Жонлантириш бадиий асарда ўзига хос муайян функцияларни бажаради:

а) жонли тасвир инсон руҳияти оламини, унинг ички ҳиссиёт, дардларини кашф қилади. Бунда жонлантирилаётган объект руҳияти қаҳрамон ҳолатига уйғун акс этади.

- б) ёрқин, образли бадиий тасвир яратади;

в) мажозий фикр ифодалашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, жонлантирилаётган объект нутқ қобилиятига ега бўлса.”<sup>75</sup>

Жонлантиришнинг инсон руҳиятининг бетакрор манзараларини, ичига сиғдира олмайдиган гўзал ҳиссиётларини ўқувчига турли поэтик образлар орқали етказиб, уни ҳам шу туйғулар оғушига олишини Чўлпоннинг “Гўзал” шеърида учратамиз. Жонлантириш ҳодисасининг моҳиятини янада теранроқ англаш мақсадида шеърга кенгроқ тўхталамиз:

*Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб,  
Енг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: "Мен уни тушда кўрамен.  
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!.."*

Шеърдаги ошиқ ижодкорнинг ўзи бўлиб, у ўзининг соғинчи, ёрга бўлган муҳаббатини тўғридан тўғри тасвирлаганда фикрлар қуруқ, таъсирсиз бўлиб қолар эди. Муаллиф ана ҳолатнинг олдини олиш мақсадида жонлантиришга мурожаат қилади. Энди ёр тасвирини бериш вазифаси жонсиз предмет - юлдузга юклатилади. Юлдуз томонидан ёрга берилган таъриф кейинги бандларда навбатдаги жонлантиришга йўл очади. Энди ой тилга киради:

*Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,  
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа,*

<sup>75</sup> Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоетик тадқиқи. НДА.- Тошкент, 2004. Б.14.

*Ул-да айтадирки: "Қизил ёнгоққа  
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.  
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."*

Юлдуз ва ойдан ёрнинг гўзаллигини бадиий-эстетик жиҳатдан баҳоловчи жавоб олингандан сўнг мулоқот доирасига янги образлар - тонг шамоли ва кун кириб келади:

*Ерта тонг шамоли сочларин ёзиб,  
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.  
Айтадир: "Бир кўриб, йўлимдан озиб,  
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!  
Бир кўрдим мен уни - шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."*

*Ул кетгач кун чиқар ёруғлиқ сочиб,  
Ундан-да сўраймаен сенинг тўғрингда.  
Ул-да уятдан беркиниб, қочиб,  
Айтадир: "Бир кўрдим, тушидамас ўнгда.  
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!.."*

Шеър охирида ошиқ ҳолати, руҳияти, ички кечинма ва туйғулар ўзаро бирлашиб, китобхон кўз ўнгида чорасиз, умидсизлик ва умид оралиғида турган йигит қиёфасини гавдалантиради:

*Мен йўқсил на бўлуб уни суйибмен?!  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куюбмен.  
Бошимни зўр ишга бериб қўюбмен,  
Мен суюб...мен суюб...кимни суюбмен?  
Мен суйган "суюкли" шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!"*

Зотан, “Муҳаббат бу-билишнинг маҳсули бўлиб, инсон билган, англаган нарсасига ўзини буткул бағишлаши ва ундан лаззатланишидир. Гўзаллик каби муҳаббатнинг моҳиятида ҳам лаззат ётади. Шу боис муҳаббат гўзаллик баробарида улуғланади.”<sup>76</sup> Шеърда ошиқ руҳияти тасвирини беришда аслида жонсиз бўлган “юлдуз”, “шамол”, “кун” каби нарса ва предметларга, ҳодисалар иштирок этади. Бу эса ўз баробарида тилнинг информативлик, алоқа вазифаларидан ташқари таъсир этиш вазифасини етакчи даражага чиқаради. Жонлантириш муҳим восита сифатида шоирга фикр ифодалашда қулайлик туғдиради, лирик қаҳрамон руҳияти. Ички кечинмалари, атрофдагиларга муносабатини кўрсатиш билан бирга шеърлардаги поетик таъсирчанликни

<sup>76</sup> Ҳусанов Б.Ғуломов В.Муомала маданияти.Тошкент:2007.Б.45.

кучайтиради. Лингвопоетик восита сифатида жонлантиришнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ижодкор у орқали кутилмаган нарса ва предметлар, ҳолатлар тасвирини чизади: Анвар Обиджон ижодида жонлантиришнинг гўзал намунасини унинг қуйидаги шеърларида учратиш мумкин:

*Ширин тушлар кўряпсиз  
Оғушимга бурканиб.  
Боқар рашкчи атиргул —  
Деразадан,  
Ўртаниб.*

*“Ширин тушлар кўряпсиз”*

Шеърни ўқир экан китобхон кутмаган ҳолат, яъни атиргулнинг худди инсонлардек ҳаракатга кириши, унинг худди ўзидан ҳам гўзал қиёфага дуч келган инсонлар каби рашк қилишидан ҳайратга солади, мисраларда ифодаланган нозик ифода уни ўз таъсирига олади. Бу каби ҳолат шоирнинг “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал” шеърларида айниқса, яққол кузатилади.

*Тун пардаси очилар аста,  
Чиқиб келар саҳнага қуёш.  
Келинчакдек бўлиб ораста,  
Гул саломдан кўтаради бош.  
Ҳовли гўё ювилган чинни,  
Йўллар гўё артилган ойнак.  
Кутлаш учун янги бу кунни,  
Ел оёққа турар жонсарак...  
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
Умрнинг ҳар дами ганимат.*

*“Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал “*

Қуйидаги мисолда ҳам шоирнинг поетик маҳорати унинг тун ва болишни жонлантириб қўллашида, уларни жонли нарсадек тасвирлашида кўринади:

*Қўймас гурур кишани  
қиз сари йўл олишга.  
Охир  
Зўрлаб мени Тун  
Никоҳлади болишга.*

*“Жонимни ўт қарига ”*

Аслида шеърдан англашилган асл ҳақиқат қиз олдига боришга ғурури йўл қўймаган йигитнинг ноиложликдан секингина ёстиққа бош қўйиш ҳолати тасвиридир. Шоир шу ҳолатни оддий, юзаки тасвирлашдан қочади, фикрларини китобхонга таъсирчан ва образли етказишга интилади. Акс ҳолда ўқувчи ундан завқланмайди, балки хабар мазмунидаги фикрни шунчаки қабул қилади.”<sup>77</sup>

*Деразамга чойшаб ёпар тун,*

<sup>77</sup>Жинкин Н. И. Речь как проводник информации. – М., 1982. С.45.

*Юлдуз ухлар, кўзларим бедор.  
Тамакидан ўрмалаб тутун,  
Чексизликка тирмашади зор.*

*“Деразамга чойшаб ёпар тун”*

Анвар Обиджон ижодида қўлланилган жонлантиришларнинг асосида лирик қаҳрамонга хос хусусиятларнинг жонсиз нарсаларга кўчирилиши ётади. Масалан, инсонга хос “чойшаб ёпмоқ”, ”ухламоқ”, ”тирмашмоқ” ҳаракатлари маълум бир ҳаракатни амалга оширмақ маъноларини англатади. Анвар Обиджон мана шу ҳаракатларни тун, юлдуз, тутун кабиларга нисбатан қўллаб поетик тасвир -жонлантиришнинг ўзига хос оригинал кўринишларини ҳосил қилишга муваффақ бўлган. Баъзан жонлантириш ўзига хос пейзаж яратиш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Буни шамол ҳаракати ифодаланган қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин:

*Шимол қишин келтирган шамол  
Чекинмоққа ундар қумлоқни.  
Сарбонларни қилмоқчидек лол,  
Кўймоқ истар кўҳна сўқмоқни.*

*“Саҳройи бола”*

Жонлантириш усули нимага нисбатан ва қай ҳолда қўлланиши аввало ижодкорнинг воқеликдаги воқеа-ҳодисаларни қандай идрок қилишига, уларда китобхон еътиборидан четда қолган жиҳатларни зукколик билан илғаб олишига боғлиқ. Шунга кўра поетик матнларда бу воситанинг хилма хил кўринишларини учратиш мумкин. Жонлантириш нафақат оддийгина тасвир усули, балки у асар муаллифи ёки лирик қаҳрамоннинг субъектив муносабатини кўрсатиб беришнинг қулай воситаси ҳамдир. Анвар Обиджон услубининг ўзига хослиги шундаки, у лирик қаҳрамон шаклу шамоёйили, ички кечинмаларини ўз шеърларида тўғридан тўғри тасвирламайди, балки ана шу ҳолатларни жонсиз предметларни жонлантириш орқали кўрсатиб беради. Жонсиз предметларнинг ҳаракатлантирилиши, сўзлаши, ҳаракатланиши орқали ижодкор муносабати, баҳоси ҳам ўз поетик тасвирига ега бўлади. Қуйидаги мисраларда шом чоғида есан шабадада енгил тебранаётган чечакларга инсонга хос хусусиятлар сингдирилган ва жонлантиришнинг ўзига хос кўриниши юзага келган:

*Шивирлашар чечаклар  
Ортингиздан бўйланиб.  
Нима қилиб юрибсиз  
Шомда ёлғиз ўйланиб?*

*“Шивирлашар чечаклар”*

Тадқиқотчи олима Г.Муҳаммаджонова қайд етган жонли мавжудотларга инсонга хос хусусиятларни тақиш орқали жонлантиришни юзага келтириш усули Анвар Обиджон ижодида ҳам кузатилади. Масалан:

*Тушми ё ўнг...  
Қўшнилари бесўз —  
Туришарди сўхтаси совуқ.  
Жон талашиб инграрди Тўрткўз,*

*Қаҳ-қаҳ отиб куларди товуқ.*

*“Аччиғи тез дағал қўшнилар”*

Юқоридаги мисолда инсонга хос бўлган “қаҳ-қаҳ отиб кулмоқ” хусусияти товуққа кўчирилиши поетик таъсирчанликни таъминлашга хизмат қилган. Бошқача айтганда, шоир бу хусусиятни товуққа кўчириш билан китобхонда унга нисбатан негатив муносабат уйғотишга еришган.

Мана бу мисолда еса инсонга хос хусусиятлар жонсиз предметларга кўчирилиши туфайли китобхон тасаввурида анҳор жонланиб тор чертади, майса инсонга ўхшаб дилхун бош егади, уни кузатиб турган пат булут еса сукут сақлайди:

*Чирмандага ўхшар ой*

*Ел шохларда чалар най,*

*Далли анҳор*

*Чертар тор.*

*Саҳна — соҳил, парда — тун...*

*Қўшиқ бошлар қиз маҳзун.*

*Бу — хонишми?*

*Нолишми?*

*Майса дилхун егар бош,*

*Шабнам — кўздан оққан ёш.*

*Сақлар сукут*

*Пат булут.*

*“Бир пари бор”*

Кўринадики, мазкур лингвопоетик воситани ҳосил қилишда Анвар Обиджон фақатгина жонсиз предметларни, табиат ҳодисаларини, турли инсоний ҳис-туйғуларни, ҳайвонот ва наботот олами вакилларини инсонлардек ҳаракатлантириш, уларга сўзлатиш, фикр юритиш хусусиятларини тақиш билан чекланмайди, балки улардан лирик қаҳрамон ички олами, турли кечинмаларини очиб беришда муҳим восита сифатида фойдаланган. Бу шоирнинг нозик дид егаси табиат ва жамиятда содир бўлувчи ҳодисаларнинг зукко кузатувчиси эканлигидан далолат беради.

Антитеза қарама-қарши қўйиш деган маънони билдиради. Антитеза ифодалиликни кучайтириш учун қарама-қарши тушунчаларни, фикр, образ, нарсаларни, шахсларни, характерларни қиёслаш орқали юзага келади:

*Маишатман кайфу сафо бир ёқда*

*Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда. (Э.Жуманбулбул)*

Антитеза грекча сўз бўлиб, қарама-қарши қўйиш деган маънони билдиради. Тилшуносликка доир тадқиқотларда антитеза поетик синтаксис доирасида қаралади. Р.Қўнғуров антитеза ҳақида фикр юритар экан, “Антитеза поетик синтаксиснинг бир кўриниши ҳисобланади, у нутқда ифодалиликни кучайтириш учун логик жиҳатдан қарама-қарши тушунчаларни, фикр, образ, предметларни ва шахслар характерларини қиёслаш ёки биргина предмет ёки ҳодисаларнинг даража жиҳатидан қарама-қарши ҳолатини тасвирлашдир,” деб ёзади. Олимнинг фикрича, “Антитеза орқали ифодаланган маънони

тушунишда бир-бирига кескин қарама-қарши ҳодисаларга нисбатан бизнинг реакциямизнинг ҳам аҳамияти бор. Масалан, иссиқ-совуқ, баланд-паст, улуғ ва пасткаш, жасур ва кўрқоқ, сахий ва хасис, ҳақиқат ва ёлғон, тун ва кун, ёруғ ва қоронғи каби антонимик сўзлар ҳар бири ўзига хос реакция уйғотади. Маълум ҳодиса ёки ҳодисалар тасвирланаётганда уларни ана шу каби антоним сўзлар воситасида бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиб қиёсланади ва шоир уларга нисбатан ўзининг муносабатини билдиради ёки бир ҳодисани турли томондан тасвирлаш орқали ўқувчида унга ижобий ёки салбий муносабат уйғотади”.<sup>78</sup> Бадиий адабиётда персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда иштирок этувчи воситалардан бири антитеза ҳисобланади. Бу ҳодиса асосида антонимлар ётади. Бадиий адабиётда зид маънога эга бўлган сўзларнинг мавжудлиги персонажлар нутқининг индивидуаллигини, асар қаҳрамонлари нутқининг аниқ, таъсирчан, ифодали бўлишини таъминлашга кўмаклашади. “Ўзбек тили стилистикаси” китобида ёзилишича, “Антонимлар тилнинг кучли стилистик воситаларидан биридир. Ёзувчилар воқеликни, нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларидаги фарқни кўрсатишда, бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлашда — контрастлар ҳосил қилишда антонимлардан фойдаланадилар.”<sup>79</sup> Нарса ва тушунчалар, белгилар ўртасидаги зидлик муносабати асосида юзага келувчи бу ҳодиса антитеза деб ҳам юритилади. “Айтиш лозимки, лисоний зид маънолилик бадиий нутқда муайян таъсирчанлик, ифодалиликнинг юзага келишига кўмаклашади, аммо бундай жуфтликлар барибир, тилда аввалдан бор бўлганлиги учун китобхон наздида кутилмаган эмас, кутилган воситалардир. Демакки, лисоний зид маънолилик ёзувчининг ўзи бадиий ниятига уйғун ҳолда асар матнида яратадиган, яъни контекстуал зид маънолиликка қараганда оҳорли бўлмайди, таъсирчанлиги, экспрессивлиги ҳам шунга яраша бўлади.”<sup>80</sup> Антитеза ҳодисаси насрий асарлар тилида персонажлар муносабати, воқелик фактларига бўлган қарашларини ифодалашга ҳам хизмат қилади.

Антитезанинг ҳосил қилинишида муаллифнинг жамият томонидан белгилаб қўйилган ахлоқий мезонларга таяниб муносабатда бўлиши муҳим рол ўйнайди. “Аниқлик сифати бадиий нутқда ўзига хос тарзда намоён бўлади, чунки бадиий асар, маълумки, бадиий тафаккур маҳсулидир. Йўл-йўлакай кўриб ўтилганидай, бадиий нутқда образлилик биринчи планда бўлганлиги учун сўз маъносидаги силжишлар, кўчишлар кўп кузатилади. Сўз ва у ифодалаган предмет ўртасидаги мутаносиблик бадиий нутқда кўпинча очиқ ва тўғридан-тўғри бўлмайди. Бадиий нутқ ўзининг таъсир этишдан иборат асосий мақсадига эришиш учун сўзнинг турлича қўлланиши, товланиши, турланиши, хилма-хил маъноларни устига олишига кенг имконият яратади”.<sup>81</sup>

<sup>78</sup> Қўнғуров Р.Қ. Танланган асарлар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. Б.386.

<sup>79</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. Б.51.

<sup>80</sup> Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент: Маънавият, 2008. Б.19.

<sup>81</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Тошкент: 2009. Б.113.

Кўринадикки, тилдаги мавжуд бирликларни персонажлар нутқида зидлик ифодалаш мақсадида қўллаш бадий асар тилининг эстетик таъсир қувватини оширишга хизмат қилади.

Анвар Обиджон ижодида бошқа лингвопоетик воситалар қатори антитезадан ҳам фойдаланилган. Қуйидаги парчада муаллиф ҳаётни сахнага, ундаги одамларни артистларга ўхшатади ва инсоний муносабатлар замирида карама қаршилиқлар ётишини антитеза воситасида кўрсатиб беришга муваффақ бўлган. Шоир бунда антитеза сифатида сиз ва мен олмошларидан фойдаланган. Бунда муаллиф яхшилик ва ёмонлик тушунчаларига асосланган ўзи ва тингловчи шахснинг муносабатларини очиб берган. Айниқса, тингловчини сахий деб, ўзини еса тубан деб баҳолаши шеърда ифодаланган ва китобхон ҳукмига ҳавола етилаётган мантиқий зидликни оширган.

*Бу дунёда ҳамма жой сахна,  
Бу дунёда ҳаммамиз артист.  
Дам сахий — сиз,  
Мен — тубан зикна,  
Дам одил — мен, ёвуз еса — сиз.  
“Ески сахна”*

Шеърдаги ифодаланган фикрлар ташқи кўринишда ўзаро зидлик асосига қурилган бўлса-да, унинг мазмунидан муаллифнинг тингловчига нисбатан ғарази йўқлиги, муносабатларнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгариши сахнадаги ролга, яъни ҳаётдаги фаолиятига боғлиқ эканлиги англашилади. Шеърда муаллифнинг ўзини ва нутқ қаратилган шахсни ўрни билан ёмон ёки яхши деб таърифлаши ҳам шунга ишора қилмоқда.

Анвар Обиджон ижодида қўлланилган антитезаларнинг салмоқли қисми дўст-душман, садоқат-хиёнат, шодлик-ғам тушунчалари доирасида шаклланган.

Шоирнинг шеърлари юртимизда мустақиллик арафасидаги ва ундан кейинги йилларда содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни, халқимиз ҳаётида юз берган туб янгиланишларни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий-маънавий қадриятларининг, урф-одат ва анъаналарининг яна қад ростлаётганлигини, ўзаро ҳурмат асосга қурилган инсоний муносабатлар, табиатнинг бетакрор манзараларини кузатиши натижаси сифатида намоён бўлади. Шоирнинг бу қарашлари турли лингвопоетик воситалар қатори антитеза сифатида ҳам ўз бадий қиёфасига ега бўлади. Шоирнинг “Фарғоналиклар” шеърида ўзбек халқига хос бўлган дўстлик, садоқат билан боғлиқ тушунчалар ғаним, хиёнат кабиларга ўзаро зид муносабатда тасвирланади. “Фарғоналиклар” шеърида халқимизнинг ерк учун интилиши, миллатимизга хос бўлган ғоялар ва тушунчалар улуғланади. Унда шоир фарғоналик юртдошларимизга хос хусусиятларни баён қилар экан, уларнинг бутун халқимизга хос эканлигини таъкидлайди, уларга муносабатини ошкор қилиш билан бирга ўз ички оламининг ўзига хос нозик қирраларини антитеза ёрдамида китобхонга етказди.

*Дўст — ғаним:  
Неча хил ғанимлар сочди қаҳрини,*

*Йиғлашни билмади фарғоналиклар.  
Гоҳи дўст тилса-да юрак-бағрини,  
Дўст дилин тилмади фарғоналиклар.*

Садоқат – хиёнат:

*Садоқат бор жойда — диёнат омон,  
Сотқинлик ёмондир, хиёнат ёмон,  
Ёвга ел бўлмаган каби ҳеч замон,  
Ёвни ел қилмади фарғоналиклар.*

Зўр – ожиз:

*Зўрларни аския қилди беаёв,  
Ожиздан кулмади фарғоналиклар.*

#### “Фарғоналиклар”

Кўринадикки, шоир фикрларининг антитеза усулида берилиши китобхонга мўлжаллаган фикрлар салмоғини оширади, уни қўшимча маънолар билан безайди. Анвар Обиджон шеъриятидаги лингвопоетик восита сифатида қўлланилган сўзлар ва иборалар, тушунчалар ўзбекона хусусиятлар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, инсоний муносабатларни тўласинча акс еттиради ва шоир шеърларининг бадий-эстетик жиҳатдан кучли эканлиги сабаби ҳам шунда. “Айтиш мумкинки, бадий нутқ ўз табиати, моҳияти ва мақсадига уйғун ҳолатда бойликка мойиллиги билан ажралиб туради. Қашшоқ нутқ ҳеч қачон эстетик таъсир қувватига соҳиб бўла олмайди, эстетик қуввациз еса бадий нутқ ўзининг бош вазифасини бажариши мушкул. Шунинг учун ҳам ҳақиқий сўз санъаткорлари асар тилининг бойлиги устида муттасил меҳнат қилганлар, тинимсиз изланганлар, тилнинг турли сатҳларидаги ранг-барангликнинг бетакрор имкониятларини кашф етганлар. Чинакам бой, рангин нутқнинг нодир намуналарини яратганлар. Бадий адабиётимиз тили жамиятимиз аъзоларининг бой нутқ тузиш синоатларини ўрганишлари учун битмас-туганмас манба, ўзига хос мактабдир. Бу беназир мактабнинг аълочи ўқувчилари бўлиш ўзини маданиятли, маърифатли, маънавиятли кўрмоқни истаган ҳар бир кишининг бурчидир.”<sup>82</sup> Анвар Обиджон шеъриятида қўлланилган лингвопоетик воситаларнинг поетик матндаги вазифаси аввало, муаллиф муносабатини, воқелик фактларига берган баҳосини кўрсатиш, шеърдаги лирик қаҳрамон руҳияти, ички кечинмалари, орзу-умидларини акс еттиради. Анвар Обиджон шеърларида “дўст”, ”ёв”, “ғаним”, ”шоҳ”, ”гадо”, “оқил”, “жоҳил”, “орзу”, “армон”, “мард”, “номард”, “ер”, ”осмон”, “кўк”, “садоқат”, “хиёнат”, “ғам”, “шодлик”, ”йўқсил”, ”амалдор” каби тушунчаларнинг ўзаро қаршилантирилиши антитезанинг гўзал намуналарини ҳосил қилганлигини кўриш мумкин:

**Дўст- душман:**

*Руҳингизга сизинганим чоқ,  
Ҳис қиламан ўзимни руҳсиз.  
Дўст қалбида тириксиз,  
Бироқ - ғаним учун оламда йўқсиз.*

<sup>82</sup> Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқининг маданияти. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти. Тошкент. 2009. 6. 156.

*“Қодирийни еслаб”*

*Чандиқлар кўп танимда:*

*Елкамдаги — ганимдан,*

*Кўксимдаги — дўстники.*

*“Уччаноқлар”*

**Оқил-жоҳил:**

*Маъқуллади оқиллар,*

*Қарши чиқди жоҳиллар,*

*Муғомбирлар — бетараф.*

*“Уччаноқлар”*

**Мард-номард:**

*Калтаклашса дафъатан,*

*Хафа бўлмас, сўкинмас.*

*Ҳайратланмас мардлардан,*

*Номарддан ҳам ўкинмас.*

*“Омадли зот”*

**Шодлик-ғам:**

*Шодлигим учди қўлдан, гамгин ерурман токай,*

*Замин узра бахтим излаб чарх урурман токай?*

*О фалак, раҳм айлабон кўнглимни боғ ецанг нетар,*

*Барқ урган олам ичра сўлгин турурман токай?*

*“Ғазал шаклидаги шеърлар”*

**Софдил- риёкор,**

**Йўқсил-амалдор:**

*Софдилларнинг ортидан кулиб,*

*Қуллуқ қилдик риёкорларга.*

*Йўқсилларнинг бўтқасин юлиб,*

*Бол ялатдик амалдорларга.*

*“Тошойнак олдида”*

**Ғам –қувонч:**

*Ғамга буткул чўктирма ҳам,*

*Қувончларга бўктирма ҳам,*

*Шоирингни еҳтиёт кил.*

*“Ма, хотинжон”*

Шоир шеърларида қўлланилган антитезалар лирик қаҳрамон ички оламининг, ҳиссиётларининг ўзига хос бетакрор бадиий манзарасини акс еттирувчи воситалар сифатида китобхон хотирасида муҳрланиб қолади. “Сўз нарса ёки ҳодисанинг номини билдиради, лекин бу номни аташ ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, тўғри ҳамда кўчма маънолардаги ҳодисалар қаторига киради. Ҳар қандай сўзнинг маъноси, атоқли отларнинг ҳам маъноси семантик контекстга муҳтож бўлади, сўзнинг аниқ маъносини аниқ ва мулоқотда аниқлаш учун эмас, балки тил белгиси семантикасининг мавҳум тавсифи нуқтаи назаридан қаралади, сўз эса унинг қўлланилишини тил қурилишида алоҳида бўғин сифатида аниқлаб келади. Шу жиҳатдан алоҳида сўзлар ёрдамида мантиқий мулоқот инкор қилинади. Инсоннинг мантиқий

тафаккури алоҳида нарса, ҳодиса, жараёнлар мавжуд бўлиш қонуниятларини мос равишда ифодалайди ва тушунча категорияси сифатида бунинг учун элементар, лекин структура жиҳатдан шаклланган тафаккур бирлигидан фойдаланади, унинг тилда ифодаланиши нисбатан тугалланган коммуникатив бирлик – фикрни баён қилиш ҳисобланади.”<sup>83</sup>

Шоир инсон умрининг мазмунини ташкил етувчи орзу ва армон тушунчаларини ўзаро зид қўйиб тасвирлаш орқали антитезанинг қуйидаги кўринишини ҳосил қилган:

*Менинг учун орзудир бари:  
қошларингнинг сирли имоси,  
оғушингнинг нашъу намоси,  
лабларингнинг шаҳду шаккари.  
Менинг учун бир умр армон:  
кўзларингда ёнмаган меҳринг,  
дил истагин уқмаган зеҳнинг,  
юрагиндан сўнмаган гумон.  
“Менинг учун орзудир бари”*

Қуйидаги мисолда ер ва само, кўк сўзларининг антитеза сифатида кўлланилиши замирида тилимиздаги “осмон йироқ, ер қаттиқ” мақоли ётганлиги сезилиб туради. Матн мазмунидан ноиложлик, чорасизлик семаси бўртиб турибди.

*Қўшқанотга қиз муҳтож  
Ва самога зор кўпдан.  
Ерда ишқи топталгач,  
Излар енди бахт кўкдан.  
“Қиз самога лол боқар”*

Қуйидаги мисолда еса шоир “қизғанчиқ” сўзига нисбатан сахий маъносини ифодаловчи “қўли очик” иборасини қарши кўллаш билан ўзига хос антитеза яратган:

*Қизғанчиқ деб ўйлама, гулим,  
Бу сўз мен-чун тенгдир ўлимга.  
Инон,  
Жуда очикдир қўлим,  
Ҳеч нарса йўқ фақат қўлимда.  
“Бир бахшиман”*

Шоирнинг антитеза ҳосил қилиш учун тилимиздаги истеъмол доираси чегараланган бирликлардан ҳам моҳирона фойдаланиши кузатилади.

Анвар Обиджон ижодида “авлиё”, ”шайтон”, ”фаришта”, “жаннат”, ”дўзах” каби халқимизнинг дунёқараши, еътиқоди билан боғлиқ ўзига хос тушунчаларни ифодаловчи образлар борки, улар бегуноҳлик ва гуноҳкорлик маънолари ифодаси сифатида шеърдан шеърга ўтиш жараёнида тобора

<sup>83</sup> Бегматов М.Б.Лисоний мулоқот ва гапнинг вербаллашуви.- “Тил ва ижтимоий-маданий мулоқотлар” мавзудаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари (1-китоб).-Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2013.Б.79.

мукаммаллашиб, бадий эстетик таъсир восита сифатида янгидан янги маъно кирраларини китобхонга намоён етиб боради.

*Бу дунёдан ўтганлар бир-бир  
Неча анқов, неча муғамбир,  
Виждонли ва виждонсотар ҳам,  
Авлиё ва шайтонпадар ҳам.  
Ўтган мендан дидли мижозлар  
Ва Сиздан ҳам сулув таннозлар.  
“Бу дунёдан ўтганлар бир-бир”*

Анвар Обиджон шеъриятида миллийлик уфуриб турган, халқчилликка йўғрилган бундай лингвопоетик воситаларни кўплаб учратиш мумкин. Анвар Обиджон томонидан қўлланилган лингвопоетик воситаларда халқ оғзаки ижоди намуналари тилига хос бўлган хусусиятлар ҳам маълум даражада бўртиб туради.

Анвар Обиджон ижодига хос хусусиятлардан бири шуки, шоир фикр ифодалашда тил бирликларидан лингвопоетик восита сифатида фойдаланишда халқнинг езгу тушунчалари билан боғлиқ сўзлар ва ибораларни қўллашга интилади. Анвар Обиджон деярли ҳар бир шеърида она тилимиз яширин имкониятларини, тилимизда мавжуд бўлган сўз ва ибораларнинг нозик маъно ифодадай олиш хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилганлиги сезилади. Бадий маҳорат ва шоирона тафаккур унинг ижодида етакчилик қилади. У лингвопоетик воситалардан фойдаланишда ўзбек шеъриятининг даврлар оша шаклланган ва такомиллашган анъана ва мезонларига амал қилади. Мавзу моҳиятини очиб беришда Анвар Обиджон фавқулодда кашф қилган лингвопоетик воситалар, кутилмаган образли ифодадар китобхонни ҳайратга солади, улардаги шоирнинг ҳаётни теран кўз билан кузатиши асосида юзага келган ўзига хос бадий тафаккур, бир-бирини тўлдирувчи мантикий хулосалар матнга поетик бўёқ, таъсирчанлик бағишлайди. Шунинг учун у томонидан қўлланилган ва матнга боғлиқ ҳолда бадий образга айланган тушунчалар шеърдан шеърга кўчар экан, ҳар гал ўзларининг янги-янги нозик кирраларини китобхонга ошкор етади ва поетик таъсирчанлик хусусиятига егалиги билан ажралиб туради. Қуйидаги мисолда бегуноҳлик маъносини билдирувчи “фаришта” образи “гуноҳ”, умуман, инсонга хос бўлган “ёмонлик” тушунчаларини ўзида мужассамлаштирган “шайтон” образига қаршилантирилган:

*Худо урган шайтонман гоҳи,  
Гоҳи — дуо теккан фаришта.  
Хулқим хақда сўз кетган чоғи,  
Ўлчанар у  
Ҳар хил қаричда.  
“Абдусаломнинг надомати”*

Қуйида еса шу тушунчалар доирасида қаралувчи “жаннат” ва “дўзах” сўзлари воситасида антитеза ҳосил қилинган:

*Мен худо емасман,  
Менга барибир,*

*Шарт емас қаршимда бермогинг жавоб.*

*Ўзим васл жаннатин тиланиб ахир,*

*Ишиқ деган дўзахда чекапман азоб.*

*“Мен худо емасман”*

Тилимиздаги “шоҳ”, “гадо” сўзлари бугунги кун учун ескирган бўлса-да, шоир уларни поетик нутққа олиб киради ва кишиларнинг муносабатини ифодаловчи лингвопоетик воситага айлантиради:

*Танти Олтиариқда*

*Бўлганмисан, биродар?*

*«Воҳ, меҳмон!» — деб*

*Сийлашар*

*Шоҳ-гадони баробар.*

*Бошланса гар аския,*

*Кин сақлама*

*Ҳеч дилда.*

*Дўппослашар беаёв*

*Шоҳ-гадони бир хилда.*

*“Танти Олтиариқда”*

Шоирнинг куннинг маълум қисмини билдирувчи “кундуз” ва “тун”, “кенг” ва “тор” сўзларини ўзаро зид қўйиб антитеза ҳосил қилиш орқали инсон умрига тавсиф беришида ҳам нозик дид егаси еканлиги, тафаккури доирасининг кенг қамровли еканлиги билинади.

*Кундузми ё тун-кечалар,*

*Чорлар бизни бу кўчалар.*

*Босган изинг — бир сония,*

*Гўё умринг тез ўлчанар.*

*Юрдик орзу бор кўчада,*

*Кенг кўча-ю тор кўчада.*

*Болалиг-у ёшлигимиз*

*Ўйнар ҳамон ҳар кўчада.*

*“Бу кўчалар ”*

Шоирнинг мана бу шеърда ҳам “кундуз” ва “тун” воситасида антитеза ҳосил қилинган. Фарқли жиҳати шундаки, шоир кундузга нисбатан салбий, тунга еса ижобий муносабатини поетик тарзда ифодалай олган:

*Зимистон...сирли туш... Жимлик... ой... юлдуз —*

*Шеърларимга бозор қурмишдир нечун?*

*Мени танг рўзгорга қул етди Кундуз,*

*Мени шоир қилиб етиштирди Тун!*

*“Зимистон”*

Бошқа бир шеърда еса бу мавхум тушунчалар ўзгача қиёфа касб етади. Шоир ер ва хотин ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатни антитеза воситасида кўрсатади ва қуйидаги поетик тасвирни яратади:

*Ери ишдан соғ қайтмагунча,*

*Аёл учун қуёш ботмайди.*

*Хотин сайраб уйғотмагунча,*

*Еркак учун ҳеч тонг отмайди...  
Жуда оддий... жуда илоҳий...  
“Турмуш мувозанати”*

Анвар Обиджон шеърлятида бу каби кутилмаган тасвирлар, оддий ўқувчи назарига бирдан тушавермайдиган, фақат теран ақл ва мушоҳада орқали илғаш мумкин бўлган нозик лавҳалар талайгина. “Табиат ва жамиятдаги кўплаб нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, инсонларнинг характери уларни бир-бирига қиёслаш, таққослаш, чоғиштириш асосида ойдинлашади. Шунинг учун ҳам, бу қиёслаш тафаккур жараёнида доимо кишиларга ҳамқадамдир. Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули ҳам бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир.”<sup>84</sup> Улар ҳар бир ҳолатда ҳам шоир индивидуал услубининг бетақрор эканлигидан далолат бериб туради.

**Градация** лотинча сўз бўлиб, зинапоя маъносини билдиради.

Градация нарса, белги-хусусият ёки ҳаракатни бирдан иккинчисини кучлироқ ёки кучсизроқ маъно оттенкали синонимик ёки бир хилдаги сўзлар воситасида кучайтириб ёки камайтириб бориш орқали тасвирлашдир.

Навбатдаги сўз олдинги сўзнинг маъносини кучайтириб борса, климакс, сусайтириб борса, антиклимакс дейилади.

*Бонг уринг*

*ҳаммани*

*уйғотинг,*

*Бонг уринг,*

*шаҳару*

*қишлоқда.*

*Ҳаяжон*

*кўтаринг,*

*тўп отинг,*

*ўт кетди*

*ҳаммаёқ*

*ёнмоқда,*

*Овозлар борича*

*бақиринг,*

*Одамлар!*

*Ё ҳаёт,*

*ё мамот! (Э. Воҳидов.)*

**Риторик сўроқ. Риторик хитоб.** Риторик сўроқ маълум бир кишига берилмайди. Бундай сўроқлар жавоб талаб қилмайди. Масалан: “Онани ким севмайди!” ёки “Шу азиз ва бой ватанимизда нималар йўқ!” кабилар. Риторик сўроқда жавоб шу сўроқнинг ўзидан англашилиб туради. Риторик сўроқ мазмунида тузилган гаплар шаклан сўроқ гап шаклида бўлса-да, мазмунан тасдиқ маъноси сезилиб туради. Риторик сўроқ гаплар. Чўлпон ижодида ифода-

<sup>84</sup> Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. Самарқанд, 1994. Б.45.

тасвир воситаларидан бўлган риторик сўроқ ҳам муҳим услубий восита сифатида иштирок етган. Бадий адабиётда, айниқса, шеърятда муаллиф нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўзига ўзи савол бериши усулидан кенг фойдаланади.

*Лекин, турар, жажжси ватаним,  
Кўз ўнгимда шундайин бир ҳол:  
Бу дунёнинг эртасин ўйлаб,  
Чўзиларкан бизнинг басту бўй,  
Сафарлардан согинчни куйлаб  
Ксч қайтармиз доим, Она уй!  
Юзимизга солмайсан асло,  
Қаршилайсан жимгина, зотан —  
Бизлар бола — беташвишинамо,  
Сен, таишвишли онасан, Ватан! (Муҳаммад Али)*  
Риторик сўроқни шоирнинг “Ирмоқ” шеърисида ҳам учратамиз:  
*Ирмоқ, сен эмасми, у чопқир ирмоқ,  
Эзгу ниятини куйлаган умр?  
Бедаво даиш аро кўринган маёқ,  
Зулматлар бағрида милтиллаган нур?  
Кўнғироқ ҳисларинг сарҳадсиз мунча,  
Мунча кенг бўлмаса сенинг оламинг? (Муҳаммад Али)*

Бадий ижодда услубий мақсадда қўлланилган риторик сўроқ гаплар ижодкорнинг воқелик фактларига қандай муносабатда бўлганлигини, уларга бўлган субъектив муносабатини ифодалашга ёрдам беради. Шунга кўра риторик сўроқ гапларни иккига ажратиш мумкин бўлади: а) ижобий муносабатни ифодаловчи риторик сўроқ гаплар; б) салбий муносабатни ифодаловчи риторик сўроқ гаплар.

Риторик сўроқнинг гўзал намуналарини Тўра Сулаймон ижоидида учратамиз.

*Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?  
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?  
Ёлғиз отга оламда ном қанда, нишон қайда?  
Баҳор, сенсиш саҳрою тоғу тошга жон қанда?  
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан. (Т.Сулаймон)*

Шоир шеърисида қўлланилган риторик сўроқ гаплар қуйидаги усуллар орқали ифодаланган:

а) сўроқ олмошлари иштирокида:

*Ҳар кўрганда бўйингни кўзим қамашса нетай,  
Қувончларим қалбимда денгиздай тошса нетай?  
Танда жоним жонингга зимдан туташса нетай?*

*Толейинг, иқболимга бу ҳол ярашса нетай?*

*Бахтим, баётим учун,*

*Порлоқ ҳаётим учун*

*Сен каби кўзлари Чўлпон яралмиш(Т.Сулаймон)*

Қаҳрамон ўз руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришлар сабабини , ўзига яқин бўлган кишилар ҳатти-ҳаракати, уларнинг мақсадини билишни истайди. Шунинг учун қаҳрамон ўзига номаълум бўлган нарсалар ва шахсларнинг номини тилга олмайди, балки гап таркибида сўроқ олмошларини қўллаш билан мазмунни кучайтиргани еришади.

б)Сўроқ юкламалари ёрдамида:

*Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,  
Шарқнинг кўкрагида бир топмасми?  
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар,  
Ухлаган дилларга кулиб боқмасму ?*

*(Амалнинг ўлими.)*

Чўлпон ижодида қўлланилган бундай сўроқ гаплар кетма-кет келиб, аниқ жавоб талаб қилмайди. Улар фақат асар қаҳрамонларининг ички кечинмаларини, муносабати ва баҳосини ифодалашга хизмат қилади.

**Жим қолиш .** Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдириши жим қолиш дейилади. Бунда фикр охиригача айтилмайди, тингловчи ўйлашга мажбур қилинади. Жим қолишнинг коммуникация жараёнидаги ўрни ҳақида С.Мўминов шундай ёзади: “Ўта серқирра ва мураккаб жараён бўлган коммуникация (алоқа аралашув)да ҳатто сукут (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал информация воситаси, услубий фигура сифатида иштирок этади ва ситуатив, ижтимоий ҳамда психологик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос коммуникатив мазмун ифодалайди. Албатта, сукут сўз ёки гаплардан фарқ қилиб, коммуникатив актдан ташқарида (масалан, уйқу, ёлғизлик ва шу каби ҳолатларда) коммуникатив мазмун ифода этмаслиги мумкин.”<sup>85</sup> Мисол:

*Мана қогоз қалам ёзгин ариза,  
ўз хоҳишим билан бўшайман дегин.*

*Ҳозирча... бўлмайлик изза,*

*Бошқа ишга ўзим жойлайман кейин. (С.Аҳмад.)*

Қуйида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ромнидан олинган Отабек ва Кумуш ўртасида содир бўлган баҳсдан парча келтирамыз:

<sup>85</sup> Мўминов С. Сукут ва коммуникатив мазмун // Ўзбек тили ва адабиёти. -1998. 1-сон. –Б.69.

*Бу нима деган сўзингиз тагин?*

*– Яъни ҳамроҳим бор деганим – мендан қўрқманг, деганим...*

*Отабек яна тушунмади...*

*– Ҳамроҳингиз...*

*Ҳамроҳимми? – деди Кумуш, – ҳамроҳим бировнинг хаёли, бировнинг фикри. Бас, бундан ҳам яхши рафиқ борми? Баъзи вақтларда бу йўлдош уйқудан ҳам ширин.*

*Отабек ҳамроҳга тушунди ва ётиб Кумушнинг юзидан ўпди:*

*– Лекин бу сўзингизга ишонмайман.*

*– Нега ишонмайсиз?*

*– Негаки, сиз анови... кечаси ҳамроҳсиз эдингиз... Пиш-пиш ухлар эдингиз...*

*Кумуш Отабекнинг елкасига қўлини ташлади:*

*– Ўшал вақтларда ҳамроҳсиз ухлаганим тўғри, – деди, – чунки бировлардан бутунлай умидим кесилган, ҳамроҳим менга ҳаммиша умидсизликгина берар, даҳшатимнигина ортдирар эди. Аммо ўша кунларда уйқу менга жуда ширин бир нарса бўлиб қолган, мен уйқудагина бировларни кўрар ва кундузлари уйқу қидирар эдим. Энди бўлса яна йўлдошим хаёл... Тагин нима дейсиз?*

Юқоридаги мисолда “Ҳамроҳингиз...” сўзи эллипсисга учраганлиги сезилади. Сухбат жараёнида бунинг сабаби ойдинлашган.

Тилшунослик бўйича яратилган асарларда жим қолиш ва эллипсис ҳодисасини фарқламаслик, жим қолишни эллипсиснинг бир кўриниши сифатида талқин қилиниши кузатилади. Уларда жим қолишга берилган таърифлар деярли бир-биридан фарқ қилмайди: “Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши жим қолиш дейилади. У эллипсиснинг бир кўриниши сифатида қаралиши мумкин.”<sup>86</sup>, “...жим қолиш ҳам эллипсиснинг бир тури сифатида қаралади. Бадиий услубда руҳий изтиробларни, психологик ҳолатни ифодалайдиган жим қолишлар бир мунча фаол. Бу усул ёрдамида ёзувчи ва ўқувчи ўртасида мустаҳкам психологик алоқа ўрнатилади, ўқувчи беихтиёр ижодкор ҳиссиётларига шерик бўлади: *Ўйларим кезади Шоҳимардонда... Ҳозир: бир қучоқ гул, дилда эҳтиром* (Зулфия). Бу усул лирик қаҳрамоннинг табиатдан, воқеа-ҳодисалардан таъсирланиш, хусусан, завқ олиш ҳолатини беришда жуда қўл келади.”<sup>87</sup> Бу ҳолат адабиётшунослик бўйича яратилган луғатларда ҳам кўзга ташланади: “Жим қолиш. Стилистик фигуралардан бири: жонли ёки бадиий нутқ охирида сўз ёки сўзлар группасининг тушириб қолдирилишидан иборат усул. Бунда фикр тугалланмай қолади, атайин фикр яширилади, лекин китобхон ёки тингловчи уни осонгина англай олади. Шу жиҳатдан жим қолиш усули ҳам эллипсиснинг бир кўринишидан иборатдир.”<sup>88</sup> Мулоқот жараёнида ёки бадиий нутқ охирида сўз ёки сўзлар гуруҳининг тушириб қолдирилиши тилдаги тежамкорлик

<sup>86</sup> Кўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б.113.

<sup>87</sup> Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. -Самарқанд: СамДУ, 2010. –Б.147.

<sup>88</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. 2-нашри. -Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б.335.

тамойили билан боғлиқ бўлса, бадий адабиётда жим қолишдан фойдаланишда маълум бир услубий мақсад кўзда тутилади. Масалан: *Дастурхон ёнида Кумушбибининг латиф билагига Отабек олтин узук солар экан, ул ерга қараган ҳолда эди.*

-Мен сизга ҳеч нарса ҳам ҳозирламагон эдим.

-Ҳозирламаганингиз учун ўқинасизми?

-...

-Ўқинмангиз, - деди бек. –Сиздан бир нарса сўрасам аямассиз.

-Аямайман... (А.Қодирий, “Ўткан кунлар” )

Албатта, юкоридаги таърифларни бу ҳолатга татбиқ қилиб бўлмайди.

Умуман олганда, тилшунос олима Ф.Ибрагимованинг эллипсис ва жим қолиш ҳодисаларининг бир-биридан фарқ қилиши ва улар алоҳида-алоҳида, мустақил ҳодисалар сифатида баҳоланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин.<sup>89</sup>

**Такрор.** Илмий адабиётларда такрорнинг кўплаб турлари мавжудлиги, уларнинг бадий матнларда муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинади. “Дарҳақиқат, ижодкорлар нутқий жозибадорлик учун тинимсиз изланишда бўладилар. Уларни ифодалашнинг янги-янги воситаларини излаб топишга ҳаракат қиладилар. Ана шунинг натижаси сифатида бадий адабиёт тилидаги услубий фигураларнинг сони бирмунча кўп ва бадий таъсирчанликнинг юзага келишидаги салмоғи каттадир. Илмий адабиётлардаги далилларни кўздан кечириш бу фигураларнинг антитеза, амфитеза, акротеза, апокопа, асиндетон (боғловчисизлик), ассонанс, градасия (климакс, антиклимакс), диатеза, зевгма, товушга тақлид, оксюморон, падистола, парономазия, полиптотон (полиптот), параллелизм, полисендитон (кўпбоғловчилик), санаш, питорик мурожаат, устунлар тенглиги, тенглик, синойкоза, силлепсис, сегментасия, уч устунлик, кичрайтириш, жим қолиш, хиазм, еллипсис, инверсия каби турлари бўлганликларини ва уларнинг кўплари ҳозирги замон поезиясида, жумладан ўзбек поезиясида ҳам яшаб келаётганлигини кўрсатади. Биргина такрорнинг ўттизга яқин, масалан, аллитерасия, анафора, акромонаграмма (епаналипсис, епанафора, анадиплозис), антистрофа, антанакласа, антономазия, антиметабола, метабола, нақорат, монорим, плеоназм, рифма, тавтология, шарҳ, епифора, епистрофа, епанод, епанасгрофа, қуршаб олиш, қайталаниш, ҳалқа, боғлам каби турларининг мавжудлиги бадий услубда ифода-тасвир имкониятларининг нақадар кенглигидан далолат беради.

Келтирилган услубий фигураларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тили бадий услубида маҳсулдор саналмайди. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги шу пайтга қадар фақатгина адабиётшунослигимизда лафзий санъатлар сифатида ўрганилиб келинаётган тасвирий воситаларнинг айнан ўзидир”.<sup>90</sup>

<sup>89</sup> Бу ҳақда қаранг:Ибрагимова Ф.Баий матнда эллипсис ва антиэллипсис. Филол. фан. номз. дисс... - Тошкент, 2011.37-43 бетлар.

<sup>90</sup> Каримов С. Баий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. Ўқув қўлланмаси. – Самарқанд: СамДУ нашриёти. 1994. Б.43-44.

Илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорим, плеоназм, тавталогия, нақорот каби бадиий такрорнинг турли хил кўринишлари мавжудлиги қайд қилинади. Агар гап таркибдаги сўзларда бир хил унли товуш такрорланса, у ассонанс дейилади.

*Кўм-кўк, кўм-кўк,*

*Кўклам қуёшидан,*

*Кўкарган қирлар*

*Пўлат яғринларин*

*Кўтарган ерлар кўм- кўк. (Ҳ.Олимжон.)*

Сўзлар охирида унли ёки ундош товушларнинг такрорланиши эпифора дейилади.

*Уйда, оилада, далада қирда,*

*Оппоқ пахта битган серунум ерда. (Ҳ.Олимжон.)*

**Акромонограмма.** Акромонограмма такрорнинг кўринишларидан бири бўлиб, унда бир тўртлик ёки байт қайси гап билан тугаса, иккинчиси шу бирлик билан бошланади. Унинг бадиий адабиётдаги бошқа кўринишларида ҳам сўз, сўз бирикмалари шу тартибда такрорланади. Ўзбек мумтоз адабиётида такрорнинг бу кўриниши ташбеҳул-атроф деб юритилади ва унга шеърий матнда қўлланилувчи санъат тури сифатида қаралади. Такрорнинг бу кўриниши ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳам маълум даражада учраб туради. Уни қўллаш ижодкорнинг поэтик маҳоратига боғлиқ бўлиб, унда мисралардаги маънони кучайтириш кўзда тутилади. Шеърда биринчи мисранинг охирида қўлланган сўз ёки сўз бирикмаси иккинчи мисра бошида такроран қўлланилиши билан мисралар ўртасидаги ўзаро мазмуний алоқадорлик таъминланади.

Чўлпоннинг “Хазон” шеърига мурожаат қиламиз:

Сўз бирикмаси такрори:

*Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар,*

*Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.*

*Сўнг дамда япроқлар қизариб ёндилар,*

*Қизариб ёндилар сўнг дамда япроқлар.*

Дастлаб ўқилганда китобхон кўз ўнгида куз, сарғайиб барг тўкаётган дарахтлар, баргларнинг қизғиш тусга кирганлиги намоён бўлади. Бу мисра бошидаёқ англашиладиган ҳолат. Ўқувчи тасвири идрок қилиш баробарида муаллифнинг ички ҳолатини ботиний англай бошлайди. Тупроқларнинг гезариб қолиши, япроқларнинг қизариб ёниши такрорнинг шу кўриниши воситасида қаҳрамон руҳияти билан уйғунлашиб кетганлиги сезила боради. Ўзбек бадиий адабиётида кўшимча, сўз бирикмаси, гап, шеърий мисра ёки банднинг матнда ёки шеър мисраларида грамматик такрорларнинг қўлланиши кўп учраши ҳам мазкур воситанинг махсулдор эканлигидан далолат беради. Қолаверса, такрорнинг турли кўринишлардан моҳирона фойдаланиш ижодкорлар поэтик услубининг тобора сайқаллашиб, янгидан-янги маъно кирралари билан бойиб бораётганлигини кўрсатади. Шеъриятда морфологик ва синтактик такрорлар кўп қўлланилади. Морфологик такрорда, асосан,

қўшимчаларнинг такрор келиши, синтактик такрорда, асосан, сўз бирикмаси, гап ёки гап шаклларининг такроран қўлланиши кузатилади. Муҳаммад Юсуфнинг “Севги садоси” шеърида такрорнинг бир мисра доирасида қўлланиши кузатилади.

*Девона ошиқман, мен бир девона,  
Айтинг, сиздан бўлак кимим бор яна?..  
Сиз йўқ чоғимдаги дунём бегона,  
Сиз йўқ боғимдаги гуллар ёқимсиз.  
Ёки  
Сиз аччиқ қисматим, сиз изтиробим,  
Сиз ширин дардимсиз, ширин азобим,  
Сиз менинг кўклардан топган офтобим,  
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.*

Юқорида бир мисра доирасида “девона” сўзининг такрор қўлланиши юз берган. Такрорнинг бу кўринишини биз Чўлпоннинг “Халқ” шеърида учратамиз. Унда биринчи гапда қўлланган сўзларнинг ва аффиксларнинг шу мисра таркибида ёки кейинги компонентлар таркибида такроран қўлланиши орқали таъкидлаш маъноси бўрттирилган:

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...  
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ устади: тож ва тахтлар йиқилди...  
Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,  
Бир интилуру, бир ҳовлиқар, бир ўйнару.*

Келтирилган мисолда эътибор берилса, халқ ва бир сўзлари ҳамда –дир қўшимчаси такроран қўлланилмоқда. Бу билан ижодкор халқнинг ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта оладиган катта куч эканлиги, бир сўзи орқали эса жамият ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий бўҳронларга ишора қилмоқда. Муаллиф фикрларининг такрор воситасида бу тарзда берилиши билан нутқнинг таъсирчанлиги ортган.

Бадий адабиётда такрорнинг аллитерация, ассонанс, анафора, епифора каби турлари ҳам фаол қўлланилади. Аллитерация деб ундош товушларнинг услубий мақсадларда такрорланишига айтилади.

*Қаро кўзинг қаро тунлар  
Қароридай қаро бўлсин,  
Қаро менга, қаро кўздан  
Кўнгил жаннатсаро бўлсин (Муҳаммад Али)*

**Ассонанс** унли товушларнинг такрорланишидир. Ассонанс матнда унлилар уйғунлигини ҳосил қилади:

*Бир тутам сочларинг менинг қўлимда,  
Ғижимлаб ўпайми, ё тараб очай?  
Сиръ деб сақлаганинг менинг қўйнимда,  
Сиръ деб сақлайинми, ё елга сочай?*

*Сочилган сочингдай сочилса сиринг,  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Ўзинг-ку: «Аларда вафо йўқ!» - дединг,  
Нимага уларни тагин кутасан?*

(Чўлпон)

**Анафора** деганда сўз ёки сўз бирикмаларининг шеърый мисралар бошида такрорланиши тушунилади. Бунда шоир томонидан танланган сўз ёки бирикмаларнинг мисралар бошидаги такрорланиши маълум бир услубий вазифа бажаришга хизмат қилади. Бу такрорлар оддий товуш такроридан тортиб гаплар такроригача қамраб олади.

Тилшунос олим А.Ҳожиев ўзининг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” асарида анафорага қуйидагича таъриф берган: “Анафора (юн. анафҳора - юқорига чиқариш). Параллел тузилган нутқ парчалари (мас, мисралар) бошида айнан бир унсурнинг такрорланишидан иборат услубий қўлланиш. Зид. Епифора”<sup>91</sup> Анафора Муҳаммад Юсуфнинг “Муҳаббат, сен чиройли” шеърисида такрорнинг бир қўриниши сифатида таъкид маъносини кучайтириб келган:

*Муҳаббат, сен чиройли,  
Муҳаббат, сен гўзалсан.  
Тагин бир зум турайлик,  
Гапирмайман, уялсанг...*

Бадий адабиётда такрорнинг яна бир қўриниши, ўз хусусиятларига кўра анафорага зид турувчи епифора ҳам фаол қўлланилади. Епифорада мисралар охиридаги сўз ёки қўшимчаларнинг такрорланиши назарда тутилади. Епифоранинг қўлланиши шеърининг композицион яхлитлигини таъминлайди:

*Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,  
Бир парча юраги минг пора онам.  
Бир балони кўриб ёруғ дунёда,  
Тошканни кўрмаган бечора онам,  
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,  
Енди мен ҳам сенга ўгил бўлдимми!..(Муҳаммад Юсуф)*

Бадий адабиётда сўз ёки жумла, гапга алоҳида урғу бериш билан ўқувчи еътибори жалб этилади ва фикрдаги таъкид маъноси ифодаланади. Масалан, Муҳаммад Юсуф шеърисида юртга бўлган муҳаббат, ички кечинмалар унинг ҳар бир шеърисида уфуриб туради ва китобхонни ошиқнинг сирли оламига томон етаклайди.

*Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,*

<sup>91</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: ЎзМЭ, 2002. - Б. 14. .

*Куним ёнар, ою йилим ёнаверар,  
Мозорига қўйган гулим ёнаверар,  
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.* (Муҳаммад Юсуф)

Епифора такрорнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, у мисрада қаерда келиш ўрнига кўра анафорага қарамаа-қарши турувчи ҳодисадир. Чунки анафора мисра бошидаги сўз ёки бирикмаси такрори бўлса, епифора - мисра охиридаги тил бирлиги такрори ҳисобланади. Шунингдек, анафорада мисралар бошида оҳангнинг кўтарилиши кузатилса, епифорада бунинг акси, яъни мисралар охирига урғу берилади ёки оҳангнинг кўтарилиши юзага келади. Натижада епифорада мисра охирига томон маълум даражада оҳангнинг кўтарилиши юзага келиб, фикрларнинг тинглоқчи ёки ўқувчига тушунарли бўлишини таъминловчи мантиқий урғу ҳам пгу такрорланувчи бирликка тушади.

.Такрор - муҳим услубий восита.Поэтик матнларда унинг турли кўринишларини қўллашда муаллифнинг аниқ бир мақсади намоён бўлади.

Такрорнинг ажойиб намунасини Чўлпоннинг “Барг” шеърида учратамиз:

*Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса юмшоқдир,  
Ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса яшнайди,  
Шу боғда, шу чоқда ҳар нарса оппоқдир:  
Қуёш-да нуруни ҳовучлаб ташлайди.*

Юқоридаги тўртликда “шу чоғда” бирикмаси тўртликнинг биринчи ва учинчи мисраларида такрор қўлланилган бўлса, “шу боғда” бирикмаси биринчи ва учинчи мисраларда, “ҳар нарса” бирикмаси эса биринчи, иккинчи ва учинчи мисраларда келтирилган. Шу билан ўқувчининг шеърда ифодаланган поэтик тасвирни тушуниши таъминланган.

Шеъриятида қўлланилган такрорлар бадий-эстетик таъсирчан восита сифатида асар тилининг ширали ва ифодали бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Хуллас, бадий асар тилининг гўзал ва жозибатор бўлишида, шунингдек, нотик нутқининг образли, таъсирчан бўлишини таъминлашда тилда мавжуд бўлган ифода -тасвир воситаларининг роли жуда катта. Уларни алоҳида гуруҳ сифатида ўрганиш, бадий адабиётдаги янгидан янги кўринишларни аниқлаш тилшунослигимиз учун катта аҳамиятга эга.



### **Tekshirish uchun savollar**

1. Тилнинг махсус ифода- тасвир воситалари деганда нимани тушунасиз?
2. Нотикнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишида бу тасвирий воситаларнинг қандай аҳамияти бор?
3. Троп деб нимага айтилади?
4. Тилимизда тропларнинг қандай турлари бор?
5. Услубий фигура деганда нимани тушунасиз?

6. Услубий фигуранинг қандай кўринишларини биласиз?
7. Тропнинг қайси кўринишлари насрий асарлар тилида маҳсулдор қўлланилади?
8. Ўзбек шеъриятида тасвирий воситаларнинг қайси турлари услубий восита сифатида кўп учрайди?
9. Сўзловчи ёки ёзувчининг ифода-тасвир воситаларини қўллашда қандай шарт-шароитлар талаб қилинади?
10. Ўзбек тилшунослигида тилнинг махсус ифода-тасвир воситаларини ўрганишга бағишланган қандай асарлар мавжуд ва улар қимлар томонидан ёзилган?

### **Adabiyotlar**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. . – T.: O'zbekiston, 2008.
2. Abdumajidov G'. "O'zbekiston Respublikasining davlat tili haqida"gi qonunga sharhlar. . – T.: Adolat, 2004.
3. Bekmirzayev N. Notiqlik san'ati asoslari. –T.: Yangi hayot, 2008, 3-15-b.
4. Jalilov X. Notiqlik san'ati. – T.: Fan, 1990.
5. KarimovS.A., MahmatmurodovSh.M., KarimovaO.N. Nutqmadaniyativadavlattilidaishyuritish. – T.: O'zbekiston, 2003.
6. Mirtojdiyev M., Mahmudov N. Til va madaniyat. –T.: O'zbekiston, 1992.
7. Oripov K., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994.
8. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. O'quv qo'llanma. – Samarqand: SamDU nashri, 2003.
9. O'zbekistonRespublikasiningKonstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2004.
10. Qudratov T. Nutqmadaniyatiasoslari. – T.: O'qituvchi, 1993, 15-22-betlar.

### **6-машғулот**

#### **Tarbiyachi nutqining o'ziga xos xususiyatlari**

#### **Режа:**

Тарбиячи нутқининг ўзига хос хусусиятлари

Болалар нутқи ривожда тарбиячи нутқининг ахамияти

Тарбиячи нутқига қўйиладиган талабалар

Тарбиячининг ўз нутқи устида ишлаши

#### **Таянч тушунчалар:**

Тарбиячи нутқи, нутқ маданияти, тарбиячи нутқига қўйилган талабалар, нутқ устида ишлаш машқлари, нутқ камчиликларини бартараф этиш йўллари, болалар нутқи устида ишлаш.

Катталар билан бевосита мулоқот қилиш бола нутқига катта таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болалар атрофдагиларга тақлид қилганлари ходда нафақат тўғри талаффуз, сўзларни тўғри қўллаш, иборалар тузиш сирларини, балки катталарда (педагоглар, ота-оналар, оила аъзолари ва бошқ.), атрофдаги болаларда учраб турадиган нутқ номукамалликларини ҳам ўзлаштириб олади. Болаларнинг нутқ маданияти педагогнинг (ва бошқа катталарнинг) нутқ маданиятига бевосита боғлиқ бўлади.

Доимо кичкинтойларнинг диққат-эътибори марказида турадиган ва улар билан мулоқот қиладиган тарбиячининг нутқи болалар она тили, нутқ маданияти намуналарини оладиган асосий манба ҳисобланади, шунинг учун у нафақат тўғри сўзлаши, она тилининг барча товушларини аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз этиши, балки у муайян баландликдаги овозда босиқлик билан сўзлаши, унинг нутқи интонацион жиҳатдан ифодали, грамматик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган, равон, тушуниш учун осон бўлиши ҳамда сўз билан белгалаш тўғри ва аниқ амалга оширилиши лозим.

Тарбиячининг ифодалилик воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқиган ҳикояси болаларда қизиқиш уйғотади, уларда қайғуриш, сўз кучини ҳис қилиш, унинг мазмунини анчагача ёдда сақлаб қолиш имконини беради; агарда айнан шу ҳикоя тез ва қуруқ оҳангда ҳис-ҳаяжонларсиз ўқиб берилса, у фақатгина бадий асарга нисбатан зерикиш ва бефарқликни шакллантиради.

Педагог ўз нутқига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши ва унда камчилик борлигини сезса, уни дарҳол бартараф этишга интиломи лозим.

Бирок, ўз нутқининг камчилигини аниқлаш ҳар доим ҳам осон кечмайди, чунки мулоқот жараёнида сўзловчининг диққат-эътибори энг аввало нутқнинг шаклига эмас (қай тарзда айтиш), балки унинг мазмунига

(нимани айтиш) қаратилган бўлади. Бундан ташқари, ўз нутқига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлиш натижасида айрим камчиликлар тилга каттиқ ўрнашиб қолиши ва кейинчалик сўзловчи уни сезмай қолиши мумкин. Масалан, нутқнинг шошқалоқлиги, тушунарсизлиги, бир оҳангдалиги (монотонлиги), овознинг кучлилиги, айрим товушлар, сўзларни ноаниқ талаффуз қилиш каби нуқсонлар сезилмасдан қолади.

Ўз нутқининг номукамалликлари ҳақида билиш учун педагог ўртоқларининг мулоҳазаларига қулоқ тутиши даркор. Очик машғулотларни магнитофонга (видеокассетага) ёзиб олиш ва уни кейин муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунда тарбиячи нутқини товуш, лексик воситалардан фойдаланиш, грамматик жиҳатдан расмийлаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Айни пайтда шуни ҳисобга олиш лозимки, нутқни ёзиб олиш чоғида тарбиячининг ўзини-ўзи назорат қилиши эвазига нутқ сифати яхшиланади. Шунинг учун нутқда аниқланган камчиликларга тарбиячининг ўзи ва унинг ўртоқлари диққат-эътибор билан ёндошишлари зарур.

Нутқда аниқланган камчилик (номукамаллик) ларни (ёмон дикция, лексик-грамматик расмийлаштиришдаги хатоликлар ва ҳ.к.) тарбиячи махсус дафтарга қайд этади, сўнгра режа ишлаб чиқади ва уларнинг бартараф этишга доир ишларни ташкил қилади.

Ўз тарбияланувчиларида ана шундай камчиликлар пайдо булишининг олдини олиш учун педагог ўз нутқига нисбатан қандай талабларни қўйиши зарур?

### **I. Нутқнинг товуш жиҳатига қўйиладиган талаблар**

Аниқ ва тушунарли сўзлайдиган, иборалар, сўзлар ва ҳар бир товушни алоҳида-алоҳида аниқ талаффуз этаётган, яъни дикцияга эга бўлган педагог ёрдамида болалар она тилидаги товушларни муваффақиятли равишда ўзлаштирадилар. Кўпинча педагогларнинг талаффузи бироз ноаниқ ва тушунарсиз бўлади, улар товушлар ва сўзларни оғизни етарли даражада

очмасдан талаффуз қиладилар, айрим товушлар ютиб юборилади, ундошлар тушунарсииз талаффуз этилади.

Педагог талаффузнинг адабий меъёрларига риоя қилиши, ўз нуткида турли шевалар, маҳаллий сўзлашувлар таъсирини бартараф этиши, сўзларда урғуни тўғри қўйиши лозим.

Нутқда ҳиссиётлар, фикрларнинг энг нозик қирраларини ҳам ифодалаш мумкин. Бунга нафақат тегашли сўзлар ёрдамида, балки ифодалиликнинг интонацион воситалари, овоз кучи, суръати, мантикий урғуси, пауза, ритм, тембр, оҳангдан тўғри фойдаланиш туфайли эришилади. Ушбу воситалардан фойдаланган ҳолда тарбиячи томонидан ўқиб берилган шеърлар, ҳикоялар болаларга уларнинг мазмунини яхши тушуниш, она тилининг кудрати ва гўзаллигини ҳис қилиш имконини беради.

Бир хил оҳангдаги нутқ кичик тингловчиларни толиқгириб қўяди, матн мазмунига бўлган қизиқишни пасайтиради. Болалар бундай нутқни тинглаш давомида тез толиқиб қоладилар, бошқа томонларга қарайдилар, чалғий бошлайдилар, кейинроқ эса умуман тингламай қўядилар.

Тарбиячининг нутқи эмоционал тўлиқ, интонацияларга бой; етарли даражада баланд ва тезлиги бир маромда бўлиши лозим. Болалар билан мулоқотда худди товушларни нотўғри талаффуз этиб бўлмаганидек, нутқнинг шошқалоқлигига ҳам йўл қўйилмайди. Агарда нутқ бироз оҳиста суръатда давом этса, у яхши қабул қилинади. Бундай суръат нутқнинг аниқлигини оширади ва аксинча, тезлаштирилган нутқ қабул қилишни қийинлаштиради. Болалар учун мўлжалланган эртаклар, ҳикоялар, шеърларни бадий сўз усталари одатда, оғзаки нутққа қараганда бироз секин суръатда ўқийдилар. Болаларга бироз секинлаштирилган нутқни қабул қилиш, унинг мазмунини кузатиш, матнни эслаб қолиш осон кечади.

Шу билан бирга эса тутиш лозимки, бу қоида ҳамма нарсани ҳам камраб олмайди. Бадий асарларни ўқишда нутқни жадаллаштириш ёки секинлаштиришни ушбу чоғда мазмун тушунтирилаётгани билан оқлаш мумкин, айти пайтда бу бадий ифодалилик воситасига айланиши зарур.

Овоз — бу тарбиячининг касбий қуролидир, у мазкур қуролдан тўғри фойдаланиши ва уни зўриқишдан асраши лозим. Овоздан нотўғри фойдаланишни масалан, уни ҳаддан ташқари баландлатишда (гуруҳда, майдонда шовқин бўлганида) кўриш мумкин.

Агарда мулоқот вазияти нутқ баландлигани анча кучайтиришни талаб қилса — бу овозни бақириш даражасига етказиш керак, дегани эмас.

Овозни бироз кучайтиришда нутқ суръатини пасайтириш ва сўзларни янада аниқроқ талаффуз қилиш лозим. Агарда овоз паст ва заиф бўлса, уни баландлашгунча машқ қилдириш ва махсус машқлар билан мустаҳкамлаш зарур. Овознинг ёқимсизлигини (хириллаш, чийиллаш) ҳам бартараф этиш мумкин.

## **II. Равон нутқ ва уни лексик-грамматик расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар**

Болалар катталардан нафақат товушлар ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни, балки эртаклар, ҳикоялар мазмунини айтиб бериш, атроф-олам ҳақидаги ўз кузатишларини баён қилиш, ўз фикрларини изчил баён қилиш ва хулосалар чиқаришни ҳам ўрганадилар.

Болаларга нутқда у ёки бу мазмунни равон, қизиқарли ва имконли шаклда етказа олиш педагог нутқининг зарур сифатларидан бири ҳисобланади.

Тарбиячи ўз фикрларини изчил баён қилар экан, у ўз нутқини тушунарсиз сўзлар, мураккаб оборотлар, узоқ иборалар билан қийинлаштириб юбормаслиги лозим.

Болалар нутқни агарда у қисқа иборалардан иборат бўлсагина яхши қабул қиладилар. Чунки узун, бунинг устига грамматик жиҳатдан жуда мураккаб тузилган ибораларни қўллашда болаларга унинг қисмлари ўртасида алоқа боғлаш, унинг мазмунини мулоҳаза қилиш ва тушуниш қийин кечади.

Фақат оддий гапларни қўллаш билан чекланмаслик лозим. Айниқса, боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гапларни кенг қўллаш жуда муҳимдир.

Болаларга ҳикоя қилиб беришда (ўтказилган экскурсия, табиат ҳақида ва ҳ.к.) фақат асосий нарсани, яъни барча иккинчи даражали ва аҳамиятсиз нарсаларни ташлаб юборган ҳолда фақат ушбу мавзуга алоқадор нарсаларни ажратиб олиш ва болаларга етказиш зарур. Кўп сўзлаш, ортиқча ибораларни қўллаш тарбиячининг нутқини оғир, тушуниш учун қийин қилиб қўяди.

Мураккаб иборалар билан бойитилган ҳикояни тинглашда мактабгача ёшдаги болалар педагогнинг фикрини кузатиб боришлари, ҳикоя мазмунини ёдда сақлаб қолишлари қийин бўлади ва бундай ҳикоя фойда келтирмайди.

Педагог нутқининг имконлилиги ва тушунарлилигига энг аввало, сўзлардан тўғри ва аниқ фойдаланиш орқали эришилади. Она талининг луғат захираси бой, у доимо янги сўзлар билан бойиб боради; муомаладан чиққан сўзлар йўқолиб кетади.

Болалар билан мулоқотда тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда она тилининг лексик бўлимини кенг қўллаши: тушуниш мумкин ва ўзлаштириш осон бўлган сўзларни танлаши ва улардан ўз нутқида фойдаланиши лозим.

Болалар билан суҳбат чоғида адабий тилга оид сўзларни қўллаш, қўпол сўзларга йўл қўймаслик, оддий сўзлашув тили ва шевалардан, шунингдек муомаладан чиққан сўзлардан қочиш лозим. Тарбиячининг луғати қанчалик бой ва турли-туман бўлса, унинг нутқи қанчалик ёрқин бўлса, болалар шунчалик кўп сўзларни ўзлаштириб олишлари мумкин.

Тарбиячининг луғатидаги камчиликлар сифатида сўзларни кичрайтирилган-эркалаш суффикслари билан қўллаш (Севарахон, қўлчаларингни юв; Саматжон, пиёлачаларни йиғиштириб қўй ва ҳ.к.), нутқни ортиқча сўзлар билан тўлдириб юбориш (Хўш, айтиш мумкинки, чунки, демак), нисбатан катта болалар билан мулоқот қилишда уларга худди гўдакларга каби муомала қилиш (Вов-вов қани?) каби одатларини келтириш мумкин.

Сўзлар ва сўзли ибораларни тўғри танлаш тарбиячи нутқининг аниқлиги, тушунарлилиги ва ифодалилигини таъминлайди.

Янги сўзлардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Бир томондан, болаларнинг ёшани ҳисобга олиш ва улар тушуна оладиган сўзларни танлаш, иккинчи томондан —доимий равишда янги сўзларни муомалага киритиш, мавжуд сўзлардан фойдаланишни кенгайтириш ва уларнинг маъносини тушунтириб бериш лозим.

Педагогнинг ҳикояси тўлиқ, чиройли, сўзлари аниқ танлаб олинган, грамматик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган ва ифодали бўлиши, унинг алоҳида қисмлари ўртасида мантиқий алоқа ўрнатилган бўлиши лозим. Ҳикоя қилишда нутқни ифодали, турли-туман, мазмунга бой қиладиган синонимлар, метафоралар, ташбеҳлардан, халқ оғзаки ижодиётидан (мақоллар, маталлар), фразеологик иборалардан кенгрок ва моҳирона фойдаланиш лозим.

Бундан ташқари, тарбиячининг нутқи нафақат болаларга нисбатан, балки мактабгача таълим муассасасининг ходимларига нисбатан ҳам осуда, доимо босиқ, хушмуомала бўлиши шарт.

**Шундай қилиб, болалар билан ишлаш орқали педагог куйидагиларга эътиборни қараташи лозим:**

- она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилиш, нутқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш;

- аниқ, тушунарли нутққа, яъни яхши дикцияга эга бўлиш;

- ўз нутқида адабий талаффузлардан фойдаланиш, яъни орфоэпик қоидаларга ривоя қилиш;

- ифодалилиқнинг интонацион воситаларидан билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда тўғри фойдаланишга интилиш;

болалар билан мулоқотда биров секинлаштирилган суръатда, овозни сал пасайтирган ҳолда нутқ сўзлаш;

«матнлар мазмунини сўзлар ва грамматик тузилмалардан фойдаланган ҳолда равон ҳамда имконли шаклда ҳикоя қилиш ва болаларга етказиш;

\*болалар ва ходимлар билан суҳбатда овозни баландлатиш ва қўпол муомалага йўл қўймаслик.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун наъмунали нутққа эга бўлиш — бу унинг касбий тайёрлиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ўз нутқини такомиллаштириш ҳақида қайғуриш — бўлажак педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчидир. У ўзида кейинчалик болаларга берадиган нутқий кўникмаларни мукамал ривожлантириши шарт.

#### ХУЛОСАЛАР:

- Мактабгача таълим умуман олганда, узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланади. Мактабгача таълимнинг мақсади мактабда ўқиш учун тайёр бўлган, соғлом ва тўлақонли шахс сифатада шаклланган болани тарбиялашдан иборатдир.

- Болалар нутқини ривожлантиришни атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва луғат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий малака ва кўникмалар белгиланган, шахснинг муайян сифатларини (киришимлилиқ, хушмуомалалиқ, саломлилиқ, босиқпик) тарбиялаш кўзда туталган тегишли дастур асосида амалга ошириш зарур.

- Нутқни ривожлантириш дастури бола фаолиятининг ўқув, ўйин, меҳнат ва маиший каби шаклларида амалга ошади.

- Бола нутқини шакллантиришнинг етакчи воситаси таълим, асосий таълим шакли эса — машғулотлардир.

- Болаларга она тилини ўқитиш . уларнинг ёш хусусиятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

- Илк ёшдага болалар (1-3) билан машғулотларни дидактик ўйинлар шаклида ўтказиш лозим. Мактабгача ёшдага кичик болалар (3-5) билан машғулотлар эмоционал тусга эга бўлиши лозим, бу ерда кўрғазмавийлик, ўйин усуллари,

дидактик ўйинларнинг турли хилларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

- Болалар бадиий адабиёти болаларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади, у болалар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

- Шунингдек, тасвирий санъат, байрамлар, томошалар ҳам нутқни ривожлантириш воситаси ҳисобланади.

- Болаларга она тилини ўқитиш методларига кўргазмалилик, сўзли ва амалий методлар киради.

- Ҳар бир метод — бу дидактик вазифаларни ҳал йтиш учун хизмат қиладиган усуллар мажмуасидир. Ўқитиш ролига қараб нутқни ривожлантириш усуллари бевосита ва билвосита усулларга бўлинади.

- Машғулотларда бутун усуллар мажмуасидан фойдаланиш тавсия қилинади.

- Тарбиячининг нутқи — бу болалар она тили ва маданий нутқ намуналарини ўзлаштириб оладиган асосий манба ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун намунали нутққа эга бўлиш — бу унинг касбий тайёрлик даражасидир.

« Нутқни такомиллаштириш ҳақида қайғуриш — ҳар бир педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчидир.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Болаларга она тилини ўқитиш бўйича қандай машғулотлар тоифалари мавжуд? Ҳар бир машғулот тоифасини тавсифлаб беринг.

- Болаларга она тилини ўқитишни уларнинг ёш хусусиятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожлангаюгак даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозимлиги

хақидаги талабни қандай тушунасиз?

• Ҳар бир ёш босқичида нутқни ривожлантиришга оид машғулотлар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб беринг.

• Қайси фаолият турларида болаларда нутқий малака ва кўникмалар шаклланади? Ўз жавобингизни аниқ мисрлар ёрдамида асосланг.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. R.M. Qodirova O`zbekiston bolalar bog`chalari va maktablarida bolalarga 5-6 yoshdan boshlab rus tilida dialogik nutqni o`rgatish. T., "O`qituvchi"1993.
2. F.R. Qodirova. «Maktabgacha yoshdagi rusiyzabon bolalarni o`zbekcha so`zlashishga o`rgatish» (metodik qo`llanma). Toshkent, «O`qituvchi», 1997.
3. R.M.Qodirova. Maktabgacha yoshdagi bolalarda dialogik nutqni rivojlantirishning ruhiy omillari. Qoz.,Sariog`och, 1998.
4. F.R.Qodirova. R.M Qodirova. «Maktabgacha yoshdagi bolalarga ikkinchi tilni o`rgatish metodikasi». T., «Sano-Standart», 2004.
5. F.R.Qodirova. R.M Qodirova. «Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi». T., «Istiqlol», 2006.
6. Adabiyotlar: A2, A3, A7, Q3, Q5, Q6, Q7, Q9, Q10, Q11.

## **Amaliy mashg'ulot**

### **1-mashg'ulot**

**Mavzu:** Til va nutq, "nutq madaniyati", "til madaniyati, "til boyligi", "nutq boyligi", "nutq odobi" va "nutqiy etiket" tushunchalari. Nutq madaniyati va adabiy til me'yorlari.

Reja:

1. Nutq madaniyati. Til va nutq, "nutq madaniyati",
2. til boyligi", "nutq boyligi", "nutq odobi" va "nutqiy etiket" tushunchalari
3. Nutq madaniyati va tasviriy vositalar.
4. Sintaktik figuralar: takror, antiteza, ritorik so'roq, ritorik undov va ta'lim jarayonida ulardan foydalanish.

### **Adabiyotlar**

1. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. –T.: Fan, 1992, 3-24-b.
2. Quدراتov T. Nutq madaniyati asoslari. –T.: O'qituvchi, 1993, 4-34-b.
3. Begmatov E. va boshqalar. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. –T.: Fan, 1988, 3-72-b.
4. Oripov K., Obidova M. Ifodali o'qish. –T.: O'qituvchi, 1994,4-21-b.
5. Bekmirzayev N. Notiqliksan'atiasoslari. –T.: Yangihayot, 2008,16-40-b.
6. Mahmudov N. O'qituvchining nutq madaniyati. –T.: Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxon nashriyoti, 2007.
7. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Iqism. –T.: O'qituvchi, 1980.
8. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – Samarqand: 2003, 11-25-b.
9. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. –T.: O'zR ME, 2002.

## **Amaliy mashg'ulot**

### **2-mashg'ulot**

**Mavzu:** Ritorika tarixi haqida ma'lumot. Ritorika fanining boshqa fanlar bilan aloqasi. Ritorika va nutq madaniyatining bir-biridan farqli jihatlari

Риторик nutqda til boyliklaridan foydalanish imkoniyatlari.

1. Til boyliklari: so'z, ibora, tasviriy ifoda, sinonimlar, omonimlar, antonimlar, paronimlar, neologizmlar, arxaizmlar, istorizmlar, professionalizmlar va ulardan ta'lim jarayonida foydalanish.

2. Ma'naviy boyliklar: maqol, topishmoq, hikmatli so'zlar, hikoyatlar, masallar, afsonalar, rivoyatlar, latifalar, badiiy asarlar, ilmiy asarlar, tarixiy asarlar va ulardan ta'lim jarayonida foydalanish.

### **Adabiyotlar**

1. Abdurahmonov G'., Mamajonov S. O'zbek tili va adabiyoti. – T.: O'zbekiston, 2002.

2. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. – T.: Fan, 1985.
3. Karimov S.A., Mahmudmurodov Sh.M., Karimova O.N. Nutq madaniyati va davlat tilida ish yuritish. – T.: O'zbekiston, 2003.
4. Muhammadjonova G. O'zbek tili leksikasi taraqqiyotining ba'zi masalalari. – T.: Fan, 1982.
3. Pinxasov Ya.D. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: O'qituvchi, 1969.
4. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.
5. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.
6. Qo'ng'urov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. – T.: Fan, 1977.
7. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.
8. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **3-mashg'ulot**

**Mavzu:** G'arb notiqlik san'atining shakllanishi. Grek va Rim maktabi vakillari

Reja:

1. Adabiy tili va uning taraqqiyot bosqichlari.
2. O'zbek milliy tilining manbai bo'lgan lahjalar.

1. Abdurahmonov G'., Mamajonov S. O'zbek til va adabiyoti. – T.: O'zbekiston, 2002, 3-46-b.
2. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. – T.: Fan, 1985.
1. Mahmudov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxona nashriyoti, 2007.
2. Muhammadjonova G. O'zbek tili leksikasi taraqqiyotining ba'zi masalalari. – T.: Fan, 1982.
3. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980, 5-24-b.
4. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – Samarqand: 2003.
5. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. – T.: Fan, 1992.
6. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.
7. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zR ME, 2002.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **4-mashg'ulot**

**Mavzu:** X-XV asr Sharq va Markaziy Osiyo notiqlik san'ati tarixi. Matnlar tahlili. Mashqlar. Reja:

1. Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, termin va iboralar.
2. Nutq ta'sirchanligi va rang-barangligini ta'minlovchi vositalar:

2.1. Markaziy Osiyo notiqlik san'ati tarixda.troplar: metafora, metonimiya, sinekdoxa, o'xshatish, sifatlash, mubolag'a, kichrayirish, kinoya, jonlantirish va boshqalar.

2.2. Nutq madaniyati va til boyliklari: so'z, terminlar, birma'nolilik, ko'p ma'nolilik, sinonimlar, omonimlar, paronimlar, antonimlar, iboralar, hikmatli so'zlar, maqollar; arxaizmlar, istorizmlar, neologizmlar, professionalizmlar, masallar, hikoyatlar, latifalar, afsonalar.

3. Adabiyotlar.

### **Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, termin va iboralar:**

*Ta'sirchanlik, bo'yoqdorlik, rang-baranglik, troplar, metafora, metonimiya, sinekdoxa, o'xshatish, sifatlash, mubolag'a, kichrayirish, kinoya, jonlantirish, uslubiy figuralar, qarshilantirish, ritorik so'roq, ritorik murojaat, takror, so'z, ko'pma'nolilik, sinonimlar, omonimlar, paronimlar, antonimlar, iboralar, hikmatli so'zlar, maqollar; arxaizmlar, istorizmlar, neologizmlar, professionalizmlar, masallar, hikoyatlar, latifalar, afsonalar, badiiy asarlar, ilmiy asarlar, tarixiy asarlar, maqolalar.*

### **Adabiyotlar**

2. Abdurahmonov G'., Mamajonov S. O'zbek tili va adabiyoti. – T.: O'zbekiston, 2002.

2. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. – T.: Fan, 1985.

3. Karimov S.A., Mahmadmurodov Sh.M., Karimova O.N.Nutq madaniyati va davlat tilida ish yuruitish. –T.: O'zbekiston, 2003.

4. Muhammadjonova G. O'zbek tili leksikasi taraqqiyotining ba'zi masalalari. – T.: Fan, 1982.

1. Pinxasov Ya.D. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: O'qituvchi, 1969.

2. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.

3. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.

4. Qo'ng'urov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. – T.: Fan, 1977.

5. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.

6. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **5-mashg'ulot**

**Mavzu:** Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Matnlar tahlili.Mashqlar. Uyg'onish davrida voizlik san'ati (Va'z va voizlik haqida)

Reja:

1. Mavzuga doir asosiy tayanch so'zlar, terminlar va iboralar.

2. O'zbek tilining vazifaviy uslublari:

2.1. So'zlashuv uslubi.

2.2. Rasmiy ish qog'ozlari uslubi.

2.3. Ilmiy uslub.

- 2.4. Publitsistik uslub.
- 2.5. Badiiy uslub.
3. Pedagog nutqi va vazifavuy uslublar.
4. Adabiyotlar.

### **Mavzuga doir asosiy tayanch soʻzlar, terminlar va iboralar:**

*Taʼlim, tarbiya, tarbiyachi, jonli nutq, jozibador nutq, uslub, vazifavuy uslublar, soʻzlashuv uslubi, rasmiy uslub, ilmiy uslub, publitsistik uslub, badiiy uslub, pedagog nutqi.*

### **Adabiyotlar**

1. Begmatov E., Boboyeva A., Asomiddinova M., Umurqulov B. Oʻzbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988.
2. Oripov Q., Obidova M. Ifodali oʻqish. – T.: Oʻqituvchi, 1994.
8. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. I qism. – T.: Oʻqituvchi, 1980.
9. Elmurodov N. Oʻqituvchining nutq madaniyati. – T.: Oʻqituvchi, 2004.
10. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: Oʻqituvchi, 1993.
11. Qoʻngʻurov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T.: Oʻqituvchi, 1992.
12. Hojiyev A. Oʻzbek tilining lingvistik lugʻati. – T.: OʻzME, 2002, 45-bet.

### **Amaliy mashgʻulot**

#### **6-mashgʻulot.**

**Mavzu:** Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Notiqlik sanʼatiturlari. Matnlar tahlili. Mashqlar. A. Yugnakiyning “Hibatul-haqoyiq” asarida axloq-odob va tilga munosabat.

Reja:

1. Mavzuga doir asosiy tayanch soʻzlar, terminlar va iboralar.
2. Nutq madaniyati va badiiy asarlar.
  - 2.1. Yusuf Xos Hojibning “Quradgʻu bilig” dostoni.
  - 2.2. Ahmad Yugnakiyning “Hibatui haqoyiq” dostoni.

#### **Adabiyotlar.**

1. Mallayev N.M. Oʻzbek adabiyot tarixi. I tom. – T.: Oʻqituvchi, 1976, 111-137-b.
2. Yusuf Xos Hojib. Qutadgʻu bilig. – T.: Fan, 1971.
3. Yusuf Xos Hojib. Qutadgʻu bilig. – T.: Yulduzcha, 1990.
4. Yusuf Xos Hojib. Qutadgʻu bilig. – T.: Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010, I jild.

#### **7-mashgʻulot.**

**Mavzu:** Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Madaniy nutqning asosiy kommunikativ sifatlari (nutqning toʻgʻriligi, aniqligi, mantiqiyliqi, sofligi, boyligi, ifodaliligi, maqsadga muvofiqligi) Matnlar tahlili. Mashqlar. Kaykovusning “Qobusnoma” asarida nutq madaniyati. Reja:

Kaykovusning “Qobusnoma” asarida ulug‘ insonlarga xos yuksak fazilatlar, axloq, odob, til, soz, nutq masalalarining yoritilishi.

2. Mazkur masalalarning ularda mahorat bilan yoritilganligi.

3. Bu asarning badiiy xususiyatlari, tarbiyaviy, tarixiy ahamiyati.

#### **Adabiyotlar**

1. Mallayev N.M. O‘zbek adabiyot tarixi. I tom. –T.: O‘qituvchi, 1976, 138-150-b.

2. Mahmudov K. Ahmad Yugnakiyning “Hibatul haqoyiq” asari haqida. –T.: Fan, 1972.

#### **Adabiyotlar**

1. Mallayev N.M. O‘zbek adabiyot tarixi. I tom. –T.: O‘qituvchi, 1976, 111-137-b.

2. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. –T.: Fan, 1971.

5. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. –T.: Yulduzcha, 1990.

6. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010, I jild.

#### **Amaliy mashg‘ulot**

##### **8-mashg‘ulot**

**Mavzu:** Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Alishyer Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida odob, axloq va nutq odobi.

Reja:

1. Buyuk mutafakkir shoir Alishyer Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida ulug‘ insonlarga xos yuksak fazilatlar, axloq, odob, til, soz, nutq masalalarining yoritilishi.

2. Mazkur masalalarning asarda mahorat bilan yoritilganligi.

3. Asarning badiiy xususiyatlari, tarbiyaviy, tarixiy ahamiyati.

Адабиётлар:

Begmatov E., Boboyeva A., Asomiddinova M., Umurqulov B. O‘zbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988.

2. Oripov Q., Obidova M. Ifodali o‘qish. – T.: O‘qituvchi, 1994.

13. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. I qism. – T.: O‘qituvchi, 1980.

14. Elmurodov N. O‘qituvchining nutq madaniyati. – T.: O‘qituvchi, 2004.

15. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O‘qituvchi, 1993.

16. Qo‘ng‘urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – T.: O‘qituvchi, 1992.

17. Hojiyev A. O‘zbek tilining lingvistik lug‘ati. – T.: O‘zME, 2002, 45-bet.

#### **Adabiyotlar**

1. Mallayev N.M. O‘zbek adabiyot tarixi. I tom. –T.: O‘qituvchi, 1976, 519-533-b.

2. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. O'n to'rtinchi tom. Mahbub ul-qulub. –T.: Fan, 1998, 6-130-b.
3. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. –T.: Fan, 1972.
4. Bafojev B. Navoiy asarlari leksikasi. –T.: Fan, 1983.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **9-mashg'ulot**

**Mavzu:** Nutq madaniyati va badiiy adabiyot. Nutq madaniyati va nutqiy uslublari. Matnlarni tahlil qilish. Mashqlar.

2. Mazkur masalalarning ularda mahorat bilan yoritilganligi.

Адабиётлар

Begmatov E., Boboyeva A., Asomiddinova M., Umurqulov B. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988.

2. Oripov Q., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994.

18. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.

19. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.

20. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.

21. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubi asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.

22. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **10-mashg'ulot**

Abdulla Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida odob, axloq va nutq madaniyati.

#### **Adabiyotlar**

1. Mallayev N.M. O'zbek adabiyot tarixi. I tom. –T.: O'qituvchi, 1976, 138-150-b.

2. Mahmudov K. Ahmad Yugnakiyning “Hibatul haqoyiq” asari haqida. –T.: Fan, 1972.

3. Unsurulmaoliy Kaykovus.

Qobusnoma. (Forschadan Muhammad Rizo Ogahiy tarjimai) –T.: O'qituvchi, 1986, 165 b.

### **Amaliy mashg'ulot**

#### **11-mashg'ulot**

Nutq madaniyatini egallashning usul va yo'llari. Nutqqa tayyorgarlik ko'rish. Nutq texnikasi.

Замонавий нотикликда нутққа тайёргарлик кўриш.

Нутқ техникасини эгаллаш йўллари.

### **Адабиётлар:**

Begmatov E., Boboyeva A., Asomiddinova M., Umurqulov B. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988.

2. Oripov Q., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994.

23. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.

24. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.

25. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.

26. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubi asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.

27. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

## **Amaliy mashg'ulot**

### **12-mashg'ulot**

Vaqtli matbuot va nutq madaniyati. Matnlar tahlili. Mashqlar. Radio, televidenie, gazeta va jurnallarda og'zaki va yozma nutq qoidalariga rioya qilinishi.

1. Radio dasturlari va eshittirishlari asosida material tayyorlash.

2. Televideniye dasturlari va ko'rsatuvlari asosida material tayyorlash.

3. Respublika, viloyat, shahar va tuman gazetalari asosida material tayyorlash.

4. Jurnallar asosida material tayyorlash.

### **Adabiyotlar**

1. Radio eshittirishlari va televideniye ko'rsatuvlari dasturlari

2. Respublika, viloyat, shahar va tuman gazetalari.

3. Respublika jurnallari.

### **Адабиётлар:**

Begmatov E., Boboyeva A., Asomiddinova M., Umurqulov B. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. – T.: Fan, 1988.

2. Oripov Q., Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: O'qituvchi, 1994.

3. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. – T.: O'qituvchi, 1980.

4. Elmurodov N. O'qituvchining nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 2004.

5. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.

6. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubi asoslari. – T.: O'qituvchi, 1992.

7. Hojiyev A. O'zbek tilining lingvistik lug'ati. – T.: O'zME, 2002, 45-bet.

## ГЛОССАРИЙ

Новербал восита  
Вербал восита  
Паралингвистика  
Жест  
Жест тили  
Жест маданияти  
Кинесика  
Кинетик хулқ  
Муомала  
Этикет  
Имо-ишора  
Ҳаракат  
Тана ҳаракати  
Қўл ҳаракати  
Мимика  
Овоз бўёғи  
Расмий мулоқот  
Сўзлашув мулоқоти  
Ахборот  
Структура  
Нотиқлик  
Нотиқлик тарихи  
Иккиламчи тил  
Ҳис-туйғу  
Салбий муносабат  
Ижобий муносабат  
Бетараф муносабат  
Кўп мазмунли  
Бир мазмунли  
Сукут  
Бош ҳаракати  
Паралингвистик бирлик  
Кин  
Кинема  
Нутқ маданияти  
Тасниф  
Тавсифлаш  
Таҳлил  
Алоқа-аралашув  
Нотиқ  
Нутқ  
Қўшимча ахборот  
Коммуникатив жараён

Жинс  
Тур  
Ёш  
Оғзаки нутқ  
Кинетик хулқ  
Нотиқлик санъати  
Социолингвистика  
Психология  
Этнография  
Тилшунослик  
Тарих  
Юз ифодаси  
Кўз ҳаракатлари  
Елка ҳаракатлари  
Гендер  
Нутқ шароити  
Нутқ вазияти  
Сўзловчи савияси  
Нафас ҳаракати

**Alisher NAVOIY**  
**MAHBUB UL-QULUB**

Bismillohir-rahmonir-rahim. Hamd angakim, zotig'a hamd onchakim, sazovordur, aytsa bo'lmas va sano angakim, ehsonig'a sano onchakim, yeri bordur bitsa bo'lmas. Zoti jami' kamolat sifoti bila mavsuf, sifotidin majmu'i kamolot kashf ahlig'a makshuf. Tanzihi til sharh qilurdin mubarro, taqdisi el vasf etardin muarro. Azamati bog'ida sipehri davvor bir nilufardin kam va qudrati ollida nujumi sobita va sayyora ul nilufar yuzida bir necha qatrai shabnam. Nilufar yuziga shabnam sochquchi ham ul va shabnam suyidin nilufarzor, balki gulistoni Eram ochg'uchi ham ul. Beniyozlig'i janbida charxi nigun bir gadoy, niyozmand va chorasozlig'i ollida dahri buqalamun bir bechorai ajzpayvand.

Vujudi mulohazasida ofarinish vujudi nomavjud, zoti mutolaasida avvalin va oxirin budi nobud. Xoni ehsoni tegrasida oliy shon shohlar rizqqa soyil va ilmi bepoyoni taaqqulida oliy makon ogohlar jahlg'a qoyil. Qahhorlig'i sarsari uchururg'a sobit va sayyor, nastaranning sochilg'on yafrog'lari jabborlig'i quyuni sovururg'a dahri g'addor. Bayt ul-hazanning to'kulg'on tufrog'lari yo'qni bor qilmoq va borni yo'q qilmoq aning qudratig'a oson, boru yo'q va yo'qu bor aning ehsonidin umidvor va qahridin haroson. Bir ovuch tufrog'ni malakut xaylida xilofat taxtig'a o'lturmoq anga yarashur va yillar maloikai muqarrabing'a peshvolik qilg'onning bo'ynig'a la'nat tavqi ul solur.

*Qit'a:*

*Qodirekim, qudratidin muncha yuz amri g'arib,  
Bo'lsa har soatda mavjud andin ermastur ajab,  
O'n sekiz ming olamu odam yaratib, aylamak  
Bir kishini ofarinish daftaridin muntaxab.  
Ul qila olur anga keldi musallam bu umur,  
Gar o'zi erdi musabbab, lek bu bo'ldi sabab.*

Va durudi noma'dud ul mahbubi oqibat Mahmudg'akim<sup>1</sup>, haq taolo anga qurb va manzilat berdikim, olam va odam vujudidin maqsud aning vujudi erdi. Xujasta tiynati ruhi pokdin tohir va farxunda xilqati anosir tarkibidin pok erkani zohir. Anosirining<sup>2</sup> yeli Masih<sup>3</sup> anfosi va tufrog'i Ya'qub<sup>4</sup> ko'zining to'tiyosi va suyi Hizr<sup>5</sup> chashmasining zuloli va o'ti kalim daraxtining nori ishti'oli. Bu anosirni ruhi pok desa yeri bor va ruhig'a ruhi fidok demak sazovor. Toyiri sidranishin Buroqi<sup>6</sup> barqgomi va soyiri. Ruh ul-aminning<sup>7</sup> ulvi xiromi.

Aflokshabistoniyuzibahoridingulshanvamaloikiuyuniraxshig'uboridinravsha n. Kalomisha'nida «Mayantiquinalxavy»<sup>8</sup> vanutqibayonida «inhuvaillovahyunyuh»<sup>9</sup>. Asrori ilohig'a zoti amin va inoyat nomutanohidin oti «rahmat ul-olamin»<sup>10</sup>.

*Masnaviy:*

*Iki gisusi iki laylat ul-qadr,  
Bu yanglig' iki layl ichra yuzi badr,  
Laylu badr o'lub sham'i shabiston,  
Uzoridin xo'y anda kavkabiston.*

*Bu kavkablardin aylab tengri mavjud,  
Nubuvvat ma'sharig'a durri maqsud.  
Nubuvvat spehrida quyosh erkoni ma'lum,  
Musohiblar sha'nida as'hobi kaniujum11.*

(Salovati Ollohi alayhi va alo olihi va as'hobihi alo yavmiddini)12.

Ammo ba'd: fuqaroning gadoyi va g'aroib masturalarining chehrakushoni al-faqir ul-haqir Alisher al-mulaqqab bin-Navoiy (g'affara zunubihi va sattara ayyubihi)13 mundaq arz qilur va adosin o'ziga farz bilurkim, bu xoksori parishon ro'zgor shabob avonining bidoyatidin kuhulat zamonining nihoyatig'acha davron voqyeotidin va sipehri gardon hodisotidin va dahri fitnangiz buqalamunlug'idin va zamonai rangomiz gunogunlig'idin muddati madid va ahdi baid har nav' shiq va suratda aqdom urdum va har tavr suluk va kisvatda yugurdum va o'zumnn yaxshi-yamon xizmat va suhbatig'a yetkurdim. Goh mazallat va ano vayronida shevan ko'rguzdum va goh izzat g'ino bo'stonida anjuman tuzdum.

*Masnaviy:*

*Gahye topdim falakdin notavonlig',  
Gohye ko'rdim zamondin komronlig',  
Base issig', sovug' ko'rdo'm zamonda,  
Base achchig', chuchuk tottim jahonda.*

Iflos va notavonlig' hangomida, ya'ni falokat va nomurodlig' ayyomida goh ilm madorisida safi niolda yer tuttum, goh ulamo majlisida ilm nuridin ko'ngulni yoruttum. Goh atqiyo masojidida alar qadami yetgan yerga yuz qo'ydim va sajda kasratidin manglayim terisini so'ydim. Va goh safo xonaqohi ahli ibrikig'a suv quymoq bila arjumand bo'ldum va goh fano dayri xayli sabukashligidin sarbaland bo'ldum. Va goh laimlar olida xorlig' va goh arzollar olida bee'tiborlig' ko'rdum. Va goh ishq ko'yida beboklik va odamiykush parichehralarg'a haloklik dast berdi. Va goh junun mahallasida arzol bo'ynumg'a silliy urdilar va atfol boshimg'a tosh yog'durdilar va goh shahrim eli sitamidin g'urbatka tushtum va g'arib xaloyiqqa qo'shuldum va qovushtum. Va jibol kullasi oromgohim bo'ldi va goh saxro etogi panohim bo'ldi.

Va goh g'urbatda alil va g'arib elga zalil bo'ldum. Goh bu shiddatlardin azmi vatan qildim. Va goh azizlar xizmatidin o'zumni bahramand va so'zumni dilpisand va arjumand toptim.

*Ruboiy:*

*Gardun gah manga jafou dunluq qildi,  
Baxtim kibi har ishta zabunluq qildi,  
Gah kom sari rahnamunluq qildi,  
Alqissa: base buqalamunluq qildi.*

Ammo shug'l va komronliq chog'ida va ko'ngul mulki xalq hujumi bulg'og'ida va goh amorat masnadida o'lturdum va hukm va hukumat mahkamasida dodxoh so'rdum va goh podshoh nayobatida taraqqub tuzdum va nazzoragar elga o'zumni komron ko'rguzdum. Va goh makrumat ayvonini makon qildim va akobir va ashrofni ta'zim yuzidin mehmon qildim. Va goh nishot bog'ida bazm tarhi soldim va soqiy va mutrib bazmu simoidin bahra oldim. Va goh salotni

muxolafatlarida arog'a kirdim va munozaatlarin muvofaqatg'a qaror berdim. Goh harb ma'rakasig'a o'zumni soldim, va jahl va nodonliq tuhmatin bo'ynumga oldim. Va goh xayrot ahlig'a o'zumni qottim va har nav' xayr buq'alari tuzattim, andoqki, sa'yimdin rabotlar bo'ldi va andin musofirlarg'a nishotlar bo'ldi.

*Bayt:*

*Dimog'ima tushubon ko'p tasavvuru pindor,  
O'zumni johu ulug'luqqa ayladim izhor.*

Bu muqaddimotdin maqsad bukim, har ko'y va ko'chada yugurubmen va olam ahlidin har nav' elga o'zumni yetkurubmen va yaxshi-yomonning af'olin bilibmen va yamonu yaxshi xislatlarin tajriba qilibmen. Xayr va shar'din no'sh va nish ko'ksunga yetibdur va laim va karim zahm va marhamin ko'nglum dark etibdur. Va zamon ahlidin bayozi as'hob va davron xaylidin ba'zi ahbobki, bu hollardin xabarsiz va ko'ngullari bu xayr va sharrdin asarsizdur.

*Qit'a:*

*Ne bilgay ul kishikim, shahdu mayni totmaydur  
Ki, vaslu hajr kibi ul chuchuk durur, bu achig'.  
Bilur zalil musofirki, po'ya aylarda,  
Qumu to'zong yumshog', tog'u xoradur qatig'.*

Bu nav' as'hob va ahbobg'a intiboh qilmoq va alarni bu nav' holatdin ogoh qilmoq vojib ko'rundiki, har toifa xisolidin vuquflari va har tabaqa ahvolidin shuurlari bo'lganki, munosib el xizmatig'a shitob qilg'aylar va nomunosib el suhbatidin ijtinob vojib bilgaylar va bori el bila maxfiy rozlarin so'zlashgaylar va shayotin va ins makru firibdin boziy yemagaylar. Va har nav' el suhbat va xususiyatiki, alarga havas bo'lg'ay, bu faqirning tajribasi alarg'a bas bo'lg'ay.

Chun bu maqolatning qulubg'a mahbublug'i ma'lum bo'ldi, anga «Mahbub ul-qulub» ot qo'yuldi. Va bu bitilgan favoidning kayfiyati chun bilildi, ani uch qism qilindi.

Avvalg'i qism: soir un-nosning af'ol va ahvolining kayfiyati 14.

Ikkinchi qism: hamida af'ol va zamima xisol xosiyati 15.

Uchinchi qism: mutafarriqa favoid va amsol surati 16.

Umid ulkim, o'qug'uvchilar diqqat va e'tibor ko'zi bila nazar solg'aylar va har qaysi o'z fahmu idroklarig'a ko'ra bahra olg'aylar, bitguchiga ham bir duo bila bahra yetkurgaylar va ruhini ul duo futuhi bila sevundurgaylar.

### **Avvalgi qism**

## **XALOYIQ AHVOL VA AF'OL VA AQVOLINING KAYFIYATI**

### **Ul qirq fasldur**

#### **Birinchi fasl**

### **ODIL SALOTIN ZIKRIDA**

Odilu oqil podshoh ibodullohg'a zillulloh. Xilofat mulki aning farmonida «inni joilun fil arz xalifa»Ining sha'nida. Bukim odil podshoh ta'rifdin biyikroq

erur «valadat fiz-zamon as-sulton ul-odil<sup>2</sup>» andin xabar berur. Ulki aning zoti bila mubohidur xojai kavnayn<sup>3</sup> debdurkim, «adli soat xabara min ibodat ul-saqlin»<sup>4</sup>.

Odilpodshohhaqdinxaloyiqqarahmatdurvamamolikkamujibiamniyatvarafohi yat.

Quyoshbilaabribahordekqoratufrog' dingullarocharvamulkahliboshig' aoltunb iladurlarsochar. Fuqarovanotavonlaraningrifqvamadorosidinosuda,

zalamavaavonlaraningtig' isiyosatidinfarsuda.

Hirosatidinqo' yuqo' zibo' rixavfidineminvasiyosatidinmusofirko' ngliqaroqchivahm idinmutmain.

Rif' atidinharmaktabdaatfolg' avg' osivamuxofazatidinzuafohammomidaalarningalolosi,

haybatidinyo' llarqaroqchidinxolivaqo' llarto' laulusmolivazabtidinamaldorlarqalami sinuqvasitamkorlaralamiyikuq.

Jiddidinmasojidjamoatahlidinmamluvamadorisbahsvajadalxayliding' uluv.

Qisositig' idino' g' riilgielmolidinko' toh,

intiqomibiymidinqoti' tariqholidambiyobonidataboh.

Tunningko' pido' konlardasavdouchunsham' vaavboshko' chagashtidinko' ngullarijam'. Shomdintosaharxonaqohlareshigiochuqvaxilvatlaribodatnuridinyoruq. Shahrdaqo' ylar posboni ul, yozidaqo' ylar shuboni ul. Raiyyatg' a saro va bog' andin ma' mur va sipohig' a kom va farog' andin mavfur.

Andin kechalar atrok zuafosi ishi o' rg' ushtak va atfol varzishi oq so' ngak. Ajuzlar charx uni maddi bila aning duosig' a nag' masoz va kanizaklar momuq sabamoq uni bila aning olqishig' a nag' mapardoz. Fuqaro ishi anga ham duo va ham nozish, aning da' bi fuqarog' a ham saxo va ham navozish.

Ochlarg' izosibazlvaatosixonidin, yalang' ochlarlibosixizonailutfvaehsonidin. Mulkbog' inma' murqilurg' aabriserobvamulkahliko' zinyoruturg' amehrijahontob.

O' zgamulkningraoyovaxalqianingorzusidavayanakishvarmazlumlarianingadliduosi guftigo' sida.

Yaxshiotig' aulamoishirasoilartibivayaxshisifotig' ashuarovarzishiqasoyid tarkibi, mug' anniylarishtig' olisanosiuchunsurudtuzmakvamusanniflarmaqoliduosiohangid anag' mako' rguzmak.

Xalqrizosidinhaqrizosig' atolibvadodxohso' rardaso' rug' kunivahmiko' nglig' ag' olib.

*Masnaviy:*

*Ulus podshohiyu darveshvash,*

*Anga shohliqdin kelib faqr xash,*

*Jahondorlarg' a sipehr intiboh,*

*Valiy ahli faqr olida xoqi roh,*

*Jahon mulki olinda xoshokcha,*

*Vale bir ko' ngul mulqi aflokcha.*

*Bori benavolar navosozi ul,*

*Hamul nav' kim, Shoh Abulg' ozi<sup>5</sup> ul,*

*Kelib ayni insonu insoni ayn,*

*Jahon vorisi Shoh Sulton Husayn*

*Ki, to bo'lsa gardung' a davvorliq,*

*Anga boqiy o' lsun jahondorliq.*

*Xaloyiqqa bu shahdin o'lsun nishot,  
Dame bo'lmasun xoli andin bisot.*

### ***Ikkinchi fasl***

#### ***ISLOMPANOHI BEKLAR ZIKRIDA***

*Mundoq shohga musulmon bek nabiy xizmatida to'rt yordin biridek. Nomurodlarning panohi va podshohning davlatxohi. Shohg'a dunyoda chin so'z deguvchi va aning oxirati g'amin yeguvchi. Yomonlar andin haroson va yaxshilar dushvorlig'i oson. El moli tama'i ko'nglida nobud va ayoli xayoli zamirida nomavjud. Murodi raoyo amniyati va maqsudi baroyo jam'iyati. Ul musulmonlarg'a rizojo'y va musulmonlar anga duogo'y. O'zining zoti tuzuk va sa'yi shoh eshigida tuzukluk. Shoh eshigi mundoq bekdin xoli bo'lmasun va davlatning andin o'zga intiqoli bo'lmasun.*

### ***Uchinchi fasl***

#### ***NOMUNOSIB NOIBLAR ZIKRIDA***

*Yolg'onchi xudnamo noib nisbati musallamai kazzob millati, nubuvvat tuhmatin o'ziga solg'on va Jabroil6 vahyidin degoni bori yolg'on. Munga ham shox xususiyati izhori g'ayri voqye' yolg'on bori. Yolg'on hukm yetkururiga bois tama'i shum va o'truk parvona yetkururiga sabab hirsiz mazlum. Nima olurda yolg'on anga chin o'rnig'a va musulmonlarg'a nuqson anga din o'rnig'a, yolg'on borida anga chin demaki mahol va rishvat olurda o'zga so'z deb, ammo ko'nglida o'zga xayol. Mundoq noibki, bir bo'lmag'an fe'liyu qavli, shoh eshigidin gum bo'lg'oni avli.*

### ***To'rtinchi fasl***

#### ***ZOLIM VA JOHIL VA FOSIQ PODSHOHLAR ZIKRIDA***

*Odil podshoh ko'zgu va bu aning uchasi dur. Ul yoruq, subh, bu aning qorong'u kechasi dur. Zulm aning ko'nglig'a marg'ub va fisq aning xotiriga mahbub. Mulk buzug'lig'idin zamiriga jam'iyat va ulus parishonlig'idin xotiriga amniyat. Obodlar aning zulmidin vayrona, kabutar toqchalari boyqushg'a oshiyona. Boda seli chun bazmida to'g'yon qilib, ul sel mulk ma'muralarin Alisher vayron qilib. Suvchi xonasig'a farsh masjid ravoqi to'kulgonidin va ko'plari boshig'a xisht mehrob toqi yemrulgonidin. Agar qon to'kmak anga pesh, kimki joni bor anga andesha. Agar shurbg'a mash'uf - ko'y va ko'cha musulmonlarg'a maxuf. Agar fosiq bo'lsa va bad, af'ol - el irzi va ayolig'a andin biymu nakol. Va sitezaro'y bo'lsa va xudroy mushfiq Navoiy jonig'a voy!*

*O'z noshoyisti o'z olida xo'b va el ma'quli anga mardud va ma'yub. Ko'p xizmat oz sahv bila olida nobud va ko'p haq va rost oz xato bila ilayida nomavjud. Xato royi o'ng kelmasa, daxlsizlarga shirkat, balki naqiz tutqonlarg'a ziyoda tuhmat. Nosavob xayoli tuz chiqmasa, shirkati yo'qlarg'a itob va balki xabari yo'qlarga aroda azob. Hayot suyini og'u desa, musallam tutmog'on gunahkor va quyosh nurin qorong'u desa, tahsin qilmog'on tiyra ro'zgor.*

*O'z jonibidin qatraning daryocha hurmati va zarraning bayzacha qiymati. El tarafidin moli olam bir qora puldin kam va fido qilg'on joni aziz, oncha*

yo'qkim, bir pashiz. Qora quzg'unni oq tuyg'un desa, qozni yaxshi olur demagan muqassir. Yoruq kunni tiyra tun desa, suhoko'runadur demagan mudbir.

Chinderelga - jonxatari, xayrg'adalolatqilg'uvchig'ao'lumzarari. Haqaningqoshidabotil, xiradmandaningaqidasidajohil. Eldinko'nglidakiynasi - maxfiyxazinasiningdafinasi. Qatl uchun jon bermak shiori, el molu jonig'a qasd - shikori. Bu yomon podshohki, bo'lg'ay vaziri ham yomon, andoqki, Fir'avn nayobatida Homon7.

Bayt:

Uylakim shoh morg'a bo'lg'ay mumid ham ja'fariy,  
Yo vaboyi xalqqa toun ham o'lg'ay bir sari.

Tengri mundoq balolarni adam chohidin vujud taxtgohig'a kelturmasun va yo'qluq zindonidin borlig' shahristonig'a yetkurmasun.

### **Beshinchi fasl** **VUZARO ZIKRIDA**

Vazirvizrdinmushtaqdurvabufe'laningzotig'aahaqvaalyaqdur.

Buishnipisandidaqilg'onOsaf8 ermishkim, nigininaqshi «qadrahimallohumanin-safa»9 ermish. Hamonoki, Osafbordi, insofinolibbordivainsofgavharinbunoinsoflarorasidinchiqordi.

Kishiagarchio'zineldekharyonsolg'ay, Osafnibuxokdondaqaydatopaolg'ay. Dahr elida birovki

Osaf nihoddur, bilgaykim, Sulaymon taxti barboddur.

Bu zolimlar - mulkni barbod berguvchilardur va mulk ahli yig'ishturg'onlarin bitirguvchilardur. Avlo ulkim, bular zikrida kishi xoma surmagan va bu xomadek qora yuzluklar otin qalam tiliga kelturmagay. Zahr berib bemor o'lturguvchi tabib, bularning holig'a mushobehdur va qarib.

Buikkixayldinharbiribiraf'i, shohg'avojobdurbularniigdaf'i. Bular, jumlasichiyonlar, xaloyiqqayetururziyonlar. Kilklarino'g'iaqrabnishi, raiyatjonig'aulnishtashvishi. Necha bu nish mazlumlarg'a sanchilg'ay, umid ulki, boshlari ajal toshi bila yanchilg'ay.

Masnaviy:

Bulardin gar a'lo gar adno durur

Kim, andin xaloyiqqa izo durur.

Shah o'lturmas avlodur ul elni bot

Ki, debdur nabiy «iqtilso almu'ziyat»10

### **Oltinchi fasl** **NOQOBIL SADRLAR ZIKRIDA**

Bediyonat sudur bid'ati sayyiadur bilo-zarur. Bu nokas agar omiydur fisqu fujur aning komidur. Majlisida nag'manavozliq ilm va taqvo azosig'a - navhasozliq. Ulamo kelturgan gulob shishalariki xoli qolib, boda solurg'a ani mulozimlari olib. Bu kelturgan nabot gazak uchun ushalib, vazifa vajhlari o'zga asbob uchun sayg'olib Badkirdor anda g'alaba va poykor anda talaba. Navkarlariga osh xonaqoh rotibasidin va chuhralarig'a maosh shayx va mudarris vazifasidin. Bazmig'a may kelturgali muhtasib rozi va mayg'a bodapolo rishi qozi,

*kishvarki, anda manohiy mundoq behisob bo'lg'ay, islom va shariatg'a ne izzat va ne hisob bo'lg'ay.*

*Sadr kerak ulamog'a dastyor bo'lsa va mashoyixqa korguzor va xizmatkor va sodotg'a mumid va fuqaro xizmatida mujid. Zulm rishtasin uzguvchi va avqof buzug'in tuzguvchi va ziroat kasratida sa'y ko'rguzguvchi.*

*Masnaviy:*

*Yo'q ulkim fosiqu xammoru zukka  
Ki, buzg'ay garchi bo'lg'ay xoja dukka.  
Rikobi naqshi kimsonlig' sarosar  
To'nida ortiq ondin zebu zevar.*

*Qit'a:*

*Keraki boshig'a qo'ysa aloqalik dastor,  
Yana rido ham aning egnida mavoliydek.  
Yo'q ulki, markabi bo'ynig'a bog'lab ossa qo'tos,  
Osilg'ay o'zining o'z bo'g'zidin saqolidek.*

### **Yettinchi fasl**

## **FOSIQ VA BADMAOSH, BAHODIRLIQ LOFIN URG'ONLAR ZIKRIDA**

*Shoh eshigida yormoqni zoye' qilg'uvchi jamoatkim, alardin ne tengrig'a toatdur va ne shahg'a itoat. Tariqlari - xudnamoliq va rasmlari - xudoroliq. Ishlari - mastlig', varzishlari -xudparastlig'. Chin demaklari lof, ma'nili so'zlari gazof. Jur'akashlik - dinlari va kofirvashlik - oyinlari. Ko'ngullari to'bichoq sekreturdin orom topmoq va so'zlari bosh yalang yuzga chopmoq Bazmda da'volari Xotamliq11, razmda  $\varpi$ \_bIIe\_taloshlari Rustamliq12. O'tag'alaridin nasri toyirg'a ram, nayzalaridin simoki romih yuzi darham. Tavrlaridin oshuftaroq alarg'a dastor va dastor aloqasidin uchalarida ozor.*

*Mulk dushmani daf'i shuhratlari, shohga mulk asrar minnatlari. Bu da'vo boshig'a yetguncha nechasini may o'lturub, nechasini o'zga fisq do'zaxga yetkurub. Yuzdin biriki ma'rakag'a yetib, yo'rtoq chopish bilan o'zin zoye' etib. Muboriz afganliklari o'z holig'a, safshikanliklari o'zyasolig'a. Bu nav' bahodir hyech ma'rakada bo'lmasun va hyech saf buzarda aning qoni to'kulmasin. Shohg'a sipoh-darvishlar duosidur - fuqaro himmati va tengri rizosidur. Shohkim, anga haq inoyati sipoh bo'lg'ay, livosining ziynati nasr min Olloh bo'lg'ay. Shohg'a to davlat bor -dushman erur xor va xoksor. Davlatga yetkurguvchi tengri, ham olg'uvchi, ham berguvchi tengri. Ul bersa, kishi ola olmas, ul yetkursa, kishi yiroq sola olmas. Shohki, haq amrin bajo kelturgay, bu davlat ko'p xavflarg'a rajo yetkurgay.*

*Qit'a:*

*Shahyeki, sidqi aning tengri birla tuz bo'lg'ay,  
Ne g'am aduysi aning bir yo'q ersa yuz bo'lg'ay.  
Kishiga tengri berur fath yo'qki, xaylu sipoh,  
Pas e'timod anga aylamas ne so'z bo'lg'ay.*

*Bayt:*

*Cherik bo'lsa va bo'lmasa baxtiyor,*

*Sipahg'a aduv xaylinng hukmi bor.*

**Sekkizinchi fasl**  
**YaSOVUL GURUHI ZIKRIDA**

*Yasovul, bir mazlum ishi keyincha borg'ay va ul mazlumni zolimdin qutqorg'ay. Agar muzd tilamagi maqurdin ortuqroqdur, ul zolimga ulug'roq o'rtoqdur. Agar sa'yig'a yarasha olur xayoli bo'lg'ay, ota merosi va ona sutidek haloli bo'lg'ay. Va agar tama'i haqq us-sa'yidin kamdur, erlik va muruvvat anga musallamdur. Va agar sa'y qilg'ay va olmag'ay, muzdkim anga haqqdur, ani desa bo'lg'aykim, valiyi mutlaqdur.*

*Ko'peranlarbuishnishioretibdurlarvabusulukbilamaqosidg'ayetibdurlar.*

*Masnaviy:*

*Avliyullohki, har suratda bor,  
Ba'zi etmish bu ravishni ixtiyor,  
Chun erurlar qubbalar ichra nihon,  
Haqdin o'zga kimsaga ermas ayon.*

**To'qquzinchi fasl**  
**YaSOG'LIQ VA QORA ChERIK ZIKRIDA**

*Yasog'liq degan qora cherik, ya'juj va ma'juj xaylig'a sherik. Emgakdin alarg'a orom yo'q, yasoq tortardin bir nafas kom yo'q. Ishlari talay olg'onni talamoq, yot yurtda chugurtkadek sabza va yafrog'ni yalamoq.*

*Insonliqbilaalarorasidamuboyanat, musulmonliqbilaaloro'rtasidamunozaat. Fahmuidrokdinalarzotioriy, aqluinsofsizbizzotbori. Qayong'akimyuuzlandilar, alarg'ayonmoqyo'q, kechavakunduztag'ofuluyqusidinuyg'onmoqyo'q. Isig'vasovuqtanlarigatafovutqilmay, ochlig'vayalang'ochliqzararinijismlaribilmay. Odamiysizliqda maxluqotdin mumtoz, hayvonliqlari ko'pu mardumliqlari oz.*

*Ruboiy:*

*Ul qavmdin a'juba xaloyiq bo'lmas  
Kim, me'dalari harom yerdin to'lmas.  
O'lguncha balo chekib erurlar mavjud,  
Chin bo'ldi bu da'voki, yasog'liq o'lmas.*

*Turfa bukim, chun haqning har nav' elga inoyati pinhoni bor, bular orasida ham yashurun eranlarning imkoni bor. O'rdu bozori o'zin yasog'liqqa qotg'uvchi, o'ngay ham ulush olmay og'ir sotg'uvchi. Cherik ulushidin har bor alar shatalxor, andoqkim mulk ahlidin amaldor. Bayt:*

*Sipohiy molin ul xayli tabohi,  
Tunu kun muft olib xohi naxohi.*

*Mumkinyo'qkim, odamizodalarg'asazobergay,  
magartengrialarg'abalobirlajazobergay.*

### **O'nunchi fasl**

#### **ShOH ULUSI O'ZIGA MUSHOBIIH BO'LUR ZIKRIDA**

*Shohg'a har kimki, mulozim va tobi' bo'lg'ay, ishi va tavri shoh ishig'a mushobih voqye' bo'lg'ay. Agar shohg'a adolat shior, ulusi shiorida ham adolatdin osor. Agar zulmpesha – elidaham zulmidin andisha. Agar ul islomoyin, xalq shiori ham islom bila din. Agar ul kufrxisol - elga dog'i kufr tariyqi af'ol. Hukamo shohni debdurlar: daryoyi zaxxor va qavmu xaylin daryo tegrasidag'i anhor. Daryo suyig'a ne kayfiyat va ne xosiyat, anhorg'a ham ul kayfiyat va xosiyat. Ul achchig' - bu achchig'; ul chuchuk - bu chuchuk; ul tiyra - bu tiyra; ul suzuk - bu suzuk.*

*Masnaviy:*

*Arig'larki, ul bahrdin ayrilur,  
Biliklik alarning suyin ham bilur,  
Chu birdur suv daryo bila nahr aro,  
Emas ta'mida hojati mojaru.*

### **O'n birinchi fasl**

#### **ShAYX UL-ISLOM ZIKRIDA**

*Shayx ul-islom musulmonlar peshvosidin iboratdur va islom muqtadosida ishoratdur.*

*Mundoq kishi olime kerak islompanoh va orife kerak muqarrabi dargoh, xiradmandi shariatshior va faqrg'a xursand va tariqatosor. Yaxshi-yamon shafqati fayzi om va ulug'-kichikka irshodi naf'i molokalom. Komi bo'lg'ay shar' qonunig'a rosix va barcha muftade'lar bid'atig'a nosix. Angakim, bu nav' bo'lg'ay oyini islom shayx ul-islom desa bo'lur vassalom.*

*Bayt:*

*Mundin o'ldi muqarrabi boriy,  
Shayx ul-islom piri Ansoriy.*

### **O'n ikkinchi fasl**

#### **QUZOT ZIKRIDA**

*Qoziislombinosig'aarkondurvamusulmonlarxayrvasharrig'anofizifarmondur*

*Ulumidiniyadinko'nglimulkima'murkerakvayaqiniyfarosatdinxotirijam'iyati befutur. Mayli shaxsiy zamiri kishvaridin mutavoriy va mudohana tarrori muloyamatidin sof ko'ngli oriy. Mahkamasi maxzani ulumu shar'iya va hukm qilurida oshnoyu begona anga alas-saviya13. Ilmu taqvosidin ko'ngullarda shukuh va diqqat, farosatidin bediyonatlar ko'nglida anduh. Ko'ngli Kalomulloh ahkomidin qaviy va hukmida muqtado ahodisi mustafaviy.*

*Shar'iyhiylalargirihidinko'nglioquq,  
fuqahotazvirlaritariyaligidinzamiriyoruq.*

*Rishvaxo'rmuftilar - qoshidamankubvahiyllakorvakillar - olidama'yub.*

*Omiyqozikimayichkay  
o'lturgulukdurvado'zaxo'tigayetmasdinburunkuydurgulukdur.*

*Qoziyirishvaxo'r-islomhisorig'araxnagar. Ulkirishvatberibqazoolaolg'ay, rishvatolibhamshar'nibuzaolg'ay. Qoziykerakkim, jodaishar'dinqadamchiqarmag'ayvasirotimustaqimdintashqaribormag'ay.*

*Mustaqim xat har qayonkim, mayl qildi egri bo'ldi. Soz toridekkim, e'tidoldin tajovuz qildi, tuzuki buzuldi. Ulki hukmi el moli va jonig'a joriy bo'lg'ay, kerakkim, da'bi muqmir shiori bo'lg'ay. Ayog'ikim, siroti mustaqimdin toyildi va yal chohi tubin maqom qildi. Bu ishni o'zi qilurmen degan beboku kozib, kozibi bebokka payg'ambar shar'i hokimlig'ig'a ne munosib.*

*Qit'a:*

*Muxbiri sodiq shahyekim qildi dinu shar'ni,  
Bori adyon nosexi andoqki, mumkin erdi tuz.  
Kozib ul yo'lni nechuk tuzgayki, bir kazzob ham,  
Qildi ko'p da'vo, vali qo'ydi jahannam sori yuz.*

### **O'n uchunchi fasl**

#### **MUFTIYI FAQIHLAR ZIKRIDA**

*Muftiyifaqihyekerakmutadayyinvaolimekerakmo'min, islomilmidamohirvadiyonatnurijabinidazohir. Mayldin ko'ngli bequsur va hiyladin zamiri befutur. Qalami sodiq, raqami mujtahid so'zi bila muvofiq; yo'qki fosiqye bo'lg'ay mayxor va johile bo'lg'ay badkirdor va g'addor. Bir diram uchun yuz haqni nohaq etguvchi va oz karam uchun ko'p «lo»ni «naam»14 bitguvchi. Bir sabat uzum uchun bir bog'ni kuydurmakdin g'ami yo'q va bir botmon bug'doy uchun xirmonni sovurmoqdin alami yo'q. Muftiyeki, hiyla bila fatvo tuzar qalami no'gi bila shariat yuzin buzar. Muzd uchun siym olibki, molig'a qotar dinini dunyog'a sotar. Mundoq mufti odamiykush tabibdur, biriga islom qatli, biriga musulmonlar qatli nasibdur.*

*Ruboiy:*

*Muftikim, ishiga muzd olib qilsa raqam,  
Muzd ortuq esa, mayl kerak qilg'ay kam,  
Fatvoda chu bo'ldi muzd uchun «lo» vu «naam».  
Qilmoq kerak ul qalamzai ilgini qalam.*

### **O'n to'rtinchi fasl**

#### **MUDARRISLAR ZIKRIDA**

*Mudarrisning kerakki, g'arazi mansab bo'lmasa va bilmas ilmni ayturg'a murtakib bo'lmasa va xudnomolig' uchun dars havzasin tuzmasa va xudsitonlig' uchun takallum va g'avg'o ko'rguzmasa.*

*Jahldin dastori uluv va aloqasi uzun bo'lmasa va mubohat uchun madrasa ayvoni boshi anga o'run bo'lmasa. Diniy ulum bilsa va yaqiniy masoil ta'lim qilsa. Bebokliklardan haroson va nopokliklardan gurezoni bo'lsa, yo'qki o'zin olim bilgay necha majhulg'a anvoi fisqni muboh, balki halol qilg'ay, qilmas ishlarni qilmoq andin ma'lum bo'lg'ay va qilur ishlar tarki andin qoida va rusum bo'lg'ay. Bu mudarris emasdurkim, muftade'dur va mundoq kishi suhbati islom mumtane'dur.*

*Olimkerakkim, mutaqqiybo'lsavaogohvaayturg'aqolaAlloh, qolaRasulloh.*

*Qit'a:*

*Har ne aytur bo'lsa Xudovu Rasuldin  
Andin so'ng o'lsa mujtahidu avliyo so'zi.  
Andin kishi ne kim eshitur va yoki o'rganur bo'lsa,  
Xudo so'zi yo'q esa, Mustafo so'zi.*

***O'n beshinchi fasl  
ATIBBO ZIKRIDA***

*Tabibg'ao'zfanidahazoqatkerakvabemorlarholig'ashafqatvamarhamatkerak.  
Vanafsitibg'atab'imuloyimvaxukamoqavlig'apayravvamulozim.*

*So'zidarifqudiljo'yluqvao'zidaozarmuxushxo'yluq.*

*Hoziqtabibkishafqatibo'lg'ay - InsoiRuhullohg'a15 nisbatibo'lg'ay.  
Isoishichiqqonjonntag'akivurmakduobila,  
munungtandinchiqadurg'onjong'amone'bo'lmoqdavobila.  
Mundoqtabibningyuzimarizko'ngligamahbubdurvaso'zibemorjonig'amarg'ubdur.  
Damialillarg'adavovaqadamixastalarg'ashifo.  
Xizrinajotaningtal'ativaobihayotaningsharbati.*

*Agarfanidamohirbo'lsa, ammobadxo'yvabeparvovadurushtgo'y, marizga,  
agarchi, birjonibdinilojetkurur,  
ammonechajonibdintag'yirimijozetkururvalekinomiytabibkim, erurshogirdijallod,  
ultig'bila, buzahrbilaqilg'uvchibedod. Ul mundin yaxshiroqdur.*

*Beishtibohkim, aning qatili gunahkordur va munung - begunahki, hyech  
gunahkor, anga zalil bo'lmasun va hyech begunax munga alil bo'lmasun.*

*Bayt:*

*Hoziq tabibi xushgo'y tan ranjig'a shifodur,  
Omiyyu tundu badxo'y el jonig'a balodur.*

***O'n oltinchi fasl***

***NAZM GULISTONINING XUSHNAG'MA QUSHLARI ZIKRIDA***

*Ul necha tabaqadur: avvalg'i jamoat-nuqudi kunuzi ma'rifati ilohiydin  
g'aniylar va xalq ta'rifidin mustag'niylardur. Ishlari maoniy xazoinidin ma'rifat  
javharin termak va el fayzi uchun vazn silkida nazm termak. Nazm adosi bag'oyat  
arjumand va benihoyat sharif va dilpisand o'ldug'i uchun oyoti kalomda nozil bor  
va hadisi mu'jiz nizomda tilagan topar, chun maal - qasd16 emas, el hurmati  
jihatinidin ani she'r demas.*

*Ammo bu aziz qavmning peshvo va muqtadosi va bu sharif xaylning  
sardaftar va sarxayli valoyat bahringing gavhari va karomat avji munir axtari Amir  
ul-mo'min Ali17 (razi allohu anhu va karimullohu va vajhu)18 durkim, nazm  
devonlari mavjuddur va anda asror va nukat noma'dud.*

*Bu mazhari ajoyibqa guruhyekim tobe'dur, ba'zini arz qiloliki, kimlar  
voqye'dur; forsiy iboratda ul jumladin, nozimi javohiri asror Shayx Fariduddin  
Attordur19. Yana qoyili «Masnaviyi ma'naviy», g'avvosi bahri yaqin Mavlono  
Jaloluddin, ya'ni Mavlaviy Rumiyydurki20, maqsadlari nazmdin asrori ilohiy adosi  
va ma'rifati nomutanohiy imlosidin o'zga yo'qtur.*

*Yana ham avliyoi ogoh va mashoyix va ahlulloh borkim, bularg'a tatabbu' qilibdurlar va bular kalomi adosin va haqoyiqi ma'nosin mustahsan bilibdurlar. Bu xayldur haqiqat tariqining suxanvari, balki kimiyogari va kibriti ahmari.*

*Yana bir jamoatdurlarkim, haqiqat asrorig'a majoz tariqin ahsul qilibdurlar va kalomlari bu uslubda marbut etibdurlar. Andoqki, maoniy ahlining nuqtapardozi Shayx Muslihuddin Sa'diy Sheroziy<sup>21</sup> va ishq ahli guruhining pokbozi va pokravi Amir Xusrav Dehlaviy<sup>22</sup>, va tasavvuf va diqqat mushkilotning girihkushoyi Shayx" Zahiruddin Sanoiy<sup>23</sup> va faridi ahli yaqin. Shayx Avhaduddin<sup>24</sup> va maoniy adosig'a Hofiz Shamsuddin Muhammad ul-Hofiz<sup>25</sup>.*

*Yana jamye bordurlarki, majoz tariqi adosi alar nazmig'a g'olib va alar bu shevaga ko'prak rog'ibdurlar. Andoqkim, Kamol Isfahoniy<sup>26</sup> va Xoqoniy Shervoniy<sup>27</sup> va Xojuyi Kirmoniy<sup>28</sup> va Mavlono Jaloluddin<sup>29</sup> va Xoja Kamol<sup>30</sup> va Anvari<sup>31</sup> va Zahir<sup>32</sup>, va Abdulvosi'<sup>33</sup> va Asir<sup>34</sup> va Salmon Sovajiy<sup>35</sup> va Nosir Buxoriy<sup>36</sup> va Kotibiy Nishopuriy<sup>37</sup> va Shohiy Sabzavoriy<sup>38</sup>. Yana haqiqat va majoz tariqida komil va ilmi ikalasi tariqida vofiy va shomil, nazm ahlining muqtado va imomi hazrati shayxulislom Mavlono nur ul millati va-a-din Abdurahmon al-Jomiy (navvarallohu marqadahu va quddisa sirrahu)<sup>39</sup> durkim, avvalg'i tabaqa ravishi va kalomida ham sharifmaqol va so'ngg'i tabaqaning ham adosi latoyifida sohibkamoldurkim, olamda zavqu hol ahli bular latoyifi bila masrurdurlar va bular maorifi bila huzur qilurlar.*

*Yana adno tabaqasi jamoatedurlarkim, nazm faqat bila ko'ngullar xushnud va xursand va roziyu bahramanddurlar. Va yuz mashaqqat bila bir baytkim bog'lashturg'aylar, da'vo ovozasin yetti falakdin oshurg'aylar. So'zlarida ne haqoyiq va maorif no'shidin halovat va nazmlarida ne shavq va ishq o'tidin harorat. Ne shoirona tarkiblari ahsan va ne oshiqona so'zu dardlari shu'laafgan. Ba'zidin agar gohi birar yaxshi bayt voqye' bo'lur, ammo o'n oncha yamon da'vo zohir bo'lurki, u ham zoye' bo'lur.*

*Agar biri bir nozuk ma'nida pisandida pech qilur, ammo o'n oncha nopisand da'vo bila ani ham hyech qilur. Go'yo o'zlariga aqidada muvofiqdurlar va so'zlariga e'tiqodda muttafiq.*

*Turfaroq bukim, har birining so'zida ma'no ozroq va o'zida da'vo ko'proq (nauzu billohi min shururi anfusino va min sayyoti a'molino)<sup>40</sup>.*

*Ruboiy:*

*A'lolaridur nedinki dersen a'lo,  
Adnolari ham barcha danidin adno.  
Avsatlarikim, hyech nimaga yaramas,  
Bilkim, nafas urmamoq alardin avlo.*

### **O'n yettinchi fasl KOTIBLAR ZIKRIDA**

*Kotib shuaro so'zining varaqnigoridur va so'z maxzanining xazonadori. Xozin hunari amonat bo'lur va tasarrufi xiyonat bo'lur.*

*Aminki, xiyonatg'a mansub bo'lg'ay va o'z hunarida ma'yub bo'lg'ay, andoqning ilgi qat'i xo'b bo'lg'ay. Yaxshi xat va nuqtadin safhag'a jamol, andoqki, yaxshi yuz safhasig'a xattu xol.*

*Xushnavis kotib so'zga oroyish berur va so'zlaguvchiga osoyish yetkarur. Roqimki, raqami rostdur, rostlar ko'ngliga qabuliyati bexost. Muharrirki, tahriri tuz pisandidadur, agar bir bayt bitir, agar yuz. Agar xat surati noxushdur ma'ni xayli andin mushavvashdur.*

*Xushnavis'hamkim, sahviko'pbo'lg'ayilgifalajillatig'ajo'bbo'lg'ay. Ulki, bejonuqtabila «habib»ni «habis» qilg'ayva «muhabbat»ni «mehnat» - aningdekhabsimehnatzadag'ayuzla'nat. Yamon xatg'a g'alati behisob, qarriyi masxara soqolig'a xizob. Ul xatni qirqib mabrazg'a tashlag'oli yaxshi va iyasini moliki do'zax jahannamg'a boshlag'oli.*

*Mahubdin maktubkim, ham xati xo'b bo'lg'ay va ham mazmuni xo'bjong'auldur marg'ub va ko'ngulga uldur matlub. Xati yamon ham bo'lsa yamon emas, muhib mahub xatini yamon demas.*

*Yamon kotib manzili qalamdonidek choh aro bo'lsun, qalamidek boshi yaro va yuzi qaro bo'lsun.*

*Bayt:*

*Qaysi bir kotibki, ul so'zga qalam surgay xilof,  
Ul qaro yuzluk boshi bo'lsun qalam yanglig' shikof.*

### **O'nsakkizinchifasl DABIRISTON AHLIZIKRIDA**

*Maktabdorbegunohma'sumlarg'ajafokor.*

*Atfolazobig'arog'ibvaalarta'dibig'amurtakib. Zoti bemadoro, dimog'i po'lod va ko'ngli xoro. G'azabdin qoshida chin, gunahsizlar bila oyini xashu kin. Ko'pragida tab' g'ilzati va tama' illati padidor va aql qillatig'a giriftor. Ammo tavsani atfol ta'bini jafu bila rom qilg'uvchi, nohamvor sig'or tavrig'a siyosat bila andom berguvchi. Agarchi xo'ylari durushluqda namoyondur, ammo atfol nohamvorlig'i islohig'a irik suhondur.*

*Aning ishi odamdin kelmas, qaysi odamki, dev qila olmas, har qattig' kishini bir tipl muhofazati ojiz etar, ul bir surukka ilm va adab o'rgatgay, anga ne yetar. Oncha borkim, ul qavmning idroku fahmi oz tushar, andoq kishiga yuz muncha mashaqqat ne bushar. Har taqdir bila atfolg'a haqqi ko'pdur, agar podshohliqqa yetsa va anga qulluq qilsa xo'bdur. Shogird agar shayx ulislom, agar qozidur, agar ustod andin rozidur - tengri rozidur.*

*Bayt:*

*Haq yo'lida kim senga bir harf o'qutmish ranj ila,  
Aylamak bo'lmas ado oning haqin yuz ganj ila.*

### **O'n to'qquzunchi fasl IMOMLAR ZIKRIDA**

*Imomat qilg'uvchi o'z qiroatining sheftasidur va o'z namozining fireftasidur.*

*Kishilikdin xayolida tasavvurlar va yaxshilikdin zamirida takabburlar. O'z namozin maqbul taxayyul qilg'on jamoat namozi qabuliyatini ham takafful qilg'on. Biyik qiroati mahzi ra'noliq va anoniyat jamoatdin ilgari chiqmag'ay ayni rasvoliq va nafsoniyat xayoli xalqqa peshvoliq va tasavvuri elga muqtadoliq. Namozg'a imomat komil imom ishidur va o'zni mundoq tasavvuf qilg'on johil va notamom*

*kishidur. Imomat munosibdur pirdin murid xaylig'a tafhim uchun yo muallimdin suruki tifli norasidag'a ta'lim uchun yo olimdin juhholg'a shafqat uchun, yo komildnn tanobe' va iyolg'a tarbiyat uchun. Odobi ibodat. talqinig'a kamohi va ta'limi shariat oyinig'a nokohi nokomdin munosibdur, zaruratdin tajviz qilsa bo'lur. Ammo vazifa va ulufa yemak va o'zin muqtado va imom demak odamiy ishi emas. Va andoq kishini odamiylarkishi demas.*

*Qit'a:*

*Valoyat ahliga41 jam'i malomatig'a boq  
Ki, xalq ko'zidin aylar namozini yashirun.  
Bu turfaroqkim, namozida mu'jibi nodon,  
Tutar imomat uchun xayl qiblasida o'run.*

### **Yigirmanchi fasl MUQRIYLAR ZIKRIDA**

*Muazzineki, haqibodatig'anidoqilg'ay, jonangafido,  
agaryaxshisavtbilaadoqilg'ay.*

*Agarpoklikvaniyozbuishgamulhaqdur, omuxosko'ngligamaqbulimutlaqdur.  
Bunidoyomonlarnifisqkunjidinmasjidsoriboshqarurandoqki,  
fusungaryilonnitaronabilateshukdinchiqarur. Agarmuqriylavanddur,  
badovozukulg'undidur, lahninosoz,  
badanivuzu'qaydidinnopokvaxushvaqtrioyatidinbebok. Ruhi toat zavqidin bexabar  
va uni savt ul-  
hamirdin ankar. Man' va nahy tufrog'in og'zig'a urmoq avlo, balki toq yo  
minordin uchurmoq avlo.*

*Ruboiy:*

*Muqriyki, erur pokro' va zohidvash,  
Alxoni xush va husni adosi dilkash.  
Jon anga fidoki, ruh etar andin g'ash,  
Agar bo'lsa munung aksi nafas urmasa xash.*

### **Yigirma birinchi fasl HUFFOZ ZIKRIDA**

*Hofizg'aki, yaxshi mahzaj va ado bila tilovat bo'lg'ay, mustame'larning ruhiga andin osoyish va jonig'a halovat bo'lg'ay. Agar husni savt bularg'a yordur eshitkuvchi sohibhol bo'lsa, ishi dushvordur. Agar bad lahja bo'lsa va bad ado surma aning g'izosi qilsin xudo. Agar fosiqdur, bad maosh surma ham hayfdur, bo'g'zig'a munosibdur tosh. Agar bovujudi bu hollar bila ko'p o'qug'ay umid ulkim, og'zi sadaf og'zidek va tili savsan tilidek qurug'ay.*

*Bayt:*

*Yorabki, hyech bazmda ul nag'ma qilmag'ay,  
Og'zi g'izodin o'zga nimaga ochilmag'ay.*

**Yigirma ikkinchi fasl**  
**MUTRIB VA MUG'ANNIYLAR ZIKRIDA**

*Mutribitarabafzo, mug'anniyig'amzudo* -  
*ikalasigadarduholahlijonqilurlarfido.*

*Ulkiko'rguzgaymuloyimtaronaunag'am, agareshitguvchininghayotinaqdiangafidobo'lsaneg'am. Ko'ngul quvvati-xushnavozdin, ruh quti - xushvozdin. Xushxon mug'anniydin dard ahlining o'ti tezdur, agar malohati bo'lsa, hol ahlig'a rustoxezdur. Har mug'anniyki, dardmandonaroq nag'ma chekar, aning nag'masi zaxliq yurakka kovgarroq tegar. Otashin yuzluk mug'anniyki, xilqidin muloyim surud chiqorg'ay, hol ahlining kuygan bag'ridin dud chiqorg'ay.*

*Muloyim mutribki, tab' va fahm anga yor bo'lg'ay, xususanki, ham aytg'ay va cholg'ay, ko'ngul mulkiga ne qo'zg'olonlarki solg'ay. So'luk ahlig'a bir maxuf yer bu manzildurkim, anda ham kamol, ham nuqson hosildur. Solik bu yerda bir muhlik oh bila ham maqsudg'a yetubdur va bir na'ra'i jonkoh bila yillar qozg'ong'oni ham ilgidin ketibdur.*

*Shibliy42 va Nuriy43 (quddissa sirrihumo)44 samo'da kettilar, bu yo'l suluki bila maqsud sarmanzilig'a yettilar. Baso ahlullohki, arg'anun unidin dayrg'a kirdi va din va islom naqdin mug'bachalarg'a boy berdi.*

*Mayxonada kimki maydin ibo qilg'ay, nay uni bir dilkash navo bila ani rasvo qilg'ay.*

*Agarkishimayxavosinboshidinchiqorur, g'ijjakmaddinolasibilaangayolborur.*

*Vatanburpardadag'ifitnadinhaloketarvaofiyatpardasinchoketarvachangzorlig'bila bo'g'zintortarvaudlisoninag'masiningtarg'ibichangidinhmortar.*

*Andakimrubobboshinergaqo'yubniyozko'rguzgayvaqo'buzquloqtutubayshg'atarg'i bohangnituzg'ay.*

*Chunqonunvachag'onanolasiquloqqatushgayvamahvashisoqiyyukunub, mayayoqqatushgay, ulvaqtzuhdutaqvog'anee'tiborvaxushuxiradg'aneixtiyor. Agarchiishqfaqrahrinirasvoqilurdabularinfarog'durvalekinulo'tniyoruturg'anayd amidinelumaydinyog'dur. Arabtevasi «hudi»45 lahnibilabodiyaaqat'idatezbo'lur, bulutbuxtisira'dsadosidinsoiqaangiz.*

*Insong'amahzig'alatxayoldurvaodamiyg'abuofatdinqutulmoqliqmaholdur.*

*Ammobutoifaningsoyirihamagarchitaraboyinvamehnatzadadurlarvalekinfilh aqiqat, laimsiyratvagadodurlar. Aytquvchi va cholg'uvchi zorlig' va iynamak bila olg'uvchi.*

*To buyurg'uvchida sila va in'om bor, alar mulozimdurlar va xizmatgor. To suhbatda ne'mat ko'p,alarga barcha amru nahying jo'b. Chun bazmda tana'um oz bo'ldi, alar ishi istig'nou noz bo'ldi.*

*Ne'mat degan nimaki tamom yo'q bo'ldi, alarning ko'ngli sendin tamom to'q bo'ldi. Agar yillar bahra olibdurlar ehsoningdin, oshnolig' bermay o'tarlar yoningdin. Oz olsalar nosipos, ko'p olsalar haqshunos. Aksari fosiq va badxo'y va qolg'oni kajtab'u durushtgo'y. Harakotlari tuzuksiz so'zlaridek va kalimotlari hashv va mahalsiz nozlaridek. Vafu alar tab'idin maslub, vafu ahli olida mardud*

va manqub. Mug'anniy vafosiz, kungir hayosiz. Agar yillar rioyat qilibsen va hamxonadur, bir qatlaki bermading - begonadur.

Er suratida shohidedur tannozi va muloyim kisvatida muhsidedur xona barandoz. Xavosqa dilfirebedur savt<sup>46</sup> va nag'am<sup>47</sup> bila, avomg'a rohzanedur tablu alam bila.

Nazm:

Kishiga bo'lmasun bu fitna duchor  
Ki, unidin najoti tayri uchor.  
Yonsa qo'nmoqqa tabl urar har dam,  
Kim o'shul qushqa ko'prak o'lg'ay ram.

### **Yigirma uchunchi fasl**

#### **QISSASOZ VA QISSAXONLAR ZIKRIDA**

Qissasoz - bekor va qissaxon - harzaguftor; har kim ma'junnok yo bangi, ko'nglida aning ma'rakasi ohangi. Biyik un bila ovuch qoqmog'i har dam, xirad va ozarm qushlari topmoq uchun ram. Harakotidin zohir telbalar atvori va kalimotidin bohir usruklar shiori. Teva qumalog'in sotarda qand deguvchi, ma'rakasidag'i mu'taqidlari ani sotqun olib yeguvchi.

Bayt:

Kishikim bo'lmag'ay ma'junu qandining Xaridori,  
Oning hangomasi birla tuzalmas hyech bozori.

### **Yigirma to'rtunchi fasl**

#### **NASIHAH AHLI VA VOIZLAR ZIKRIDA**

Voiz kerakki, «qolalloh»<sup>48</sup> so'z aytsa va «qola rasululloh»<sup>49</sup> muxolafatidin qaytsa, xudo va rasul yo'lig'a qadam ursal. O'zi kirgondin so'ngra nasihat bila elni ham kivursa. Yurumagon yo'lga elni boshqarmoq, musofirni yo'ldin chiqormoqdur va biyobong'a keturmak va bodiyada iturmakdur. Usrukki, elga buyurg'ay xushyorliq - uyquvchidekdurki, elga buyurg'ay bedorliq Uyqusida so'z degan jevligon bo'lur va degondek qilmoq ne degon bo'lur.

Va'zbirmurshidvaogohishidurvaaningnasihatinqabuletganmaqbulkishidur. Avvalbiryo'lnibormoqkerak, andinso'ngraelniboshqarmoqkerak. Yo'lni yurmay kirgan itar vag'ayri maqsud yerga yetar.

Voizuldurki, majlisig'axolikirganto'lg'ayvato'lakirganxolibo'lg'ay. Voizkim, bo'lg'ayolimvamutaqqiy - aningnasihatidinchiqqanshaqiy. Ulki, buyurubo'ziqilmag'ay, hyechkimgafoydavaasaraningso'ziqilmag'ay. Nazoirxon bila surguvchi maqol - dastiyor bila yirlag'uvchiqavvol.

Qit'a:

Voizki, dastyorsiz o'lmas suxanguzor,  
Anga yorodu<sup>50</sup> munga ayolg'uvchi<sup>51</sup> hukmi bor.  
Tengri so'zin ayolg'uvchi bo'lmay dey olmag'ay,  
Bir soz bo'lsa ham kerak ul qilg'ay ixtiyor.

**Yigirma beshinchi fasl**  
**AHLI NUJUM ZIKRIDA**

*Munajjimki, savobit va sayyor nazoratidin hukm surar, rammoldekdurki, nuqtalari hisobi bila lof urar. Ziji<sup>52</sup> - hyech va tafhim va tavqimi-g'alat taqsim; va usturlobi vojib-ul-ijtinob<sup>53</sup> va rif'at ul-qamari<sup>54</sup> befoyda va besamar. G'ofiledur bu asbob bila hangoma tutg'on*

*va haq taolo qazo va taqdiri so'zin unutmog'on. O'z ilgida bir anor bo'lsa bilmaski, necha parda va necha xonasi bor va har parda va har xonasida necha donasi bor va ul dona achchig'mudur yo zumuxtvash yo chuchukmudur va yo mayxush; borlar ani kesib yebdur va xosiyat va kayfiyatini bilib, elga ham sharh bila debdur.*

*Falaki mudavvar va nujum va burjiddin afsona der va alarning sa'd va nahsi hukmin surub tarona der. Bovujude ulki, o'n so'zidin ittifoqye biri ham rost kelmas, munung qabohatin yo bilmas va yo bilib ko'ziga ilmas. «Kizb al-munajjimun»<sup>55</sup> mazmuni bila aning so'zi yolg'ondur va o'z rostlig' kishvariddin yiroq qolg'ondur va basirat ko'ziga g'aflat pardasin solg'ondur.*

*Bayt:*

*Emas afloku anjum holi benaf'u zarar, lekin  
Ani tengri bilur, ermas munajjim bilmagi mumkin.*

**Yigirma oltinchi fasl**  
**TIJORAT AHLI ZIKRIDA**

*Tujjori sayohatshior aqolim va buldon holidin xabardor, ajoyibdin afsonaguzor va g'aroyibdin nodiraguftor.*

*Jiboltoshivadashtqumig'anoqasurgan,  
bihoramvojitalotumdinnaf'vazararko'rgan.*

*Halolro'zikasbigamasofatlarqat'etgan,  
jamiyatizohirtilabubotinparishonlig'lariangayetgan.*

*Biri yuz bo'lurdin boshida ming savdo, bo'zi katon bo'lurdin ko'nglida necha tamanno.*

*Mundoq kishining maqsudi tamom asig' bo'lmasa va bu asig' husuli uchun ranji qattig' bo'lmasa, savdo uchun tengizga kema surmasa, dur uchun nahang komig'a qadam urmasa, mol va diramni azamatig'a sabab qilmasa, xadam va hashamni hashmatig'a jihat bilmasa, nafis ajnosni<sup>56</sup> ayab chopon kiymasa, laziz ag'ziyani isirkab qurug' non yemasa, ranji maosh suhulati bo'lmasa va sudi ko'ngul farog'ati uchun bo'lsa, safardin azizlar suhbatig'a yetmak murodi bo'lsa va rioyatidin nomurodlari ishi kushodi bo'lsa shar'iy zakot bo'ynida qolmasa, fuqaro haqin o'z bo'ynig'a olmasa, yo'qki, molin aziz asrab, o'zini xor etgan va o'z molin tamg'odin o'g'urlab o'ziga mazallat yetgay, yo vorissipor uchun yig'ing'ay, yo hodisa qo'zg'ar uchun qovg'ong'ay. Mundoq kishi xoja emas, muzdurur va o'z razillig'idin hamisha ranjurdur.*

*Bayt:*

*Mundoq kishida yo'q xirad va hushdin nishon,  
Bilgil gado agarchi erur Xojai Jahon.*

### **Yigirma yettinchi fasl**

#### **ShAHARDA OLIB SOTQUVChILAR ZIKRIDA**

*Shahr savdogari g'adrkish o'ziga sud va musulmonlarg'a qahtandish. Elga ziyon aning sudi, o'ng'oy olib og'ir sotmoq aning maqsudi. Olurda katonni bo'z deb, sotarda bo'z vasfida katondin ortug' yuz so'z deb. Sholni to'rqa o'rnig'a o'tkara olur bo'lsa, ta'sir yo'q, bo'ryoni zarbaft yerida sota olur bo'lsa, taqsir yo'q. Do'konida barcha mato' mavjud, g'ayri insof. Noinsoflig'idin barcha jins hosil g'ayri taqsirg'a e'tirof. Tojiri musofir ul kadbonug'a hamzonu, balki ani cherikchi desa bo'lur, muni kadbonu. Anga sud - olg'uvchig'a nuqsoni mol, ikki jonibdin yolg'on ont ichguvchi dallol.*

*Bayt:*

*Bu xayl odam emaslar, yaxshi boqsang,  
Erur suding alardpn gar yiroqsai.*

### **Yigirma sakkizinchi fasl**

#### **BOZOR KOSIBLARI ZIKRIDA**

*Bozorda savdogar kosib-tengrig'a xoin va va'dag'a kozib. Birga arzirin yuzga sotmoqdin alarg'a ming mubohot, mingga tegarni yuzga olmoqdin alarg'a yo'q bir zarra uyot. Rostliq bila savdo alarg'a ziyonkorlik va va'dag'a vafo alarg'a badkirdorliq. Oxirat ikki savdosidin e'rozlari va amal mezoni adolatig'a e'tirozlari. O'g'ul atog'a boziy bermak peshalari, dag'alliklarin kirom ul kotibindin57 yoshurmoq andeshalari.*

*Bayt:*

*Bulardin kimki der o'zni valiydur,  
Agar qilsang yaqin, bir dog'uliydur.*

### **Yigirma to'qquzinchi fasl**

#### **SOYIR HUNARVAR VA SAN'ATPARDOZ ZIKRIDA**

*Hunarvar va san'atpardoz yolg'onlari ko'pdin-ko'pu chinlari ozdin-oz. Ishlarida dag'allik maqdur va haddidin nari, va'dalarida xilof xayol va gumondin tashqari. Chin so'zким, erga ulug' hunardur, alar qoshida aybi tamom, yalg'onkim, xaloyiqqa ulug' aybdur, alar olida hunari molokalom.*

*Masnaviy:*

*Tongdin oqshomg'a ishda san'atsoz,  
Hunar atvorida fusunpardoz,  
Aylabon bu tariyqni varzish  
Ki, birovga yugurtgaylar ish,  
Gar muaddiy, g'aniy yo'q ersa faqir,  
Anga bozi berurda yo'q taqsir.*

### **O'ttuzinchi fasl**

#### **ShAHNA VA ZINDONIYLAR VA ASASLAR ZIKRIDA**

*Dorug'avashahnavaasaso'g'rivaxuniyg'amumidvafaryodras. Zindon ahli - do'zax ahli.*

*Asaslar maloikai azob, shahna moliki do'zaxdek hukmron va olijanob. Gunoh ahli tavqu zanjirg'a giriftor, bu zanjiru tavqlari salosil va ag'loldin namudor. Kissabur bila muqammir asaslaridin bozor va qimorxonag'a musta'jir. Zindon chohidin o'g'rilar ko'ngli tiyraligi ma'lum, jurm ahlig'a anda parishon ko'ngulda havotirdek hujum. Gunahkorg'a anda umiddin biym ko'prak va badkirdorg'a anda inoddin taslim ko'prak. Har qatlakim, birovni tortib chiqorg'aylar, anda qolg'onlar o'zlaridin borg'aylar.*

*Qaytib kelganlarning naqlari muvahhish va xabar kelturganlarning mojarolari mushavvish.*

*Biridebki:*

*Bo'yninchopardayaxshio'lturdi.*

*biriyatimningruboiyo'qug'onidintahayyurda.*

*Bunav'sa'bholbehaddurvamundoqg'aribahvolbeadaddur.*

*Amalhirsichog'iasasmujrimningtutulmog'ig'asoniy, amadoo'zmatlubinihosilqilg'onidinsongraqutulmog'ig'adoiy.*

*Dunyodabumanzilqiyomatkirdorvamahshardado'zaxdinnamudor.*

*Banduzanjirliqgunahkorlarshaharzindonida, andoqki, ishqmuqayyadlaribaytul-ehzonida.*

*Tengribarchanibuyergakeltururaf'oldinyiroqtutsunvamanzilg'atushururahvoldingi roq.*

*Bayt:*

*Bir manzil erur anda base ranju uqubat.*

*Tushgan kishiga anda o'kush dardu suubat.*

*Vale ul haram ichra bo'lg'ong'a xos,*

*Umid ulki ham tengri bergay xalos.*

### **O'ttuz birinchi fasl**

#### **DEHQONLIK ZIKRIDA**

*Dehqonki, dona sochar, yerni yormoq bila rizq yo'lin ochar. Agar rostliq va salohi bordur, o'yi Solih noqasidin namudordur. Qo'shi ham ikki zo'r pahlavon, yukiga bo'yun sunub olida ravon; ish qilurda hamdam va hamqadam, dehqon alarni suradi andoqki Odam58. Olam ma'murlig'i alardin, olam ahli masrurlig'i alardin. Har qayon qilsalar harakot, elga ham qut yetkurur, ham barakot.*

*Dehqonki, tuzluk bila dona sochar, haq biriga yetti yuz eshigin ochar. Sochqon dona ko'karguncha, o'rub xirmon qilib, mahsulini ko'targuncha qurtu qush andin bahramand va dasht vahshi aning bila xursand. Mo'rlar uyi andin obod va go'rlar xotiri aning bila shod.*

*Kabutarlarg'a andin mastliq, to'rg'aylarg'a andin nishotg'a hamdastliq. O'roqchig'a andin ro'zi, boshogqchiniig yorub andin ko'zi.*

*Barzagarg'a andin kom hosil, pushtakashg'a andin murod vosil. Gado andin to'q, kadxudo to'qlug'i ham andino'q. Musofirg'a andin taom, mujovirg'a andin kom. Itmaqchi tanuri andinqiziq, allof bozori andin issiq. Fuqaro rizqi vofiy, g'urabo quti andin kofiy. Zohidg'a andin xuzuri toat, obidg'a andin lofi qanoat. Soyil xaritasida andin muhayyo aqtoi, shoh xizonasida andin bahru kon matoi.*

*Dehqonningbirdonasocharidabuholdur, o'zgaishlarita'rifimaholdur.  
Bog'ijannatdinnamudor, polizidaruhqutipadidor. Ashjoriningharbiricharxiaxzar,  
ulshajarvarayohinvafoqihinu jumvaaxtar. Fuqaro sirka va dushobi andin,  
ag'niyo nuqlu mayi nobi andin.*

*Gunogunfavoqihbilakimbog'datazyin,  
chamanmulkidabog'lanibta'biyavaoyin.*

*Mundoqkishikerakki, buxldinmuarrobo'lsavakizbuimsoqdinmubarro.  
Shohmolinberurdiniboqilmasavazabunsherikkajafiqilmasa,  
todonosidurrisaodatbarbergayvatuxmsochib, anjumiuluvvirif'attergay.  
MundoqdehqonOdamningfarzandixalafidur,  
balkimarzuqlarangafarzandvaulOdamisafiydur.*

*Q i t' a:*

*Kimki dehqonlig' ayladi pasha,  
Dag'i non bermak o'ldi anga shior.  
Buyla kimsa uluvvi rif'atdin.  
Odam o'lmasa, odamiy xud bor.*

### **O'ttuz ikkinchi fasl**

#### **YaTIM VA LAIMLAR ZIKRIDA**

*Avbosh bila arzol musulmonlardek alarg'a ne maosh va ne xisol. Insoniyat  
tab'laridin oriy, hayvoniyat balki sabuiyat alarning shiori. Yatimki pichoq urmoq  
aning ishi bo'lg'ay, o'zi telba it, pichoq aning tishi bo'lg'ay. Sog'lig'ida qutuz it  
va usrukligida qochib andin yuz it.*

*Panjalari nishi ajal qullobi, nechukkim dasht siboi, o'lturur kun uchun  
iymon duosidek o'rganib ruboiy. Yaxshi-yamon so'kun yetkurib, aqrabdek nechaki  
yetsa nish urub. Ne aql alarda ne din, ne hayo alarda va ne tamkin. Ishlari  
noe'timodlig' va nopoklik, varzishlari bemuruvvatlig' va beboklik. Shahrning soir  
arzoli hasharat ul-arz, xaloyiqg'a alardin ehtiroz vojib, balki farz.*

*Bayt:*

*Xaloyiq iyzo alarg'a sifot,  
Nabiy dedikim: «Uqtul ul-muziyot»59.*

### **O'ttuz uchunchi fasl**

#### **G'ARIB VA BENAZOLAR ZIKRIDA**

*Jut va lo'lining ko'pragi muzhik harakoti va tuz usuli. Muallaq urmoqlarida  
xoksorlig' oshkor, sarnigun turmog'larida bee'tiborlig' padidor. Anoniyatlari  
yuziga tezak solib chamanvar va insoniyatlig'lari doirasi manmunlarig'a chanbar.  
Kishilikdin sekrimoqlar bila qochib, yaxshilig'din masxaralig'lar bila malomat  
eshigin yuzlariga ochib. Bukun topqonni yeb, tongla g'amin yemay, tilab nima  
bermagandin shikoyat so'zin demay. Vatan va maskanlari xorlig' vayronasi,  
manzil va ma'manlari xoksorlig' koshonasi. Tong otqoch er va xotuni kasb uchun  
tarqashib, o'g'ul va qizlari ko'y va ko'chada butrashib. Har qaysi har nekim hosil  
qilib, oqshom*

*barcha bir yerga yig'ilib, topqonlari tugatmaguncha uyqu mayli qilmay; tongla  
ne yegumizdur demak so'zin bilmay. Tongla ishlari o'tgan burung'i kun ishi, bu*

ham bir ishdur agar qila olsa kishi. Bu razolat kishilik takabburidin xo'broq va bu zalolat yaxshiliq tasavvuridin marg'ubroq.

Bayt:

Kishi agar kishi o'lsa, o'zin kishi demagay,  
Qilurda hyech ishin ham kishi ishi demagay.

### **O'ttuz to'rtinchi fasl**

#### **MUBRIM GADOLAR ZIKRIDA**

Tilanchi va gado ko'pragi beg'ayrat va bahayo. Kunduz kezmaklari ibrom bila eldin nima olmok uchun, kecha kelib o'g'urlarg'a el jhotig'a ko'z solmoq uchun. Ne ne'mat olib mun'imdin shokir, ne in'om topib mukrim uzrig'a tillari zokir. Yemak bila ju'ahlidek me'dalarig'a to'lmoq yo'q, tilamak bila mustasqiydek suvdin serob bo'lmoq yo'q. Qadu va kachkuli mamlu bangilar xotiridek mutanavvi' xayolotidin. Xaritasi to'la riyoiy sufiylar zamiridek mutalavvin xavotir holotidin. Har diramki tugub, g'assoldin o'zga kishi ochmoq mahol, harsiykim ko'mub, tufrog'din o'zga birov ani yemakka yo'q ehtimol.

Ko'zlari hirsning «sod»i60 va tama'ning «ayn»i61 va bu hirs va tama'din jonu ko'ngullarida mahrumluq shayni. Bular orasida o'ziga qalandar ot qo'yg'on mal'un, odamiylik'din mag'bun va dev va shayton olida mat'un. Insoniyat va musulmonliqdin yiroq, to'nguz va ayig' odamiylik'da alardin yaxshiroq. Shakl tag'yiri bila odamiylik'din karona, po'stun evura kiymaklari hayvonlig' va sabuiyatdin nishona. Ulug'-kichikdin har turlukda gadoyi muvahhish, fosid xavotiridek sofiy ko'ngulga mushavvish.

Nazm:

Bermak bo'lmas alarg'a inson hukmi,  
Yo odamu mo'minu musulmon hukmi.  
Fosid axlotig'aki vojibdur daf'.  
Bo'lg'aymu kishi beray desa jon hukmi.

### **O'ttuz beshinchi fasl**

#### **QO'ShChI VA SAYYoD ZIKRIDA**

Qo'shchi sayyodlarg'a muqtado va hukmron va bu jamoat anga raiyyat va ma'muri farmonkim, ilgida qush kecha-kunduz ranj va mashaqqatg'a tush. Kecha uyqusi harom, emgakdin yo'q anga orom.

Nafis'hazziuchunbirgunohsizayog'igasolibbandvauzuntunlaraningazobibila xursand.

Amalrishtasintama'ignasigachehib, ulbezabonningko'rarko'znihamtikib.  
Maqsudianisayyodqilmoqvao'zgajonlig'larqasdig'ajallodqilmoq.  
Qunduzdashtuvodiyg'achopib, birnechazabung'ofiltopib,  
yuzmakruhiylabilaqushinalarg'asolibvaulsolg'oniulmazlumniolib.

Oldurg'ondinso'ngraulsaydboshiustidatutibo'run,  
qonito'lg'onzabunnibismilqilmasdinburun, nedeykiqanotinsuvurib,  
qo'ltig'inmuyoradurvao'ziulqotilshogirdinshaafbilato'yg'oradur. Necha  
mundoqningkim, qonin to'kti va qo'ltug'in yorib, qanotin so'kti. Fitrokiga bog'lab  
uyiga yondi, o'zi va qushi qilg'onlarg'a quvondi. Shum nafs hazzig'a bir-ikki

ayog'larig'a irtikob qilg'ay va olida shirolg'asin kabob qilg'ay. Ba'ziniki, tongla begiga eltib tortqay, aning iltifotidin ko'ngliga juldu tama'i ortg'ay.

Qush ta'rifida degani barcha lof, o'z tahsinida so'zlagani bori gazof. Muncha mazmun amrig'a bois nafs komi, xoh emgagi, xoh tomoshasi, xoh kabobi, xoh bek in'omi.

Masnaviy:

Bular boisi barcha nafsoniyat

Ki, anda doxil insoniyat.

Ko'nolg'a olib qayda qo'nsa diram,

Ot arpasi ham, qushig'a to'ma ham.

### **O'ttuz oltinchi fasl**

#### **TARBIYAT TOPIB, XAROMNAMAKLIQ QILG'ON NAVKARLAR ZIKRIDA**

Navkarki, vali ne'matidin rioyat ko'rgay va bek va maxdumidin tarbiyat va inoyat ko'rgay.

Erlik va insoniyat uldurkim, muqobalasida qulluq va hidmatkorlik, balki yakjihatliq va jonsiporliq qilg'ay va tilagaykim, anga jon fido etgay to shafqati huquqin ado etgay.

Hamiyat ul emaski, maxdum yana birovga ko'prak multafit bo'lg'onidin shikoyat izhor qilg'ay va gilamandlig' guftu guzori, to ish anga yetgaykim, ne'mat kufroni orog'a tushgay va haq noshinosliq tug'yoni mojarog'a surushgay va bu odamiysizliq qochmoqqa munjar bo'lg'ay, aduv eshigiga borurg'a muqarrar bo'lg'ay. O'zin birovga qul deb sotqon dodaktur, balki dodakdin yuz qatla kamrakdur. Bataxsiski, mufrit tarbiyat ko'rmish bo'lg'ay va muqobalada beandom loflar urmish bo'lg'ay. Abrki, bir yerdin yana bir yerga qochqay, nomardliq tufrog'in yigitlik boshig'a sochqay. Chun mundoq kishi erlik sonidin noridur va yigitlik doirasidin tashqaridur.

Hokimekim, kiyosatibor,  
aningqoshidamundoqkishigaqachoneranlarsiyosatibor.

Eranlardinmardonagunohvujudqakelsa,

bo'ynig'ayuklangandinso'ngbo'yinurarlar,

qizilyuzlukqiluruchunbo'ynig'atig'surarlar.

Ammoaningso'rxro'lug'ig'agulgunasazovordurvayuzoqlig'ig'amunosibsapidabord urkim, qarimuxannasmabhutvaaningxolazodasikaftorifartutshirkat

bilamashshotaliqtuzgaylarvabukelinzebuziynatidasehrlarko'rguzgaylarvaqoshinoli b, vusmagashoyistaqilg'aylar. Saqolin qirqib, ikki quloq tuzig'a zulflar oshuftahol qo'yg'aylar.

Ammo ikki uzori tarafidin chap va rost ikki xol qo'yg'aylar. Oriyati dastorin boshig'a burunjok qilg'aylarki, arusi masturadur va gardizi nomasturdur kashidalig' yog'liq farfig'a lachak solg'aylarki, javoni mahdur va xalla nozukligi nomaqdurdur. Bu nav' orasta qilg'ondin so'ngra chanbarshoh yo'rg'a o'yg'a teskari mindurgaylar va shahrning ko'y va mahallotig'a kezdurgaylar va nazzoragar el ta'nu tashni' bilakim, «chor dong sipohgari govmish toxtan ast»,<sup>62</sup>-deb faryod qilg'aylar. Va agar yuz qarolig'idin uyot va qaro tillik bo'lurdin hijob

*bo'lmasa anga munosib hariflar mastur va anga muvofiq oshiqlar mazkur bo'lgay erdi va ayshu nishot bazmi qurilg'ay erdi. Ammo andoq siyohro'yning tavezhi ul nav' qaro yuzlukning tafzih har nechakim olam ahliga multamas bo'lg'usidir.*

*Bayt:*

*Bu nav' masxaraliq elga bas durur hayrat  
Ki, o'lg'ay eshitibon kinga bor esa g'ayrat.*

### **O'ttuz yettinchi fasl**

#### **KADXUDOLIG' SIFATI VA XOTUNLAR ZIKRIDA**

*Muvofiq tushsa kadbonu, davlat va jamiyatg'a bo'lmoqdurur hamzonu. Uyning oroyishi andin va uylukning osoyishi andin.*

*Jamoli bo'lsa marg'ub va salohi bo'lsa jong'a matlub. Oqila bo'lsa, ro'zgorg'a andin saloh va intizom va maosh asbobig'a andin tartib va saranjom.*

*Bu nav' juft kishiga qovushsa, balki mundoq komgorliq ilikka tushsa, nihoniy g'amu mehnatda hamroz va hamdaming bo'lg'ay va maxfiy va pinhon dardu mashaqqatg'a damsoz va marhaming bo'lg'ay. Ro'zgordin har jafo yetsa, anising ul va charxi davvordin har ibtilo kelsa, jalising ul. Ko'nglung g'amidin ul g'amnok va badaning za'f malolatidin ul halok.*

*Agar husnu jamoli o'rta chog'lig'dur va muvofaqati rishtasi muxolifatqa bog'luqdur, xayfu rajo bila tirilmakdur va hikmat va mador bila maoshini bilmakdur. Kadxudoning ba'zimushkili bo'lsa osondur. Ammo ko'proq holid ko'ngul harosondur. Bu nav' ne ham nofarjomliq va nokomliq bila tahammul qilg'ay va har nechuk bo'lsa o'tkarilg'ay. Ammo, nauzubillox, nosoz juft elga muhlik marazdur oshkor va nuhuft. Salita bo'lsa, ko'ngul andin shikanja. Yamon tillik bo'lsa, abushqa ko'ngli andin yaroliq'.*

*Ulki avval mazkur bo'ldi va yuqoriroq mastur bo'ldi ro'zg'or anosidin yuz yilda bir tug'mas va yuz mingdin bir yuliqmas. Yo'luqqan kishiga toji torak bo'lsun va bu saodat anga muborak bo'lsun.*

*Alar makri ta'rifida ko'p ulumda dono va ko'p diqqatlig' xukumo kitoblar tasnif etibdurlar va mujallidlar bitibdurlar va mubolag'alar bila bastlar qilibdurlar. Va hanuz o'zlarini ojiz va muqassir bilibdurlar. Bu bir necha parishon kalomot birla ne nav' ta'riflarin aytsa bo'lg'ay va tavsiflarining yuzdin biriga yetsa bo'lg'ay. Ammo xos ul-xoslari bularg'a aksi mutlaq haqgo'y va haqshunos va tillarida haq va ko'ngullarida dag'i haq. Ulamoi islomg'a alardin foyidai umid, avliyo a'zam alar anfosidin mustafid, anbiyo mursilinni alarga modih bilg'il, maloika muqarribin alarg'a egachi-singil. Iffat toridin boshlarida muqna' va ismat hullasidin yuzlarida burqa', bu burqa'ni ul yuzidin haq yiroq qilmasun va futur yelidin bu parda ul vajhdin ochilmasun.*

### **O'ttuz sakkizinchi fasl**

#### **RIYOIY SHAYXLAR ZIKRIDA**

*Shayxi riyoiy - ra'noliq jilvanamoyi. Misedur, oltun bila ro'kash, tashi xushnamo va ichi noxush. Surati darveshvash va ma'nisi sarosar g'ash. Orostalig'i barcha qayd va karomati tamomshayd. Amomasi riyosat yuki, boshida bir fosid xayol har tuki. Egnidag'i muraqqa' rangomezliqbila mullama'. Ridosi*

uyubining pardadori va riyo charxi igirgan har tori. Misvoki tama' tishin elturga suhon; shonadonida rishxand olati nihon. Muhrabozliq tasbihin evumak va uzunroq namozdin g'arazi el ko'rmak. Kulohi davlat ul davlatmandg'a dastor va uzunroq aloqasi tulku quyruqidin namudor. Mahalsiz sayhasi bag'oyat sovuq, andoqki, vaqtsiz un tortqon tovuq.

G'aflatdin avrodida alolo, nechunkim mastlar bazmida «dirno talolo»<sup>63</sup>. Barcha kalimotihiyatangez va majmu' harakoti g'arazomez. Voqyeasi bari yasalg'on. Uyg'oqlig'ida degani barchayolg'on. Simoi usuldin tashqari, vajdu sa'qasi ta'rif ohangidin nari. Suratida muncha pech dar pech, ma'nisi xud boshdin-ayoq hyech. Bu habis zotg'a muncha oroyish, eranlar holidayin andanamoyish.

Hayhot-hayhot, uyat, yuz ming uyat. Turfa bukim, bu mazharg'a muridlar ham bor, xizmatida barcha sheftau qaror. Ul bu do'konni yurutib tadbir bila va ma'rakani qurub tazvir bilakim, shayoting'a mahalla hayratdur va devi laing'a mujibi ibrat va nafratdur.

Nazm:

Faqr ismi birla muncha zarqu shaydu bu riyo,  
Saltanatdekdurki, qilg'ay podshohi bo'ryo.  
Bu agar darvesh o'zin qilsa gumon, ul podsho,  
Yo'q ajab, chun ikkisida yo'q turur aqlu hayo.

### **O'ttuz to'qqizinchi fasl XAROBAT AHLI ZIKRIDA**

Rindi<sup>64</sup> xarobatiyki, may ichmak bila o'tar avqoti, hubobdek boda havosi boshida, surohidek bosh qo'yar yeri sog'ar qoshida. Dayrda<sup>65</sup> har qayonki bazme qurub, sabukashlik vasilasi bila o'zin yetkurub. Nomus dastorin boshidin olib, bir, jur'a uchun mayfurush oyog'ig'a solib.

Mayxona taraddudidin bexonumonlig'i, paymona taalluqidin besaru somonlig'i. Har mug'bacha ilgidinki, jome tortib, Jamsheddin<sup>66</sup> istig'no va shavkati ortib. Mug'bachalar yuzi olida butparast, dayr piri ayog'ida boshi tufroqqa past.

Yoqasi mayxora sho'xlar ilgidin chok, ko'ngli ham alar ishqi tig'idin zaxmnok. Dayrda may gadolig'ig'a ashg'oli, ilgida mayxonaning sinuq safoli. Rasvoliq ko'yida ayog'i yalang, boshi xam va badmastlar dastburdidin manglayi zaxmliq, qoshi ham. Vujud shaxsin qilur uchun pomol, majolisda yeri safi niol. Boshig'a amoma mehnatin ortmay, bo'ynida rido minnatin tortmay.

Nafsi garchi tufroqqa hamdast, himmati olida falak past. Zamon navoyibidin ko'ngli g'amsiz, falak havosidin xotiri alamsiz. Bujud va adamdin bo'lmay haroson, boru yo'q himmati olida yakson. Surohidek talx yig'lamoqdin nishoti, maydek ayoqg'a tushmakdin inbisoti.

Mug' dayridek bir dam sog'olmay, dahr xayru sharrig'a ko'z solmay, Zamon yaxshi-yamoni bila ishi yo'q, desa bo'lg'ayki, olamda mundoq kishi yo'q. Dahr ahli zulmidin mundoq maosh muhiq, haq avf va rahmatig'a mustahiq. Vujud maykadasi tufrog'ida foniy, umidi haq karamidin baqoyi jovidoniy. Rind va gadog'akim yetib bu iqbol va davlat, shohlarg'a aning holidayin orzu va hasrat.

*Ruboiy:*

*Rindeki, fano jomini tortar payvast,  
Dunyo bila oxiratqa ermas pobast.  
Haq rahmati umidi bila tun-kun mast,  
Ko'p ortuqroqki, zohidi zarqparast.*

*Umid ulki, bori nomurodlarg'a haq bu fano davlatin qarib qilg'ay va tavba saodati bila baqoyi jovid nasib etgay.*

### ***Qirqinchi fasl***

#### **DARVESHLAR ZIKRIDA**

*Darvesh67 uldurkim, bo'lg'ay rizoandesh, agar ichida bo'lsa yuz nish toshi bo'lg'ay marhamoyin va malomatkesh. Darvesh kerakkim, sidqu fano tariqin tuzgay, o'zin nechukki, bor andoq ko'rguzgay. Anoniyat g'ilzatisig'a qotiq riyozatlar bilasaf o bermish bo'lg'ay va nafsoniyat shiddatidin azim mujohidalar bila chiqib, faqr tariqig'a kirmish bo'lg'ay va fano dor ulamoni jamoat xonasig'a yetmish bo'lg'ay. Himmati nazarig'a mosivollohi nomavjud, balki vujudi mutlaqdin o'zga barcha nobud. Ichi toshi bila muvofiq, balki ortig'roq, botini zohiri bila musoviy, balki yorug'roq. Agar zohirida botin ixfosi uchun ko'runsa andin murode bo'lsa malomatlashliq. Botini sofi zohir tiyraligi koni munofiy. Darvesh to'ni yirtuq andoqtururkim, ganji makoni buzuq. Saro ahli jahonda andoqdururkim, Faridun68 ganji vayronda.*

*Ma'ni ahli haqiqati maxfiy va surat ahlining haqiqiy da'vi va da'viyi haqiqatda bema'ni.*

*Eranlar hollari suratin yoshurubturlar va malomat suratida na'li bozguna urubturlar va zohirlari binosin buzubturlar va botinlari asosan tuzubturlar. Qazodin ne kelsa o'zlarin rizog'a yosobturlar va olam ahlining qotig' ranj va irik malomatig'a chidabdurlar. Yemak-ichmakdin kechibdurlar. Haq rizosin istarda g'am yeb va qon ichibdurlar. Rizovu taslim zoviyasi maqomlari, fano bodiyasida oromlari. Adabu tavoze' alarg'a kish dushman va do'stig'a inkandesh. Bu sifat va oyin bila bo'lg'on erur darvesh.*

*Ruboiy:*

*Yo rabki, fano qushin romim ayla,  
Romim demayinki, saydi domim ayla.  
Ham faqr tariqida xiromim ayla,  
Ham zoviyai fano maqomim ayla.*